



ҚУРБАНОВ Д.Р.

14

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ-РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ВА САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШНИ  
МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР АСОСИДА  
РАҚБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



626.01(575.1)  
K-84.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБАНОВ Д.Р.**

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ВА  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ДАСТАКЛАР  
АСОСИДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*(Монография)*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
90 йиллигига бағишланади*



**VNESHINVESTPROM**  
**Тошкент – 2021**

УЎК 556.18(575.1)  
КБК 31.5(5У).  
К 18538

Курбанов Д.Р. Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона ва самарадорли фойдаланишни молиявий дастлақлар асосида рағбатлантиришни такомиллаштириш // Монография. – Т.: VNESHINVESTPROM, 2021. – 256 б.

**КБК 31.5(5У). К 18538**

***Иқтисодийёт фанлари доктори, профессор Т.С.Маликовнинг  
раҳбарлиги ва умумий тахрири остида***

Ушбу монография мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни оширишнинг молиявий механизмини тадқиқ этишнинг фундаментал масалалари; мамлакатда сув ресурсларини бошқаришнинг амалдаги тизими ва унда молиявий механизмнинг ўрни; сув ренти, сарф, тўловлар ва сув солиқлари – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмнинг муҳим таркибий қисми; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмнинг асосий элементи эканлиги билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан илмий изланишлар натижалари ёритиб берилган.

Монографияда тадқиқ қилинган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва келинган хулосалар, шунингдек олиб бориш таҳлил натижалар асосида мазкур илмий монографиядан соҳа бўйича профессор-ўқитувчилар, докторант ва мустақил изланувчилар, талаба ва магистрантлар, амалиётчилар, соҳага қизиқувчилар ўз фаолиятларида кенг фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:**

Т.С. Маликов – Тошкент Молия институти “Молия” кафедраси мудири, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

**Тақризчилар:**

Н.Х. Хайдаров – Қадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ўринбосари, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

У.В. Фафуров – Тошкент давлат иқтисодийёт университети, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

*Монография Тошкент давлат иқтисодийёт университетининг 2021 йил 31 мартдаги университет Кенгашида муҳокама қилинган ва 8 – сонли қарор билан нашрга тавсия этилган.*

**ISBN 978-9943-6706-6-2**

© VNESHINVESTPROM, 2021.

© Курбанов Д.Р., 2021.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ ..... 5

**I БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ  
МЕХАНИЗМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ .....15**

1.1- §. Дунё сув ресурсларининг ҳолати, улардан  
фойдаланилиши, оқибатлари, умумий тенденциялари .....15

1.2- §. Ўзбекистон иқтисодийи тараққиётининг стратегик  
омили сифатида сув ресурсларидан фойдаланишнинг вазифалари,  
тамойиллари ва устувор йўналишлари .....40

1.3- §. Молиявий механизм ва унинг сув ресурсларидан  
фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги роли .....55

Биринчи боб бўйича хулосалар.....67

**II БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ (МОЛИЯВИЙ) МЕХАНИЗМИ, УНДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ Йўналишлари, СУВ  
Хўжалиги секторининг муаммолари ва илғор  
хорижий тажрибани мамлакатимизга  
мослаштириш масалалари.....69**

2.1- §.Ўзбекистонда сув хўжаликлари тизимини бошқариш  
иқтисодий-молиявий механизмидаги ўзгаришларнинг асосий  
йўналишлари ва сув муносабатларини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан  
таъминлаш.....69

2.2- §.Ўзбекистон сув хўжалиги секторининг муаммолари ва  
уларни ечиш йўллари .....77

2.3- §.Сув ресурсларини оқилона ва самарали бошқариш  
борасидаги хорижий тажрибани сув хўжаликларини бошқариш  
tizimining Ўзбекистон моделига мослаштириш .....96

Иккинчи боб бўйича хулосалар .....120

**III БОБ. СУВ РЕНТАСИ, БАҲО, Тўловлар ва СУВ  
СОЛИҚЛАРИ – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ**

**МЕХАНИЗМИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ СИФАТИДА .....121**

3.1- §. Сув рентаси, уни ҳисоблаш муаммолари, сув рентаси ва солиқ тизими .....121

3.2- § Сув хўжалигида баҳоларни шакллантириш.....134

3.3- §.Сувдан фойдаланиш бўйича катъий тўловлар ва сув солиқлари.....140

Учинчи боб бўйича хулосалар .....149

**IV БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФойДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИ-ЛИГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ .....151**

4.1- §.Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг роли .....151

4.2- §.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ амалдаги механизмининг таҳлили .....158

4.3- §.Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўналишлари ва уни математик моделлаштириш .....187

Тўртинчи боб бўйича хулосалар .....212

**ХУЛОСАЛАР .....215**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....219**

**ИЛОВАЛАР .....239**

## КИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда сув тақчиллиги муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши, ҳаёт фаровонлиги даражасини яхшилашга интилиш энг аввало истеъмол килинаётган сув ҳажмларининг экстенсив ўсишига олиб келмоқда. Жаҳонда 1980 йилдан бошлаб сувдан фойдаланиш даражаси йилга ўртача 1%га ўсиб бу тенденция 2050 йилгача ҳам ўртача ўсиш суратини сақлаб қолиши кутилмоқда, бу эса мавжуд ҳолатга нисбатан 20-30% кўп демакдир<sup>1</sup>. Сув истеъмолнинг интенсивлашуви юқори технологик даражани кўзда тутиб, бу ўз навбатида катта ҳажмдаги инвестицияларни тақозо қилади. Бундай ҳажмдаги инвестицияларни амалга ошириш учун керак бўладиган молиявий ресурслар етарли эмас. Жумладан, «кейинги йилларда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида сувдан фойдаланишни яхшилашга 500 млрд. долл. маблағ инвестициялар ажратилиб, бу умумий эҳтиёжнинг атиги 30 фоизини ташкил этади»<sup>2</sup>.

Жаҳонда сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширишда молиявий ресурсларни жалб этиш ва оқилона ишлатилишини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув ресурсларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш, сувдан фойдаланиш харажатларини ҳамда тарифларини мақбул тарзда шакллантириш, мазкур жараёнлар самарадорлигини оширишда молия механизмининг умумий таъсирини аниқлаш ва таъсирчанлигини кучайтириш, алоҳида молиявий дастакларнинг сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсирини баҳолаш муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини белгилашда аграр соҳанинг муҳим ўрин тутиши, Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазиятнинг кескинлашуви, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги

---

<sup>1</sup> Burek P., Satoh Y., Fischer G., Kahil Mt., Scherzer A., Tramberend S., Nava Lf., Wada Y., Et al. 2016. Water Futures and Solution – Fast Track Initiative (Final Report). IASA Working Paper. IASA, Laxenburg, Austria: WP-16-006. P.88.

<sup>2</sup> Рабочее резюме Обобщающий доклад 2018 г., посвященный Цели устойчивого развития 6 по вопросам водных ресурсов и санитарии.

муаммоларнинг ўз аҳамиятини сақлаб қолиши мамлакатда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини масалаларига алоҳида долзарблик бахш этади. Бундай шароитда мамлакатдаги сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш режимига риоя қилиб, уларнинг оқилона сарфланишини йўлга қўйиш устувор йўналиш касб этиши табиий. Шунга кўра, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаб қўйилиши»<sup>3</sup> мазкур масаланинг аҳамиятини намоён этади. Бу эса, ўз навбатида, давлат томонидан амалдаги ва ишга туширилиши мумкин бўлган барча, шу жумладан, молиявий дастакларнинг мазкур муаммони ҳал этишга йўналтирилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883-сон «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4536-сон «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3823-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу монография тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони 1-илоvasи. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Сув ре-сурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Economic Development Institute, World Bank, The Hebrew University of Jerusalem (Исроил), Harvard University (АҚШ), Montpellier Business School, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), United Nations Development Programme-UNDP, Asia-Pacific Economic Cooperation (АПЕС) (Сингапур), Oxford University (Буюк Британия), Vaseda University (Япония), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув муаммолари институти, Макроиқтисодий ва стратегик тадқиқотлар маркази, Иқтисодий тадқиқотлар маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: сув ресурсларини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий усуллари ишлаб чиқилган, уларни бошқариш стратегиялари асослаб берилган (Integrated Water Resources Management (IWRM)); сувдан самарали фойдаланиш режалари ишлаб чиқилган (Global Water Partnership (GWP)) ва сув ресурсларини бошқариш тартиби яратилган (Water Governance (WGOV)), сув ресурсларидан фойдаланишда рента муносабатларининг ўрни ва сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашнинг иқтисодий механизмлари аниқланган (Water Framework Directive (WFD)); сувдан самарали фойдаланиш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик исботланган, сув ресурсларини комплекс бошқариш муаммоларига янгича ёндашувлар аниқланган (Agricultural Value Chain (AVC)); сув ресурсларини бошқаришнинг мақбул таркибий тузилмаси яратилган (BCEOM/VER-Seau/ OIEau), сув барқарор иқтисодий тараққиётнинг стратегик омили эканлиги исботланган, сув ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий усуллари ишлаб чиқилган ва сув



ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари аниқланган.

Дунёда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий-методологик, услубий ва иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сув ресурсларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш, сувдан фойдаланиш харажатларини ҳамда тарифларини мақбул тарзда шакллантириш; сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга молия механизмининг умумий таъсирини аниқлаш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш; молия механизми алоҳида таркибий қисмларининг сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга таъсирини баҳолаш.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Berbel J. Brown L., Ayres E., D 'Esopo D.I., Dowd R.M., Gleick P.H., Hantusch M.S., Hazen A., Helmer R., Holling C.S., Liebscher H. L., Moulders E.A., Jenkins C.T., O'Neil W., David M., Moore C., Joeres E., Postel S., Rodda G., Shiklomanov L.A., Balonishnikova J.A., Streeter H. W., Phelps E.B., Taylor O.J., Luckey R.R., Xia J., Yongqin D. Ch., Young R.A., Brodehoeft J.D., Агасандян Г.А., Борисов С.С., Богачева Н.В., Ванн Б., Гасанов И.И., Гирусова Э.В., Григорьев Е.Г., Данилов-Данильян В.И., Дрягилов Л.А., Думное А.Д., Дубина С., Ерешко Ф.И., Зайцева И.С., Зиганишина Д., Зузик Д.Т., Ибраимханов Е.К., Карев В.Б., Куатбаева Г.К., Ковалевский В.С., Клюквин А.Н., Кумсиашвили Г.П., Кречетов Л.И., Лосев К.С., Лаукс П., Лойтер М.Н., Макар С.В., Марушевский Г.Б., Неверов А.В., Павлов П.Н., Пряжинская В.Г., Перри С., Тарлок Э.Д., Торкил Д.К., Ушаков Е.П., Федцов В.Г., Хачатуров Т.С., Хафизов Е.Б., Хранович И.Л., Чакликова Д.С., Ярославский В. ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаларида акс этган<sup>4</sup>.

---

<sup>4</sup> Berbel J. et al. (2019) Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe / Water Policy 21 – PP. 806-825.; Brown L, Ayres E. (Edit.) The World Watch Reader on Global Environmental Issues. N.Y. - London: W.W. Norton Co., 1998. 358 p.; Gleick P.H. Global freshwater resources: soft-path solutions for the 21-th century // Science. № 5650. 2003. P. 1524-1527.; Helmer R. Water Demand and Supply // Nucl. Desalinat. Sea Water: Proc. Int. Symp., Taejon, 26-30 may, 1997. Vienna: 1997. P. 15-24.; Liebscher H.-L. Conflict over water - can hydrology contribute anything toward their solution?

IASH Publ. № 286. 2004. P.238-245.; O'Neil W., David M., Moore C, Joeres E. Transferable discharge permis and economic efficiency the Fox River // *J.Emiron. Econ. Manag.* V. 10. № 4. 1983. P.346-355.; Postel S. Hydro Dynamics // *Natural History.* V. 112. № 4. 2003. P.60-63, 66-67.; Rodda G. On the problems of assessing the World water resources. In: *Geosci. and water resource environment data model.* Berlin - Heidelberg. 1997. P. 14-32.; Shiklomanov L.A., Balonishnikova J.A. World water use and water availability: trends, scenarios, consequences // *Water Resources Systems - Hydrological Risk, Management and Development.* IAHS Publ. 281. 2003. P.358-364.; Xia Jun, Yongqin David Chen. Water Problems and Opportunities in the Hydrological Sciences in China // *Hydrological Sciences J.* 46. № 6. 2001. P.907-921.; Агасандян Г.А., Гасанов И.И., Ерепко Ф.И. Новые подходы в проблеме комплексного управления водными ресурсами. М.: ВЦ РАН, 2003. -54 с.; Буздалов И. Природная рента как категория рыночной экономики. // *Вопросы экономики.* - Москва, 2002. - №3. -С.24-35.; Гирусова Э.В. Экология и экономика природопользования - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 607 с.; Григорьев Е.Г. Водные ресурсы России: проблемы и методы государственного регулирования. — М.: Научный мир, 2007 - 110 с.; Данилов - Данильян В.И. Обоснование стратегий управления водными ресурсами. - М.: Научный мир, 2006 - 336 с.; Доклад ООН о развитии человека 2006. «Что кроется за нехваткой воды: власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов». - М.: Весь Мир, 2006. - 440 с.; Карев В.Б. и др. Экономика использования водных ресурсов в орошаемом земледелии. - М.: Колос, 1997. - С. 111-113.; Ковалевский В.С. Комбинированное использование ресурсов поверхностных и подземных вод. М.: Научный мир, 2001. - 331 с.; Торкил Джонч-Клаусен. ИУВР и планы повышения эффективности водопользования. - М.: GWP ТЕС 2004. - 24 с.; Тарлок Э.Д. Интегрированное управление водными ресурсами: теория и практика. - Б: НАТО, 2004. - 23 с.; Усманов Е. Водные ресурсы: рациональное использование. - М.: Экономика, 1987. - 252 с.; Ушаков Е.П. Рентные отношения водопользования в России. М.: Наука, 2008. - 303 с.; Ванн Б., П.Лаукс. Планирование и управление водохозяйственными системами. Введение в методы, модели и приложения.- М: Юстицинформ, 2009. - 658 с.; Данилов-Данильян В.И., Хранович И.Л. Управление водными ресурсами. Согласование стратегий водопользования. - М.: Научный мир, 2010 - 232 с.; Данилов-Данильян В.И. Пряжинская В.Г. Водные ресурсы и качество вод: состояние и проблемы управления. - М.:РАСХН, 2010 - 415 с.; Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Потребление воды: экологический, экономический, социальный и политический аспекты. М.: Наука, 2006. -221 с.; Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Экологический вызов и устойчивое развитие, М: Прогресс-Традиция, 2000. -416 с.; Зузик Д.Т. Экономика водного хозяйства. - М.: 1982. - 398 с.; Перри С. Water at any price? Issues and options in charging for irrigation water. *Irrigation and drainage.* 2001. - №3, P. 24-27; Экономика природопользования. М.: Экономика, 1982. - 138 с.; Куатбаева Г.К., Чапликова Д.С., Ибраимханов Е.К., Хафизов Е.Б. Опыт Германии в управлении водными ресурсами [под ред. Папенова К. В.] — М.: Макс Пресс, 2000 - 89 с.; Кречетов Л.И. Системы экономического стимулирования водоохраной деятельности предприятий. I. Платежи // *Водные ресурсы.* № 4. 1991. С. 164—172.

Ўзбекистон шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг баъзи масалалари Р.А.Абдуллахонов, В.А.Духовный, С.Д.Жалолов, Б.Ж.Жўракулов, М.В.Ким, М.М.Маткаримов, О.М.Муртазаев, О.О.Олимжонов, У.Р.Сангилова, Ў.П.Умурзоков, М.Ў.Умбетаев, П.З.Ходжалепесов, К.А.Чориев, А.С.Чертовичский, З.Ш.Шохўжаева, Р.Х.Эргашев, Ф.Х.Кудратов, Б.У.Хасанов, А.У.Бурхонов ва бошқалар томонидан ўрганилган<sup>5</sup>. Мазкур тадқиқотларда сув ҳўжалиги мажмуаси, сувни тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларнинг самарадорлиги ва уларни бошқариш, сув ҳўжалиги тизимини такомиллаштириш ва сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

---

<sup>5</sup> Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув ҳўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ... автореферати. – Т.: 2003. – 27 б.; 111., Духовный В.А., Соколов В.И. Водохозяйственные проблемы стран бассейна Аральского моря: десять лет сотрудничества и перспективы // Мелиорация и водного хозяйства. 2002. №1. – С. 28-31., Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. Кишлоқ ҳўжалиги иктисодиёти. Дарслик. – Т.: 2004. – 302 б.; Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: 2000. – 236 с.; Олимжонов О.О. СФУ – уларнинг ташкилий ва молиявий фаолиятини такомиллаштириш // “Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалиги” журнали. – Т.: 2003. – №3. – б. 4-5.; Сангилова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер ҳўжаликлари ўртасидаги иктисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ... автореферати. – Т.: БМА, 2012. – 24 б.; Умурзоков Ў.П. Сувни баҳолаш // “Ўзбекистон кишлоқ ҳўжалиги” журнали. – Т.: 2005. – №10. – б. 25-26.; Ходжалепесов П.З. Эффективность использования земельно-водных ресурсов и перспективы развития сельскохозяйственного производства в Республике Каракалпакстан. Авт. дис. на соискание ученой степени к.э.н. – Нукус, 2004. – 24 с.; Чориев К.А. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иктисодий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТИМИ, 2007. – Б.26-28.; Чариев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: “Фан”, 1992. – 196 с.; Чертовичский А.С., Базаров А.К. Вопросы платного водопользования // Аграрная наука. – Ташкент, 2005. – № 11. – С. 18-21.; Шохўжаева З.С. Кишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ... автореферати. – Т.: БМА, 2010. – 24 б.; Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув ҳўжалиги тизимини такомиллаштириш ва уни самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ... автореферати. – Т.: 2003. – 30 б.; Бурхонов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. – Б. 224.

Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти иқтисодчи-олимлари А.А.Абдуғаниев, И.Л.Абдурахимов, А.С.Султонов, З.Я.Худойбергенов, У.Х.Нигмаджонов, Х.Т.Тошматов, Ў.П.Умурзоков, С.А.Кўчқорова ва бошқаларнинг илмий изланишлари эса сув хўжалиги иқтисодиёти масалаларига қаратилган<sup>6</sup>.

Молиявий механизм ва унинг элементларини (солиқлар, тўловлар, ажратмалар, йиғимлар ва бошқ.) самарадорликка таъсири нуқтаи назаридан ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар О.К.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, Ш.А.Тошматов, Қ.А.Яхъёев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Н.Р.Қўзиёва ва бошқалар томонидан салмоқли ишлар қилинган<sup>7</sup>. Аммо мамлакатда

---

<sup>6</sup> Абдурахимов И.Л. Менеджмент в водном хозяйстве. – Т.: “Шарк”, 2003. – 242 с.; Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: 2004. – 302 б.; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: “Фан”, 2005. – 224 с.; Умурзоков Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 1-жилд. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 608 б.; Умурзоков Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 2-жилд. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 468 б.; Султонов А.С., Худойбергенов З.Я., Кўчқорова С.А. Сув хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.

<sup>7</sup> Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш / Дарслик. – Т.: Шарк, 2009. – 448 б.; Ваҳобов А. ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.; Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. – 210 б.; Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – С.: СКИ, 2002. – 366 б.; Иминов О.К., Тўраев Ш.Ш. Солиққа тортишни таҳлил этишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Akademiya”, 2005. – 130 б.; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.; Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.; Олимжонов О.О. Оптимизация государственных расходов на финансирование экономики Республики Узбекистан (на примере водного хозяйства) // Доклад. Центр экономических исследований. – Ташкент, 2002/06. –С. 150; Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2005. – 265 б.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми / Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли / Монография. –Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.; Яхъёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 248 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Akademiya”, 2007. – 256 б. ва бошқалар.

сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизми комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Бу масаланинг айрим жиҳатлари Ғ.А.Сафаровнинг илмий ишларида бевосита кўриб чиқилган, ҳолос<sup>8</sup>. Шунингдек, Р.А.Абдуллахонов ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, Ш.Д.Исраилов сув ресурсларини муҳофаза қилиш тадбирларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, М.М.Матқаримов сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш, М.М.Машарипова бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтакавий хусусиятлари, У.Р.Сангирова сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, З.Х.Ташматов республикада сувдан фойдаланишни экологик-иқтисодий оптималлаштириш, Б.У.Хасанов Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми, П.З.Ходжалепесов ер-сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожланишининг истиқболлари, З.С.Шохўжаева қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари, ва Ш.Х.Муминов эса бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш

---

<sup>8</sup>Сафаров Ғ. Налоговое регулирование использования природных ресурсов: зарубежный опыт и уроки для Республики Узбекистан // Актуальные проблемы современной науки (Москва). – 2004. №2, -с.125-127. Сафаров Ғ. Табиий ресурслардан фойдаланиш учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, - 2005. -№6. – Б.11.; Сафаров Ғ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида табиий ресурслардан фойдаланишни солиқ тортишнинг аҳамияти // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва сугурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2004 йил 11-12 февраль. – Т.: ГМИ, 2004. 94-97 б.; Сафаров Ғ. Табиий ресурс солиқларининг вазифалари ва уларни ресурслардан фойдаланишга таъсирини кучайтириш // Солиқ сисъатини янада такомиллаштириш – принципал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2005 йил 27-28 май. – Т.: Солиқ академияси, 2005. 162-165 б.

масалалари мавзуларида тадқиқотлар олиб боришган<sup>9</sup>. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ш.Х.Муминовнинг тадқиқотидан ташқари бошқа барча юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар молия ихтисослиги бўйича эмас, балки иктисодий назария, менежмент, минтақавий иктисодиёт, тармоқлар иктисодиёти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш каби ихтисосликлар талаблари асосида бажарилганлиги сабабли, уларда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизми эътибордан четда қолган. Шу боис, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмини тадқиқ этишнинг фундаментал масалалари; мамлакатда сув ресурсларини бошқаришнинг амалдаги тизими ва унда молиявий механизмнинг ўрни; сув рентаси, нарх, тўловлар ва сув солиқлари – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмининг муҳим таркибий қисми; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмининг асосий

---

<sup>9</sup> Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. -27 б.; Исраилов Ш.Д. Социально-экономическая эффективность мероприятий по охране водных ресурсов (на примере Ташкентской области). Дис...канд.экон.наук.-Т.: ТИНХ, 1987. – С. 115-120.; Маткаримов М. Сув тежовчи ва муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш жараёнларини бошқариш. И.ф.н... дис... автореферати. – Самарқанд: 2006. -22 б.; Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2006. -24 б.; Сангирова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иктисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2012. -24 б.; Ташматов З.Х. Эколого-экономическая оптимизация водопользования в Республике Узбекистан. Дис... канд. экон. наук.–Т.:ТГЭУ,1993.– С.45-55.; Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизми. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. -30 б.; Ходжалепесов П.З. Эффективность использования земельно-водных ресурсов и перспективы развития сельскохозяйственного производства в Республике Каракалпакстан. Автореф. дис... к.э.н. – Н.: 2004. – 24 с.; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2010. -24 б.; Муминов Ш.Х. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.;

элементи эканлиги билан боғлиқ бўлган масалалар деярли тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат монография ишида келтирилган мунозарали муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва келинган хулосаларнинг долзарблик даражасини янада оширади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмини такомиллаштиришга бағишланган келажакдаги махсус илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмини такомиллаштириш жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Молиявий менежмент”, “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Сув хўжалиги иқтисодиёти”, “Сув хўжалиги менежменти” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитиш жараёнларида фойдаланиш мумкин.

# **I БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш САМАРАДОРЛИ ГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.4- §. Дунё сув ресурсларининг ҳолати, улардан фойдаланилиши, оқибатлари, умумий тенденциялари**

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқот ишларини унинг илмий-назарий асосларини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ана шундай масалаларнинг энг биринчиси дунё сув ресурсларининг ҳолати, улардан фойдаланилиши, фойдаланиш оқибатлари ва умумий тенденцияларини аниқлашдир. Шу боис бу масалани ушбу параграф доирасида мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмини такомиллаштиришга таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Назаримизда, уни инсоният ҳаётида сув, Ерда сув захиралари, сувнинг ифлосланиши ва унинг оқибатлари, сувдан самарасиз фойдаланиш оқибатлари, сувдан экстенсив ва интенсив фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг сув сиғими ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги, сув тақчиллиги ва унинг оқибатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Сув ҳаёт вужудга келиши, ривожланиши ва мавжудлиги учун зарур. Табиий тирик организмларда содир бўладиган барча жараёнлар сувга асосланган. Сув ресурслари цивилизация учун ўта муҳим ҳисобланади, чунки инсон ҳаётини таъминлаш тизими сувдан фойдаланиш технологиясига асосланган. Жамият қандай аталишидан қатъий назар, унинг ҳаётий таъминоти асосини маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этадики, бу жараёни, ўз навбатида, инсон ҳаёти сингари, сувдан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Сув инсоний хўжаликка жалб қилинадиган энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Ҳар йиллик фойдаланиш массасига кўра у биргаликда олинган барча бошқа ресурслардан кўпроқдир. Ресурсларни истемол қилиш жараёнида ҳар йили унга 300 млрд.



тонна тупроқни аралаштираётган инсоният, XX аср охирига келиб, ҳар йили турли-туман сув манбаларидан 4000 км<sup>3</sup> дан кўпроқ сувни ола бошладики, у ўзининг массасига кўра барча табиий ресурслардан ортиқдир<sup>10</sup>. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бироқ хўжалик фаолияти жараёнида инсоният факат табиий манбалардан сув олиш билан чекланмаяпти, амалда ундан турли йўللار билан тобора кўпроқ фойдаланмоқда.

Биринчидан, турли-туман технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш тизимларида сувни рециклаштириш (сувдан қайта фойланиш ва айланма сув таъминоти) қўлланилаяпти. Масалан, АҚШнинг саноат секторида ўртача ҳар бир кубометр сувдан 20 мартадан кўпроқ қайта фойдаланилмоқда. Россия саноат секторидаги сув таъминоти тизимининг деярли ярми сув таъминотининг қайта ва айланма асосига асосланиб қурилган. Умуман олганда, дунёда ҳар йили табиий манбалардан олиннадиган сув массасининг 10%га қадар қисми рециклаштирилмоқда<sup>11</sup>.

Иккинчидан, инсоният сунъий равишда сувнинг табиий-антропоген<sup>12</sup> объектларини – сув омборлари ва бошқларни шакллантирмоқдаки, у ерларда тўпланган сувдан турли мақсадлар – энергия олиш, ерларни суғориш, дарё транспорти, балиқ овлаш, балиқ етиштириш ва х.к.лар учун фойдаланилмоқда. Жаҳон сув омборларининг жами ҳажми 6330 км<sup>3</sup> ва уларнинг сони 3000 дан ошиб кетган. Шунинг учун ҳам инсоният томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинаётган йиллик сувнинг ҳажми 9000 км<sup>3</sup>дан ортиқ бўлиб, у ўз массаси бўйича барча истеъмол қилинмай қолган материалларнинг массасига нисбатан 30 баробарга кўпроқдир<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> Данилов-Данильян В.И. Пряжинская В.Г. Водные ресурсы и качество вод: состояние и проблемы управления. - М.:РАСХН, 2010 – 415 с.

<sup>11</sup> Данилов-Данильян В.И, Лосев К.С. Потребление воды: эколо-гический, экономический, социальный и политический аспекты. М.: Наука, 2006. 221 с.

<sup>12</sup> АНТРОПОГЕН-муҳитнинг антропоген омиллари — одам ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсимлик, ҳайвон ва б. табиат компонентларига таъсири б-н боғлиқ омиллар гуруҳи. Одам табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўз эҳтиёжларига мослаштириб, Ернинг бекиёс кенг ҳудудларида фауна ва флораи ўзгартиради, бу эса ўсимликларнинг камайиши, айрим ўсимлик ва ҳайвон турларининг кириб юборилиши, ўсимликлар интродукцияси ва б.га олиб келади. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент.

<sup>13</sup> Доклад ООН о развитии человека 2006. «Что кроется за нехваткой воды: власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов». - М.: Весь Мир, 2006. – 440 с.

Учинчидан, инсоният сув объектларидан транзит ва тозалаш тизимлари, шунингдек, чиқиндиларни ташлаш ва кўмиш объекти сифатида фойдаланади. Сувдан фойдаланишнинг бу усули унинг энг катта ҳажмларини талаб қилади. Ҳолбуки, сув истеъмоли ҳисобкитобларида бу нарса амалда ҳисобга олинмайди<sup>14</sup>. Бироқ, бу ўринда айрим кўллар, ёпик денгизлар, қирғоқ яқинидаги сувлар ва ер ости сувларининг юқори горизонтлари сингари дунёнинг барча дарёлари у ёки бу даражада, ифлосланганлиги ҳеч қимми ажаблантирмайди. Дж.Родд томонидан 1990-йилларнинг ўрталарида берилган баҳога кўра (ўша пайтдан бошлаб ҳозиргача вазият яхшилангани йўқ), ҳар йили 17 000 км<sup>3</sup>га кадар сув ифлосланади. Бу унинг фойдаланиш мумкин бўлган ҳажмига нисбатан учдан иккидан кўпроқ қисмини ташкил этади.

Сув ресурсларининг мамлакат иқтисодиётидаги стратегик аҳамияти шундаги, сувдан фойдаланиш аҳолига нисбатан икки мартадан кўпроқ ўсган, агар XX асрда нефть асосий роль ўйнаган бўлса, мазкур роль XXI асрда сувга ўтади<sup>15</sup>. Маскур фикрни айни ҳақиқат эканлигини хохирги жамиятни саноатлашган, ахборотлашган ёки озик-овқат ишлаб чиқариши асос бўлиб хизмат қилади<sup>16</sup>.

Сув инсоният учун қуйидаги 3 муҳим функцияни таъминлайди: а) озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; б) энергия ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш; в) маиший сув истеъмоли ва санитария-гигиена эҳтиёжларини қондириш.


XX асрда жаҳон иқтисодиёти юқори суръатларда ўсганлиги, демографик “портлаш” содир бўлганлиги, натижада экотизимлар ва табиий сув объектларига антропоген юклама ўсганлиги дунёнинг кўплаб минтақаларида сув етишмовчилиги вужудга келишига сабаб бўлганлиги шубҳасиздир.

Инсоният сув тақчиллиги билан ўзи пайдо бўлганидан таниш. Аммо бу тақчилликнинг бутунги кундаги кўлами тасаввур этиб бўлмайдиган даражада юқори. Сув тақчиллигининг кучайиши

<sup>14</sup> Бу, бизнингча, бу борада вужудга келадиган методологик ва инфор­мацион мураккабликлар билан боғлиқ бўлса керак.

<sup>15</sup> Всемирная Метеорологическая Организация. Погода, климат и вода – движущая сила нашего будущего. 2012. ВМО. № 1084. – С. 14.

<sup>16</sup> Данилов-Данильян В.И. Хранович И.Л. Управление водными ресурсами. Согласованная стратегия водопользования. - М.: Научный мир, 2010. – 232 с.



шунингдек, келажак сценарий-ларининг бош мавзуларидан бирига айланиб улгурган. Айрим манбаларда қайд этилишича, ҳозирги пайтда Ер шарида икки миллиарддан кўп киши чучук сувга жуда муҳтож, яна шунча киши амалиётда сув тақчиллигига дуч келмоқда<sup>17</sup>. Дунё банки баҳосига кўра, яқин 50 йил ичида вазиятни кескин ўзгартиришнинг иложи йўқ. XXI аср ўрталарига бориб Ер шари аҳолисининг 40%и сув тақчиллигига учрайди, 20%и эса ундан жиддий зарар кўради. Бундай қайғули башоратда кейинги йилларда иқлимнинг глобал ўзгариши ҳисобга олинаётгани йўқ. Ҳолбуки, у вазиятни янада кескинлаштириши мумкинлиги мутлақо аниқ. Сув урушлари тўғрисида Пайғамбарлик қилиш, дарёлар оқимини қайта тақсимлаш ёки саҳролар қирғоғига антарктикавий айсбергларни тортиб келиш борасидаги улкан лойиҳалар тўғрисидаги маълумотлар ОАВда кўп учрамоқда. Сув тақчиллигига барҳам бериш бўйича миллий иқтисодиётлар чегарасидан четга чиқмайдиган чоралар эмас, балки уларнинг халқаро жиҳатлари ҳам фаол муҳокама қилинмоқда. Шунинг учун ҳам планетамизнинг сўнгги 20 йилдаги барча энг йирик форумларида айнан сув муаммоси мунозаралар мавзусига айланмоқда<sup>18</sup>.

Сув муаммоларининг жуда муҳимлиги эътиборга олиниб БМТ томонидан 2003 йил “Чучук сув халқаро йили” деб эълон қилиниб, кўплаб миллий ва халқаро тадбирлар – илмий, ижтимоий, иқтисодий конференция ва семинарлар ўтказилди. Натижада келажакдаги ҳаракатларнинг қуйидаги 7 асосий йўналиши шакллантирилди: хавфсиз ичимлик суви ва канализацияга нисбатан кишиларнинг туб эҳтиёжларини қондириш; сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; сув ресурсларини бошқариш йўли билан экотизимларни ҳимоя қилиш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш; турли хўжалик субъектлари ва давлат томонидан уларни бошқариш

---

<sup>17</sup> 2003 йилда БМТ Бош қотибининг Халқаро атроф-муҳит куни муносабати билан Мурожаатномаси назарда тутилаяпти.

<sup>18</sup> Жумладан, бу ўринда 1992 йилда Рио-де-Жанейродаги Тараққиёт ва атроф-муҳит бўйича халқаро конференция, 1997 йилдаги “Рио+5” форматидаги БМТ Бош Ассамблеясининг мажлиси, 2000 йилдаги Минг йиллик Саммити, 2002 йилда Йоханнесбургдаги “Рио+10” формати бўйича барқарор ривожланишга доир Халқаро саммитлар, 2015 йилда Ашхободдаги “Халқаро сув саммити” назарда тутилаяпти.

асосида сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш; риск (хатар)ларни бошқариш йўли ёрдамида сув билан боғлиқ бўлган хавф-хатардан ҳимояланиш; иқтисодий, ижтимоий, экологик ва маданий маънода сувнинг қийматини аниқлаш асосида сув ресурсларини бошқариш ва сувнинг аҳолини камбағал ва таъсирчан қатламга оғир юк бўлмайдиган баҳосини ўрнатиш; аҳоли барча қатламлари манфаатларини қатъий эътиборда тутган ҳолда ва жамоатчилик назорати остида сув ресурсларини оқилона бошқариш.

Кейинроқ бу йўналишлар сафи қўшимча равишда куйидагилар билан тўлдирилди: сув сифатига ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига зарар етказмайдиган экологик хавфсиз саноатни ривожлантириш; энергияга бўлган ўсиб боровчи эҳтиёжларни қондириш учун энергия ишлаб чиқаришда сувнинг асосий ролини ҳисобга олиш; тез урбанизация<sup>19</sup> лашаётган дунё учун сувнинг ахамияти; сув ресурслари ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларнинг барча учун етарли бўлишини таъминлаш.

Жаҳонда сув ресурслари билан боғлиқ ўзгаришларни уларнинг табиий ва иқтисодий хусусиятларини ўзаро боғлаш мумкин. Хусусан, сув ресурсининг табиий хусусияти ресурс сифатида аввалом бор унинг чекланганлиги билан намоён бўлса иқтисодий хусусияти ундан фойдаланиш ҳуқуқи, озик-овқат хавфсизлиги, аҳоли даромади ва урбанизация жараёнларида кўриш мумкин.

Бугунги кунда ер сайёраси 1,5 млрд.км<sup>3</sup> атрофида сув ҳажми мавжуд бўлса, шундан 28 млн.км<sup>3</sup> ёки 2 фоизи истеъмолга яроқли чучук сув ҳисобланиб, турли хил ҳисоб-китобларга кўра уларнинг 41-45 минг км<sup>3</sup> оралиғида сув захиралари қайта тикланувчи ҳисобланилади<sup>20</sup>.

Ердаги сув захиралари ниҳоятда катта бўлсада улардан фойдаланиш имкониятлари, биринчи навбатда, табиий ва шу

---

<sup>19</sup> УРБАНИЗАЦИЯ — жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши; ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент.

<sup>20</sup> [www.librero.ru/phenology/vodnye\\_recurcy\\_planety](http://www.librero.ru/phenology/vodnye_recurcy_planety) маълумотлари.

жумладан, экологик омиллар таъсири остида чекланган, сув ресурсларини истеъмом қилиш эса, юкорида қайд этилганидек, тобора ортиб бормоқда ва унинг кўлами XX асрда тасав-вур этиб бўлмайдиган даражада ўсган ҳамда “портлаш” даражасига етган. Демографик башоратлар ва сув ресурсларининг мумкин бўлган хажмлари ўзгармаслиги хусусидаги тахминларга асосланган сув таъминоти динамика-сининг узоқ муддатли башоратлари ташвишлантирмайдиган даражада эмас. Дунёда бир кишига тўғри келувчи сув билан таъминланганлик даражаси 2002 йилда 1970 йилдагига нисбатан деярли 2,0 мартага камайган, 2050 йилда эса 2002 йилдагига нисбатан яна 1,5 мартага пасайиши кутилмоқда.

Сув ресурслари билан таъминланганликнинг халқаро таснифига мувофиқ<sup>21</sup>, сув ресурслари йилига одам бошига 500 м<sup>3</sup> дан кам бўлган ҳудудлар хаддан ташқари сув ресурслари танқис бўлган, 500 м<sup>3</sup> дан 1 000 м<sup>3</sup> атрофида бўлган ҳудудлар сув ресурслари танқис бўлган, 1 000 м<sup>3</sup> дан 1 700 м<sup>3</sup> гача бўлган ҳудудлар паст даражада сув билан таъминланган ва 1 700 м<sup>3</sup> дан юкори бўлганлар ҳудудлар сув билан таъминланган ҳудуд тоифасига киритилади.

Сувдан чиқиндиларни ажратиш (транзит қилиш), тозалаш ва талаб этиладиган қисмини кўмиш муҳим экологик аҳамиятга эга. Бироқ, унинг оқибатлари ҳатто эколог ва гидроэколог мутахассислар томонидан ҳам етарли даражада баҳоланмаган. Чунки у табиий сув объектларининг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган муаммони вужудга келтирадики, уни амалий ечишдан инсоният хали жуда узоқда.

Инсоннинг кунлик физиологик эҳтиёжларини кондириш учун 2,5 л. сув зарур. Майший ва биринчи навбатда, санитария-гигиена эҳтиёжларини кон-дириш учун эса шаҳарлик замонавий яшовчига суткасига 180-280 л. сув талаб қилинади<sup>22</sup>.

Сувга бўлган эҳтиёж саноат ва кишлоқ хўжалигида ҳам жуда катта. 1 т. чўянни эритиш ва уни пўлатга айлантириш учун 50-250 м<sup>3</sup>, 1 т. азот кисло-гасини ишлаб чиқариш учун 80-180 м<sup>3</sup>,

---

<sup>21</sup> Falkenmark M., Widsrand C. Population and water resources: A delicate balance. Population Bulletin. 1992. 47(3). November. P. 36.

<sup>22</sup> Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. БМТ Тараққиёт Дастури. – Т.: 2007.

ишлаб чиқаришда шунча пахта матоси учун 300-1100 м<sup>3</sup>, синтетик тола учун – 1000 м<sup>3</sup>, целлюлоза учун – 200-400 м<sup>3</sup>, резина учун – 2500 м<sup>3</sup>, синтетик мато учун – 2000-3000 м<sup>3</sup> сув керак бўлади. Катта ҳажмдаги сув ресурслари энергоблокларни совутиш учун энергетик қурилмалар томонидан истеъмол қилинади. Бунда уларнинг катта қисми (30,0%гача) қайтарилмайдиган йўқотмалар кўринишини олади. 1 млн. кВт қувватга эга бўлган ИЭСнинг ишлаши учун йилига 1,0-1,6 км<sup>3</sup> сув керак. Худди шундай қувватга эга бўлган АЭС учун эса йилига 1,6-3,0 км<sup>3</sup> сув зарур<sup>23</sup>. Жаҳон бозорига сотиладиган 1 т. буғдойни етиштириш учун ўртача 1000 м<sup>3</sup> сув талаб қилинади<sup>24</sup>.

Сувдан фойдаланиш унинг ифлосланишига олиб келади. Ҳозирги пайтда айнан сув объектларининг ифлосланиши сув ресурслари такчиллигининг асосий сабаби бўлиб ҳисобланади.

Сув ресурслари истеъмолининг экологик оқибатлари нафақат сувнинг олиниш ўлчамлари, балки сувдан фойдаланишнинг таркибий тузилмаси билан ҳам боғлиқ. Дунёда истеъмол қилинадиган сувнинг асосий массаси – 70%идан қишлоқ хўжалигида, асосан, суғориш учун фойдаланилади. Сувнинг катта қисмини – 20%ини саноат сарфлайди. Унинг қолган қисми – 10% и коммунал хўжаликка йўналтирилади. Индустириал ривожланган мамла-катларда сувнинг индустриал истеъмол қилиниши устувор аҳамият касб эга. АҚШда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги сув сарфи деярли тенг. Қолган мамлакатларнинг барчасида сув истеъмолида қишлоқ хўжалиги устунлик қилади.

Сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш, аввало, унинг меъёрдан ортиқ сарфланиши, мелиоратив тизимлар, гидротехник қурилмалар, йўл қурилиши, сув объектларининг ифлосланиши ва х.к.лар билан боғлиқ. Сув объектлари деградиациялашувининг муҳим омиллари каторида микдорий ва сифат жиҳатидан сув ресурсларининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлашга хизмат қилувчи экотизимларни (ўрмон, ботқоқлик, яйлов, дарё, кўллар ва б.) йўқ қилиш ёки уларни сиқиб қўйишни кўрсатиш мумкин.

<sup>23</sup> Умрзоков У.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 2 жилдик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2008. – 608 ва 468 б.

<sup>24</sup> Умрзоков У.П. Сувни баҳолаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. – №10. – Б.25-26.


Сифатий манзара нуқтаиназаридан тушунарли бўлишига қарамасдан юқоридаги омиллар таъсирини микдорий жиҳатдан етарли даражада ўрганилган деб бўлмайди.

Сув ресурслари томонидан такрор ишлаб чиқариш хусусиятининг йўқотилиши тенденцияси планетадаги умумий экологик ҳолат ва у узлуксиз ёмонлашувининг кучайиши билан боғлиқ. Бунда сув тақчиллиги кескинлиги кузатилаётган ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, атроф-муҳит аҳолининг янада ёмонлашаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бундай минтақаларда ижобий (кучайтирилувчи) тескари алоқалар контури шаклланмоқда: сув тақчиллигининг шундай истеъмоқ қилинишини такозо этадики, унга кўра, сув манбаларига йўл қўйилиши мумкин бўлган юкламанинг даражаси ортади, бу орғиш гидро- ва экотизимларда деградация жараёнларини келтириб чиқаради, бунинг натижасида сув манбалари камаяди ва улардаги сувнинг сифати ёмонлашади, оқибатда сув ресурслари тақчиллиги янада кучаяди ва ҳ.к. 1.1-расмда сув ресурслари тақчиллигининг шаклланиши ва кучайиши акс эттирилган (навбатдаги бетга қаранг).

Экологик деградация (таназзул, инкироз) жараёнлари тўхтатилмас экан, сув тақчиллиги кучийиб бораверади. Бундан қуйидаги мантиқий хулоса келиб чиқади: сув тақчиллиги муаммосини ҳал қилишнинг зарурий шарти атрофмуҳитга антропоген таъсирни хавфсиз даражагача камайтириш, ишлаб чиқариш ва истеъмоқни экологиялаштириш, экотизимлар микдорини экологик баланс учун зарур бўлган даражада сақлаш ва қайта тиклашдир.

Фақат мамлакатимиздагина эмас, балки бутун дунёда ҳам Орол фожеси жуда яхши маълум. Марказий Осиёнинг энг йирик дарёларидан ҳисобланмиш Амударё ва Сирдарё сувларининг суғориш ва сувдан фойдаланишнинг бошқа кўринишларида ҳаддан зиёд кенг ишлатилиши ва уларга турли-туман шаклларда таъсир кўрсатилиши, оқибатида, бу сув оқимлари Орол денгизига бориб қуйилиш имконини йўқотди. Бунинг оқибатида Орол денгизи сатҳи ва майдони тезлик билан қисқара бошлади. Ўз кўлами ва оқибатлари фожиалилигига кўра унга тенг келадигани йўқ, Аммо бу экологик фожа йирик дарёлар оқимлари катта қисмидан хўжалик жараёнларида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фожиаларнинг яғонаси ҳам биринчиси ҳам эмас. Орол ҳалокатидек ҳалокат 1950

йиллар бошида АҚШнинг Колорадо дарёси хавза сида ҳам содир бўлган эди.



### 1.1-расм. Сув тақчилигининг пайдо бўлиш (шаклланиш) ва кучайиш жараёни<sup>25</sup>

Худди Оролдагидек вазият Хитойдаги Хуанхэ дарёси дельтасида ҳам ривожланмоқда. Орол халокатининг белгилари Нил дарёсида ҳам кузатилмоқда. Айнан шундай ҳолат Ганг дарёси ҳавзасида ҳам кайд этилмоқда. Деярли шунга ўхшаш “келажак”ни дунёнинг бошқа катта ва кичик дарёлари ҳам кутмоқда.

Ер шарни аҳолиси сони ўсиб боришига мувофиқ равишда озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ортиши ва бу эҳтиёжни суғориладиган ерлар технологияси асосида кондиришга бўлган интилишнинг кучайиши кўплаб дарёлардан сув олиш глобал ўзгариш жараёнларининг асосий сабабидир. Бунинг натижасида табиий экотизимлар бузилмоқда ва улар техник тизимлар билан алмаштирилмоқда. Замонавий иқтисодиётнинг барча тармоқлари

<sup>25</sup> www.dl.khadi.kharkov.ua сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



томонидан сув объектларининг ифлослантирилиши бу жараёнларга “муносиб ҳисса” сани кўшмоқда. Сув экотизимларининг интенсив деградациялашуви содир бўлмоқда. Ҳозирги пайтда дунёда сув-ботқоқлик экинларининг қарийб ярми, хусусан 10 мингга яқин турларидан 20% и йўқ. Дунёнинг кўплаб минтакаларида сув ресурслари табиий флукутуация чегараларида олдингидек миқдорда ва сифатда қайтадан янгиланмаяпти, яъни амалда янгиланмайдиган ресурсларга айланиб қолмоқда.

Инсоният томонидан истеъмол қилинадиган сув ҳажмининг жуда катталиги ва бу ҳажм тезлик билан ўсиб бораётганлиги (фақат XX асрнинг ўзида сув истеъмоли 6,0 мартага ўсган ва унинг ўсиш суръатлари аҳолининг ўсиш суръатларидан 2,0 баробардан кўпроқ мартага ортиқ бўлган) худди шундай тарзда сувни эҳтиёт қилиш (асраш), сувдан фойдаланишни оқилонлаштириш ва сувни асровчи технологиялар ривожланиш суръатларига эришилишига олиб келмади. Қишлоқ хўжалигида истеъмол қилинадиган жами сув массасининг 60%и номаҳсулли буғланишга кетмоқда ва ифлосланган сув кўринишида дарёлар ва ер ости сувларига қайтмоқда. Шахар ва саноатда сувнинг истеъмоли ҳам ниҳоятда самарасиз. Ривожланаётган мамлакатларда сув таъминоти тизимидаги оқиб кетишлар, бу тизимларга ноқонуний уланиш ва улардан самарасиз фойдаланиш эвазига сув манбаларидан олинган сувларнинг 50%га қадар бўлган қисми йўқолмоқда. Бу кўрсаткич даражаси тараққий этган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳам юқоридир.

XX аср илмий-техникавий ва иқтисодий сакрашлар асри бўлган эди. Алоҳида олинган мамлакатлар ва яхлит тарзда дунё иқтисодиётининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги, саноат, маиший эҳтиёжлар ва энергия олиш учун янада кўпроқ сув ресурсларидан фойдаланишни талаб қила бошлади. Сув таъминоти ва уни химоялаш технологиялари ортда қолишига қарамасдан, илмий-техника тараққиёти иқтисодиётда, масалан, атом энергетикаси ва полимерлар кимёси каби жуда сув сифимли янги секторлар пайдо бўлишини таъминлади. Сув истеъмоли ўсишининг муҳим омилларидан яна бири аҳоли сонининг ўсиши бўлди. Бироқ XX асрда илмий-техника тараққиёти ютуқлари иқтисодиёт тармоқлари ўртасида нотекис тақсимланди. Улар билан энг кам таъминланганлар қаторига табиатни эксплуатация қилувчи

тармоқлар, шу жумладан, одатда, асосий сувдан фойдаланувчилар кирди.

Сув хўжалиklarининг кучлари, энг аввало, сув манбаларидан янада кўпроқ сувни олишга, сувга бўлган ўсиб борувчи эҳтиёжни қондириш учун гидрологик циклга янада кўпроқ аралаштиришга йўналтирилди. Дамбали улкан сув омборлари, сувларни қайта ташлаш учун каналлар, коммунал хўжалиги ва саноат эҳтиёжларини қондириш учун сув олиш иншоотларини қуриш, ер ости сувларини олиш учун кудуқлар қазитиш ва водопровод (сув узатувчи) тармоқларини қуриш, бошқача сўзлар билан айтганда, улкан сув хўжалиги инфратузилмасини яратиш хўжалик турли секторлари ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондиришнинг асосий воситасига айланди.

Натижада дунёдаги энг йирик 227 та дарёнинг деярли 60% и тўғонлар, каналлар ва сув олиш иншоотлари ёрдамида қисмларга бўлиб ташланди. XX аср давомида ва асосан унинг сўнгги 50 йилида инсоннинг планета сув циклига таъсири фақат гидротехник қурилиш ҳисобидан глобал кўламга етди. 1950 йилга қадар баландлиги 15 метрдан юқори бўлган 5 мингта тўғон қурилган бўлса, ҳозирги пайтда уларнинг сони 45 мингдан ошиб кетди. Сўнгги ярим асрда дунёда ўртача ҳар куни 2 та тўғон яратилди.

Сув хўжалиги жорий, қисқа ва узоқ муддатли иқтисодий манфаатлар босими остида ривожланди. Бироқ бу ривожланишнинг узоқ муддатли истиқболи ва оқибатлари тизимли тарзда таҳлил қилинмади ва тегишли чораларни танлашда етарли даражада эътиборга олинмади. Табиий гидротизимларнинг такрор ишлаб чиқариш салоҳияти, уларга нафақат сув хўжалигининг, балки иқтисодиётнинг қолган барча тармоқлари бевосита таъсири ҳисобга олинмади, сувга бўлган эҳтиёж ўзгаришининг узоқ муддатли башоратлари ишлаб чиқилмади.

Албатта, XX асрда барча гидротехник қурилмалар лойиҳалари учун харажатлар, уларнинг қопланиш, сувга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга доир ҳисоб-китоблар конкрет минтақаларда ўрта муддатли даврлар ва ҳ.к.лар бўйича амалга оширилди. Аммо шунга қарамасдан улар узоқ муддатли аспектда сув хўжалигининг ривожланиши, шу жумладан, режали иқтисодиётда ҳам стихияли характер касб этган эди. Тараққиётнинг бундай йўли миллиардлаб кишиларга наф келтирган бўлса-да,

бирок, шу билан биргаликда, кўзда тутилмаган ва фавқулодда юқори даражада бўлган ижтимоий, иқтисодий ва экологик харажатларга ҳам олиб келди, ҳозирги ва айниқса, келажак авлод олдига олдинги даврлардагига қараганда ечилиши анча мураккаб ва оғир вазифаларни қўйди.

Агар олдин дон савдоси жаҳон таркибий тузилмасини аниқлашда асосий омил сифатида ернинг етарли эмаслиги эътироф этилган бўлса, ҳозир эса унга Ер шарининг турли минтақаларида сув етарли эмаслиги кескин таъсир кўрсатмоқда.

Сув чекланган ресурсга айланган шароитда бу ресурс учун истеъмолчилар ўртасида рақобат пайдо бўлади. Бундай рақобат муносабатларида асосий томонлар саноат ва қишлоқ хўжалигидир. Юқорида қайд этилганидек, 1 т. буғдой етиштириш учун 1000 м<sup>3</sup> сув талаб қилинса, худди шундай микдордаги сувдан фойдаланиб, саноат секторида бундан 50-70 баробар катта қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Бундан ташқари, саноатда 1000 м<sup>3</sup> сувдан фойдаланилганда қишлоқ хўжалигига нисбатан кўпроқ иш ўринлари яратилади.

Одатдаги қиймат ўлчовларидан фойдаланишнинг иложи бўлмаган ва энг аввало, экологик, ижтимоий ва узоқ муддатли иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлган ташқи самаралар ва харажатлар ҳисобга олинмайдиган тор иқтисодий мезонларга кўра, сувни саноатда фойдаланиш қишлоқ хўжалигида фойдаланишга нисбатан афзал ҳисобланади. Бу фақат жорий бозор баҳоларини қўллашга асосланган иқтисодий таққослаш усуллариининг мукаммал эмаслигидан дарак беради. Бирок у, бир пайтнинг ўзида, сув тақчиллиги азият чекаётган бир неча мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига сарфланаётган сувни камайтириш ҳисобидан унинг саноат истеъмолини кўпайтириб, сувдан самаралироқ фойдаланиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда.

Сув таъминоти, канализация, сувни тозалаш, қишлоқ хўжалиги ва аτροφ-муҳит учун сув хўжалиги инфратузилмаси “одатдагидек” ривожланаверса, замонавий иқтисодий баҳолашлар кўрсатишича, у 2025 йилга қадар ҳар йили 180,0 млрд. АҚШ доллари сарфланишини талаб қилади. Сув хўжалигида интенсив технологиялар қўлланилганда эса, навбатдаги 20 йил давомида бу харажатларни йилига 10-25 млрд. АҚШ долларигача қисқартириш мумкин.

Агар ҳозир инсон сув ресурсларининг “нотенг” тақсимланганидан норози бўлса, у ҳолда вазиятни яхшилаш учун қуйидаги икки соф стратегия мавжуд: а) экстенсив – оқимни қайта тақсимлаш йўли билан хўжаликка жалб қилинадиган сув ресурслари ҳажмини ошириш; б) интенсив – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Интенсив стратегия, энг аввало, аҳоли жон бошига (ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбатан) ҳисоблаганда сувга бўлган эҳтиёж қисқаришини кўзда тутати. Бунда санитария меъёрларига нисбатан шахсий истеъмолнинг қисқариши эмас, балки сувдан фойдаланиш, сувни асраш ва ҳимоя қилишнинг технологик ва иқтисодий чоралари ҳисобидан уни қисқариши назарда тутилади. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар қўлланилганда жон бошига ҳисобланган сув ҳажми кўрсаткичи ошмайди, лекин сувнинг тақчиллик мезони ўзгаради: унга бўлган иқтисодий эҳтиёжни илгари қондирмаган сувнинг миқдори ўша ҳажмдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ва аҳоли сонига нисбатан етарли бўлади. Бундан ташқари, интенсив стратегияда сувни муҳофаза қилиш тадбирлари асосида – манбаларда сув сифатининг яхшиланиши натижасида – ҳудудларнинг сув билан таъминланганлик даражаси ортади.

Ривожланаётган кўплаб (шу жумладан, сув тақчил) мамлакатларда аҳоли ўсишининг давом этаётганлиги, ўтмишда шундай мақсадларга эришиш учун ривожланган мамлакатлар қўллаган усуллардан фойдаланган ҳолда фаровонлик даражасини оширишга ва иқтисодиётни ривожлантиришга уларнинг интилиши сув тақчиллиги ўсишига олиб келади (1.1-расм). Бундай шароитда қуйидаги саволлар кун тартибига қўйилиши, табиий: ривожланаётган мамлакатлар (жумладан, Ўзбекистон ҳам) ўз кучларига таяниб, юқоридаги инерцияни бартараф этишга қодирми? Улар сув ресурслари тақчиллини кескинлаштиришга олиб келмайдиган иқтисодий ўсиш стратегиясини амалга ошира оладиларми?

Бу, албатта, мамлакатлар миллий иқтисодиёти ўсганда содир бўлиши мумкин. Уни эса, бозор механизмларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Демак, юқоридаги саволларнинг жавоблари, кўп даражада, “Ривожланаётган мамлакатларда сув тақчиллиги муаммосини бозор еча оладими?” деган саволнинг

жавобига боғлиқ. Шунинг учун ҳам таҳлилда ҳам ашё манбаи ва товар сифатида сув ресурсларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш зарур. Бизнингча, улар қуйидагилардан иборат:

1. Сув ресурслари қайта ишлаб чиқарилувчан, лекин уларнинг қайта ишлаб чиқарувчанлиги нисбий характерга эга. Юқорида қайд этилганидек, сув ресурслари қайта ишлаб чиқарувчанлик хоссасининг йўқотувчанлик тенденцияси планетадаги умумий экологик ёмонлашув ва унинг узлуксиз кучайиши билан узвий боғлиқ. Агар экологик деградация тўхтатилмаса, сув тақчиллиги ошиб бораверади. Бундан қуйидаги мантикий хулоса келиб чиқади: сув тақчиллиги муаммосини ечишнинг зарурий шarti атроф-мухитга антропоген таъсирни соғломлаштиришди;

2. Сувдан фойдаланишда самарадорликнинг пасайиши қонуни амал қилади. Тараққий этган мамлакатларнинг иктисодий гуллаб-яшнаши эса қарама-қарши феномен<sup>26</sup>дан — қўлам самарасидан фойдаланишга асосланган: ишлаб чиқариш ҳажми ўсганда харажатлар ҳар бир навбатдаги бирлигининг қайтими ортади.

Қўлам самараси имкониятларини шакллантирувчи сабаблар қайта ишловчи саноатда, айниқса, оммавий ишлаб чиқаришда, амал қилади. Сувдан фойдаланишда эса, бу сабаблар, гарчи амал қилганда ҳам, мутлақо бошқа омиллар билан ёпилиб кетади. Сув ресурсларидан фойдаланиш кенгайганда, шак-шубҳасиз, кўпроқ самаралироқ манбалардан камроқ самарали манбаларга ўтиш тенденцияси пайдо бўлади, тушаётган сув ресурсларининг ҳар бир навбатдаги бирлиги камроқ харажатли манбалар имкониятларининг тугаб бориши муносабати билан қимматлаша боради. Бозор эса, ўз навбатида, самарадорликнинг пасайиб бориши билан боғлиқ бўлган вазиятларни ҳуш кўрмайди. Қайд этилган фикрлашнинг бу стереотип (қолип ёки андоза)и ўз-ўзидан эмас, балки бозор томонидан шакллантирилган. Маълумки, бозорий баҳолашдан

---

<sup>26</sup> ФЕНОМЕН (юн. phenomenon — содир бўлувчи) — 1) ғайриоддий, камдан-кам бўладиган ҳодиса, факт; 2) ҳистуйғу тажрибаси б-н пайкаладиган ҳодисани англаувчи фалсафий тушунча (бу маънода ўз моҳияти жиҳатдан интеллектуал мушоҳада предмети сифатида намоён бўлувчи ноуменинг қарамақаршиси). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент.

фойдаланишни таъминлайдиган таҳлил горизонти нисбатан узокда жойлашмаган. Бу ерда ўзига хос бўлган “қопқон” таркиб топади. Ижобий қайта алоқанинг контурлари пайдо бўлади. Тақчиллик сув тўплашни кучайтиради. Бу ҳар бир навбатдаги бирлик учун харажатларнинг ўсишига олиб келади. Баҳоларнинг ошиш сабаблари пайдо бўлади. Нисбатан кичик ҳажмларда сув истеъмоли кам эластикли бўлганлиги учун истеъмолчи янги баҳога рози бўлади.

Бундай шароитларда сув олинишининг янада ошиши содир бўлади, гидрологик ва экологик шароитларнинг ёмонлашуви давом этади, сув камроқ бўлаверади, унинг сифати ёмонлашади, харажатлар ортади ва ҳ.к. – ижобий қайта алоқа тугуни тугилади. Демак, кўриниб турибдики, бозор инкирозли вазиятни ўзгартиришга қодир эмас ва аксинча, у уни янада кескинлаштиради, холос;

3. Юқорида қайд этилганидек, сув истеъмол қилиш ҳажми ниҳоятда катта бўлиб, ундан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқариш қандайдир бир харажатлар билан боғлиқ эмас ҳамда уни бошқа бир табиий ресурс ёки техноген маҳсулот билан таққослаб бўлмайди;

4. Сув жуда транспорт сиғимли маҳсулот. Ҳозирги баҳолар нисбатларида фақат маҳаллий сув таъминоти тизимларида сувни ташиш иқтисодий нуқтан назардан ўзини оқлайди. Ўзини оқлайдиган сувни ортиб жўнатиш “елкаси” унчалик катта эмас. Унинг қўшимча миқдорини олиб келишга нисбатан сувни иқтисод қилиш арзонга тушади;

5. Сув – умумтарқалган табиий ресурс. Ҳатто сув билан энг кам таъминланган минтақаларда ҳам, одатда, ер усти сув манбалари ёки ер ости сув заҳиралари мавжуд. Ҳар қандай минтақада унча катта бўлмаган ҳажмдаги сувга бўлган эҳтиёж маҳаллий манбалар ҳисобидан (ҳеч бўлмаганда, йиғиладиган атмосфера намлигини конденсирлаштириш орқали) кондирилиши мумкин. Сув тақчиллиги нисбий. Унинг таркибий тузилмасини қайта куриш ва сув таъминотининг мавжуд имкониятларига қараб технологияларни такомиллаштириш йўли билан ҳўжаликларни мослаштириш ва сувдан фойдаланишни кенгайтиришда ҳар доим муқобиллик мавжуд.

Бозорий стимуллар қисқа муддатли ва энг яхши бўлган ҳолда, ўрта муддатли натижаларни берувчи қарорларни қабул

килишга ундайди. Уларга эришиш усуллари эса узоқ муддатли аспектда<sup>27</sup> муаммони кескинлаштиради. Экстенсив услубда ривожланаётган сувдан фойдаланиш сув ресурслари кенг чекланган шароитда, шак-шубҳасиз, инқирозга олиб келади<sup>28</sup>. Бозор бунга тўскинлик қила олмайди. Сув тақчиллиги вужудга келганда сувдан фойдаланиш барқарорлигини таъминлаш учун бозорнинг кучи етарли эмас.

Юқорида қайд этилган товар сифатидаги сувнинг хусусиятлари сув таъчиллиги муаммосини фақат сувдан фойдаланишнинг интенсив шакллари ривожлангандагина ечиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки экстенсив усулда ривожланаётган сувдан фойдаланиш, эртами, кечми, барибир инқирозга олиб келади. Демак, сув қўлланилишининг барча соҳаларида уни максимал самарали сарфлашга имкон берадиган технологиялар керак.

Шу нугайи-назардан, сув хўжалигини молиялаштириш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш ҳамда унга бўлган ҳуқуқларни миллийлаштириш, шунингдек ижтимоий аҳамиятини оширишда мамлакат сув ресурслари ва сув хўжалиги тизимини тўлиқ миллийлаштириш ҳамда айрим соҳаларида нотижорат ташкилотлари иштирокини кучайтириш лозим<sup>29</sup>.

Сувни истеъмол қилиш, юқорида таъкидланганидек, табиий тавсифига (хажми, массаси) кўра, жуда катта ўлчамни ташкил этади, уни бошқа бирор бир табиий ресурс ёки техноген маҳсулот билан таққослаб бўмайди. Бунда ҳар қандай маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда сув сарфи кўрсаткичлари ҳар хил. Унинг максимум даражаси минимумидан бир неча марта юқори бўлиши мумкин. Масалан, Марказий Осиё мамлакатларида 1 АҚШ доллариға тенг бўлган кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга сарфланган ўртача сув харажатлари саҳроли Аризона


---

<sup>27</sup> АСПЕКТ (лот. aspectus — тур) — ҳодиса, тушунча, истикбол караб чиқиладиган муайян нуқтаи назар. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Топкент.

<sup>28</sup> Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2006. -24 б.

<sup>29</sup> Maude Barlow. Blue Covenant: The Global Water Crisis and the Coming Battle for the Right to Water. New York: New Press, The, 2008. 196 pp. ISBN 978-1-59558-186-0.

(АҚШ) ёки камсувли Исроилнинг энг яхши хўжаликларидоғига нисбатан анча юқори. Агар бир мамлакатнинг бу борадаги ўртача кўрсаткичлари бошқа бир мамлакатнинг энг яхши кўрсаткичлари билан эмас, уларнинг ҳам ўртача кўрсаткичлари билан таққосланганда фарқ унчалик катта эмас. Лекин бу ҳолатда ҳам уларнинг ҳар хиллиги доим сезилиб туради. Қуйидаги 1.2-расмда Марказий Осиё мамлакатлари ва Исроил учун иктисодиёт бўйича яхлит сув истеъмоли ва суғориш мақсадлари учун ишлатилган сув ресурслари истеъмолига доир таққослама маълумотлар келтирилган.



1.2-расм. Марказий Осиё мамлакатлари ва Исроилда сув истеъмол қилиш салмоғи (км<sup>3</sup>)<sup>30</sup>

Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг сув сиғими қўлланилаётган технологиялар, меҳнат ва менежментнинг сифати билан белгиланади. Биринчи карашда сувни тежовчи технологиялар, бир вақтнинг ўзида, энергияни тежовчи ва ҳар қандай фойдаланилаётган ресурслар бўйича ҳам тежаб-терговчидек кўринади. Биз аллақачоноқ ресурсларнинг алмашувчанлик ғоясига кўникаб бўлдик. Унга кўра капитал кўп бўлса, демак, меҳнат кам ва аксинча. Бирок сув кўп бўлса, демак, барча технологик занжирлар бўйича уни “ўтказиш”да шунча кўп жорий харажатлар қилинади ва х.к. Шу билан биргаликда, нисбатан кам сув сиғимли тармоқлар ва корхоналар ҳам мавжуд – маълумотлар, интеллектуал маҳсулотлар, юқори технологияли дастгоҳ, асбоб-ускуналарнинг кўплаб

<sup>30</sup> UN World Water Assessment Programme. 2019. The United Nations World Water Development Report 2019: Water for a Sustainable World. Paris, UNESCO.



турларини ишлаб чиқариш ва б. Бунда бевосита сув сиғими (маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда ифодаланадиган бевосита сув харажатлари) ва тўлиқ сув сиғимини (маҳсулотни яратувчи технологик занжирнинг барча бўғинларида ҳисобга олиннадиган сув харажатлари) фарқлаш зарур. Ҳатто қишлоқ хўжалигида ҳам кам сув сиғимли экинлар мавжуд. Улар кўриқ (суғорилмайдиган) ерларда етиштирилади.

Шундай қилиб, замонавий иқтисодиётда фойдаланилаётган сув ҳажми қанчалик катта бўлмасин, унинг ўлчами тартибга солиниши мумкин. ЯИМ-нинг сув сиғими ва сувдан фойдаланиш самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари, энг аввало, миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасига (сув сиғимли тармоқларнинг ҳиссасига) ва унинг технологик даражасига боғлиқ. Сув тақчиллиги бўлганда у бошқа ресурслар билан ва хусусан, сув тақчиллиги бўлмаган бошқа минтақаларда ишлаб чиқарилган сув сиғимли маҳсулотлар билан алмаштирилиши мумкин. Бу ўринда сувнинг алоҳида тармоқлар эмас, балки яхлит иқтисодиёт доирасида алмаштирилиши назарда тутилмоқда. Сув транспорти учун уни бошқа бир ресурс билан алмаштиришнинг иложи йўқ, лекин унга нисбатан камроқ сув сиғимли транспорт турлари мавжуд; ўсимликшуносликнинг қўллаб маҳсулотларини катта миқдордаги сув харажатиарисиз етиштириб бўлмайди, бироқ улардан етиштиришни қиёсий кам сув сиғимли маҳсулотларнинг етиштириш харажатларини қоплаш орқали импорт фойдасига воз кечиш мумкин. Миллий хўжаликдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган бундай қарорларни қабул қилиш учун бунинг натижасида вужудга келадиган самараларнинг, асосан, экстерналларга тегишли эканлиги муҳим, чунки улар узоқ муддатли характерга эга.

Ресурс баҳоларининг ошиши унинг иқтисодиёти ва ундан фойдаланиш самарадорлигининг ўсиши учун стимул ҳисобланади. Бу стимулнинг таъсирчанлиги сезиларли даражада баҳодан истеъмолнинг эластиклиги билан аниқланади. Агар баҳоларнинг ошиши содир бўлмаган ва фақат башоратланаётган бўлса, бозор бу жараёнларни кучсиз стимуллаштиради. Қарорни қабул қилиш ва уни амалга ошириш ўртасидаги вақт қанча кичик бўлса, кутиш шунчалик кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам кутиш спекулятив характердаги операцияларни кучлироқ

стимуллаштирадики, сувни тежаш ва уни муҳофаза қилишга инвестициялар бундай типга қирмайди. Бунинг устига, ўзгаришлар миллий иқтисодиёт таркибий тузилмасига тегишли бўлганда бозор старли даражада тартибга солувчи бўлмай қолади. Бу юқорида қайд этилган ижобий қайта алоқа ўлчамларининг шаклланиши билан боғлиқ.

“Номаҳаллий” манбадан фойдаланиш зарурияти (маҳаллий манбанинг тугаб қолиши ёки кенгаётган эҳтиёжларни қондириш учун у старли бўлмаганда) пайдо бўлганда сув жуда ҳам транспорт сифимли маҳсулотга айланади. Сувнинг транспорт сифими ҳар бир минтака учун аниқ ифодаланган ўзгаришга эга: унинг ҳажми маҳаллий ресурслардан ошмаганда у нисбатан унча юқори эмас, аммо номаҳаллий манбаларни жалб қилишга эҳтиёж тутилганда у кескин ортади. Транспорт харажатларининг ҳажмга боғлиқлиги ана шундай ўзгарганда сув ресурслари учун камайиб борувчи самарадорлик қонунининг ўзига хос таъсири амалда намоён бўлади.

Ҳозирги замонавий баҳолар нисбатида сувни маҳаллий ва айрим ҳолларда, сув таъминотининг минтакавий тизимларида, сув олиб бориш масаласи 300-400 км.дан ошмаганида ва истеъмолчилардан худди шундай масофада йироқ манбаларнинг суғориш тизимларида сувни ташиш (узатиш) ўзини иқтисодий жиҳатдан оқлайди. Бундан узокроқ масофаларда сувни ташиш (узатиш)ни иқтисодий жиҳатдан асослаш шундай муаммони вужудга келтирадики, уни кескин эътирозларсиз ечишнинг иложи йўқ. Албатта, бу баҳо истеъмол сувларини идишларда ташишга тегишли эмас<sup>31</sup>.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг замонавий техник даражаси, унинг таркибий тузилмаси ва баҳолар, шунингдек бу омилларнинг қутилаётган динамикаси ҳисобга олинганда унинг кўшимча миқдорини таъминлашдан кўра сувни иқтисод қилиш арзонга тушади. Албатта, бу ҳар доим эмас, балки сув истеъмоли самарадорлигининг маълум бир чегарасигача адолатли. Лекин жаҳон ҳўжалигининг кўплаб бўғинлари учун бу чегара ҳали жуда узокда. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари қайд этилган фарқларни фақат харажатларда кучайтирмақда.

---

<sup>31</sup> [www.kruz.uz](http://www.kruz.uz) маълумотлари асосида муаллиф таҳлили.

Бир минтақадаги сув тақчиллиги қўшни минтақалар учун ҳам муаммоларни вужудга келтиради. Улар учун бу тақчиллик ташқи омил ҳисобланадики, унга уларнинг ўз барқарорлиги боғлиқ бўлиб қолади. Бу билан сув муаммосини глобал муаммо сифатида кун тартибига қўйишга яна бир ҳолат боғланган. Гап бу ўринда сув тақчиллиги ривожланаётган мамлакатларнинг мустақил равишда ўз кучлари ёрдамида сув ресурслари етишмаслигига қарши курашишга кучлари етишмаслиги ва унга қодир эмаслиги хусусида кетмоқда. Бир томондан, бундай мамлакатларда (давлат, миллий бизнеснинг таркибий тузилмаси ва аҳолининг барчаси бирга олинганлигини назарда тутган ҳолда) “эркин” бозорда таркиб топган баҳоларда сув ресурсларининг минимал зарур миқдорини сотиб олишга маблағлари бўлмайдиган ёки мавжуд бўлган маблағлар етишмайди. Бунда, табиийки, нафақат сув баҳосини, балки бу мамлакатларда экспорт учун ишлаб чиқарилаётган ва уларнинг валюта тушумларини таъминлаётган маҳсулотлар баҳосини ҳам эътиборга олиш керак. Бу ҳолда “эркин” бозор дейилганда дотация, субвенция ва бошқалар бўлмаган, ҳар ким ўз бюджети чегаралари доирасида ўзи учун тўлайдиган ва “такомиллашган” рақобатнинг асосий шартлари бажарилган бозор назарда тутилмоқда. Шакллантирилган тезисни асослаш учун рақобат омиллари билан махсус қизиқишга ҳожат йўқ, чунки секин модернизациялашиб бораётган ривожланган мамлакатларга нисбатан сув сотиб олувчисининг монополияси бўлиши мумкин эмас, сотувчининг монополияси эса уларнинг муаммосини янада кескинлаштириши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар ҳаракатланиш инерцияси шундайки, уларнинг жуда кўпчилигида сув тақчиллигини янада кескинлашуви “тўплами” икки-уч ўн йилликлар давомида шаклланган. Сув ресурсларининг камайиб кетиши, сув сифатининг ёмонлашуви ва тақчиллиги ўсиши аҳоли сони ўсишига кам, лекин иқтисодий ўсиш ва фаровонликка жуда катта таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида сув ресурслари тақчиллиги муаммосини ечиш имкониятлари камаймоқда, аҳоли сони ўсмоқда, турмуш даражасини оширишга интилиш эса, кучаймоқда.

Сув етишмаслиги ва қашшоқлик бир-бири билан жуда яқин корреляцияда. Сув тақчиллиги камбағаллик ва очлик билан кучайиб боради. Демак, у маҳаллий урушлар ва терроризмларнинг (шу жумладан, глобал) вужудга келиши ва хавфининг кучайишига ўз

“хисса” сени кўшади. Коммунал хўжаликдаги ўткир сув тақчиллиги орқали сўзсиз кузатиладиган ва антисанитария билан боғлиқ бўлган хавф ҳам жуда жиддийдир. У юқумли касалликлар ўчоғи вужудга келиши ва у билан туғиладиган эпидемияларнинг сабабига айланади. Ривожланаётган мамлакатларда сув билан таъминланганлик муаммосини ечишга ёрдам бериб, ривожланган мамлакатлар бу таҳдидлардан ўзларини ҳимоя қилишлари керак. Ёрдам ўзаро муносабатларнинг нобозорий шакли бўлса-да, уни амалга ошириш усуллари бозор элементларини рад этмайди.

Сувдан фойдаланишнинг интенсив шакллари орқали сув тақчиллиги муаммосини ҳал қилиш барча соҳаларда сувнинг максимал самарали сарфланишига имкон берадиган технологияларни талаб қилади. Бу технологиялар ишлаб чиқариш жараёнлари ва уларни бошқаришни автоматлаштириш, тартибга солиш воситалари, назорат-ўлчов аппаратлари ва хилма-хил кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш, биологик методларни қўллашга асосланади. Бундан ташқари, бу ерда технологик ва иқтисодий саводли менежмент ҳам зарур.

Ўз ишлаб чиқаришлари ҳисобидан бундай технологияларга бўлган талабни қондириш вазифасини яқин келажакда ривожланаётган мамлакатлар бажара олмасликлари аниқ (Хитой ва бир неча ривожланаётган мамлакатлардан ташқари). Аммо импортдан воз кечиш бу мамлакатлар учун ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди). Шубҳасизки, секин модернизациялашаётган, сув тақчиллиги мавжуд, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам ривожланган мамлакатлар томонидан сув етказиб бериш борасида бўлмаслиги керак. Бу ёрдам ўша мамлакатларда мавжуд бўлган сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга, табиий экотизимлардаги сувни қайта ишлаб чиқаришга қаратилган, сувни тежовчи, тозаловчи ва бошқа технологиялар кўринишида бўлмоғи лозим. У яна турли тармоқларнинг сув сиғимли маҳсулотларини етказиб бериш кўринишида ҳам амалга оширилиши керак. Бу ривожланаётган мамлакатларда ўз сув сиғимли ишлаб чиқаришини қисқартиришга ёки уни янада ривожлантирмасликка имкон беради. Бу техник тараққиётнинг муҳим йўналишига тўлиқ мос келади.

Жуда кўпчилик ҳолларда халқаро сув бозорининг вужудга келиш истикболлари ҳақида сўз кетганда, одатда, уни ҳозирги

нефть бозори билан таққослашади. Бизнингча, бундай қиёслаш том маънодаги қиёслаш эмас. Сув истеъмолининг ҳақиқатдаги эмас, ҳатто башоратланаётган кўлами ҳам яқин келажакда саноат, кишлок хўжалиги ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилаётган сувнинг баҳоси (ичишга мўлжалланган сув таъминотидан ташқари) нефть баҳосидан йироқлигича қолишини кўрсатмоқда. Идишга солинган 1 л. сувнинг баҳоси билан 1 л. бензин баҳосининг тенглиги ҳақида гапирилаётганда бензиннинг бутилкаларда сотилмаётганлиги ва км<sup>3</sup> да истеъмоли қилинмаётганлиги эътибордан четда қолмоқда. Баҳоларнинг бундай даражаси сувнинг саноатда, масалан, иссиқлик электроэнергетикасида ёки полимерлар ишлаб чиқаришдаги истеъмоли ҳажмлари билан номувофикдир. Бундай муҳокамаларда сувдан фойдаланишнинг мақсадлари ўртасидаги сифатий фарқлар рад қилинмоқда.

Сув бозорининг нефть бозоридан муҳим фарқи уларни истеъмоли қилиш табиий ҳажмлари ўртасидаги фарқнинг жуда катталиги билан белгиланади. Халқаро сув бозори нефть бозорининг ўрнини эгаллай олмайди, унга ўхшаш бўлиши ҳам мумкин эмас, у жаҳон бозорининг катта аҳамиятли секторига айлана олмайди. Бунинг ўрнига сув тежовчи, сув самарали ва сувни муҳофаза қилиш технологиялари муҳим секторга айланади. Бунинг сабаби шундаки, сув бозоридан фарқли равишда у жаҳон бозорида об-ҳавони белгилайдиганлар учун фойдали ҳисобланади. Сув бозорининг келажак истиқболлини тушуниш учун замонавий нефть бозорини эмас, балки бу бозорнинг ривожланиш тенденцияларини, яхлит энергетика бозорининг истиқболлини кўриб чиқиш керак. Бу бозорда энергия узатишлар, биринчидан, энергияни тежовчи дастгоҳлар, иккинчидан, янгиланадиган ва аввало, шамол ҳамда кўёш энергия манбаларидан фойдаланадиган дастгоҳлар билан янада кўпроқ алмаштирилмоқда. XX асрнинг дастлабки ¼ қисмида нефть бозорининг катта тезликда ўсиши нефтнинг сув эга бўла олмайдиган хусусиятлари эвазига амалга оширилди. Сувга нисбатан нефть бозори тарихи қайтарилмайди.

Сувни катта миқдорда, йилига кўп кубокилометрли, кўплаб минг километрли узоқликдаги каналлар ёрдамида етказиб бериш орқали сотишга ўтиш (ориентация қилиш) шундай йўл тутган мамлакатлар учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сув ресурсларини хавзалараро қайта ташлаш (узатиш) номалакали меҳнатнинг жуда катта харажатларини, катта миқдордаги техникалардан фойдаланишни талаб қиладики, бу техникаларни ҳамма вақт ҳам энг илғор техникалар деб бўлмайди. Албатта, hozirги экскаваторлар, айтайлик, Катта Фарғона каналини қуришда ишлатилган экскаваторлардан тубдан фарқ қилади. Бирок, экскаваторлар илмий-техника тараққиётини белгилаб бермайди.

Энди дарё оқимини “канал қуриш” воситасида қайта тақсимлаш (узатиш) орқали фойдаланиладиган сув миқдорини кўпайтиришдан сувдан фойдаланишнинг интенсив йўлига ўтишнинг муҳим фарқларини қайд этишга ҳаракат қиламиз. У, энг аввало, кичик ва ўрта кўламларда самаранинг тез олиш имонияти билан белгиланади. Шунга мувофиқ равишда, бу ўтиш жараёнини шундай бошқаришга асосланадики, унга кўра, бошланғич босқичларда олинган иқтисодий натижалардан кейингиларини молиялаштириш учун фойдаланилади. Ер остидан томчилатиб суғоришни барча суғориладиган ерларга, айланмали сув таъминотини барча корхоналарга, уй-жой коммунал сектордаги сувни тежовчи воситаларни барча шаҳар, туман ва уйларга бирданига жорий этиш шарт эмас. Инвестицион маблағлар доимо чекланган ва шунинг учун ҳам ҳар бир босқичда янги технологиялар жорий этиш кўламини, табиийки, шундай маблағларнинг мавжудлигига мувофиқ танлаш керак. Экстенсив йўл танлашнинг бундай имкониятини бермайди: биринчи натижани олиш учун канални, ҳеч бўлмаганда, биринчи сув истеъмолчисигача етказиш керак. Бунинг учун керак бўладиган маблағлар, одатда, бўлинмаслик характерига эга. “Ярим қурилган канал” унга сарфланган харажатлар билан таққослаганда ҳам самара келтирмайди. Ва сувни тежовчи технологиялардан фарқли равишда натижа берадиган канал қуришдаги минимал бошланғич кадам кўп миллиардли инвестициялар ва қурилишнинг бир неча беш йиллигини талаб қилади.

Сув тақчиллиги муаммоси жаҳон сиёсатининг энг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Халқаро хавфсизликни таъминлаш унга нисбатан ўта жиддий муносабатда бўлишни, йўл-йўлакай сиёсий имкониятлар билан “қиздирилаётган” илғор технологияларни амалга оширувчилар учун иқтисодий истикболларнинг очилиши эса бизнес таркибий тузилмаларининг

қизиқишини ўйғотмоқда. Сув муаммоси глобал сиёсий ва иқтисодий “ўйин”лар учун сюжетга айланмоқда. Бундай вазиятда пухта ўйланмасдан қабул қилинадиган қарорлар – “қопқон”га тушишининг аниқ йўлидир. Ҳозирдаёқ сувдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сиёсий муаммолар мавжуд. Улар кўплаб сув объектларининг бир вақтнинг ўзида турли мамлакатларга тегишли эканлиги билан белгиланади.

Аҳоли жон бошига сув билан таъминланганликнинг юқори кўрсаткичлари аслида ҳамма вақт ҳам ҳақиқий манзарани кўрсата олмайди. Мумкин бўлган ўзлаштириш самарали бўлмаганлиги учун иқтисодий нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги ёки қандайдир сиёсий, ижтимоий, экологик ва бошқа сабабларга кўра умуман амалга ошмаслиги мумкин. Дарёлар хавзасида ёки ер ости сувлари жойлашган жойда бир неча давлат ўрнашган бўлса, шунингдек дарё икки давлат ўртасидаги чегара бўйлаб оқса, трансчегаравий сувлар билан боғлиқ бўлган ўзига хос вазият вужудга келади. Дарёнинг юқори оқими тартибга солиниши ёки ўзгартирилиши натижасида унинг қуйи оқимида жойлашган давлатлар сув етишмаслигига дуч келиши ёки ундан умуман маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Бундай дарёларга мисол кўп. Улар сирасига дунёнинг йирик дарёлари, хусусан, Африкадаги Нил ва Конго, Америкадаги Колорадо ва Ла-Плата, Осиёдаги Ганг, Амударё, Сирдарё, Амур ва Иртиш, Европада Дунай ва Рейни киритиш мумкин.

Бошқа сув манбаларининг мўл-кўллиги шароитида халқаро сув ёки трансчегаравий оқимлардан фойдаланишда муаммолар вужудга келмайди, албатта агар, сув ресурслари иқтисодий бойлик сифатида қаралиб, уни табиий ресурс эканлигини ҳисобга олиб, унинг нархнини, ҳажминини ва унга бўлган талабни аниқ ҳисобланса<sup>32</sup>. Лекин бундай дарёлар мамлакат учун асосий сув ресурси сифатида хизмат қиладиган бўлса, иқтисодий қарама-қаршиликлар ва сиёсий зиддиятлардан қочиб қутилишнинг амалда иложи йўқ.

Дарё оқимининг юқори қисмида жойлашган давлатлар сувдан фойдаланишда муайян қулайликка эга. Чунки уларда дарё оқимининг қуйи қисмида жойлашган давлатларга нисбатан сувдан

---

<sup>32</sup> Briscoe J. Article: Managing water as an economic good: Rules for reformers. October 2011. Water Supply 15(4) [www.researchgate.net/publication/265658881](http://www.researchgate.net/publication/265658881)

фойдаланиш масалаларида ўз шартларини кўйиш имконияти бор. Масалан, Исроил сувнинг катта қисмини чегарадош бошқа давлатлардан олади. Ўзбекистонга мавжуд сувнинг 85%дан кўп қисми<sup>33</sup>, Бангладешда эса ҳаммаси (Ҳиндистондан), Мисрда Нилнинг юқори қисмида жойлашган бошқа ҳудудлардан келиб тушади. Яқин Шарқдаги Ҳиндистон ва Бангладеш, ҳозир эса Нил ҳавзаси мамлакатлари ўртасида сув учун келиб чиқаётган низолар яхши маълум. Узоқ бўлмаган келажакда сув ресурслари учун қуролини низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмас.

Ҳамкорликда фойдаланиладиган сувлар мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар предмети бўлиши мумкин. 1950 йиллардаёқ Рейн дарёси ҳавзасида жойлашган мамлакатлар, жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун комиссия тузган эди. Бу борадаги интилишларга “Буюк кўллар”ни тозалаш бўйича АҚШ ва Канаданинг биргаликдаги ҳаракатлари ҳам мисол бўла олади. Европада Шимолий, Болтик ва Ўрта ер денгизларининг химояси бўйича минтакавий конвенциялар амал қилмоқда. 1997 йилда БМТ халқаро сувлар тўғрисидаги конвенция лойиҳасини кўриб чиққан ва унда сув ресурсларини тақсимлашнинг қуйидаги икки асосий тамойили (принципи) шакллантирилган эди: а) сув ресурсларидан адолатли ва оқилона фойдаланиш; б) катта зарар етказмаслик мажбурияти. Конвенция лойиҳаси Туркия, Бурунди ва Хитой унга қарши овоз берганлиги учун у қабул қилинмади. Халқаро сувлардан фойдаланиш бўйича кўп сонли битимлар тузилган бўлишига қарамадан ханузгача бу борадаги муҳим аниқ масалалар ўз ечимини топмаган: битимлар бажарилиши назоратининг механизмлари ва стандартлари; мавжуд ресурслар ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда сувларни тақсимлаш шартлари ва б. Халқаро сувлар тўғрисидаги энг умумий конвенцияни қабул қилиш эса ноаниқ келажакнинг иши сифатида қолмоқда.

---

<sup>33</sup> БМТ Европа иқтисодий комиссияси Атроф-муҳит сиёсати қўмитаси Атроф-муҳит ҳолати шарҳининг 29-серияси. Ўзбекистон Иккинчи шарҳ. 6-боб. Сув ресурсларини барқарор бошқариш ва муҳофаза қилиш. БМТ. Нью-Йорк ва Женева, 2010. 103 б.



**1.2- §. Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётининг стратегик омили сифатида сув ресурсларидан фойдаланишнинг вазибалари, тамойиллари ва устувор йўналишлари**

Сўнгги маълумотларга караганда, Ўзбекистонда қайта янгиладиган сув захиралари ҳажми 53,1 км<sup>3</sup>ни ташкил этади. Аҳоли жон бошига 16,1 м<sup>3</sup> сув тўғри келади. Ҳар икки кўрсаткич бўйича юқори ўринларни эгаллаган мамлакатларнинг энг олдингилари қуйидагилар (1.1-жадвал):

*1.1-жадвал*

**Дунёдаги олти етакчи мамлакатлар ҳамда Ўзбекистоннинг ялли сув ресурслари ва сув билан таъминланганлиги<sup>34</sup>**

Мамлакатлар	Дарё оқими ресурслари, йил/км <sup>3</sup>	Сув билан таъминланганлик, минн м <sup>3</sup> /йил-киши
Россия	4348	28,7
Бразилия	8120	42,2
Канада	3420	109,0
АҚШ	3048	10,6
Хитой	2700	2,1
Ҳиндистон	2037	1,7
Ўзбекистон <sup>35</sup>	53,1	16,1

Бироқ бу мамлакатлар орасида Россия ва Ҳиндистон сингари Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларининг йиллик ўртача ички тақсимланиши жуда ноқулай ҳисобланиб, истеъмолчиларга бир текисда етказиб берилиши сув омборлари яратилишини талаб қилади. Бунинг устига, дарё оқимларининг асосий қисми мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида таркиб топади ва сув ресурслари ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланган.

Сувдан фойдаланишнинг самарадорлигининг, кўплаб сув хўжалиги тизимларида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сифатининг пастлиги, фойдаланиладиган энг аҳамиятли табиий сув

<sup>34</sup> Водные ресурсы мира. [www.priroda.su](http://www.priroda.su)

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

объектлари етарлича қониқарли эмаслиги, энг аввало, мамлакат сув хўжалигининг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Экстенсив ривожланишга устуворлик бериш, сувдан самарали фойдаланиш масалаларига нисбатан етарли даражада эътиборли бўлмаслик, муаммонинг экологик жиҳатлари маълум даражада эътибордан четда қолиши ва бошқа бир қанча ҳолатлар Ўзбекистон сув хўжалигининг жаҳондаги даражадан ортда қолганлигини кўрсатади, бу нарса 1980 йиллардаёқ яққол намоён бўла бошлади. Шунингдек, мамлакат сув хўжалиги фаолиятидаги салбий ҳолатлари унинг ривожланиши 1990 йилларгача етарли даражада молиялаштирилмаганлиги оқибатида янада чуқурлашган эди.

Мустақиллик йилларида эътиборга лойиқ жуда катта ишлар қилинган бўлишига қарамасдан, сув хўжалигини етарли даражада молиялаштириш, уни ўз-ўзини молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш жараёнига ўтказиш тўғрисидаги масала ҳозирги пайтда ҳам ўткирлигини йўқотгани йўқ. Бироқ, фикримизча, бу тармоқнинг ўзига хос бир неча хусусиятлари (энг аввало, сувдан фойдаланишнинг ижтимоий ҳиҳатлари, унинг экологик оқибатлари, сувнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг зарурлиги ва б.) қандайдир “умумий” ёндашувни қўллаш имкониятларини йўққа чиқаради ва бу масалада, шак-шубҳасиз, тармоқ хусусиятиларининг тўлиқ ҳисобга олинисини талаб қилади. Амалда жуда мураккаб бўлишига қарамасдан сув истеъмоли ва сув ажратишга нисбатан ўз-ўзини молиялаштириш ва ўз харажатларини қоплашнинг умумий иқтисодий-назарий масалалари ишлаб чиқилган. Бироқ сувдан фойдаланишнинг бошқа йўналишларидаги вазиятни бу масалага нисбатан тушунарсиз ҳолда эканлигини характерлашимиз мумкин. Чунончи, сув истеъмоли ва сув ажратишдан ташқари сувдан фойдаланишнинг қолган барча йўналишларида ундан фойдаланишни тартибга солувчи тўловларнинг параметрлари, фикримизча, ихтиёрий равишда аниқланган, ўрнатилган кўрсаткичларнинг етарли даражада асосланмаган. Масалан, аҳолини сув тошқинларидан ҳимоя қилишни ва унинг бошқа зарарли таъсирларини ўз-ўзини молиялаштириш ва қоплашга ўтказиш жуда ҳам шубҳали. Аслида бу бюджетдан молиялаштириш зарур бўлган давлат фаолиятининг муҳим соҳаларидан биридир.

Назаримизда, ҳозирги пайтда Ўзбекистон сув хўжалиги мажмуасининг сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштиришга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган энг муҳим биринчи даражали муаммолари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин: кўп сувдан фойдаланиш объектларида сув сифатининг қоникарсизлиги; хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг қоникарсиз ҳолатдалиги; гидротехник қурилмалар – сув хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондлари техник аҳволининг ёмонлашганлиги; сарфлаш жараёнида сув исроф қилина-ётганлиги; сув ресурслари ва сув хўжалиги тизимларини бошқаришнинг етарли даражада самарали эмаслиги; сув объектлари мониторингини ривожлантириш бўйича ишлар ҳажмининг камлиги; сувнинг салбий таъсиридан химоялаш етарли даражада эмаслиги; сув объектлари ифлосланиш даражасининг юқорилиги ва б.

Сув объектларини бошқариш ва химоя қилишнинг меъёрий ва илмий-услубий таъминлаш қисмида юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ечиш йўлидаги биринчи қадами сифатида хўжалиқда фойдаланиш ва сув сифатини қайта тиклашни химоя қилишни режалаштириш учун сув объектлари ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда химоя қилишни тартибга солишнинг эколого-ижтимоий-иқтисодий асослаш методологиясини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун, бизнингча, қуйидагиларни ечиш керак:

1. Сув ресурсларидан фойдаланишни интенсификациялаштириш, экстенсив сув истеъмолини давом эттиришни чеклаш. Бу мақсадга эришишда ҳал қилувчи ролни бозор муносабатларининг ривожланиши ўйнайди. Бироқ бу жараён стихияли тарзда содир бўлмаслиги керак. Чунки сув ресурсларининг ўта ижтимоий ва экологик аҳамияти бозорий ўзаро алоқалар соҳасини кенгайтириш томон ташланган ҳар бир кадам оқибатларини синчковлик билан таҳлил қилишни талаб этади. Бир вақтнинг ўзида сув ресурсларини бошқаришдаги маъмурий-бўйрукбозлик тизими элементларидан ҳам иложи борича тезроқ воз кечмоқ лозим. Бунинг учун, фикримизча: меъёрлар бўйича сув истеъмоли учун ҳақ фақат ҳақиқатда олинган сув микдори бўйича тўлашга ўтказилишини таъминлаш; истеъмол қилинадиган сув учун тўланиши лозим бўлган ҳақни сув истеъмоли таъминотининг барча харажатларини тўлик қоплаш (компенсация қилиш) имконини

берадиган даражагача узлуксиз кўтариб бориш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; сувдан фойдаланишнинг барча кўринишлари учун ҳақни сув ресурслари сифатининг барқарор такрор ишлаб чиқарилиши ҳамда унга боғлиқ бўлган экотизим ва абиотик<sup>36</sup> муҳитни қўллаб-қувватлайдиган барча муҳим чораларни тўлиқ молиялаштиришни таъминлайдиган даражагача ошириш; бунда сувдан фойдаланишда рентанинг шаклланиши бўйича назарий ишланмалардан фойдаланиш; сувдан фойдаланишда сувни тежовчи технологиялар жорий этилиши учун сувдан фойдаланиш ҳақи ва солиқ имтиёзлари ҳамда молиявий механизмнинг бошқа элементлари ёрдамида сувдан фойдаланувчиларни стимуллаштириш; сувдан фойдаланишнинг барча кўринишларида сувга бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шакллари ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

2. Ичимлик суви таъминотининг ишончлилиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш. Бунинг учун уларнинг қуриб қолишига имкон бермайдиган экологик меъёрларга қатъий риоя этган ҳолда, ичимлик суви таъминоти тизимларида сувнинг ер ости ва ер усти манбаларидан биргаликда фойдаланиш ҳамда сувни тайёрлашнинг замонавий технологияларини қўллаш зарур. Бу вазифани ҳал қилишда сувни тежаб-тергаш муҳим роль ўйнайди. Чунки олинадиган ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда фойдаланишда катта миқдорда йўқотиладиган сувнинг юқори даражадаги ҳажми сув таъминоти нобарқарорлигини оширувчи омилдир.

3. Сувнинг зарарли ва, энг аввало, сув тошқинлари таъсиридан аҳоли ва ҳўжалик объектларини ҳимоялаш тизимини ишлаб чиқиш. Бу фан сиғимли йўналиш сув тошқинларининг пайдо бўлиши ривожланиши механизмларини тушунтирувчи моделлар такомиллаштирилишини, сув тошқинлари ва уларнинг оқибатларини башоратлаш усулларининг яхшиланишини, гидро-метереологик мониторинг, шунингдек, қатор сув омборларини реконструкция қилиш бўйича капитал сиғимли чоралар, шаҳарлар, посёлкалар ва ҳўжалик объектларини ҳимоялаш, айрим ҳолларда

---

<sup>36</sup> АБИОТИК-муҳитнинг тирик организмларга таъсир этувчи ноорганик омиллари (иклим, т-ра, намлик, радиация, тупроқнинг шўрхоклиги ва б.) мажмуи. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент.

эса аҳоли пунктларини хавfli худудлардан чиқариш тизимлари такомиллаштирилишини талаб қилади. Турли мақсадларга мўлжалланган янги объектларни қуриш бўйича ерларни ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда уларнинг сув босиш, сув тошқинларининг мумкин бўлган зарарлари эҳтимоллари, суғурталаш зарурлиги ва бошқалар ҳисобга олиниши керак.

4. Меъёрдан ортиқ антропоген таъсирда бўлган сув объектларида сувнинг сифатини қайта тиклашга йўналтирилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бизнингча, сув оқимларида тозаловчи тизимларнинг яхшиланиши бу муаммони тўлиқ еча олмайди. Сув олинувчи худудларда тегишли тартибларнинг жорий қилиниши, сувни ҳимояловчи худудлар ва қирғоқ олди ҳимоя йўлларида хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишни чеклашнинг ўрнатилган қонуний режимига қатъий риоя этиш, махсус реабилитация тадбирларини ўтказиш, гидромелиорация ва бошқаларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш ва б.лар ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, бундай фаолият сув хўжалигини бошқариш ва экологик назорат бўйича давлат органларининг қаттиқ назорати ва раҳбарлигида амалга оширилиши керак. Бироқ у фақат ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоатчилик ва бизнеснинг фаол иштироки орқалигина тўлиқ амалга оширилиши мумкин. Бундай иштирокни таъминлашда бизнеснинг манфаатдорлиги ва қизиқишини таъминлаш – жиддий ва масъулиятли иқтисодий вазифа. Буни ечишда, айниқса, хорижий тажрибадан фойдаланмоқ лозим.

5. Сув тайёрлаш комплексларини, хусусан, оператив (шошилинич) муҳандислик қарорлари қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш, сувни зарарсизлантиришнинг илғор усулларида, замонавий кимёвий воситалардан, сув узатиш тармоқларида сув сифати мониторингги тизимидан фойдаланиш; ташланадиган оқова сувлар сифатининг меъёрий даражасини қафолатлаш учун саноат ва коммунал хўжаликда сув тозалаш тизимлари; қишлоқ хўжалигидаги суғориш тизимларининг техник(авий) даражасини кескин ошириш лозим.

6. Гидрологик, эколого-иқтисодий ва иқтисодий-математик моделлардан фойдаланувчи ахборот-ҳисоблаш мажмуалари асосида сув ресурслари ва сув хўжалиги тизимлари (хусусан, хавзалар даражасида) бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Бу йўналиш а) дастгоҳ ва асбоб-ускуналар; б) илмий тадқиқотлар; в) моделлар ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш; г) кадрлар тайёрлаш борасида катта миқдордаги бюджет маблағларини тақозо этади. Бунда кадрлар тайёрлаш борасида катта миқдордаги бюджет маблағлари талаб килинишининг муҳимлигини етарли даражада баҳолай олмаслик юқоридаги дастлабки уч модда (а, б, в)лар бўйича харажатлар етарли даражада молиялаштирилмаслигининг сабаби ҳисобланади. Объектив тенденциялар (иклимий ўзгаришлар, энг ривожланган минтақаларда сув тақчиллиги кучайиши, экотизимга антропоген юклама ўсишининг давом этаётганлиги ва ҳ.к.лар) боис, сув ресурслари ва сув хўжалигини бошқариш вазифаларининг мураккаблиги кучайиб бормоқда. Унда банд бўлган кадрлар малакаси ва бошқариш тизимининг техник ва методологик қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги даражасини сақлаб қолиш, шаклбўйсиз, бошқарув сифатини янада пасайишига олиб келади. Сув хўжалиги олдида турган вазифаларни ечиш учун бу даражани устувор суръатларда (бошқариш вазифалари мураккаблигининг ўсишига нисбатан таққослаганда) ошириш зарур.

7. Сувдан фойдаланишнинг барча турлари, хусусан, ГЭСлар иш режимини бошқариш бўйича самарадорликни ошириш учун керак бўладиган гидробашоратлар сифатини яхшилаш. Бошқа қўшни мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда гидробашоратларнинг муддатидан олдинлиги ва асосланганлик даражалари замонавий даражадан, нисбатан бўлса-да, ортда қолмоқда. Хусусан, сўнгги 15-20 йил давомида катта йўқотмалар хос бўлган гидрометеорологик тармоқнинг ахборий асосини кескин модернизация-лаштириш зарур. Бунда вазифа уни қайта тиклаш тартибида эмас, балки замонавий мониторинг технологияси ва энг аввало, аэрокосмик асосда оптималлаштириш тарзида қўйилиши керак.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ечиш усуллари, бизнингча, қуйи-даги тамойил (принцип)ларга таянмоғи лозим: а) уни амалга оширишнинг самарали дастаги (инструменти) сифатида ҳавзавий ёндашув ва ҳавзавий битимлар сув ресурсларини бошқаришда асос бўлиши керак; б) сув ресурсларини бошқаришни ахборий таъминлаш (мақсадни белгилаш, тартибга солишнинг усул ва вазифаларини аниқлаш, сув объектларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш, тегишли чораларнинг самарадорлигини

баҳолаш) сув объектлари аҳамияти ва ҳолатининг илмий асосланган эколого-ижтимоий-иқтисодий индикаторларини танлаш зарур; в) бу мақсадлар учун яна хўжалик субъектлари – сувдан фойдаланувчилар, жойлашиш тизими, инфратузилма ва х.к.лар тўғрисида ишончли маълумотлар керак; г) сувдан фойдаланувчилар билан давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида сув ресурсларидан бошқариш борасидаги вазифаларнинг оқилона чегараланиши қонунда аниқ акс эттирилган бўлиши лозим.

Вужудга келаётган муаммоларни ечиш учун сувдан барқарор фойда-ланишни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш зарур. Бу жуда қисқа муддатларда юқорида кўрсатилган муаммолар мажмуини ечиш бўйича ишларни бошлаб юборишга имкон берган бўлур эди. Ана шу мақсадда, ҳеч бўлмаганда, “2025 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг сув стратегияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим. Бунда Ўзбекистон сув стратегиясининг асосий мақсад-лари а) Ўзбекистон Республикаси барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлани-шини сув ресурслари билан кафолатланган таъминлаш; б) инсон ҳаёти учун экологик қулай шароитни таъминлайдиган даражада сув объектларини сак-лаш ва қайта тиклаш; в) сув тошқинлари ва сувнинг бошқа салбий таъсир-ларидан аҳоли ва иқтисодиёт объектларининг ҳимояланганлигини таъмин-лаш бўлиши мумкин.

Стратегия доирасида ишлаб чиқиладиган тадбирларнинг амалга оши-рилиши барча тоифадаги сувдан фойдаланувчиларнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини, шу жумладан, сувдан самарали фойдаланиш даражасини ошириш ва ундан комплекс фойдаланишни таъминлаш ҳисобидан, қондиришни таъминлашга имкон беради. Бунда сув сифати ва сув объектларининг санитария-эпидемиологик ҳолатини босқичма-босқич яхшилаш, сув экотизимларини ҳимоя қилиш муаммоларини сув объектларига ифлосланган нарсаларнинг тушушини қисқартириш йўли билан ҳал қилиш; аҳоли ва иқтисодиёт объектларини сувнинг салбий таъсиридан (сув тошқинлари ва блар) хавфсизлик даражасини ошириш кўзда тутилмоғи лозим. Стратегия дунёвий илғор ютуқларни, ички бозор ва жаҳон бозорида маҳаллий маҳсулотлар ва технологиялар рақобатбардошлигини ошириш, илмий-техникавий

ишланмалар ҳажмини кўпайтириш, сув ҳўжалиги комплекси ва унга якин бўлган иқтисодий фаолият кўринишлари корхона ва ташкилотлари инновацион фаоллигини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда сув ҳўжалиги мажмуаси ишлаб чиқариш инфратузилмасини модернизация қилиш ва қуришни ҳам ўз ичига олиши зарур.

Маълумки, Ўзбекистон сув ресурсларига бой бўлган мамлакат ҳисобланмайди. Сув тақчиллиги шароитида қўшимча каналлар қуриш ҳисобига бу муаммони ҳал қилишга уриниб қўриш мумкин. Лекин, фикримизча, бу йўлдаги ҳар бир кадам мамлакатимиз иқтисодиётининг хом ашёвий йўналишга эга эканлигини мустаҳкамлаган, унинг технологик жиҳатдан ортда қолишини янада кучайтирган ва булардан келиб чиқадиган барча нобарқарорликнинг ўсиши томон ташланганлигини билдиради. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини интенсивлаштириш йўлини танлаши керак. Бунинг учун эса амалда мавжуд бўлганларининг ўрнига янги хом ашёвий тармоқларни эмас, балки ресурсларни асровчи, иқтисод қилувчи ёки тежаб-терговчи тармоқларни ривожлантириши лозим. Бу тўлиқ даражада сувдан фойдаланишга ҳам тегишли. Чунки бизда сувдан фойдаланиш самарадорлиги етарли даражада эмас. Мамлакатимизнинг саноат ривожланган минтақалардаги сув объектлари аҳоли қониқарсиз даражада. Қишлоқ ҳўжалигида сувдан фойдаланишнинг янги технологиялари жорий этилаётган бўлишига қарамасдан унинг қўламини қониқарли деб бўлмади. Ўз ҳўжаликларида сувдан фойдаланишнинг интенсивлаштириш стратегиясини танлашда мамлакатимиз қўшни Қозғистон ва Туркманистон каби давлатларда сув тақчиллиги муаммосини ечишда самарали иштирок этишни ҳам қабул қилиши мумкин. Чунки бизда юқоридаги республикалар учун бу борада технологик етакчи бўлишда барча зарурий шарт-шароитлар етарли.

Мамлакатимиз эга бўлган ёки эга бўлиши мумкин бўлган объектив афзалликлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини танлаши (белгилаб олиши) керак. Фикримизча, мавжуд сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш ана шундай устувор йўналишларнинг бири ҳисобланади.



Албатта, бу ўринда Ўзбекистон қатта сув захиралигига эга эмас, шунинг учун масаланинг бу тартибда қўйилиши асоссиз, деган эътирозлар бўлиши табиий. Лекин мамлакатимиз учун масаланинг айнан шу тартибда қўйилишини, бизнингча, сув захиралигининг қанчалиги эмас, балки уни жаҳон конъюнктураси, унда кутилаётган ўзгаришлар, сўнги 10 йилликларда сувни истеъмол қилишда аниқ кўринган тенденциялар, бу тенденцияларнинг таркиб топишида жиддий роль ўйнаган омиллар белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ушбу жабҳа мутахассислари томонидан қилинган ва илмий-амалий жиҳатдан етарли даражада асосланган башоратларга кўра, 2035-2045 йиллар оралиғида сув истеъмол қилиш ҳажми унинг фойдаланиш мумкин бўлган, сақланган ресурслари ҳажми билан тенглашади. Шубҳасизки, бундай вазиятнинг вужудга келиши ўткир инқироз индикаторидир. Бироқ бундай экстраполяция<sup>37</sup> башоратни олдиндан айтилган тарзда қабул қилмаслик керак. Чунки иктисодий нуқтаи назардан фойдаланилиши мумкин бўлган ҳамма сув ресурсларидан, ҳатто 2045 йилда ҳам, фойдаланишнинг иложи йўқ. Бу тегишли сув ресурсларининг сув билан етарли даражада таъминланган минтақаларда жойлашган бўлиши билан белгиланади. Бу ресурсларни ривожланган инфратузилмага эга бўлмаган ҳудудлар хўжалигига жалб қилиш муаммоси эса жуда мураккаблигига қолаверади.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, назарий ва амалий жиҳатдан олиб қараганда ҳам сувнинг истеъмол қилинишини ифодаловчи эгри чизик унинг мавжуд бўлган захиралигини ифодаловчи эгри чизикка етарли яқин бўлган даражагача кўтарила олмайди. Чунки сувнинг минтақавий баҳолари ва сув сигимли маҳсулотлар жаҳон баҳосининг ортиши билан кузатиладиган глобал сув инқирозининг яқинлашиши сувни истеъмол қилишнинг ўсишини тўхтатади. Экстраполяция башоратлар билан намоёиш этилаётган эгри чизиклар жараёни амалга ошириш давомида экстраполяцияда ҳисобга олинмайдиган

---

<sup>37</sup> ЭКСТРА... (лот. — устида, ташқарида, ортиқча) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; ниҳоятда, ҳаддан ташқари, олагдаги меъёрдан, бирон нарсадан ортиқ каби маъноларни билдиради (мас, экстраординар, экстраполяция). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент.

кучлар ёрдамида трансформациялашади. Бир томондан, фойдаланилиши мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмининг камайиши секинлашади, чунки кишилар сувни эҳтиёт қила бошлайдилар. Бошқа бир томондан эса, сув истеъмоли ўсиш суръатлари пасаяди ва у 20-25 йилдан сўнг деярли нолга тенг бўлиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш унинг ўсиши XX асрнинг иккинчи ярмидаги суръатларда давом этиши мумкин эмас. Шу асрда йирик сув омборлари қуришни характерловчи маълумотлар кейинги ўн йилликлар давомида гидроқурилишлар кескин қисқарганлигини кўрсатмоқда. Бу дунёнинг кўп мамлакатларида (асосан, Европа ва АҚШда) иктисодий мақсадга мувофиқлик мезонларига жавоб берадиган йирик кўламли гидротехник қурилиш имконияларидан фойдаланиб бўлинганлигини аңлатади. Тез-тез эълон қилинаётганидек, экологик чекланмалар билан эмас, балки айнан ана шу билан сўнгги йилларда шундай фаолият кўлами кескин қисқараётганлигини тушунтириш керак. Ривожланаётган мамлакатларда (Ўзбекистон ҳам шундай мамлакатлар сирасига киради) гидросалоҳиятдан фойдаланиш даражаси сезиларли тарзда паст ва шунга мос равишда йирик гидротехник иншоот-ларни қуриш учун имкониятлар катта бўлмоғи лозим. Бирок бу мамлакатларда бу йўналишдаги фаоллик пасайишининг сабаби, энг аввало, инвестицион маблағлар етарли эмаслиги билан изоҳланади. Бу камчилик 2008 йилда бошланган глобал молиявий-иктисодий инкироз натижасида янада кучайди ва у рискни баҳолашнинг кескин ошганлиги муносабати билан ривожланаётган мамлакатларда бундай қуйилмаларга нисбатан тушкунлик кайфиятини янада кучайтирди.

Шундай қилиб, қўлланилиши мумкин бўлган харажатлари билан иктисодиётга жалб қилиниши лозим бўлган сувнинг дунё ресурслари тугашга яқинроқ бўлиб қолган. Ҳолбуки, дунёда аҳолининг ўсиши, пастроқ суръатлардалигига қарамасдан, яна ҳеч бўлмаганда ярим аср давом этади. Бирок сувга бўлган эҳтиёж ўсишини фақат қўшимча аҳоли такозо этмайди. Бундай ўсишнинг содир бўлишини барча мамлакатлар ва энг аввало, ривожланаётган мамлакатларнинг сув хўжалиги муаммоларини ечмасдан туриб мумкин бўлмаган ҳаёт сифатини оширишга интилиши ҳам қўллаб-қувватлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, хавза чегарасидан чиқилганидан сўнг саноат, хўжалик-ичиш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш учун (км<sup>3</sup>да) сувни ортиб жўнатиш харажатлари кескин ортади. Шунинг учун ҳам жаҳон сув бозори, аниқроғи, жаҳон бозорининг тегишли сектори, аҳамиятга эга бўлган истиқболга эга эмас (бирок, хавза бозори ва минтақавий бозорлар ривожла-ниши мумкин). Жаҳон бозорининг бошқа секторлари, яъни сувдан фойдаланишнинг экстенсив эмас, балки интенсив ривожланишини таъминлайдиган секторлар қулай истиқболларга эга.

Шак-шубҳасиз, жаҳон бозорида туб ўзгаришлар содир бўлади. Бирок бу ўзгариш сув савдосини кенгайтириш тарзида содир бўлмайди. Биринчидан, сувни тежовчи ва сув самарали технологияларни ишлаб чиқариш ва сотиш ўсади, улар мавжуд сув ресурсларидан яхши фойдаланишга имкон беради, улар ишлаб чиқаришда истеъмол килинганда ресурс харажати бирлигига кўпроқ миқдордаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайди. Бундай технологиялар сув истемоли ўсишини тўхтатишга хизмат қилувчи муҳим омиллардир. Иккинчидан, сувни химоя қилувчи технологиялар ишлаб чиқариш бозори ривожланади ва кенгайди. Бу технологиялар сувни асрайди, гидрологик цикл ва сув ресурсларининг такрор ишлаб чиқарилиши табиий жараёнларига инсон аралашувини минималлаштиради. Улар иқтисодий жиҳатдан мумкин бўлган такрор ишлаб чиқариладиган сув ресурсларини дастлаб секинлаштиришга ва ундан сўнг эса қисқаришини тўхтатишга имкон беради.

Бирок, энг муҳими, сув сиғимли маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўлиб, уни жаҳон хўжалиги катта сув харажатларисиз ишлаб чиқаришни амалга ошира олмайди. Оғирлиги бўйича сувдан 100 ва ҳатто 1000 баробар кам бўлган сув сиғимли маҳсулотни ишлаб чиқариш мумкин бўлганда, сувни ортиб жўнатишдан мақсад нима? Одатда, керакли миқдорда сув ресурсига эга бўлмаган, лекин ўз ривожланишини молиялаштиришга қодир бўлган мамлакат қуйидаги икки вариантни такқослайди: 1) ўзининг бир неча минг км.ли чегараларидан ташқарида бўлганда сув сиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи заводни қуриш ва бу маҳсулотларни келтириш керакми ёки 2) кам сувли ўз худудида қурилган худди шундай заводлар учун сотиб олинган сувни ўзига олиб келиши керакми?

Бу ўринда, энг аввало, сув сизимли маҳсулотлар бозорининг хом ашё бозори эмаслигини қайд этиш зарур. Бу маҳсулотлар, шу жумладан, юқори техник даражадаги, қайта ишлашнинг юқори босқичларидаги (технологик занжир бўйича) бозордир. Барча хўжаликда сувдан фойдаланишнинг универсаллиги унинг умумий техник ривожланишини таъминлашга имкон берадики, бу ўз хом ашё тармоқларини ривожлантиришда содир бўлмайди.

Бозорда сув сизимли маҳсулотни сотувчи сифатида мамлакатнинг самарали иштирок этиши учун табиий ресурслар захираларининг ўзи етарли эмас. Фақат хом ашёни казиб олиш ва ортиб жўнатиш эмас, балки уни ишлаб чиқаришдан фойдаланувчилар ҳам бўлиши керак. Фойдаланиладиган ресурс, яъни сув такрор ишлаб чиқариладиган, тугамайдиган ресурс (табиийки, сувни муҳофаза қилиш қоидалари бажарилганда, ундан фойдаланишнинг гидрологик ва экологик меъёрларига риоя қилинганда). Сув сизимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун, табиийки, бошқа ресурслар – энергетик ва кимёвий хом ашё сифатида фойдаланилаётган углеводородлар, ўрмонлар, кора ва рангли металллар рудалари, замонавий кишлок хўжалигини юритиш учун фойдали бўлган ерлар ҳам керак.

Энди Ўзбекистоннинг сув сизимли маҳсулотлар бозорига чиқиш истиқболлари тўғрисида баъзи бир ҳолатларни таъкидлаб ўтишимиз зарур. Мамлакатимиз саноати учун бундай истиқбол даражаси, шубҳасиз, юқори. Сув сизимли тармоқлар қаторига, энг аввало, электроэнергетиканинг барча қўйи тармоқлари киради. Бу борада Ўзбекистон катта технологик тажриба ва илмий салоҳиятга эга. Бирок, электростанцияларимиздаги дастгоҳ ва асбоб-ускуналарнинг катта қисми маънан ва жисмонан эскирган. Шундай бўлишига қарамасдан, мамлакат ички бозоридаги талабнинг юқорилиги ва уни қўшни мамлакатларга экспорт қилиш истиқболи бу воситаларни янгилаш учун стимул сифатида хизмат қилиши мумкин. Катта миқдордаги сув ресурслари металлургия ишлаб чиқариши учун ҳам зарур. Шунингдек, кимё саноатининг ривожланиши ҳам катта миқдордаги сув ресурсларини талаб қилади. Бу ишлаб чиқаришда сувдан интенсиф фойдаланиш технологиялари кенг қўлланилаётганлиги диққатга сазовордир.

Сув такчиллиги муаммоларининг хорижий тадқиқотларида асосий эътибор саноат маҳсулотларига эмас, балки кишлок

хўжалигига қаратилади. Бу ерда, назаримизда, хурсанд бўларли истиқболларни топиш анча мураккаб. Ёз ойларидаги ҳаддан зиёд иссиқ иқлим, қишлоқ хўжалиги юритиш асосий анъаналарининг деярли йўқотилиши. Булар жуда яхши маълум ва салбий ҳолатлардир. Бунга энди яна жаҳон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосининг пасайиб бораётганлиги омилини ҳам қўшиш керак. Шундай бўлса-да, глобал сув инқирози шакл-шубҳасизлигининг ўткирлиги бу йўналишни ҳам диққат билан қараб чиқишга мажбур қилади.

Истеъмол маҳсулотлари жаҳон баҳоларининг пасайтирилганлиги, бизнингча, ривожланган мамлакатлар томонидан пухта режалаштирилган ва амалга оширилган сиёсат натижасидир. Ҳозирги вақтда бу баҳолар, худди 1950-1960 йилларда нефть баҳоси пасайтирилганлиги каби, улар учун фойдали. Бирок, ҳамма вақт ҳам бундай бўлавермайди. Глобал кўламда (айнан глобал кўламда, баъзи ҳолларда айрим мамлакатларда бўлганидек эмас) озик-овқат етишмаслиги сезилиши биланок бу халқаро нобарқарорлик омилига, терроризм фаоллашининг сабабига ва ҳ.к.ларга айланадики, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси ошади, албатта. Бундан ташқари, бу ерда Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий ва демографик омиллар, ишсизлик, миграция, хорижга (асосан, РФга) бориб ишлаб келиш ва ҳ.к.лар шундай муаммоларки, биз ташқи бозорда нима қилишимиздан қатъи назар уларни ҳал этишимиз зарур. Умуман олганда, бизнингча, қишлоқ хўжалигини қайта ташкил қилмасдан туриб Ўзбекистон иқтисодиётининг келажагини тасаввур қилиш анча мураккаб.

Яқин келажакда ёки тез орада табиий ҳажми ва сотилишининг молиявий ҳажми жиҳатидан жаҳон бозорида сув нефть билан таққосланиши мумкин бўлган товарга айланиши ҳақида гапирилмоқда. Таҳлиллар эса, бир қанча сабаблар мажмуига кўра, бунинг мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Улардан бири сув ва нефтнинг ҳақиқатда истеъмол қилиниш ҳажми ўртасидаги фарқнинг жуда катталигидир. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини бошқаришнинг стратегик вазифаларидан бири бу жиҳатдан қайси тармоқлар энг истиқболли эканлигини аниқлаш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда уларнинг ривожланиши учун қулай шароитларни яратишга ҳаракат қилмоқ лозим. Шу муносабат билан

мамлакатимиз иктисодиётида сув сиғими кам бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилиш устувор йўналишлардан бирига айланиши мумкин. Ўз навбатида эса, айнан шу тармоқлар кам сув сиғимли маҳсулотларни яратишга имкон берадиган янги технологиялар, мутахассислар, инфратузилмалар ва х.кларни яратишнинг буюртмачиларига айланмоғи лозим.

Глобал сув инқирози босими остида жаҳон иктисодиёти таркибий тузилмасини қайта қуриш сув билан таъминланган мамлакатлар учун қулай ва аксинча, сув билан таъминланмаган мамлакатлар учун ноқулай шароитларни вужудга келтиради. Чунки бу, шакл-шубҳасиз, сув сиғимли маҳсулотларга бўлган талаб ва унинг баҳоси ошишига олиб келади. Уни экспорт қилувчилар ҳозирги пайтда нефтни экспорт қилувчилар сингари фароғатга эришишлари ва импорт қилувчилар эса аксинча вазиятга тушиб қолишлари мумкин. Бундай вазиятда, бир томондан, сув сиғимли маҳсулотларни экспорт қилувчи ва иккинчи томондан, сув сиғимсиз (масалан, Ўзбекистон учун) ишлаб чиқаришлар ривожланишига жиддий тайёргарлик кўрилгандагина имкониятдан фойдаланиш мумкин, холос.

Ҳозир бутун дунёда энергетика хавфсизлигини таъминлаш масала-ларига катта эътибор берилмоқда. Глобал сув инқирози шароитида сув хавфсизлигини таъминлаш биринчи ўринга чиқиши табиий. Жаҳон ҳамжамияти уни шундай талқин қиладики, унга кўра, сувлар ва сув сиғимли маҳсулотлар тақсимланишида сув урушлари сабабли дунёвий барқарорликка хавф, сув терроризми ва х.клар вужудга келмаслиги керак. Демак, жаҳон ҳамжамияти қаерда бўлмасин сув ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилишини манфаатли равишда кузатиб боради. Бунда миллий даражадаги сув хавфсизлиги дейилганда, биринчидан, мамлакат иктисодиётининг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжини кондирриш ва иккинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг эҳтиёжларига мувофиқ миллий иктисодиёт учун ортиқча бўлган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Бу ерда умум-дунёвий ва миллий манфаатлар ўртасида карама-қаршилик йўқ. Чунки мамлакат учун ортиқчасини сотишдан меъёрний фойда олиб, ўз ресурс-ларидан самарали ва барқарор фойдаланиш фойдали ҳисобланади.

“Нефть ва газ”дан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиёти ривож-ланиш стратегиясини танлаш муаммоси махсус адабиётларда деярли ўрга-нилгани йўқ. Мамлакат миллий иқтисодиёти реал сектори учун таркибий тузилмани шакллантирувчи омил сифатида сув ресурсларининг роли ҳам ўрганилмаган. Марказий ресурс таъминловчи тармоққа айланган шароитда сув хўжалигининг вазифалари кун тартибига қўйилмаган ва таҳлил қилинмаган. Хусусий масалаларни кўриб чиққан ҳолда умуммиллий хўжалик қўйилмасида Ўзбекистонда сув сиғимли ёки сув сиғимсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари тадқиқ этилмаган. Бу муаммоларни тизимли, кенг кўламли, кўп ва фанлараро илмий ишлашни глобал сув тақчиллиги башоратланганидан ҳақиқатга айлангунига қадар кечиктириб бўлмайди. Уларга ишлов беришга ҳозирнинг ўзидаёқ киришиш керак.

Сув тақчиллиги – жаҳон иқтисодиётида келгусида кескин ўзгариш-ларни аниқлаб берадиган якка-ю-ягона омил эмас. Лекин у ана шундай муҳим омиллардан бири бўлиб, яқин 30-40 йил ичида унинг аҳамияти тўхтовсиз ўсиб боради. Жаҳон иқтисодиётида сув тақчиллиги муаммосини ҳал этилишини навбатдаги 15-20 йил ичида уйдлашнинг иложи йўқ. Бунга, эҳтимол, жорий 100 йилликнинг 2/3 қисми кетади<sup>38</sup>. Сув тақчиллиги биз учун хавф соладиган даражага етмаслиги ва аксинча, сув мамлакат фаровонлигини таъминлашда янги манбага айланиши учун бу муаммони муваффақиятли ҳал этиш масаласига жиддий эътибор ва жавобгарлик билан ёндашмоқ зарур.

Сув сиғимли маҳсулотлар жаҳон бозорида асосий “ўйинчи” ўрнини эгаллашини таъминловчи чоралар амалга оширилиши учун миллий дастур керак. Иқтисодиёт реал секторини қайта қуришнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш учун жиддий ишланмалар, бу иқтисодиётни бошқариш билан шуғулланаётганлардан барчасининг ягона мақсадга йўналтирилган ишига айланиши керак. Улар фанимиз олдига мутлақо янги вазифаларни кўяди. Бундай миллий дастурни амалга оширишга миллий хўжаликнинг деярли барчаси жалб қилинмоғи лозим. Чунки

---

<sup>38</sup> Рабочее резюме Обобщающий доклад 2018 г., посвященный Цели устойчивого развития 6 по вопросам водных ресурсов и санитарии.

бирор бир тармок сувсиз яшаши мумкин эмас. Дунёда сув такчиллиги ўсиб бориши муносабати билан бундай вазиятни ва унинг мумкин бўлган ривожланиш сценарийларини илмий ишланмаларга эҳтиёж сезилмоқда.

Сув сиғимли ёки сув сиғимсиз маҳсулотлар жаҳон бозорининг асосий иштирокчисига айланиш учун сув хўжалиги мажмуаси техникавий даражасини ошириш, анъанавий тармоқлар энергетика, металлургия, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда янги технологияларни яратиш ва жорий этиш талаб қилинади. Уларни фундаментал фанларнинг ютуқлари асосида ишлаб чиқиш муаммоли йўналтирилган, иқтисодиёт реал секторини трансформация қилишнинг узок муддатли дастурида акс эттирилган вазифа-ларни ечишга мўлжалланган бўлиши керак.

Бу ҳолда Ўзбекистоннинг манфаатлари жаҳон ҳамжамияти манфа-атлари билан тўлик мос келади. Кўплаб мамлакатлар сув сиғимли ёки сув сиғимсиз маҳсулотларга талабни тақдим этишлари мумкин ва бундай талабни қондириш биз учун фойдали ҳисобланади. Чунки бу факат хўжалигимиз ривожланишининг иқтисодий самарадорлиги масаласи эмас, балки хавфсизлигимиз, дунёда Ўзбекистон ўрнининг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги масаласи ҳамдир.


### **1.3- §. Молиявий механизм ва унинг сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги роли**

Замонавий бозор иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган молиявий механизмни шакллантириш муаммоси, умумназарий жиҳатдан, мураккаб ва кўп қирралидир. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, замонавий иқтисодий адабиётларда молиявий механизмнинг ягона тушунчаси мавжуд эмас. Шунинг учун “молиявий механизм” тушунчаси, унинг таркибий қисмлари ва элементларни аниқлаштириш ва тизимлаштириш долзарб ҳисобланади. “Механизм” атамаси грекча “*mechaná*” – “машина” сўзидан келиб чиққан бўлиб, дастлаб ундан машиналар ва механизмлар назариясида фойдаланилган. Шунингдек, машиналар ва механизмлар назариясида “механизм” дейилганда, ҳар қандай кўринишдаги ҳаракат ва энергияни узатувчи ва ўзгартирувчи



қурилма<sup>39</sup> тушунилган. Макро- ва микроиқтисодий жараёнларни туркумларга ажратиш ва ёритишнинг зарурлиги “механизм” атамасининг техникавий фанлардан иқтисодий фанларга “қарзга олиниши”га ва иқтисодий жараёнларни ёритиш учун ундан кенг фойдаланишга сабабчи бўлди.

Молиявий механизмнинг мавжуд таърифларини, фикримизча, шартли равишда бўлса-да, икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга кирувчи таърифлар молиявий механизмни давлат, минтақалар ва вилоятлар даражасида, яъни макродаражада кўриб чиқади. Иккинчи гуруҳга кирувчи таърифларда эса, молиявий механизм корхоналарнинг молиявий механизми, яъни микродаражада талқин қилинади. Бизнингча, молиявий механизм ҳам макродаражада ҳам микродаражада амал қилади ва унинг фаолият кўрсатиш жараёнини, энг умумий кўринишда, 1.3-расмдагидек тасаввур қилиш мумкин. Шунингдек, бунда молиявий механизмни кирувчи маълумотларни қайта ишлаш ва ўзгартиришга мўлжалланган ахборий машина сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.



1.3-расм. Молиявий механизм фаолият кўрсатишининг блок-чизмаси<sup>40</sup>

<sup>39</sup>Зиновьев, В.А. Курс теории механизмов и машин [Текст] / В.А. Зиновьева. - М.:Наука, 1972. - С. 10-11.

<sup>40</sup> Муаллиф ишланмаси


Юкорида баён қилинганлар асосида, фикримизча, молиявий механизмга қуйидагича таъриф бериш мумкин: маълум мақсад асосида фаолият кўрсатадиган, молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш усулари ва дастакларидан фойдаланадиган молиявий муносабатлар тизимидан иборат бўлган ҳўжалик механизмнинг бир қисмига молиявий механизм дейлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, макродаражадаги молиявий механизм макродаражадаги корхоналар молиявий механизмга бевосита таъсир кўрсатади, унинг таркибий тузилмаси ва элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаб беради. Бу ўринда, шунингдек, корхоналар молиявий механизмнинг мамлакат (минтақа, вилоят) даражасидаги молиявий механизмга тескари йўналишдаги таъсирини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Демак, бундан кўриниб турибдики, корхоналар молиявий механизми макродаражадаги (давлат, минтақа, вилоят) молиявий механизм таркибий тузилмасини ташкил этувчи элементлардан биридир (1.4-расмга қаранг).

Молиявий механизмнинг (“ММ”) таркибий тузилмаси элементлар (“Э”) тўплами ва тизим (механизм) ичида улар ўртасидаги муносабатлар орқали аниқланади, яъни  $ММ = (Э; Р)$ . Элементлар тўплами ва улар ўртасидаги муносабатлар молиявий механизм фаолият кўрсатишининг мақсади билан белгиланадики, у молиявий механизмнинг турли даражалари учун турлича бўлиши мумкин.

Масалан, макродаражада молиявий механизмнинг мақсади бўлиб, кўтарилиш ёки юксалишлар депрессиялар, инқирозлар билан алмашинадиган ташки муҳитнинг циклик ўзгариши шароитида мамлакат иқтисодиётининг соғлом фаолият кўрсатиши учун барқарор ва етарли даражада бўлган молиявий ресурсларни яратиш ҳисобланади. Шунингдек, макродаражада молиявий механизмнинг элементлари сифатида солиққа тортиш, баҳоларни шакллантириш, тарифли тартибга солиш ва ҳ.к.лар майдонга чиқади. Элементлар ўртасидаги муносабатлар эса кодекслар, қонунлар, қарорлар, фармонлар ва б.лар билан тартибга солинади.

## Бошқарувчанлик таъсири



Молиявий механизмнинг фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот

1.4-расм. Макро- ва микродаражада молиявий механизм ўзаро таъсирнинг блок-чизмаси<sup>41</sup>.

<sup>41</sup> Муаллиф ишланмаси

Микродаражадаги молиявий механизмнинг мақсади эса, фикримизча, корхона фаолиятининг мақсадига мувофиқ келмоғи лозим.

Фикримизча, корхона қийматини оширишдан иборат бўлган корхона фаолиятининг мақсади объектив ҳисобланади. Чунки корхона мулкдорлари (акциядорлари) учун бу қиймат уларнинг фаровонлигининг ошириши бош масаладир. Бунда мулк (акция)дорлар фаровонлигининг ўсиши на янги қувватларнинг ишга туширилиши, на ёлланган ходимларнинг сони ва на корхона айланмаси билан эмас, балки корхона қийматининг ўсиши орқали таъминланади. Буни АҚШ биржаларида акциялари ва АДР муомалада бўлган 5927 корхоналар бозор қиймати кўрсаткичи ва улар фаолиятини характерловчи тушум, соф фойда, кэш-фло ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги корреляция тахлили тасдиқлайди<sup>42</sup>. Корреляцион тахлил натижаларига кўра компаниялар фаолиятини ўзида акс эттирадиган 9 асосий кўрсаткичдан иккитаси корхонанинг бозор қиймати билан жуда кучли, 9 та-сидан 6 тасида – кучли, ва 9 тасидан 1 тасида – ўртача корреляцияда эканлиги маълум бўлган.

Юқорида баён қилинганларга асосланиб, қуйидаги хулосани чиқари-шимиз мумкин: корхона қийматини ошириш корхона фаолиятининг ҳам, молиявий механизм амал қилишининг ҳам мақсади ҳисобланади.

Микродаражада молиявий механизмнинг таркибий тузилмаси жуда мураккаб бўлиб, у турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Бир гуруҳ муаллифлар молиявий механизмнинг таркибий тузилмасига қуйидаги асосий элементларни киритадилар: а) молиявий усуллар; б) молиявий дастак (инструмент)лар; в) ҳуқуқий таъминот; г) молиявий бошқарувни ахборий-услубий таъминлаш<sup>43</sup>. Бошқа гуруҳ муаллифларнинг фикрича, молиявий механизм таркибий тузилмаси ўз ичига бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги 5 элементни олади: а) молиявий усуллар; б) молиявий дастаклар; в) ҳуқуқий

---

<sup>42</sup>Показатели финансово-хозяйственной деятельности компаний, акции которых обращаются на бирже [Текст] // Дамодаран Онлайн: [сайт]. URL:<http://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/> (музрожаат куни 13.05.19)

<sup>43</sup>Колчина Н.В. Финансовый менеджмент [Текст] / Н.В. Колчина. - М.: Юнити-Дана, 2004. - С. 90.

таъминоти; г) меъёрий таъминот; д) ахборий таъминот<sup>44</sup>. Назаримизда, молиявий механизм таркибий тузилмасига нисбатан сўнгги ёндашув, айниқса, эътиборга лойик. Бироқ, фикримизча, ҳуқуқий ва меъёрий таъминлашни қайд этилган тизимнинг элементи сифатида қараш, ҳеч бўлмаганда, бироз мунозарали. Чунки улар молиявий механизмнинг фаолият кўрсатишида бевосита иштирок этмайди, аммо мазкур механизм элементларининг ўзаро ҳаракатланиш жараёнида бу элементлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаб, уларга кескин таъсир кўрсатиши мумкин.

Молиявий механизм таркибий тузилмасининг элементи сифатида ахборий таъминотига нисбатан ҳам баъзи фикрларни билдириш мумкин. Ахборий таъминотчи корхона молиявий фаолиятига нисбатан қарорлар қабул қилишда зарур бўлган тегишли кўрсаткичларни танлаб олиш жараёнидан иборат бўлиб, унинг ўзи тўғридан-тўғри элемент бўла олмайди. Бу ўринда, бизнингча, кўрсаткичларни танлашни элемент тарзида қараш мумкин. Айнан молиявий механизмга келиб тушувчи маълумотларни ўзгартирувчи ва уларни бошқарув қарорлари қабул қилишда фойдали қилувчи кўрсаткичларни танлашни молиявий механизмнинг элементи сифатида эътироф этса бўлади. Бунда, фикримизча, уларнинг бажарадиган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кўрсаткичларни дастаклар, яъни унга келиб тушувчи маълумотларни ўзгартирувчи молиявий механизмнинг қисми таркибига киритиш тўғрироқ бўлур эди.

Шунингдек, молиявий дастакларнинг молиявий механизм алоҳида элементи сифатида қаралиши ҳам баъзи бир саволларнинг кун тартибига қўйилишига сабаб бўлади, бизнингча. Шу сабабли уларни молиявий механизмнинг алоҳида олинган элементи сифатида эмас, балки янада йирикроқ элементининг, яъни бошқарув молиявий механизми дастаклари сифатида қараш ўринлидир. Молиявий механизмни ўзи молиявий муносабатларни ташкил этиб, давлат томонидан ўрнатилган шакллари, турлари ва методлари тизимидан иборат<sup>45</sup>. Бунда молиявий механизмнинг дастаклари

---

<sup>44</sup> Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента [Текст] / И.Т. Балабанов. - М.: Финансы и статистика, 1999. - С. 359.

<sup>45</sup> Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х., Молия: умумдавлат молияси. – Тошкент: “Iqtisodiyoti”, 2009. – 523 б.

дейилганда, бу механизмнинг унга келиб тушувчи молиявий ресурслар ва маълумотларни ўзгартирувчи ҳамда молиявий механизмдан ташқарига ёки унинг бошқа элементларига узатувчи бир қисмини тушуниш керак.

Молиявий механизм дастакларнинг хилма-хил кўринишларидан бири сифатида молиявий дастаклар ўзига хос бўлган бир неча характерли хусусиятларга эга. Унинг энг асосийларидан бири кирувчи молиявий ресурслар ҳажмини бир неча мартага оширишдан, молиявий ресурсларни мультипликация<sup>46</sup> қилишдан иборат. Бунда молиявий механизм таркибида фаолият кўрсатаётган дастакларнинг ҳаракатланиш тамойили (принципи) тартиби, фикримизча, операцион, молиявий дастак ва солиқ “қалқони”нинг классик тушунишдан, бироз бўлса-да, фарқ қилади. Шу боис “молиявий механизм молиявий дастаги” тушунчасини шакллантиришда дастакнинг классик тарзда идрок этилишидан келиб чиқиш керак. Унга кўра, дастак дейилганда шундай қурилма тушуниладики, у кичик кучни катта кучга тенглаштириш ва шунингдек, қандайдир бир ишни амалга оширишда қўлланилади.


Фикримизча, молиявий механизм молиявий дастагининг амал қилиш тартиби (принципи) ҳам худди шундай бўлиши керак. Молиявий дастакнинг бир томонида иқтисодиёт субъекти ихтиёрида бўлган молиявий ресурслар жойлашади. Ўзига хос “стержень” бўлган риск билан ўзаро таъсирда бу молиявий ресурслар уларнинг шунча қўшимча ҳажмига эга бўлишни таъминлайдики, улар субъект томонидан фойдаланилган молиявий ресурслардан “N” марта кўп бўлади. Риск даражаси қанча юқори бўлса, “N”нинг ўлчами ҳам шунча катта бўлади ва аксинча (1.5-расмга қаранг).

---

<sup>46</sup> МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ (лот. multiplicatio — кўпайтириш) “кўпайиш”, “ошириш”, “ўсиш” маъноларини англатади. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Тошкент. 714 б.

Молиявий ресурсларнинг ўсиши

Молиявий ресурсларнинг ўсиши



Молиявий  
ресурслар

Молиявий  
ресурслар

1.5-расм. Молиявий механизм молиявий дастагининг амал қилиш блок-чизмаси<sup>47</sup>

Молиявий механизмнинг бошқа дастакларидан молиявий дастакнинг фарқланувчи асосий хусусияти шундаки, у ўзининг амал қилиш жараёнида рискни ошириш ҳисобидан молиявий ресурсларнинг кескин оши (ўси)шига имкон беради.

Молиявий дастак ҳаракатланиши механизмнинг юқорида баён қилинган жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг таркибига, биринчи навбатда, ҳосила молиявий дастакларни, шунингдек, кредит, лизинг, суғурта ва б.ларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий механизм элементлари таркибида икки ва ундан ортиқ бир неча элементларни камраб олувчи, нисбатан йирик бўлган таркиб топтирувчиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Булар механизм ичидаги ўзига хос механизм бўлиб, улар корхона кийматини оширишдан иборат бўлган асосий мақсадга эришишга хизмат қилувчи қатор вазифаларни амалга оширишга хизмат

<sup>47</sup> Муаллиф ишланмаси

қилади. Бунга мисол тариқасида фойда, харажатлар ва бошқаларни бошқариш механизмини кўрсатиш мумкин.

Юқорида баён қилинганлар асосида айтиш мумкинки, молиявий механизмнинг таркибий тузилмаси куйидаги элементлардан иборат: а) молиявий усуллар; б) молиявий дастаклар; в) асосий мақсадга эришишга ёрдам берувчи қатор вазифаларни ечишга хизмат қилувчи механизмлар. Улар ўртасидаги муносабатлар тўплами молиявий механизм элементларини ҳуқуқий ва меъёрий таъминлаш билан белгиланади.

Бунда молиявий механизм усуллари дейилганда унинг амал қилиш мақсадига – компания қийматини оширишга эришишни таъминловчи қоида-лар ва тартиблар тўплами тушунилади.

Молиявий механизм амал қилишининг меъёрий таъминоти дейилганда йўриқномалар, меъёрлар, нормалар, тариф ставкалари, услубий кўрсатмалар, тушунтиришлар ва бошқалар назарда тутилади.

Молиявий механизмнинг маъно-мазмун ва моҳиятини янада тўлароқ идрок этиш учун, фикримизча, уни жараёний ёндашув нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқиш лозим. Бунда жараёний нуқтаи назар дейилганда хўжалик фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирчанлиги билан биргаликда унинг жараёнларни ташкил қилиш тармоғидан иборат эканлиги тушунилади. АҚШнинг федераль стандарти сифатида 1993 йилда қабул қилинган ва умумэтироф этилган IDEF0 стандартига кўра, жараён функционал блок (тўртбурчак) сифатида акс эттирилади ва бунда унинг ҳар бир тўрт томони ҳар бири ўз номига эга. Чунончи: а) юқори томон – “Бошқарув” (Control); б) чап томон – “Кириш” (Input); в) ўнг томон – “Чиқиш” (Output); г) паст (қуйи) томон – “Механизм ” (Mechanism) деб номланади.

1.6-расмдан келиб чиққан ҳолда механизмни жараёнларни шундай таркиб топтирувчи сифатида талқин қилиш мумкинки, унга кўра, жараён бошқарилиши натижасида (бошқарув ёрдамида) қилувчи ахборотлар ва ресурсларни ўзгартириш жараёнининг мақсадини амалга оширишга имкон беради.





1.6-расм. Молиявий механизмнинг таркибий тузилмаси<sup>48</sup>

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда молиявий меҳанизми бошқарув призмаси орқали ҳам кўриб чиқиш керак. Албатта, бу ҳолда бевосита молиявий меҳанизм тўғрисида эмас, балки бошқарув молиявий меҳанизми, яъни корхона қийматини оширишни мақсад қилиш асосида амал қиладиган (фаолият кўрсатадиган, ишлайдиган, ҳаракат қиладиган), молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш дастаклари ва усулларида фойдаланган ҳолда ҳам корхона ичида ва ташқи муҳитда молиявий муносабатларни ташкил қилиш учун мўлжалланган корхоналар молиясини бошқариш тизими тўғрисида гапириш мақсадга мувофиқ.

1.7-расмда келтирилган молиявий меҳанизм элементлари таркибий тузилмасини инобатга олган ҳолда, энг умумий вазиятда, таркибий тузилма элементлари ўртасидаги муносабатлар тегишли устунлар билан тақдим этилиши мумкин. Бундай ёндашув харажатларни бошқариш молиявий меҳанизми вақт бўйича инвариант хусусиятларини тадқиқ этишни формаллаштиришга ва устунлар назарияси математик аппаратидан фойдаланишга имкон беради. Жумладан, молиявий меҳанизм таркибий тузилмасида элементлар ва муносабатларни баҳолаш ва оптималлаштириш алгоритминини амалга ошириши мумкин. Масалан, тизимнинг бир

<sup>48</sup> Муаллиф ишланмаси

неча чегаравий ўлчамларини билвосита муҳокама қилишга имкон берувчи таркибий тузилманинг диаметрини аниқлаши, хусусан, унинг ишончилиги, осилган баландликлардан тупиклар томонга борадиган хабарлар ушланиб қолинишининг узунлиги,



1.7-расм. IDEF0 стандартига мувофиқ жараён блок-чизмаси<sup>49</sup>

инерционлиги ва х.к.лар тўғрисида тегишли шароитларни яратиши мумкин. Бунда “Д” куйидаги формулага мувофиқ аниқланади:

$$D = \max D_{ij}, \quad (1.1)$$

Бунда:  $D_{ij}$  – бу йўлни ташкил этувчи реверлар сонига тенг бўлган “i” осилган баландлик ва “j” тупикли баландлик ўртасидаги минимал йўлнинг узунлиги;

“i” ва “j” – устуннинг осилган ва тупикли баландликлари кўплиги.

Шунингдек, марказлаштириш индексининг аниқланиши мўлжаллан-маган, устун томонидан ёритилган харажатларни бошқариш молиявий механизми элементларининг юкланишини баҳолашга имкон беради. Марказлаштирилган индексни аниқлаш учун куйидаги формуладан фойдаланса бўлади:

$$\beta = (n-1) (2z_{\max} - n) / z_{\max} (n - 2) \quad (1.2)$$

Бунда:  $n$  – устунда баландликлар сони.

Шундай қилиб, ушбу параграфда биз кейинги йилларда иқтисод (молия) илмида эришилган ютуқларни инобатга олган ҳолда молиявий механизмнинг амалдаги тушунчалари тахлилин, қисқача тарзда, амалга оширдик. Бу бизга макро- ва микродаражада

<sup>49</sup> Муаллиф ишланмаси

“молиявий механизм” тушунчаси ва ролини аниқлашга имкон берди. Бу жараёнда шунингдек, молиявий механизм таркибий тузилмасини ташкил этувчи элементлар тўпламини аниқлаштирдик, бу таркибий тузилмани белгилаб берувчи муносабатлар тўпламини аниқладик ва уларга аниқлик киритдик. Жумладан, жараёний ёндашув ва IDEF0 стандартлари нуқтаи назаридан бошқарув молиявий механизмини кўриб чиқишда “бошқарув молиявий механизми” тушунчаси аниқланди. Бошқарув молиявий механизмининг таркиб топтирувчилари тўпламини аниқлаштириш жараёнида шундай хулосага келиндикки, унга кўра, бошқарув молиявий механизмини таркиб топтирувчиларнинг таркибий тузилмасида бир неча элементларни бирлаштирувчи таркиб топтирувчилар, яъни механизмлар бор. Механизми таркиб топтирувчилар орасидан харажатларни бошқаришга йўналтирилган механизм – харажатларни бошқариш механизми – ажратилди, бу механизмни таркиб топтирувчи элементларни аниқладик. Ва, энг асосийси, харажатларни бошқариш молиявий механизми таркибий тузилмасида элементлар ва муносабатларни баҳолаш ва оптималлаштириш учун тегишли алгоритмни шакллантиришга муваффақ бўлдик.

Умуман олганда, 1.3-параграф доирасида юқорида қайд этилганлар-нинг барчаси сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмга нисбатан, энг аввало, ўзига хос пойдевор (фундамент) ролини бажариши керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу механизмни юқорида энг умумий тарзда баён қилинган молиявий механизмнинг ўзига хос бўлган ва тармок (сув хўжалиги) хусусиятларини ўзида тўлиқ ва узил-кесил мужассам этувчи алоҳида олинган молиявий механизм сифатида ҳам эътироф этмок лозим. Макро- ва микродаражадаги молиявий механизмга тегишли бўлган барча асосий (принципиал) масалалар (характерли белгилар ва б.лар) сув хўжалиklarининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмида ҳам ўз аксини топиши керак. Булар, бир томондан, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмининг умумий молия механизмидаги ўрнини ва иккинчи томондан, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ушбу механизмнинг ролини ҳам кўрсатиб беради.

## Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Сув инсон томонидан фойдаланилаётган табиий ресурсларнинг энг муҳими, Ер шарида унинг ресурслари жуда катта, лекин унинг фақат кичик қисмигина фойдаланиш учун иқтисодий нуқтаи назардан яроқли. Жаҳон хўжалиги бошқа табиий ресурсларни қўшиб ҳисоблагандан ҳам улардан кўпроқ массадаги сувни истеъмол қилади, сув истеъмоли узлуксиз равишда ўсиб бормоқда, сув ресурслари эса камаймоқда. Сув тақчиллиги глобал муаммога, жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилга айланмоқда;

2. XXI асрнинг учинчи 10 йиллигидаёқ инсоният сув тақчиллигига дуч келиши кутилмоқда. У иқтисодий ўсишни асосий чекловчилардан бирига айланади, камбағал-кашшоқлик ва социал кескинлашувнинг кучайишига сабаб бўлади, халқаро сиёсатнинг асосий (таянч) йўналишларини аниқлаб беради. Куруқлик ҳудудлари бўйича сув ресурсларининг нотенг тақсимлан-ганлиги, мамлакатлар сув таъминоти бўйича бир-биридан кескин фаркланиши сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ўткирлигини кўрсатади;

3. Сув истеъмоли истеъмол қилиниши мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмига яқинлашмоқда. Қатор мамлакатлар учун сув тақчиллиги иқтисодий ўсишнинг реал чегараловчисига ҳамда кашшоқлик ва социал кескинликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Сув муаммолари халқаро зиддиятларга олиб келмоқда;

4. Сув ресурслари нотекис тақсимланганлигини саноат ва кишлок хўжалиги учун талаб қилинадиган ҳажмларда узоқ масофаларда етказиб бериш орқали тузатиш мумкин эмас. Ортиб жўнатиш харажатлари сув ҳавзалари чегарасидан четга чиққанда кескин ортади. Жаҳон бозори сув тақчиллиги муаммосини сувни тежовчи ва сувни муҳофаза қилувчи технологияларни ривожлантириш, шунингдек, сув сиғимли маҳсулотларни экспорт-импорт қилиш ёрдамида ҳал этади;

5. Сув тақчиллигининг ўсиб бориш таъсири остида жаҳон бозоридаги баҳолар тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлади ва сув сиғимли маҳсулотларнинг барча турлари кескин қимматлашади. Ўз ички эҳтиёжларидан ошувчи сув ресурслари бўлган мамлакатлар қулай иқтисодий вазиятга эга бўладилар. Ўзбекистон, афсуски,

бундай мамлакатлар қаторига кирмайди. Шунингдек, Ўзбекистонда сув сифимли ёки сув сифимсиз маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари амалда тадқиқ этилмаган;

6. Иқтисодий реал сектори таркибий тузилмасини қайта қуришда сув хўжалиги тармокнинг муҳим инфратузилмаси сифатида қолиб, асосий экспорт қилувчи тармоқлар учун хом ашёнинг муҳим турини етказиб берувчига айланади. Бу функцияни таъминлаш сувдан фойдаланишнинг иқтисодий, шу жумладан, молиявий механизмини ҳам ўзгартиришни талаб қилади;

7. Маълум мақсад асосида фаолият кўрсатадиган, молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш усуллари ҳамда дастакларидан фойдаланадиган молиявий муносабатлар тизимидан иборат бўлган хўжалик механизмнинг бир қисмига молиявий механизм дейилади ва у макродаражада ҳам микро-даражада амал қилади. Макродаражадаги молиявий механизм микродаражадаги корхоналар молиявий механизмга бевосита таъсир кўрсатиб, унинг таркибий тузилмаси ва элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ-ликни белгилаб беради. Шунингдек, корхоналар молиявий механизми мамлакат даражасидаги молиявий механизмга тескари йўналишдаги таъсирга ҳам эга;

8. Молиявий механизмнинг таркибий тузилмаси қуйидаги элемент-лардан иборат: а) молиявий усуллар; б) молиявий дастаклар; в) асосий мақсадга эришишга ёрдам берувчи қатор вазифаларни ечишга хизмат қилувчи механизмлар. Улар ўртасидаги муносабатлар тўплами молиявий механизм элементларини ҳуқуқий ва меъёрий таъминлаш билан белгиланади;

9. Корхона қийматини ошириш корхона фаолиятининг ҳам молиявий механизм амал қилишининг ҳам мақсади ҳисобланади. Макро- ва микродаражадаги молиявий механизмга тегишли бўлган барча асосий (принципиал) масалалар сув хўжалиқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмда ҳам ўз аксини топиши керак.

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ  
РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ (МОЛИЯВИЙ) МЕХАНИЗМИ,  
УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ АСОСИЙ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ, СУВ ХЎЖАЛИГИ  
СЕКТОРИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ИЛҒОР  
ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИ МАМЛАКАТИМИЗГА  
МОСЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**2.1- §. Ўзбекистонда сув хўжаликлари тизимини бошқариш  
иқтисодий механизмидаги ўзгаришларнинг асосий  
йўналишлари ва сув муносабатларини меъёрий-  
ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш**

Тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш, уларнинг натижаларини умумлаштириш ва монографиямизнинг 1-бобида баён этилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, фикримизча, мамлакатимиз сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун уни бошқаришнинг умумий тизимида куйидаги ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Сувни муҳофаза қилишнинг қабул қилиниши мумкин бўлган харажатлари кўрсаткичларига асосланган ва тўловларни ҳисоблаш учун “зина”ли функциядан фойдаланадиган сув объектларига ҳар қандай салбий таъсир учун тўловлар тизимини куйидаги йўналишларда ривожлантириш керак: а) тўловларда бевосита ҳисобга олинадиган, ташланадиган, ифлосланган нарсалар миқдорини камайтириш; б) унча катта бўлмаган манбаларни таъсирларни декларация қилиш тизимига ўтказиш; в) базавий ставкаларнинг қўлланиш оралиқ (интервал)ларини аниқлаш учун энг яхши технологиялардан фойдаланиш концепциясига таяниш; г) тўлов ставкаларини ҳисоблашда ва уларни коррективровка қилишда инфляцияни ҳисобга олиш.

2. Сувдан фойдаланганлик учун ҳақ уни баҳолаш, ҳисоблаш ва йиғиш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлиқ копланган ҳолда

ҳар сафар олиниши керак<sup>50</sup>. Шунингдек, сувдан фойдаланишнинг ҳар бир тури бўйича тўлов кўриб чиқилаётган ҳавзада мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши лозим;

3. Республика даражасида тўловли (ҳақли) сувдан фойдаланиш тизимининг (энг аввало, базавий ставкалар, уларнинг марталик коэффициентлари ва фойдаланиш оралиқ (интервал)лари) ҳисоб-китоб тартиблари ва базавий параметрларни аниқлашни, ҳавза даражасида эса ҳавза ва минтақавий шароитларни ҳисобга олувчи базавий ставка ва ўлчамларни коррективировка қилишни аниқлашни қолдириш зарур;

4. Сувдан фойдаланганлик учун тўловлар сифатида ундириладиган маблағлар республика ва ҳавза даражалари ўртасида таксимланиши керак<sup>51</sup>. Бу вазифанинг ҳал қилиниши мақсадли бюджет (ёки бюджетдан ташқари) сув фондлари мавжуд бўлганда мураккаблик туғдирмайди. Бу фондларга келиб тушувчи маблағлар сувни муҳофаза қилиш ва шунга мос келувчи бошқа мақсадларга сарфланиши лозим. Бундай фондлар мавжуд бўлмаганда эса республика ва бошқа даражадаги (маҳаллий) бюджетлардан молиялаштириладиган сув хўжалиги фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг марказлаштирилган режаларини тузиш тақозо этилади;

5. Сув ресурсларини бошқариш мақсадлари учун сув рентаси ўлчамини ишончли баҳолашига алоҳида эҳтиёж йўқ. Бунинг учун амалдаги солиқ механизмининг иқтисодий ва махсус “сув” мониторингги орқали мажбурий қайта алоқаларини таъминлаган ҳолда анъанавий “уриниб кўриш” ва “хатога йўл қўйиш” усуллари асосида мослаштириш афзал ҳисобланади<sup>52</sup>;

---

<sup>50</sup> R. C. de Loe & H. Bjornlund. Sustainable Irrigation Management, Technologies and Policies II 35. Irrigation and water security: the role of economic instruments and governance. WIT Transactions on Ecology and the Environment, Vol 112, © 2008 WIT Press. www.witpress.com, ISSN 1743-3541 (on-line). doi:10.2495/SI080041

<sup>51</sup> R. J. Grimble. Economic instruments for improving water use efficiency: Theory and practice. Agricultural Water Management Volume 40, Issue 1, 1 March 1999, Pages 77-82. Natural Resources Institute, Social Sciences Department, University of Greenwich, Chatham Maritime, ChathamKent ME4 4TBUK. www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378-3774(98)00107-3.

<sup>52</sup> Шундай бўлишига қарамадан, сув рентаси билан боғлиқ бўлган масалалар сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмининг

6. Ўрта муддатли истиқболда маҳаллий сув объектларини иқтисодий баҳолаш сув хўжалигини бошқаришда талаб қилинмаслиги, бироқ улар табиий ободонлаштиришнинг комплекс маҳаллий (шаҳарлар ва туманлар) режаларини ишлаб чиқишда фойдали бўлиши мумкин;

7. Табиий манбалардан олинган ва фойдаланишга тайёрланган сув “маҳсулот”нинг баҳоси бозор ўзаро алоқалари тизимида янада аниқроқ аниқланади<sup>53</sup>. Бундай тизим ривожланмаган (сув таъминотининг монополлашуви шароитида) вазиятда, бир вақтнинг ўзида сув таъминотида бозорни ривожлантиришнинг асосий шarti сифатида рақобат муҳитининг ривожланишига максимал таъсир этган ҳолда, табиий монополиялар учун баҳоларни назорат қилинган ҳолда шакллантиришнинг стандарт амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Сувдан фойдаланишнинг тўлов (ҳақ)лилиги сувдан фойдаланувчилар ва сув ресурслари эгалари ўртасидаги муносабатларда бозор механизмларини жорий этиш элементларидан бири ҳисобланади. Бу тизимнинг самарадорлиги, энг аввало, тўланиши керак бўлган тўловлар миқдори (шу жумладан, сув объектларига салбий таъсир учун ҳам) тўғрисидаги маълумотлар сувдан фойдаланувчиларга олдинроқ отказиб берилишига, кўп жиҳатдан, боғлиқ. Бу ишбилармон ёки тадбиркорларга ўз тараққиёт стратегияларини ўз вақтида режалаштиришга имкон беради.

Меъёрий актлар ва меъёрий-услубий ҳужжатлар турли бошқарув органлари ва сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Сувдан фойдаланишнинг меъёрий-услубий асосини такомиллаштириб бориб, унга сув муносабатларининг миқдорий, сифатий ва тузилмавий алоқаларни акс эттирувчи яхлит тизим сифатида ёндашмоқ зарур. Бунда сув ресурсларини бошқаришнинг ҳуқуқий маконини аниқлаб

---

муҳим таркибий қисмларидан бири бўлганлиги учун унга монографиямизнинг навбатдаги 3-бобида алоҳида эътибор қаратамиз.

<sup>53</sup> Desmond McNeill Water as an economic good. October 2009. Natural Resources Forum 22(4):253 – 261.  
DOI: 10.1111/j.1477-8947.1998.tb.00735.x also “Water as an Economic Good” in Natural Resources Forum: A United Nations Journal, vol, 22 no. 4, November 1998.



берувчи сув қонунчилигининг секин-асталик билан шаклланиши ва такомиллашиб бориши ҳам эсдан чиқмаслик керак<sup>54</sup>.

Сув қонунчилиги ривожланганлиги, у томонидан белгилаб бериладиган ҳуқуқий муҳит бошқарув органларининг маълум бир таркибий тузилмаси, молиявий оқимларни ташкил қилиш ва қўлланилаётган тўловлар турлари мажмуаси билан биргаликда сувдан самарали ва оқилона фойдаланишни стимуллаштиришнинг иқтисодий механизмини ташкил этади. Бу механизм шундай шароитни яратадики, унга кўра, бошқарувчи таркибий тузилмалар ва сувдан фойдаланувчи субъектлар фақат имкониятга эга бўлиб қолмасдан, балки гидротехник қурилмаларни қуриш ва реконструкция қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик усуллари ва ташланадиган сувларни тозалашнинг кенг муқобил вариантларини таққослашда манфаатдор бўлишлари ҳам керак. Иқтисодий таъсирни тартибга солиш сувдан фойдаланишни бошқариш жараёнидаги субъективизм ва бирёқламаликдан қутилишга имкон беради. Шунингдек, у сув хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат бўлган яқуний стратегик вазифани ечиш мақсадида лимитлар ва тўловларни босқичма-босқич қаттиқлаштиришнинг иқтисодий ва техник асослашини амалга оширишга шароит яратади.

Сув хўжаликлари тизими (СХТ)ни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишдаги энг катта қийинчиликлар сув ресурслари келиб тушиши ва улардан фойдаланилишининг ўзига хос характерга эга эканлиги билан белгиланади. Бундай шароитларда СХТларининг ўлчамлари ва режимлари тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилиш зарурати билан боғлиқ бўлган бу қийинчиликлар, фаолият кўрсатиш шароитлари режимлар тўғрисида қабул қилинган қарорларга мувофиқ келмаганлиги учун, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайишида намоён бўлмоқда.

Кўрсатиб ўтилган қийинчиликларга барҳам бериш учун “кафолатланган сувдан фойдаланиш” (кафолатланган кайтим) тушунчаси киритилган. Бу тушунча фойдаланувчига бериладиган (тақдим этиладиган) сув ресурсларининг ҳисобли ҳажми ва унинг ишончлилиги – сувдан фойдаланиш ҳажмининг кафолатланганидан ёмон эмаслиги эҳтимолини англатади. Сув ресурслари етишмаслиги

---

<sup>54</sup> Бу тўғрида тегишли ўринларда батафсил тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

сезилаётган тизимларда сувдан фойдаланишнинг ишончлилиги кўрсаткичи ўзида амалга оширилган қайтимнинг қафолатланганидан кам бўлмаслик эҳтимолини мужассам этади. Сув ресурсларининг қафолатланган ҳажмларидан фойдаланиш унинг қафолатланган даражасидан ортиқ бўлган қисмидан фойдаланишга нисбатан юқорироқ самарадорлиқда амалга оширилади. Ҳажмлари қафолатланганидан камроқ бўлган сув ресурсларидан фойдаланиш эса вужудга келган йўқотмаларнинг қопланиш (компенсация қилиш) ва қабул қилинган қарорларни ўзгартириш зарурлиги билан боғлиқ. У қўшимча харажатлар қилинишига олиб келади ва сув ресурсларининг қафолатланган ҳажмларидан фойдаланиш самарадорлигини анча пасайтиради.

СХТлари фаолият кўрсатиши амалга оширилган режимларининг қафолатланган режимлардан турли-туман фарқланиши оқланмаган қарорлар рискни вужудга келтирадики, уни зарарларга, яъни сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигидан йўқотмаларга қараб баҳолаш қабул қилинган. Рискнинг мавжудлиги фойдаланувчиларда – бозорнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиларида янада барқарорроқ, кескин узилишларсиз фаолият кўрсатиш натижасида кўрилган зарарнинг бир қисмини қоплаш учун уни суғурталаш истагини тўғдиради. Бунда сув ресурсларининг тақчиллиги фаолият кўрсатиш самарадорлигида йўқотмаларни келтирувчи фойдаланувчилар сони, бундай салбий воқеликнинг содир бўлишини кутаётганлар сонидан ҳар доим кам бўлади. Шундай қилиб, бу жараёнда СХТ ва фойдаланувчилар билан бир қаторда яна бир иштирокчи – суғуртачи (суғурта компанияси) – фойдаланувчилар самарадорлиги функцияси ўзгаришига мувофиқ равишда сув ресурсларининг тақсимланишига таъсир кўрсатувчи сув ресурслари танқислиги салбий оқибатларидан “ҳимоя қилувчи” пайдо бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сув ресурслари ва сув ҳўжалиги бошқариш тизимларининг ривожланиши, шу жумладан, иқтисодий механизм яхлит тарзда иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланишига мос келиши керак.

Сув ресурслари ва уларга мувофиқ келувчи инфратузилма, сув объект-ларини муҳофаза қилишни бошқаришни таъминловчи метёрий-ҳуқуқий база кўплаб қонунлар ва қонун ости актларидан иборат. Аммо фикримизча, улар такомиллаштирилишга муҳтож. Бу,

айниқса: а) сув фондини республика даражасида бошқариш ва маҳаллий даражадаги бошқариш вазифалари ўртасида манфаатларни мувофиқлаштиришни таъминлаш; б) сув хўжалигига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишда турли даражаларда қайтарилувчи (такрорловчи) функцияларни бекор қилиш; в) табиий ва мулкый компонентларни, шунингдек, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун шароитларни таъминлаш бўйича фаолиятни ташкил қилувчи жараёнларни бирлаштирувчи комплекс тизимлар сифатида қараладиган сув объектлари ҳуқуқий ҳолати хусусиятларини аниқлаш каби масалаларга нисбатан яққол кўринади.

Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги қонун ҳисобланади. Одатда, бу қонун сув муносабатларининг барча туб ҳолатларини қамраб олиши ва уларнинг барқарорлигини таъминлаши керак.

“Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги қонуннинг асосий бўғинларидан бири сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш чораларини таъминлашни рағбат (стимул)лантиришнинг иқтисодий механизмлари ҳисобланади. Бирок қонунда иқтисодий тартибга солиш тамойил (принцип)ларини амалга ошириш механизмлари ўз аксини топмаган. Унда сувни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштиришнинг керакли маблағлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар ҳисобидан келиб тушиши, тўловларнинг ставкалари эса сувни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни таъминлашга имкон берадиган даражада ўрнатилиши кераклиги назарда тутилган, ҳолос.

Натижада сувга тегишли бўлган асосий ҳужжатда фақат сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов (ҳақ) тамойили (принципи)нинг қонунийлаштирилганлигига гувоҳи бўламиз. Демак, Ўзбекистонда амал қилаётган тегишли қонунга кўра, корхоналар фақат сувдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлашлари керак ва ташланадиган сувларни умуман тозаламасликлари мумкин. Чунки ифлосланган сувларни меъёрдан ортиқча ташлаб юборганлиги учун жарималар микдори (ўлчами) тозаловчи қурилмаларни қуриш ва уларни ишга тушириш харажатларига нисбатан бир неча марта кам. Улар корхоналар ишлаб чиқаришнинг

экологик хавфсиз технологияларини жорий қилиши ва тозаловчи инфратузилмаларни яратиши ва модернизация қилишини рағбат (стимул)лаштирмайди. Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг экологик тоза усулларини жорий қилиш ва тозаловчи қурилмаларни қуриш ёки модернизация (реконструкция) қилишга манфаатдорлик йўқлиги учун бу сув муносабатларини мураккаблаштиради, тегишли моддада кўрсатилган жихат (позиция)ларни амалда амалга ошмаслигига олиб келади ва фойдаланишдан олдин сув объектларини муҳофаза қилишнинг устуворлиги тамойили (принципи)ни қуруқ декларатив тамойили (принципи)га айлантиради.

“Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги қонун етарли даражада мукамал эмаслиги туфайли мамлакатимизда сув муносабатларини амалга оширишда бошқа мураккабликлар ҳам пайдо бўлмоқда.

“Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги қонундаги айрим тушунчалар қарама-қарши характерга эга эканлигини кўрсатувчи мисолларни ҳам келтириш мумкин. Уларнинг асосий қисми у ёки бу позицияларни (ҳуқуқий мақоми, тегишли органларнинг функциялари ва ваколатлари, сув объектларида сув сифати мақсадли функцияларини ўрнатиш қоидалари ва б.) ўрнатишни амалга ошириш механизмларига тегишли. Шунингдек, бизнингча, қонунда сувдан фойдаланишни барқарор ривожлантириш концепцияси мавжуд эмас ва уни амалга ошириш механизмлари аниқ номланмаган.

Миллий ва трансчегаравий дарё хавзаларида сувдан фойдаланишни бошқаришнинг юридик асоси бўлиб тегишли субъектлар (давлатлар) ўртасида хавза битими хизмат қилиши керак. Афсуски, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунида “хавзавий битим” тушунчаси киритилмаган. Ҳолбуки, жаҳон амалиётида сувни бўлишнинг мунозарали масалаларини ҳал қилиш ва комплекс мўлжалланган сув объектларида сув сифатини яхшилаш<sup>55</sup> бўйича ижобий тажриба мавжуд. Сув объектининг алоҳида қисмларига эга гуруҳларнинг мавжудлиги шароитида уларни муҳофаза қилиш, сув биологик ресурсларини сақлаш,

---

<sup>55</sup> Ward, F. 2007. Financing Water Management and Infrastructure related to Agriculture across OECD Countries Water Policy. 9: 1-31.

сувдан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, тозаловчи ва гидротехник қурилмаларни саклаш ва ҳ.к.лар бўйича уларнинг мажбуриятлари тўғрисида талабларни амалга ошириш мураккаблашади.

Қонундаги номукаммалликларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати ҳам уни таҳрир қилиш ва унга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш зарурлигидан дарак бермоқда. Хусусан, уларнинг кўплари: а) трансчегаравий сув объектларининг мақоми, сув ҳамда бошқа ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича фаолиятни алоҳида тартибга солиш қондасини ўрнатиш; б) сув сифатининг мақсадли кўрсаткичлари; в) сув объектларига зарарли таъсирнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлари; г) сув объектларининг оқим сувларига ифлосланган нарсаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган ташланмалари ва ҳ.к.ларни аниқлашга дахлдордир.

Сув муносабатларини тартибга солиб турувчи Ўзбекистон қонунлари ва қонуности актлари, бизнингча, мукамал эмас ва айрим ҳолларда улар бир-бирига зид келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида”ги амалдаги қонуни, асосан, сув муносабатларини фақат сув объектларига мулкчилик ҳуқуқи ва улардан фойдаланишни тартибга солиб туради. Унда фойдаланишдан олдин сув объектларини муҳофаза қилишнинг устуворлиги қайд этилган. Бироқ бу принцип, юқорида қайд этилганидек, декларациялигича қолмоқда, чунки бу ҳужжатда уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмлари (масалан, тўловлар ва солиқлар) ўз аксини топмаган. Аниқ бир қонунга таянмасдан туриб, кўп сонли қонуности актларини ишлаб чиқишга уриниш республика даражасидаги қонун учун мақсадга мувофиқ эмас. Сув қонунчилиги ва унга ҳамроҳ бўладиган меъёрий актларнинг тўлиқлигига сувдан фойдаланиш жараёнларини меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу эса, охир-оқибатда, экологик ва иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро алоқаларга хизмат қилади, адолатли муносабатларни таъминлайди ва сув ресурсларини бошқаришнинг бутун тизими ҳамда механизмини соғлом фаолият кўрсатишига олиб келади.

Шундай қилиб, фикримизча, бу ўринда қонуний нуқтаи назардан тартибга солишни талаб қилувчи: а) республика ва унинг субъектлари ўртасида функцияларнинг тақдорланишига йўл

қўймаган ҳолда сув фондини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни бошқариш бўйича ваколатларни аниқ белгилаш ва уларни чегаралаш; б) Республика сув ресурслари агентлигининг асосий ҳудудий органи сифатида ҳавзавий сув хўжаликлари бошқармаларининг мақоми, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини қонуний жиҳатдан аниқлаш; в) ҳавзавий сув бошқармаларининг сув ресурсларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва салбий таъсирдан ҳимоя қилиш соҳасида қандайдир ваколатларга эга бўлган давлат бошқа органлари бошқармалари билан ўзаро алоқалар тартиби; г) республика субъектларида (сув ресурсларини бошқариш ўз таркибий тузилмалари ва республика бўйсунувида бўлган ҳудудий органлар ўрнига) икки томонламали бўйсунувга (Республика сув ресурслари агентлиги ва республика субъекти маъмуриятига) эга бўлган ягона давлат органини тузиш; д) сув объектларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш ҳудудий мақсадли бюджет фондларини яратиш тўғрисидаги масалани қонуний ҳал қилиш; е) сув хўжаликлари ва сувни муҳофаза қилиш тадбирлари ва дастурларини амалга оширишга сувдан фойдаланувчиларнинг тўловларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш; ё) сув олувчи ҳудудларни, хусусан, ифлосланишдан муҳофаза қилувчи ҳуқуқий механизмларни қонуний бириктириш; ж) вақти-вақти билан сув босадиган ҳудудларда хўжалик фаолияти юритиш тартибини ўрнатиш; з) сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишга жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби биринчи даражали вазибаларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

## **2.2- §. Ўзбекистон сув хўжалиги секторининг муаммолари ва уларни ечиш йўллари**

Сувдан фойдаланишнинг юқори даражада самарали эмаслиги, кўплаб сув хўжалиги тизимларида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш сифатининг, айрим ҳолларда, паст даражадалиги, каттароқ аҳамиятга эга бўлган, фойдаланилаётган табиий сув объектларининг қониқарсиз аҳволдалиги, қатор белгиларига кўра, мамлакатимиз сув хўжалигининг замонавий тараққиёт даражасидан ортда қолаётганлиги кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда экстенсив

ривожланиш сари йўл тутилганлиги, сувдан фойдаланиш самарадорлиги масалаларига эҳтиёт бўлиб ёндашмаслик, муаммонинг экологик жихатларига етарли даражада эътибор бермаслик ва бошқа ҳолатлар, етарли даражада молиялаштирилмаслик билан биргаликда, шундай натижаларга олиб келди-ки, улар ҳозирги пайтда мамлакатимиз сув хўжалиги соҳасидаги вазиятда ўз аксини топмоқда ва хўжалик жаҳон даражасидан оғтарда қолганликни белгилаб бермоқда.

Фикримизча, ҳозирги пайтда Ўзбекистон сув хўжалиги мажмуасининг энг муҳим ва алоҳида эътибор талаб қилувчи муаммолари қаторига: а) фойдаланилаётган сув объектларининг кўпларида сув сифатининг қониқарсиз даражадалиги; б) сув объектлари сифатини баҳолаш амалдаги тизимининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, унинг бошқарув вазифаларига номувофиқлиги; в) хўжалик-ичимлик сув таъминоти тизимининг қониқарсиз аҳволдалиги; г) гидротехник иншоотлар – сув хўжалиги асосий ишлаб чиқа-риш фондлари техник ҳолатининг ёмонлашаётганлиги; д) тозаловчи иншоотларнинг паст самарадорлиги ёки уларнинг мавжуд эмаслиги; е) айрим ҳолларда сувдан хўжасизларча фойдаланилаётганлиги ва сув режимини экологик асосланган бошқаришнинг йўқлиги; ё) сув ресурслари ва сув хўжаликлари тизимларини бошқаришнинг етарли даражада самарали эмаслиги; ж) сув объектлари мониторингини ривожлантириш бўйича ишлар ҳажмининг қамлиги ва айрим ҳолларда, уларнинг мавжуд эмаслиги; з) экологик ва гидрологик мониторинг тизимлари ҳолатининг қониқарсизлиги; и) сув салбий таъси-ридан етарли даражада химоя қилинмаслик; й) турли сабабларга кўра, сув объектлари ифлосланаётганлиги; к) сув хўжалигини бошқариш ахборот билан, илмий, техник ва лойиҳавий таъминлашнинг етарли даражада эмаслиги ва б.ларни қиритиш мумкин.

Сув ресурсларини бошқариш тизими талаб даражасида такомиллашмаганлиги натижасида сув хўжаликлари мажмуалари муаммоларининг сабаблари ўз ичига: қонуний база етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги; меъёрий-ҳуқуқий база тўлиқ эмаслиги, айрим ҳолларда эса, сифати пастлиги; ташкилий тузилмалар ва бошқарув механизмлари замонавий талаблар ва тенденцияларга мос қелмаётганлиги; фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари бўлиши

мумкин бўлган ўзгаришларга мослашаолмаётганлиги ва жавоб бераолмаётганлиги; турли миллий хўжалик тармоқлари ва иктисодий фаолият субъектларида сувдан фойдаланишни мувофиқлаштириш йўлга кўйилмаганлиги; сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳаларида иктисодий (жумладан, молявий) механизм такомиллашмаганлиги<sup>56</sup> ва х.к.ларни қамраб олмақда.

Бу борада мураккаблик шундаки, бир вақтнинг ўзида ягона тизимнинг ўзаро боғлиқ элементлари бўлишига қарамасдан, мавжуд муаммоларнинг барчаси турли функционал соҳаларга тўғри келади ва улар таъсир этиш соҳаси бўйича бир-биридан фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, сувдан фойдаланиш соҳасида барқарор, оқилона ва адолатли ҳолатни ушлаб туришга йўналтирилган ягона, яхлит механизмнинг бўлиниб кетган элементларини жипслаштиришга қаратилган сув ресурсларини бошқариш амалдаги тизимнинг навбатдаги камчиликларни бартараф этиш стратегиясини аниқлаб беради. Шунинг учун ҳам режалаштириш ва тартибга солувчи ҳаракатларни бир-бири билан боғлаш, кутилаётган мақсаднинг умумий – экологик ва барқарор ривожланиш талабларига мувофиқ келиш эканлигига қарамасдан, турли йўналишдалиги билан ажралиб турмоқда. Эколого-ижтимоий-иктисодий муносабатларда киритилаётган янгилик ва амалга оширилиши лозим бўлган ўзгаришлар барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжлари билан гармоник тарзда боғланган бўлиши керак. Бунда бир иштирокчи томонидан бошқалар учун аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ҳисобга олмаслик, пировардида, унинг ўз манфаатлари аҳамиятга эга бўлган ҳолатнинг амалга ошмаслигига олиб келишини тўлиқ идрок этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу охир-оқибатда, хўжалик фаолияти умуман амаалга оширилмаслигига олиб келиши ҳам мумкин. Шу боисдан ҳам бундай қалтис вазиятдан чиқиб кетиш учун, фикримизча, куйидаги вазифаларнинг ечилиши талаб қилинади:

1. Сув ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаштириш, экстенсив сув истеъмолини давом эттиришдан воз кечиш ёки уни минималлаштириш. Назаримизда, бу мақсадга эришишда ҳал

---

<sup>56</sup> Умрзоқов У.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 2 жилдлик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2008. – 608 ва 468 б.



килувчи ролни бозор муносабатларининг ривожланиши ўйнайди. Бироқ бу жараён стихияли тарзда амалга оширилмаслиги керак. Чунки сув ресурсларининг ҳаддан зиёд ижтимоий ва экологик ахамиятга эга эканлиги бозор муносабатларини ривожлантириш соҳасида ташланиши лозим бўлган ҳар бир қадам жиддий таҳлил ва тадқиқ қилинишини талаб этилади. Бир вақтнинг ўзида сув хўжалигини бошқаришдаги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан, иложи борича, тезроқ воз кечмоқ лозим. Фикримизча, бунинг учун:

а) сувни истеъмол қилганлик учун тўлов (ҳақ)ни меъёрлар бўйича ҳисоблашдан сув истеъмоли учун тўлов (ҳақ)ларни барча истеъмолчилар бўйича ҳақиқатда олинган (фойдаланилган) сув миқдори бўйича тўлашга ўтишни таъминлаш; б) сув истеъмолини таъминлашнинг барча харажатларини тўлиқ қоплаш (компенсация) даражасигача истеъмол қилинган сув учун тўловларни муттасил ошириб бориш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; сув ресурсларининг сифатини барқарор такрор ишлаб чиқариш ва барча боғлиқ бўлган муҳитни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган чораларни тўлиқ молиялаштириш имконини бериш даражасигача сувдан фойдаланишнинг барча турларига тўлов (ҳақ)ни ошириш; бунда сувдан фойдаланиш борасида рентани шакллантириш бўйича назарий ишланмалардан кенг фойдаланиш; в) сувдан фойдаланувчиларни сувни тежовчи технологияларни фаол жорий этишга сувдан фойдаланганлик учун тўловлар ва солиқ имтиёзлари, сув объектларига ҳар қандай салбий таъсир кўрсатганлик учун тўлов, тўловларни ҳисоблаш учун “зинали” функциялардан фойдаланиш, базавий ставкалар оралиқларини ҳисоб-китоб қилиш ва молиявий механизмнинг бошқа элементлари орқали рағбатлантириш (стимуллаштириш); г) сувдан фойдаланишнинг барча тур (кўриниш)лари ўртасида талабни таъминлашнинг рақобат шакллари ривожлантириш ва ҳ.кларни амалга оширмоқ лозим.

2. Ишончли, хавфсиз ва барқарор ичимлик суви таъминотини таъминлаш<sup>57</sup>. Бунинг учун ичимлик суви таъминоти тизимида ер усти ва ер ости манбалардан биргаликда фойдаланиш зарур. Бунда, албатта, уларни тугамайдиган тарзда

---

<sup>57</sup> Духовный В.А., Соколов В.И. Водохозяйственные проблемы стран бассейна Аральского моря: десять лет сотрудничества и перспективы // Мелиорация и водного хозяйства. 2002. №1. –С. 28-31.

фойдаланилишига имкон берувчи экологик меъёрларга қатъий риоя этиш ва сувни тайёрлашнинг замонавий технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, бу вазифани ечишда сувни тежаб-тергаш ҳам муҳим роль ўйнайди.

3. Аҳоли ва хўжалик объектларини сувнинг зарарли таъсирларидан ва энг аввало, сув тошқинларидан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш. Бу фан сиғимли йўналиш сув тошқинларининг келиб чиқиш ва ривожланиш меха-низмларини тушунтирувчи усулларнинг такомиллаштирилишини, сув тошқинлари ва уларнинг оқибатларини башорат қилиш усулларини яхшилашни, гидрометеорологик кузатув (мониторинг) тизимларини, шунингдек, катор сув омборларини реконструкция қилиш бўйича капитал сиғимли тадбирларни, шаҳарлар, қишлоқлар ва хўжалик объектларини ҳимоя қилишни, айрим ҳолатларда эса хавфли ҳудудлардан аҳоли пунктларини чиқариш билан боғлиқ бўлган тадбирларни такомиллаштиришни талаб қилади. Турли мақсадларга мўлжалланган янги сув объектларини қуришга ҳудудлар ажратилаётганда бу ҳудудларнинг сув босиш, сув тошқинларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар эҳтимоли, суғурталаш зарурлиги ва ҳ.к.лар ҳисобга олиниши керак.

4. Меъёрдан ортикча таъсирда бўлган сув объектларда сув сифатини қайта тиклашга йўналтирилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Оқим сувларини тозалаш тизимини яхшилаш бу муаммони тўлиқ ҳал эта олмайди. Шунинг учун ҳам бу борада сув йиғиладиган ҳудудларда тегишли тартибни жорий этиш, сувни муҳофаза қилиш ҳудудлари ва кирқоқ олди майдонларида хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишдаги чеклан-маларга нисбатан ўрнатилган қонуний тартибларга қатъий риоя этиш, махсус реабилитация тадбирларини ўтказиш, гидромелиорация салбий таъсирларининг оқибатларига барҳам бериш ва ҳ.к.лар ҳам муҳим ҳисобланиши лозим. Бу фаолият экологик назорат ва сув хўжалигини бошқариш давлат органлари раҳбарлигида ҳамда уларнинг қатъий назорати остида амалга оширилиши керак. Бироқ у фақат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоатчилик ва бизнеснинг фаол иштирокидагина етарли даражада тўлиқ амалга ошириш мумкин.

5. Шунингдек, а) сувни тайёрлаш мажмуалари, хусусан, тезкор инженер-лик қарорлари қабул қилишни қўллаб-қувватлаш

тизимларини жорий қилиш, сувни зарарсизлантиришнинг илғор усулларидан фойдаланиш, замонавий кимёвий воситалар, сув узатиш тармоқларида сув сифати мониторинги тизимининг; б) ташлаб юбориладиган сувларнинг меъёрий сифат даражасини кафолатлаш учун саноат ва коммунал хўжалигида сув тозалаш тизимларининг; в) қишлоқ хўжалигидаги суғориш тизимларининг техник даражасини кескин ошириш зарур.

6. Гидрологик, эколого-иктисодий ва иктисодий-математик моделлар-дан фойдаланувчи ахборот-ҳисоблаш мажмуалари асосида сув ресурслари ва сув хўжаликларини (хусусан, хавза даражасида) бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Бу йўналиш: а) асбоб-ускуналар ва дастгоҳларга; б) илмий тадқиқотларга; в) моделлар ва дастурий воситаларни ишлаб чиқишга ва г) кадрлар тайёрлашга нисбатан кўпроқ бюджет харажатларини тақозо этади.

Кадрлар тайёрлашга бюджетдан кўпроқ харажатлар қилиниши зарур-лигига етарли даражада эътибор бермаслик ва унинг муҳимлигини эътироф этмаслик дастлабки биринчи уч йўналиш бўйича харажатлар етарли даражада молиялаштирилмаганлиги сабабидир. Бу йўналишдаги объектив тенденция (иклимий ўзгаришлар, энг ривожланган туманларда сув танқислигининг кучайиши, сув тизимларига юклама ўсишининг давом этаётганлиги ва ҳ.к.) шундан иборатки, сув ресурслари ва сув хўжалигини бошқариш вазифаларининг мураккаблиги янада ортиб бормоқда.

7. Сувдан фойдаланишнинг барча турлари, хусусан, ГЭСлар иш режими-мини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган гидро-башоратлар сифатини ошириш. Ўзбекистонда гидробашоратларнинг олдиндан айтилувчанлиги ва аниқлиги замонавий даражадан бироз ортда қолмоқда. Хусусан, гидрометеорологик тармоқнинг ахборот базасини тубдан модернизация қилиш зарур. Бу ерда вазифа уни қайта тиклаш тарзида эмас, балки мониторингнинг замонавий технологиялари ва энг аввало, аэрокосмик технологиялар асосида уни оптималлаштиришни амалга ошириш зарур.

Юқорида қайд этилган вазифаларни ечиш, фикримизча, қуйидагиларга асосланмоғи лозим: а) сув ресурсларини бошқаришда энг асосий роль хавзавий ёндашувга тегишли бўлиши

ва уни амалга оширишнинг самарали дастаги сифатида ҳавзавий битим қабул қилиниши керак; б) сув ресурсларини бошқаришни ахборот билан таъминлаш учун (мақсадни қўйиш, вазифаларни ва тартибга солиш усулларини аниқлаш, сув объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, тегишли чораларнинг самарадорлигини баҳолаш) сув объектларининг аҳамияти ва ҳолатини эколого-социал-иктисодий жиҳатдан характерлайдиган индикаторларни илмий асосланган ҳолда танлаш зарур; в) бу мақсадлар учун хўжалик объектлари – сувдан фойдаланувчилар, жойлаш-иш тизими, инфратузилмалар ва б.лар тўғрисида ишончли маълумотлар керак; г) сув ресурсларини бошқариш борасида сувдан фойдаланувчилар ва республика ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари функцияларининг оқилона чегараланганлиги қонуний тарзда аниқланган бўлиши лозим.

Энди иктисодий ва маъмурий механизмларнинг айрим алоҳида жиҳатларини кўриб чиқишга ҳаракат қилайлик.

1. Сувни ифлослантирганлик учун мамлакатимиздаги тўловлар тизими, бизнингча, кам самарали ва маъмурий жиҳатдан мураккаб ҳисобланади. Бирок, уларнинг ҳаддан зиёд мураккаблиги тизим ўлчамларини ҳисоб-китоб қилишнинг қийинлиги (бундай қийинчиликлардан қочиб қутилишнинг иложи йўқ) сабабли эмас, балки ташловлар манбалари ва ифлосланган нарсалар сонининг катта миқдори қамраб олинганлиги билан белгиланадики, уларга нисбатан, ўз навбатида, турли тариф ставкалари қўлланилади. Бунинг устига, тўловларнинг ставкалари жуда паст бўлиб, улар 2014 йилда Белоруссия, Грузия, Молдавия ва Қозоғистонда қўлланилаётган худди шундай ставкаларнинг 10% идан камроғини, Дания ва Швецияда қўлланилаётган ставкаларнинг эса 0,2% ини ташкил этмоқда, холос. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда муаммо ифлосланган нарсаларни ташлаб юборганлик учун таъсирчан тўловлар тизимини фақат қонунлаштиришда эмас, балки уларнинг мониторингини оқилона харажатлар доирасида амалга ошириш имконини берувчи ифлосланган нарсалар орасидан чекланган ва устувор характерга эга бўлган асосийлари ажратиб олинишида ҳамдир. Масалан, Данияда сувни ифлослантирганлик учун ундириладиган солиқнинг солиққа тортиш базаси фақат ифлосланган 3 та нарсага тегишли: азот, фосфор ва органик буюмлар. Унча катта бўлмаган ифлосланган ташловлар

манбаларига нисбатан уларни “кенг кўлам”да назорат қилиш тизими ва улар учун тўловлардан фойдаланиш-га, бизнингча, ҳожат йўқ. Бу ўринда, фикримизча, ифлослантирилган ташланмалар ва уларнинг тегишли тўловларини декларация қилиш ҳамда бу декларацияларни танлаш йўли билан текширишнинг ўзи етарли бўлса керак.

Фикримизча, сув ресурсларини ифлослантирганлик учун тўловлар, асосан, бир неча стационар нукталарда жойлашган энг катта ифлосланган нарсаларни ташловчи (манба)ларга йўналтирилган бўлса, улар самарали бўлиши мумкин. Агар муаммони кўп сонли майда манбалар вужудга келтираётган бўлса, у ҳолда ифлослантирганлик учун тўловлар ноқилона бўлади ва бунинг сабаби тўловларни тўлашни таъминлаш, назорат қилиш ва мониторинггини амалга ошириш учун катта миқдордаги маъмурий ходимларни сақлаш зарурлигига бориб тақалади. Шу сабабли, фикримизча, бу муаммони қуйидагича ечиш мақсадга мувофиқ: кичик ва айниқса, ҳаракатчан ифлослантирувчи манбалар учун тўловларни, дунёнинг тараққий этган мамлакатларидагидек, маҳсулотга нисбатан ўрнатиладиган экологик солиқ билан алмаштириш керак. Шунингдек, юқорида баён қилинган мулоҳазаларимизга таянган ҳолда, Ўзбекистонда ифлослантирганлик учун ундириладиган тўловларнинг солиққа тортиш айланмасини аниқлашда устувор ифлослантирувчи нарсалар сифатида органик ўлчанган буюмлар, азот, фосфор ва яна бир неча оғир металлларга эътибор беришнинг ўзи етарли, бизнингча.

2. Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш амалдаги тизимининг энг катта камчилиги, назаримизда, юқори даражада марказлаштирилганликнинг ҳамон сақланиб келинаётганлигидир. Бунинг устига, бу камчилик қабул қилинаётган қарорларни молиялаштириш ва уларнинг ижросини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш имкониятларининг кескин пасайиб кетаётганлиги муносабати билан кучайиб бормоқда. Баъзи бир ўзгаришлар қилинганини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, бизнингча, бу борада кескин ўзгаришлар амалга оширилганича йўқ. Ҳозирги пайтда марказнинг бажариши мумкин бўлмаган функциялари ҳеч кимга берилмаган. Тўғри улар, айрим ҳолларда, бунга молиявий имконияти мавжуд бўлган баъзи минтақа-ларда

кисман бажарилмоқда, лекин бу жараён амалдаги қонунчиликдан ташқарида ва сув ресурсларини бошқариш расмий давлат органи таркибий тузилмаларининг иштирокисиз амалга оширилмоқда. Бу борадаги бошқарувнинг юқори бўғинлари, кўп ҳолларда бажарилмайдиган, қарорлар қабул қилишнинг кичик деталлари билан ҳаддан зиёд банд бўлиб қолмоқда. Унинг қуйи бўғинлари эса қатор керакли функцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган ваколатларга ҳам, маблағларга ҳам ва шу боис тегишли сув хўжалиги тадбирларини амалга ошириш имкониятига ҳам эга эмас.


Бу ўринда шунини ҳам қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг жуда кўп туманлари маъмурияти жойлардаги сув хўжаликлари тўғрисида аτροφлича маълумотларга эга. Улар ўзларининг ҳудудлари доирасида жойлашган сув хўжаликларида, кичик дарё ва бошқа сув объектларида, ўзларига дахлдор бўлган корхоналарнинг кучларига таяниб, зарурий тадбирларни амалга оширишга қодирдир. Шунинг учун ҳам айнан маҳаллий даражада гидротехник қурилмалар ва бошқа сув объектлари ижараси ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ва тўхтатиш ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган масалаларни самарали ечиш мумкин. Бу даражада сув хўжалиги қарорларини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш деталларини осон кузатиб бориш имкониятига эга бўлиш тўғрисида гапирса бўлади. Бироқ сув хўжаликларида инвестициялаштиришнинг ҳозирги мавжуд тартиби маҳаллий даражада бунга ўхшаш функцияларни кўзда тутмайди ва амалда бошқарувнинг барча тафсилотлари, асосан, республика даражасида қараб чиқилганидир. Фикримизча, сув ресурсларини бошқариш айрим вазифаларининг маҳаллий даражага берилиши яхлит олганда сув хўжаликлари фаолиятлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўлур эди. Масалан, ҳозирги вақтда республика органи сув хўжаликларининг кўплаб масалаларини нафақат ҳавзалар қисмида, балки сув хўжаликлари туманлари даражасида, уларнинг қисмлари ва ҳатто алоҳида олинган сув хўжаликлари участкалари қисмида ҳам кўриб чиқмоқда. Юқорида тақидланган ҳолатларнинг номаҳсуллилиги, Ўзбекистоннинг бир неча маъмурий субъектларига тегишли бўлган йирик сув хўжаликлари қўламида сув ҳавзалари ўртасида битимларни тузишда вужудга келаятган мураккабликлар орқали яққол намоён бўлади.

3. Сув ресурсларини бошқариш тизими самарадорлигининг пастлиги сабаблари бу ресурсларни бошқариш Ўзбекистон вариантдан иборат бўлган ҳавза тамойили (принципи) дисфункционалликка бориб тақалади. Ҳавзавий сув хўжаликлари бошқармалари йирик сув хўжаликлари участкалари даражасида (масалан, Сирдарё, Амударё ёки Зарафшон дарёлари ҳавзаларида) шакллантирилган ва улар Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимидаги субъектлар ўртасида вужудга келадиган сувдан фойдаланишнинг зиддиятли муаммоларини ҳал этиш функцияларини бажара олмайдилар. Бу, ҳавзавий сув хўжаликлари бошқармалари на қонуний ҳуқуқлар, на молиявий имкониятлар ва на тегишли кадрлар билан таъминланмаганлиги учун ҳозирги шароитда, айниқса, ўта долзарблик касб этади. Бу функцияларнинг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ёки республика даражасидаги бошқа тегишли ташкилот зиммасига юкланиши, бизнингча, истикболсиз. Чунки республика даражасида бу борада вужудга келиши мумкин бўлган барча муаммоларни кўриб чиқиш ва керакли бўлган муқобил вариантни топиш, ечилиши ўта қийин бўлган, жуда мураккаб масаладир.

Маълумки, мамлакатимиз вилоятлари унинг худудий маъмурий бўлинишига кўра ташкил топган. Унда сув ресурслари муаммоларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Вилоятларнинг географик чегаралари сув ҳавзаларининг чегараларига мос тушмайди ва бу ҳавзалар муаммоларини тўлиқ ечишга имкон бермайди.

Ҳозирги пайтда вилоятларга, асосан, маҳаллий даражадаги назорат функциялари берилган. Сувдан фойдаланиш соҳасида вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ўртасида муаммоларни ечиш вилоят даражасидаги таркибий тузилма(лар)га тегишли. Бу ўринда сув хўжаликлари фаолиятидаги низоли вазиятларни ҳал қилиш ёки мувофиқлаштириш учун вилоятлар тузилмаларига арбитражлик функцияларини беришнинг зарурлиги шубҳасиздир. Бундай тегишли ҳуқуқларнинг вилоятларга берилиши нафақат ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишни соддалаштирар, балки маъмурий бошқарувнинг анъанавий методлари билан таъсирчан иқтисодий механизмлар вобасталигини таъминлашда катта хизмат қилган бўлур эди.

Мамлакатимиз худудлари маъмурий бўлиниши билан ҳавзавий бўлиниши бир-бирига мос келмаслиги бошқарувнинг турли даражаларида қабул қилинадиган қарорларни мувофиқлаштириш бўйича махсус чоралар ва тартиблар бўлишини тақозо этади. Энг аввало, кўп даражали ташкилий бошқарув билан худудларда сув ҳўжалиги тадбирларининг молиялаштирилишини ўзаро мослаштириш зарур. Бунинг учун қабул қилинадиган қарорларнинг қуйидаги кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги мақсадга мувофиқ (2.1-расм). Бунда, а – бошқарувнинг амалдаги тизими; б – бошқарувнинг истиқболдаги тизими; в – иқтиқболда сақланиб қолинадиган замонавий бошқарув.



2.1-расм. Қарорларни қабул қилишнинг амалдаги ва истиқболдаги вариантларида сув ресурсларини бошқариш маълумотлари оқими<sup>58</sup>

4. Йирик сув ҳавзалари доирасида тадбирлар республика даражасида ишлаб чиқилади. Улар республиканинг маъмурий субъектлари, маъмурий туманлар ва маҳаллий хўжалик субъектлари томонидан Марказ, режалаштирилаётган тадбирлар ва қурилмалар

<sup>58</sup> Муаллиф ишланмаси



бевосита дахлдор бўлган минтақаларнинг хиссали молиялаштирилиши асосида амалга оширилади;

5. Ўзбекистон Республикаси бир неча субъектларини ўз ичига олган йирик сув ҳавзаларидаги тадбирлар таркибини аниқлаштиришни республика даражасида амалга ошириш керак;

6. Республика субъектлари таркибидаги маъмурий туманлар даража-сида сув хўжаликлари участкалари ва айрим ҳолларда эса маҳаллий участкалар учун ҳам бошқарувни амалга ошириш зарур. Хўжалик ҳудудлари ва маҳаллий объектлар даражасида эса маҳаллий участкаларни бошқаришни режалаштириш ва амалга ошириш лозим.

Сув хўжалигини бошқариш механизмларини такомиллаштириш кесимида бу хўжалик бошқарувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари назаримизда: а) ҳуқуқий ва меъёрий базани модернизациялаш; б) бошқарувнинг ташкилий механизмини яхшилаш; в) сув объектларини комплекс мониторинг қилиш тизими ва маълумотларни қайта ишлашнинг авто-матлаштирилган тизимини ривожлантириш; г) сувдан самарали фойдаланиш иқтисодий (шу жумладан, молиявий) механизмларини такомиллаштириш; д) сув хўжаликлари тизимларини бошқариш бўйича қарорларнинг асосланганлик даражасини ошириш каби асосий йўналишларни ўзида мужассам этиши мумкин.

Сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини модернизациялаш ва бошқарувнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш маъмурий тузилмаларнинг юқори даражаларида амалга оширилиши керак. Бунда юридик ва меъёрий-услубий ҳужжатларнинг янгисини ишлаб чиқиш, мавжудларини эса аниқлаштириш тақозо этилмоғи лозим. Бошқарув ташкилий механизмини такомиллаштиришнинг асосий мақсади бошқарув органлари ташкилий тузилмаси ва қабул қилиниши сув хўжалигининг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган қарорлар тизими ўртасидаги мувофиқликни таъминлашдан иборат. Бошқарув ташкилий механизмининг самарали фаолият кўрсатиши шундай ҳуқуқий майдонда бўладики, унга кўра турли даражадаги ташкилий тузилмалар ўртасидаги ваколатли (компетенцион) соҳалар аниқ чегараланган ва уларнинг ўзаро жавобгарлиги белгиланган бўлиши керак. Бу сув хўжалигида монополияга қарши

сиёсатни самарали юргизишга имкон беради, бошқарувнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари натижали қўшилишига эришилади, атроф-муҳитни химоя қилиш ва хавфсизлик комплекс талабларини инobatга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида турли сувдан фойдаланувчилар ҳатти-ҳаракатини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Сув объектларининг экологик муваффақияти ҳавзавий ва маъмурий-худудий бошқарувнинг ҳамжиҳатлилигига, шунингдек, сув ресурсларининг ҳўжалик фойдаланиш ва ташкилий бошқарув функциялари чегараланишига асосланади.

Ташкилий механизмни такомиллаштириш босқичма-босқич тар-тибларни қамраб олади. Бу борадаги биринчи қадамлар бошқарув функцияларининг идоралараро такрорланишига барҳам бериш ва томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги механизми иштирок этган ҳавзавий битимларни ишлаб чиқиш коидалари тартибга солинишини кўзда тутлади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланиши билан барча бошқарув ташкилий тузилмалари фаолиятида иқтисодий таркиб топувчиларнинг роли ошиб бормокда. Уларнинг фаолияти эса кўпроқ даражада нобозорий стимуллар ва ҳолатлар билан йўналтирилмокда. Сув ресурсларини бошқариш иқтисодий механизмни такомиллаштиришнинг асосий мақсади сувдан фойдаланувчиларни сув объектларига антропоген юкламани – сув истеъмоли ва ифлослантирувчи нарсаларни қисқартиришга рағбатлаштиришдир. Барқарор сувдан фойдаланишни таъминлаш учун сув олинувчи ҳудудларда ҳўжалик юритувчи иқтисодий субъектларни экотизимларга таъсир этиш меъёрларига риоя этишни рағбатлантириш ҳам муҳим. Бу мақсадга эришишда сувдан фойдаланиш самарадорлиги ва сув объектларига етказиладиган зарарларни баҳолаш, шунингдек, тегишли тарифлар, жарималар ва рағбатлантиришлар тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Сувдан фойдаланишда бозор муносабатларининг ривожланиши сув ресурслари бозорини ва, энг аввало, сув истеъмоли ва сувдан фойдаланиш хизматлари соҳасида бозорнинг шаклланишини кўзда тутлади. Бунинг учун сув таъминотини демонополлаштириш, сув ҳўжалиги маркетингги фаолиятини ривожлантириш, сувдан фойдаланувчилар рискинни суғурталаш,

лицензия шартлари бажарилишини назорат қилиш (виждонсизлик асосидаги ракобатга барҳам бериш учун), меъёрий базанинг барқарорлиги (яъни кўзда тутилаётган ўзгаришлар тўғрисида сувдан фойдаланувчиларни олдиндан хабардор қилиш) ва б.лар керак.

Иктисодий (шу жумладан, молиявий) механизмларни қайта ташкил қилиш жараёнида сув хўжалиги тармоғининг таркибий тузилмаси такомиллашиши, молиявий оқимларнинг шаффофлиги таъминланиши, мақсадли фондларнинг роли ошиши лозим.

Сув хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлаш учун сув объектлари мониторингини ривожлантириш бўйича ўзаро боғлиқ тадбирлар зарур. Комплекс мониторинг тизимининг ривожланиши ва маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими ер усти ва ер ости сувлари ҳолатини таҳлил қилиш ва кузатиш тизимининг такомиллашувини, ифлосланиш манбалари ва муҳитни кузатишни, шунингдек, метеорологик таъминотни кўзда тутати. Сув хўжалигини бошқаришнинг барча даражаларида сув объектлари мониторинги яхлит ахборот-диагностика тизимини мужассам этмоғи лозим. Бунга бошқарувнинг турли даражаларида ва турли идоралар учун кузатиш, назорат ва таҳлил тизимларининг мувофиқлаштирилиши асосида эришилади. Мониторингнинг самарадорлиги эса услубий, аналитик ва инструменталь базанинг ягоналиги билан таъминланади.

Сув объектларининг кўлами ва ахамиятлилиги, антропоген юклама-нинг интенсивлиги, табиий тизимларда содир бўлаётган жараёнларнинг характери, режалаштириш горизонтлари, бошқарув қарорларининг аниқчилиги ва ўз вақтида қабул қилинишига қаратилган талаблар асосида кузатув оралиғи (интервали), давомийлиги ва деталлиги аникланади.

Фикримизча, ҳозирги пайтда сув объектлари мониторинги тизимини такомиллаштиришнинг: а) кузатув пунктлари қўшимча тармоқларини яратиш (сув объектлари гидрологияси, гидрокимёси ва гидробиологияси бўйича); б) айниқса, юқори токситли буюмлар бўйича аналитик базани ривожлантириш; в) кузатиш, назорат қилиш, қайта ишлаш, саклаш ва маълумотларни узатишнинг автоматлаштирилган тизими асосида нефть ва бошқа экологик хавфли маҳсулотларни казиб олиш ва ортиб жўнатувчи туманлар ва

йирик шаҳарларда оператив мониторинг тизимини яратиш. Бундай тизимлар ичимлик суви таъминоти манбаларида алоҳида муҳимлик касб этади; г) мониторингнинг турли идоравий тизимларини мувофиқлаштириш ва ўзаро алоқаларини таъминлаш; д) ўлчовлар ва коммуникацияларнинг асбобсозлик (инструментал) базасини ривожлантириш; е) сувдан фойдаланувчи корхоналар лабораториялар тармоғи ва ҳаракатланувчи лабораториялардан фойдаланиш; ё) сув йиғилувчи ҳудудлар ва қирғоқ зоналарини ва улардаги содир бўлаётган ўзгаришларни кузатиш учун масофавий (дистацион) ўлчовлардан фойдаланиш каби вазифалари долзарб аҳамият касб этади

Давлат мониторинг тизимига умумий раҳбарлик қилиш, хусусан, уни услубий таъминлашнинг “Ўзгидромет” ташкилоти томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан биргаликда, бу тизим айрим тармоқ жиҳатлари бўйича (масалан, ифлослантириш манбалари мониторинги, ичимлик суви сифати мониторинги ва б.лар) ижроия ҳокимиятининг бошқа органларига маъмурий бўйсундирилиши ҳам мумкин. Шунингдек, минтақавий даражадаги таркибий тузилмаларда аниқ минтақалар учун ўзига хос бўлган вазифаларни амалга оширувчи мониторингнинг ҳудудий тизимчаларини ҳам шакллантирса бўлади.

Шу ўринда, мамлакатимиздаги ҳақиқий вазиятдан келиб чиққан ҳолда сув ресурсларини бошқариш директив ва иқтисодий усулларининг вобаста-лигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор бериш лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, амалга оширилган тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, бозор иқтисодиётининг замонавий талаблари асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини модификация қилишда қуйидаги учта ёндашув бўлиши мумкин: а) давлатнинг тўғридан-тўғри (бевосита) иштирокини кенгайтириш; б) сув ресурсларини бошқаришни номарказлаштириш ва уни қуйи даражаларга, шу жумладан, эксплуатацион функцияларни хусусийлаштирилган корхоналарга бериш; в) юқоридаги ҳар икки вариантнинг уйғунлигини таъминловчи келишув вариантдан фойдаланиш.

Давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокини кенгайтиришда деярли барча қарорларнинг қабул қилиниши ва уларнинг назорати республика даражасида амалга ошириладигани, бу, ўз навбатида, сув ҳўжаликларининг бошқарувчанлигини маълум даражада

муракблаштиради ва Давлат бюджети харажатларини кескин оширади ҳамда қарорларнинг бажарилувчанлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Бу эса сувдан фойдаланиш соҳасида хусусий ишбилармонлик фаолиятининг пасайишига олиб келади, маҳаллий иктисодий самарали қарорларнинг қидирилиши ва амалга оширилишини секинлаштиради.

Сув ресурсларини бошқаришни номарказлаштириш ва уни қуйи даражаларга, шу жумладан, эксплуатацион функцияларни хусусийлаштирилган корхоналарга бериш билан боғлиқ вариантда фақат хусусийлаштирилаётган объектларнинг инвестициявий жозибadorлиги шароитида ва рақобат муҳити мавжуд бўлгандагина умумдавлат манфаатларига мос (мувофик) келиши мумкин. Бунда, афсуски, шак-шубҳасиз, бошқарувнинг хавзавий тамойили бузилади. Бу эса, ўз навбатида, яхлит тарзда сув хўжаликларини бошқариш самарадорлигини пасайтиради, сув объектларини муҳофаза қилиш ва сувнинг зарарли таъсиридан химоялаш бўйича йирик тadbирлар амалга оширилишини қийинлаштиради, ҳатто республиканинг икки ёки ундан ортиқ субъекти манфаатлари бири-бирига мос келмаганда уларни амалга оширишни йўққа чиқариши ҳам мумкин.

Юқоридаги ҳар икки вариантнинг уйғунлигини таъминловчи келишувлар вариантида эса сув хўжаликларини бошқаришнинг турли даражаларида ваколатлар чегараланишини, сувдан самарали ва оқилона фойдаланиш иктисодий рағбатлантирилишини, қулай хўжалик юритиш шароитларини таъминлашда давлат иштирокини фаоллаштиришни, сув объектларини муҳофаза қилиш ва сувнинг зарарли таъсиридан химоялаш бўйича тadbирларни амалга ошириш учун бюджет маблағларини жалб қилишни кўзда тутати. Бизнингча, сув ресурсларини бошқаришнинг айнан ана шу варианты энг долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда яқин ўтмишда сув ресурсларини бошқаришга тегишли бўлган маъмурий-бўйруқбозлик усуллари режали тартибда танлаб олинadиган маълум бир сувдан фойдаланиш технологиялари ҳамда сув олиншининг камайиши ва ифлосланган сувлар ташланишини қисқартиришини тартибга солишни таъминловчи оқимларни тозалашни амалга оширишга йўналтирилган эди. Маъмурий-бўйруқбозлик усуллари асосида бошқарувга муқобил

бўлган иқтисодий усуллар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини жамоатчилик манфаатлари билан мувофиқлаштиришни юқори даражада таъминлайди. Амалда эса бундай мувофиқликка эришишда хилма-хил ва бир вақтнинг ўзида, тўлиқ барҳам бериб бўлмайдиган сабаблар тўсқинлик қиладики, улар расмий равишда реал иқтисодий тизимнинг назарий талабларга “бўйсунмаслигида” ўз аксини топади. Нафақат маъмурий-буйруқбозлик, балки иқтисодий усуллар ҳам етарли эмаслиги туфайли, уларнинг ҳаракатланиш соҳаларини қатъий чегаралаган ҳолда биргаликда қўлланилишига эришилиши керак. Буни сув хўжаликлари бошқариш тизимларини ташкил қилишнинг келишув варианты кўзда тутади.

Сув хўжаликлари бошқариш тизимларини ташкил қилишнинг иқтисодий усуллари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ва ифлосланган нарсаларни ташлаганлиги учун тўловларни ундиришга, шунингдек, сувдан фойдаланиш меъёрларини бузганлик учун тегишли жарималар солиш ва уларнинг удирилиши, сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширганлиги, сув истемолини камайтирганлиги, сув объектига салбий таъсирни камайтирганлиги ва ҳ.к.лар учун мукофотлаш жорий этилганлигига асосланган. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ сувдан фойдаланишнинг ҳақ (тўлов)лиги сув объектидан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш ва муҳофаза қилишни иқтисодий тартибга солишнинг асосий тамойили (принципи) деб эълон қилинган. Бироқ, ўз-ўзидан сувдан фойдаланганлик ва сувга ифлосланган нарсаларни ташлаганлик учун тўловларнинг жорий этилиши сувни тежовчи ва сувни тозаловчи энг яхши технологияларни жорий этишга корхоналарни рағбатлантириш ва сув хўжалигини узоқ муддатли ривожлантириш вазифаларини тўлиқ бажариш имконини бера олмайди. Кам чикимли технологияларни жорий этган корхоналарга тақдим этиладиган солиқ ва бошқа имтиёзлари ўрнатилиши, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқарганлиги учун рағбатлантирувчи чоралар ва устамалар қўлланилиши, табиий муҳитни муҳофаза қилишда самарага эришадиган корхоналарни имтиёзли кредитлаштириш ҳам иқтисодий усулларга киради.

Бошқарув маъмурий ва иқтисодий усулларининг вобасталигини таъминловчи механизмлардан бири мақсадли фондлар (бюджетдаги ва бюджетдан ташқари) орқали амалга оширилади. Унда сув ресурсларидан фойдаланганлик ва уларга салбий таъсир қилганлик (хусусан, ифлосланган нарсаларни ташлаганлиги) учун ҳақ (тўлов) шаклида олинган маблағлар давлат ва маҳаллий ташкилотлар ҳамда хусусий корхоналар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фақат сувни истеъмол қилиш ва сув ажратишни қисқартириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга сарфланиши кўзда тутилган.

Сув ҳўжалигидаги маъмурий механизмларга: а) ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли кескин табиий-ҳўжалик вазияти вужудга келишига сабабчи бўлган юридик ва жисмоний шахслар жавобгарлигини таъминлаш; б) сувдан фойдаланиш ва сувга зарарли таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган фаолиятларга рухсат бериш ва уларни лицензиялаштириш; в) сув ресурсларидан фойдаланиш лимитларини ўрнатиш; г) сув ҳўжалиги лойиҳаларини эколого-иқтисодий экспертиза қилиш ва экологик таълимни ташкил этиш; д) ушбу жараёнларга дахлдор бўлган қонунчиликни такомиллаштириш; е) экологик фондларни яратиш ва уларнинг маблағлари мақсадли сарфланишини назорат қилиш кабилар кириши мумкин.

Бундан ташқари улар, бозор муносабатлари устуворлик киладиган чегарадан ташқарида бюджетдан молиялаштириш ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни танлашни ҳам кўзда тутати. Уларга тижорий таркибий тузилмалар учун қопланмайдиган ва сувларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишга мўлжалланган гидротехник қурилмалар, сувни муҳофаза қилувчи тадбирлар ва санитария-гигиена хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кирази. Бунда шунга ўхшаш барча тадбирларни амалга ошириш усуллари бюджет буюртмачиси аниқланганидан сўнг бозор механизмларига тўлиқ мос келиши мумкин.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилишнинг асосий мураккабликлари сув ҳўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш имкониятлари чекланганлиги, сув ҳўжалиги лойиҳалари инвестициявий жозибадорлиги пастлиги, хусусийлаштириш чекланганлиги (одатда, у фақат сувдан фойдаланувчи тармоқлар учун иқтисодий самарали

бўлиши мумкин), сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлашда табиий монополиялар вужудга келиши билан боғлиқ. Бу муаммолар мажмуини ечиш, биринчи даражали вазифаларни аниқлаб олган ҳолда, амалга оширилиши лозим бўлган жами тадбирларни бир неча босқичларга бўлишни талаб қилади. Фикримизча, сув хўжаликлари бошқариш тизимини такомиллаштиришни қуйидаги уч босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**1-босқич.** Ўзбекистон Республикасининг замонавий иқтисодий тизи-мига мувофиқ келадиган ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий инфратузилмани яратиш; энг аввало, бошқарув тизимини ислоҳ қилиш ва ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш зарур; самарали иқтисодий механизмларни жорий этиш, меърий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, аҳоли ва хўжалик мажмуаларини сув билан таъминлаш учун сув хўжалиги мажмуасидаги салбий тенденцияларга барҳам бериш ва вазиятни барқарорлаштириш лозим.

Биринчи босқичдаги вазифаларни ечиш учун: а) сув тошқинлари хавфи мавжуд бўлган ҳудудларда сув ва ердан фойдаланишни тартибга солишнинг қонуний-ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ривожлантириш; б) сув объектларига энг юқори даражада йўл қўйилиши мумкин бўлган антропоген юқламани баҳолаш асосида меъёрлар ишлаб чиқиш; в) сувдан фойдаланишнинг асосий турларини сертификатлаштириш; г) сувдан фойдаланиш ва антропоген таъсирнинг барча асосий турларига стандартлар ва меъёрлар тизимини ривожлантириш керак.

**2-босқич.** Саноат ва қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишни оқилонлаштиришни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш, сув объектларининг ифлослантирилишини, сув тошқинлари ва сувнинг бошқа зарарли таъсирларидан келадиган юқотмаларни қисқартириш.

Иккинчи босқич вазифаларини ҳал қилишда: а) сув хўжалигида бозор муносабатларига ўтиш; б) тармоқнинг ўз-ўзини молиялаштириши; в) сувдан фойдаланиш ва сувларни ажратишда рақобат муҳитини яратиш; г) сув хўжалиги ва экологик суғурта тизимини жорий этиш; д) сув объектларининг ўзида ва уларнинг атрофида биохилма-хилликни қайта тиклаш; е) кичик сув объ-



ектларини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш механизмларини ишлаб чиқиш; ё) сув объектларининг экологик ва сув хўжаликлари мониторингги тизимларини яратиш; ж) аниқ бир объектларга мослаштириш асосида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва улар сифатини бошқаришнинг математик моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

**3-босқич.** Сув ресурсларидан самарали мажмуавий фойдаланилиши ва уларнинг қайта ишлаб чиқарилиши, сув объектлари ва уларнинг экотизимлари қайта тикланиши, сувнинг зарарли таъсирини бартараф қилиш ва бу ҳақда огоҳлантириш, сув хўжалиги мажмуасини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминловчи истикболли тадбирларни амалга ошириш.

Учинчи босқичнинг вазифаларини ечиш: а) асосий ҳавзаларда сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва бу ресурсларни ҳамда уларнинг зарарли оқибатларидан муҳофаза қилишнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш; б) ана шу вариантлар асосида Ўзбекистон Республикасининг субъектлари бўйича ҳаракат режаларини яратиш; в) давлат томонидан сув рентасининг ундирилиши асосида сувдан фойдаланганлик учун тўловни жорий этиш; г) сув объектларида ва унга яқин бўлган ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш; д) ихтиёрий экологик фаолият тизимини рағбатлантиришни кўзда тутади.

Сув хўжалигида бошқаришни такомиллаштиришнинг барча босқичларини амалга ошириш сув хўжалиги мажмуасини ривожлантириш ва сув ресурсларини бошқариш вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ республика ва маҳаллий бошқарув органларининг фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилишини тақозо этади.

## **2.3- §. Сув ресурсларини оқилона ва самарали бошқариш борасидаги хорижий тажрибани сув хўжаликларини бошқариш тизимининг Ўзбекистон моделига мослаштириш**

Сув ресурсларини оқилона ва самарали бошқариш борасидаги хорижий тажрибани сув хўжаликларини бошқариш тизимининг мамлакатимиз моделига мослаштириш тўғрисида гап кетганда, энг аввало, бу ресурсларининг интеграллаштирилган

бошқаруви (СРИБ) масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. 1992 йилда Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит бўйича ўтказилган БМТ Конференциясида кайд этилганидек, СРИБ дейилганда ҳаётий муҳим бўлган экотизимларнинг барқарорлигига зарар етказмайдиган натижали фойдалиликни максималлаштириш учун сув сектори, ер ресурслари ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа ресурсларни бошқариш ва мувофиқлаштирилган ҳолда ривожлантиришга хизмат қиладиган жараён тушунилади. Бундай ёндашув, кўп жиҳатдан, режалаштиришнинг аввалги моделлари билан таққосла-ганда сувдан фойдаланишнинг узоқ муддатли ва ижтимоий барқарор бўлган усулларига эришишнинг кенг диапазонли муқобилли ютуқларига таянади. Бундан ташқари, бу жараён сиёсий жараён ҳам ҳисобланиб, у манфаатлар бўйича зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган.

СРИБ концепцияси 1992 йилда атроф-муҳит ва ривожланиш (UNCED) бўйича БМТ Конференциясида маъқулланган “XXI аср дастури”да ва “XXI асрда экологик ҳаракат режаси”да қўллаб-қувватланилган. Концепция шунингдек, 1992 йилда сув ва атроф-муҳит бўйича Дублин Конференциясида қабул қилинган олти тамойил (принцип)нинг биттаси ҳисобланади. У 1992 йилдаги UNCED ва 2002 йилдаги барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон Саммити ёки Йоханнестбургдаги “Рио + 10” оралигида СРИБ концепцияси барқарор ривожланиш бўйича Комиссия, БМТ Бош Ассамблеяси ва чучук сув бўйича Халқаро Конференциянинг Вазирлар Декларацияси томонидан маъқулланган. СРИБ чекланган ва таъсирчан ресурс сифатида чучук сувни яхлит бошқаришга, шунингдек, сув бўйича режалар ва дастурларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсат доирасида бирлаштиришга чақиради.

СРИБнинг максадлари қуйидагилардан иборат:

1. Технологик, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва соғлиқни сақлаш жиҳатларини ўзида мужассам этувчи чучук сув захираларининг потенциал манбаларини қидириб топиш ва химоя қилишни камраб олган ҳолда сув ресурсларини бошқаришнинг динамик, интерфаол ва кўп тармоқли ёндашувига ёрдам бериш;

2. Жамиятнинг миллий ва иқтисодий ривожланиш сиёсати доирасидаги эҳтиёжлари ва устуворликлар асосида сув ресурсларидан барқарор ва самарали фойдаланиш, уларни химоя ва иқтисод қилиш, бошқаришни режалаштириш;

3. Сув ресурсларини бошқариш соҳасида қарорларни қабул қилиш ва сиёсатни амалга оширишда жамоатчиликнинг тўлиқ иштироки ёндашувига асосланган, аниқ белгиланган стратегиялар доирасида иқтисодий жиҳатдан самарали ва ижтимоий жиҳатдан зарур бўлган лойиҳалар ишлаб чиқиш ва дастурларни лойиҳалаштириш, уларни амалга ошириш ва баҳолаш;

4. Сув сиёсати ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши барқарор ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш катализатори эканлигини кафолатловчи тегишли ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмларни аниқлаш ва мустақкамлаш ёки ишлаб чиқиш.

СРИБ моделлари: сув ресурсларига глобал ёндашув; сувни экологик ҳимоялашни истёмолий фойдаланиш билан тенглаштириш; жамоатчилик иштироки асосида узлуксиз мослашувчан режалаштириш жараёнларидан фойдаланиш; сувдан истёмолий фойдаланишнинг замонавий ва келгуси турларини чегаралаш; сувнинг бўлиниши (тақсимоти)да адолатлилик ёки чекланган адолатлиликни тан олиш каби тавсифларга эга бўлмоғи лозим.

Шундай қилиб, СРИБ гидрографик чегаралар доирасида сувнинг барча турларини (ер усти, ер ости, қайтариладиган) ҳисобга олишга асосланган тизим бўлиб, сувдан фойдаланишнинг турли тармоқлари ва иерархия даражаларининг манфаатларини бири-бирига боғлайди, қарор қабул қилишда барча манфаатдор томонларни жалб этади, жамиятнинг барқарор ривожланиши ва экологик хавфсизлик мақсадларида сувдан самарали фойдаланишга хизмат қилади.


СРИБ жараёни ўз ичига бир неча асосий тамойилларни оладики, улар унинг амалий мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Энг умумий кўринишда бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

а) маълум бир сув ҳавзасининг морфология<sup>59</sup> сига мувофиқ сувни бошқариш гидрографик чегаралар доирасида амалга оширилади.

---

<sup>59</sup> МОРФОЛОГИЯ (юн. morphé — шакл ва... логия) (тилшуносликда) — 1) тилнинг морфологик қурилиши; 2) сўз шакллари ҳақидаги таълимот. Биринчи маъносида объектни англатса, иккинчи маъносида тилшуносликнинг шу объектни ўрганувчи бўлимини билдиради. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти Топкент. 664 б.

Қуйидаги 2.2-расмда СРИБнинг асосий тамойил (принцип)лари ва дастак (инструмент)лари акс эттирилган.



2.2-расм. СРИБнинг асосий тамойил ва дастаклари<sup>60</sup>.

Гидрологик циклга таъсир этувчи мумкин бўлган барча омилларни бошқариш учун дарё ҳавзаси сув ресурсларининг бошқарилиши учун жавоб берадиган ягона сув хўжалиги ташкилотининг юрисдикциясида бўлиши керак. Унинг гидрографик чегараларга мос келмайдиган маъмурий чегаралардаги ташкилий тузилиши гидрологик циклнинг айрим элементларида бошқарилувчанликнинг йўқотилишига олиб келадики, бу, ўз навбатида, сув тақсмоти барқарорлигига ва бир текислигига, яъни сувни бошқариш асосий мақсади бажарилишига ўз таъсирини кўрсатади;

б) бошқарув, иқлимий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, сув турларининг (ер усти, ер ости, қайтарилувчан) жалб қилинишини кўзда тутади;

<sup>60</sup> Муаллиф ишланмаси

в) сувдан фойдаланиш ўзаро ва иштирок этувчи барча органлар тармоқлар ўртасига горизонталлига ва сувдан фойдаланиш иерархиялари даражалари ўртасида вертикалига боғлиқлиги;

Горизонтал (тармок) мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан сув хўжалигини бошқариш органлари сувдан фойдаланиш барча секторлари манфаатларини тенг тақдим этишлари, ягона гидрографик бирлик доирасида сувни жамлаш ва атроф-муҳит устуворликларига риоя қилишлари керак. Бунда муаммо шундаки, сувнинг турли хил турлари турли идоралар томонидан бошқарилади. Ер ости сувларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш геологик идоралар томонидан амалга оширилади. Ичимлик суви таъминоти коммунал хизматлар ёки маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрида. Сувдан саноатда фойдаланиш эса тегишли индустриал идоралар томонидан бошқарилади.

Идора (сектор)лараро манфаатларни мувофиқлаштириш учун, энг минимум тарзда, уч компонент керак – ягона ҳуқуқий база, ташкилий тузилма ва сувни бошқаришнинг умумий дастаклари.

Вертикаль – ташкилий тузилмаларнинг иерархик тузилиши – мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан СРИБ тамойилларини маҳаллий даражада амалга ошириш қуйидаги занжир бўйича қурилиши керак: сув хўжалиги идораси (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги) – Сув ресурсларининг ҳавзавий бошқармалари – Сув ресурсларини бошқаришнинг маҳаллий органлари – Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси – Сувдан фойдаланувчилар. Сувни бошқариш иерархик даражалари сонини минималлаштириш ва сувдан фойдаланиш секторларини аниқ (очик-ойдин) мувофиқлаштириш сув номахсулли ташкилий йўқотмаларининг қисқаришига имкон беради;

г) факат бошқаришда эмас, балки молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш, режалаштириш ва ривожлантиришда ҳам жамоатчилик иштироқи.

СРИБ жараёнининг фавқулудда муҳим элементи бу жараёнда жамоатчилик ташкилотларининг кенг жалб қилинишидир. Бунда жамоатчиликнинг иштироқи очиклик ва шаффофлик муҳитини яратадики, натижада жамоатчилик манфаатларига жавоб бермайдиган қарорларнинг қабул қилиниш эҳтимоли пасаяди.

Жамоатчилик иштироки қанча юқори бўлса, коррупция ва жамоатчилик манфаатларини инкор этиш учун шароит шунчага пасаяди. Шунингдек, бу сувдан фойдаланишда маҳаллийчилик ва идоравий эгоизмга йўл қўймаслик воситаси ҳамдир. Сув нафакат хусусий, балки ижтимоий неъмат бўлганлиги учун ҳам жамоатчилик иштироки сувдан фойдаланишни бошқаришнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, шак-шубҳасиздир. Сув хўжалиги ташкилотларида жамоатчилик тузилмалари (кенгашлар ёки қўмиталар ва ҳ.к.лар) ташкил этиш йўли билан жамоатчиликнинг роли янада ортади. Сув қўмитаси вакиллик органи бўлиб, у тегишли тизим инфратузилмасини бошқаришга раҳбарликни амалга ошириши мумкин. Вакиллик раҳбарлик жараёнида барча манфаатдор томонларнинг ва айнан сув хўжалиги органлари ва сувдан фойдаланиш сектори вакиллари, бевосита сувдан фойдаланувчилар, маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлари, жамоатчилик ва нодавлат ташкилотлари иштирокини кўзда тутди. Қўмита юридик ва жисмоний шахсларнинг сув муносабатлари масалалари, маълум ҳудуд доирасида сув ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Қўмита фаолиятининг асосий мақсади барча манфаатдор томонларнинг кенг иштирокида ўз ижроия органлари билан биргаликда СРИБнинг тамойилларини ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, миллий сув хўжалиги идораси ва унинг таркибий тузилмалари актлари ва тавсиялари, бошқа мەъёрий ҳуқуқий актлар, шунингдек, шу идора томонидан тасдиқланган Низомлар асосида амалга ошириши мумкин;

д) сувни бошқариш тизимининг очиклиги, шаффофлиги ва ахборотлар таъминланганлиги;

е) сувдан фойдаланиш жараёнида экологик талабларга риоя этишга устуворлик берилиши;


ё) сув хўжалиги тармоқларининг ривожланиши максимал самарадорлик тамойили, яъни сувни максимал тежаш ва ундан самарали фойдаланишга интилиш бўйича қурилиши;

ж) сувни тежаш учун рағбатларнинг ҳамда сув ҳўжалиги органлари ва сувдан фойдаланувчиларда сувдан номахсулли йўқотмаларга қарши кураш кўникмаси мавжудлиги.

Бу жараёнда, шунингдек, амалиётда СРИБ тамойилларини амалга ошириш назардан четда қолмаслиги керак. СРИБнинг мажмуавийлигини ҳисобга олган ҳолда бу жараён миллий ёки ҳавзавий даражада бир вақтнинг ўзида (маълум вақт оралиғида) амалга оширилиши мумкин. Стратегик ва мувофиқлаштирилган режалаштириш (2.3-расм) натижасида СРИБ тамойили босқичма-босқич жорий этилмоғи лозим. Бу тамойилларнинг жорий этиш ва амалга ошириш муддатлари ушбу жараён ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланишга ва мамлакатдаги молиявий-иқтисодий вазиятга ҳамда у ёки бу минтақага тегишли бўлган бошқа бир қатор омилларга боғлиқ.

Идеал шароитларда СРИБ тамойилларини амалга ошириш, камида куйидаги уч босқичдан ўтиши керак: а) СРИБ “яшаш муҳити”ни яратиш – СРИБ тўғрисида ижтимоий хабардорлик, ислохотларга сиёсий хошиш, ҳуқуқий асос, манфаатдор томонларнинг жараёнга иштирок этиш шарт-шароитлари ва потенциални ривожлантириш тизими; б) СРИБни миллий режалаштириш жараёни – вазиятни таҳлил қилиш, устувор жиҳатларни аниқлаш, аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш; в) режани амалга ошириш учун шароит яратиш – сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ислохотларни молиялаштириш стратегияси.

1. СРИБ жараёни “яшаш муҳити”нинг ҳолати тўғрисида гап кетганда, аввало, СРИБ тамойилларини таъсирчан амалга ошириш учун, бу тамойиллар жамоатчиликнинг хабардорлиги ва зарурий ислохотларни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсий истак кераклигини қайд зарур. СРИБнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги билимлар ва хабардорлик даражаси, биринчи навбатда, сув муаммолари билан шуғулланувчи асосий сиёсатчилар, мутахассислар ва ташкилотлар ўртасида керак. Бунга мамлакатда ижтимоий хабардорлик бўйича махсус компанияни ташкил этиб эришиш мумкин. У СРИБ тамойилларини амалга оширишда сиёсий истак ва қизиқишни шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўймоғи лозим. Шунингдек, бунда манфаатдор томонлар кенг иштирок этиши учун шароитлар ҳам яратиш зарур. СРИБга дахлдор барча масалалар бўйича манфаатдор томонларнинг (секторлар-идоралар, мутахассис-



2.3-расм. SRIbни режалаштиришнинг узлуксиз цикли<sup>61</sup>.

сувчилар, сувдан фойдаланувчилар, маҳаллий ҳокимият органлари ва б.лар) кенг қамровли маслаҳатлари учун мавжуд механизмлари (жамоатчилик кенгашлари, қўмиталар ва б.лар) ишга тушириш керак. Мамлакатда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг мавжудлиги жуда муҳим. У мувофиқлаштириш жараёнларида асосий ролни ўйнаши мумкин. Ушбу масалалар бўйича миллий ва минтақавий конференция ёки йиғилишларни ташкил қилиш мувофиқлаштириш тизими пойдеворини яратишда кучли воситага айланиши турган гап.

<sup>61</sup> Муаллиф ишланмаси



Сув хўжалигида тренинг тизимини яратиш ва ривожлантириш, коммуникациялар тизимлари ҳолатини такомиллаштириш, СРИБ муаммолари бўйича ахборот ва маълумотлар нашр қилиш қўламини кенгайтириш керак. Сув ресурсларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш жараёнини инкироз ҳолатдан чиқариш лозим (шу жумладан, “сувчи”ларнинг “гидрометчи”лар билан алоқасини тиклаш ва мустаҳкамлаш). Ва, ниҳоят, мавжуд ахборот тизимларини (маълумотлар базасини, моделларни ва ҳ.к.ларни) такомиллаштирмоқ зарур.

“СРИБ яшаш муҳити”да бош элементи қонунчилик асоси ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни ва у билан боғлиқ бўлган бошқа қонунлар такомиллаштирилиши ва қайта ишланиши лозим. Қонунчилик СРИБ сиёсатини амалга оширишда ваколатлар, жавобгарликни аниқлаш ва керакли институтлар ва механизмларни ўрнатишда зарур бўлган ҳуқуқ учун асос яратади. Меъёрий-ҳуқуқий актларнинг юридик ҳолатлари сув ресурслари соҳасида қуйидаги йўллар асосида самарали давлат сиёсатини юргизишга кўмак бермоғи лозим: а) сув ресурсларидан фойдаланиш, уларни тақсимлаш, бошқариш, ривожлантириш, сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга нисбатан ҳуқуқат, сув хўжаликлари ташкилотлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг роли ва жавобгарлигини аниқлаш; б) сувнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик кадр-қимматини аниқлаш; в) маҳаллий умумий тузилмалар ва сувдан фойдаланувчиларнинг иштирокини реструктуризация қилиш, ваколатлари, хусусийлаштириш ва родини оширишга нисбатан маълум бир нуқтаи назарни яратиш; г) сувга бўлган ҳуқуқ, сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг роли, секторлар ўртасида мувофиқлаштириш қоидалари ва уларнинг механизмини аниқлаш; д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий ҳокимият органлари, иқтисодий ривожланиш ва ҳ.к.лар билан алоқаларни ўрнатиш.

2. СРИБнинг миллий режалаштириш жараёни, энг аввало, СРИБ тамойиллари амалга оширилиши режалаштирилиши мамлакатдаги вазиятни таҳлил қилишдан бошлашни тақозо этади. СРИБ доирасида мавжуд бўлган стратегиялар ва режаларни умумлаштириш СРИБ йўлида мамлакат қандай жойлашганлигини аниқлашга ва мамлакат сув стратегиясининг маъно-мазмуни ва

мавжудлиги, унга ҳамоҳанг миллий стратегиялар ва режалар, СРИБ тамойилларини амалга ошириш бўйича дастур ва лойиҳалар тўплами кабиларга дахлдор масалаларни ёритишга имкон беради.

СРИБ учун зарур бўлган шакл ва функциялар нуқтаи назаридан сувни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини яратиш (ислоҳ қилиш) режалаштиришнинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Бу ерда режалаштириш жараёни асосий иштирокчилари учун қуйидаги тартибларни шакллантириш керак: а) сув ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришда Миллий агентлик, ҳавзавий ташкилотлар, тартибга солувчи органлар ва фуқаролик жамиятларини ифода этувчи гуруҳлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, трансчегаравий ташкилотлар, маълумотларни алмашиш механизмлари; б) СРИБ миллий режаларини ишлаб чиқишда иштирок этувчи институт (ташкilot)лар.

Тўғри стратегияни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан режалаштириш босқичида яқин ва узоқ истиқболда сув ресурсларини бошқариш масалалари ва муаммоларига нисбатан устуворликларни тўғри аниқлаш, қидириб топиш ва ўрнатиш (белгилаш) керак. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: а) ҳозир ва истиқболда мавжуд бўлиши мумкин бўлган сув истеъмолчилари ўртасидаги зиддиятлар муаммолари; б) СРИБ таъсири натижасида ресурсларнинг ҳолати (ахволи); в) сув ресурсларига нисбатан асосий хавфлар ва уларга барҳам бериш йўллари.

СРИБнинг алоҳида жиҳатлари бўйича сув ташкилотлари ўртасида функциялар ва ваколатларнинг қуйидагича тақсимланиши мумкин: а) сув ресурсларини бошқариш; б) сувга бўлган талабларни бошқариш; в) сув хизматлари ва инфратузилмасини бошқариш; г) мавжуд бўлиш ва ривожланишни молиялаштириш ва унинг барқарорлиги; д) СРИБ мақсадларига эришишга йўналтирилган алоқалар ва мажбуриятларни молиялаштириш тизими.


Юқоридаги “д” бандда акс эттирилганлар молиялаштириш ва рағбатлантириш тизимини тартибга солишни режалаштиришнинг муҳим натижаси ҳисобланиши керак. Бунда, айниқса, қуйидаги механизмларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга: а) сувни бошқариш функциялари ва СРИБ тамойилларини амалга оширишни молиялаштириш; б) хизматларнинг (сув таъминоти, санитария, ирригация ва ҳ.к.ларни) тақдим этилишини

молиялаштириш; в) инфратузилмани қўллаб-қувватлаш учун керак бўладиган инвестициялар; г) инфратузилмани янада ривожлантириш учун керак бўладиган инвестициялар.

Барча сувдан фойдаланувчиларнинг фаол иштирокида сув хўжаликлари хизматларини молиялаштириш механизми куйидаги функциялардан иборат бўлмоғи лозим: а) сувни бошқариш иерархиясининг барча даражаларида сув хўжаликлари ташкилотларининг тартибга солувчи ва рахбарлик фаолияти бўйича харажатларни баҳолаш; б) сув хўжаликлари хизматларининг зарурий хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни баҳолаш; в) молиявий тушималар манбаларини аниқлаш, шу жумладан, бадаллар, маҳаллий йиғимлар, хизматлар учун тўловлар ва солиқларнинг зарурий миқдорини аниқлаш; г) бадаллар, маҳаллий йиғимлар ва шунга ўхшаш бошқа тўловларни ундириш асосларини аниқлаш, шунингдек, бу тўловларни йиғиш, топшириш, ажратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган турли шакллар асосини аниқлаш; д) молиявий ҳисобни юритиш ва аудиторлик текширувини ўтказиш учун керак бўладиган тартибларни қабул қилиш.

3. СРИБ миллий режасини амалга ошириш учун шароитлар яратиш, биринчи навбатда, СРИБ тамойилларини амалга ошириш миллий режаси тайёр бўлганидан сўнг унинг амалда рўёбга чиқишини таъминлашга хизмат қилувчи барча шароитларни яратиш кераклигидан дарак беради. Давлат мамлакатда СРИБ тамойилларини амалга ошириш сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ва шунингдек, идоралар (ҳокимият тармоқлари) ва иерархия даражалари ўртасида мамлакатда СРИБ тамойилларини амалга оширишда уларнинг роли ва иштироки қандай қилиб таъминланишини аниқлаши ва ҳал қилиши керак (2.4-расм).

4. Мониторинг ва мақсадга эришиш даражаларини баҳолаш учун фаолият натижаларининг эришилган даражаларини характерловчи, муаммоларни қидириб толувчи ва мониторинг қилувчи индикаторларни (масалан, сув ресурсларининг мумкин бўлиш индикатори ва тенденциялар индикатори, қандай даражада мамлакат СРИБ мақсадларига яқинлашганлигини кўрсатувчи жараёнлар индикатори, СРИБ тизимлари ишининг самарадорлиги кўрсаткичлари ва б.лар) аниқлаш лозим.



## 2.4-расм. СРИБ тамойилларини амалга оширишни режалаштириш ва уларни жорий этиш<sup>62</sup>

Тараққиёт мониторинги ва ишлар натижаларининг баҳоланиши қабул қилинган курс (йўналиш, йўл)ини ўзгартириш ва бу жараёнга жалб этилган ходимларни рағбатлантириш (мотивация) қилиш, шунингдек, рағбатлантириш ва жазо бериш тизимларини ишлаб чиқиш учун зарур. Бунда мониторинг ва баҳолаш тизимининг индикаторларини, энг умумий ва қисқа кўринишда, қуйидагича ифодалаш мумкин (2.5-расм):

<sup>62</sup> Муаллиф ишланмаси

<b>Сувни бошқариш компонентлари</b>	<b>Вазифалар</b>	<b>Индикаторлар</b>
<b>Эга бўлинган сув ресурслари</b>	Мониторинг, ривожланиш, муҳофаза қилиш	Қайта янгиланувчанлик даража/ҳажм/сифат/ўзгарувчанлик
<b>Инфратузилма</b>	Эксплуатация қилиш	Харажатлар/Самарадорлик/Қопланиш
<b>Сувга бўлган талаблар</b>	Баҳолаш, талаб-ларни бошқариш	Даража/ҳажм/сифат/вакт/жой
<b>Сувнинг бўлиниши</b>	Иштирок этиш, музокаралар, регламент	Адолатлилик ва оқиллик мезонлари ҳисса/квота/лимит
<b>Сувни етказиб бериш</b>	Яхши хизматлар кўрсатиш	Бир маромдалик/ барқарорлик. Номаҳсулли йўқотмаларнинг минимумлиги
<b>Сувдан фойдаланиш</b>	Маҳсулот ва сувни асраш	Маҳсулдорлик (сув томчисига нисбатан кўп ҳосил
<b>Маҳсулот</b>	Барқарор ривожланиш	Нобарқарор фойдаланиш индекси

## 2.5-расм. Мониторинг ва баҳолаш тизимининг индикаторлари<sup>63</sup>

5. СРИБ дастаклари, яъни сув ресурсларини бошқариш амалиёти ва бошқарув тизимининг ўзини такомиллаштириш учун СРИБ ташкилий тузилмаси ва унинг “яшаш муҳити”ни яратишдан ташқари яна дастаклар тўплами ҳам зарур. Бизнингча, бундай дастаклар тўплами таркибида қуйидагилар бўлиши мақсадга мувофиқ: а) бошқарув дастаклари (баҳолаш, режалаштириш, сувдан

<sup>63</sup> Муаллиф ишланмаси

фойдаланиш самарадорлиги индикаторлари). Дарё сувини етказиб бериш чегаралари ва кўллар даражасида режалаштириш барча тегишли ҳудудлардаги маълумотларни тўлиқ тўплаш ва моделлаштиришни ўз ичига олади. Режалаштириш жараёнида, баҳолаш учун кўплаб дастаклардан фойдаланган ҳолда, ижтимоий, иқтисодий ва экологик талаблар ҳисобга олиниши керак; б) тартибга солиш дастаклари (кўрсаткичлар, мезонлар, қоидалар ва усуллар); в) иқтисодий дастаклар (хизмат кўрсатиш ва сув учун тўловлар, субсидиялар ва ташаббуслар, бозор, ифлослантирганлик учун тўлов). Барча сувдан фойдаланувчилар учун сувдан асраб-авайлаб ва самарали фойдаланиш ҳамда сув ифлосланишининг олдини олишда рағбатларни таъминлаш учун бозор механизмидан фойдаланиш; г) ахборот алмашув (маълумотлар базаси ва математик моделлар тўплами); д) ижтимоий дастаклар (таълим, малака ошириш тизими). Сув ресурслари соҳасида қарорлар қабул қиладиган шахслар, бошқарувчилар ва мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда тушунчаларини кенгайтириш барча секторларда алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий гуруҳларга ваколатлар бериш учун ишни тартибга солувчи органларнинг салоҳиятини ривожлантиришдан бошлаш керак; е) зиддиятли масалаларни ечиш (жамоатчиликни жалб қилиш, мурасага келиш, арбитраж); ё) талабни бошқариш (сувдан янада самаралироқ фойдаланиш). Талабни бошқариш янги манбаларни ўзлаштиришни эмас, балки ўз ичига талаб ва таклифни амалдаги сувдан фойдаланиш даражасини янада яхшилаш, ҳаддан зиёд фойдаланишни пасайтиришни, яъни экстенсив фойдаланишдан интенсив фойдаланишга ўтишни камраб олиши керак.

б. Сув ва таълим масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Гап шундаки, СРИБ тамоийлларининг амалга ошириши бўйича ҳозирги пайтда амалиётга татбиқ этилаётган ёки истиқболда тавсия этилаётган тадбирларни бирлаштирувчи яна бир муҳим ҳолат бор. Бу сувни доимо тежаб-тергаб сарфлаш, унга нисбатан эҳтиёткорлик муносабатида бўлишдир. Бу ўринда жуда муҳим омилга, яъни инсон омилига жуда яқин келамиз. Чунки сувни фақат сувдан фойдаланувчиларни иқтисодий рағбатлантириш йўли билан эмас, балки инсон омилини интенсивлаштириш йўли билан ҳам иқтисод қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мумкин. Бу борадаги ижтимоий онгни сув, авлод-аждоқларимиз ва

замондошларимизнинг сувдан фойдаланиш бўйича тажрибаси давомида тўпланган билимларини, авлодларимизнинг сув ва бутун табиат билан муносабат жараёнида йўл қўй-ган хато ва қачиликларини эътиборда тутган, мақсадга йўналтириган ҳолда сабот билан инсонларга атрофлича ўргатиш асосида ўзгартириш мумкин.

Юқорида баён қилинган тамойилларга асосланган СРИБга ўтиш орқали ташкилий, техник ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, молиялаштиришнинг етарли ҳажми таъминланган шароитида, муҳим натижаларга эришиш мумкин. Бундай натижаларнинг энг асосийлари қуйидагилар деб ҳисобласа бўлади: а) барқарор сув таъминотига эришиш; б) сув ноунум йўқотилишларини кескин қисқартирган ҳолда сув ресурслари бир текис ва адолатли тақсимланиши; в) сув ресурсларидан фойдаланишда манфаатдор бўлган барча секторлар ва томонлар вакилларини бошқарувга жалб қилиш йўли билан бу ресурсларнинг демократик тамойилларини жорий этиш; г) аҳолини сув ва биринчи навбатда ичимлик суви билан адолатли таъминлаш билан боғлиқ бўлган хусусий ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш; д) сув хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлган экологик муаммоларни ечиш; е) ва якуний мақсад – сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш.

Бизнингча, юқорида кўтарилган масала бўйича француз модели асосида сув ресурсларини комплекс бошқаришни ҳам эътиборга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Давлат манфаатларига жавоб берадиган сувдан фойдаланишнинг интеграллаштирилган бошқаруви ҳавза тамойили асосида самаралидир. Уни амалга ошириш учун етарли даражада кенг ваколатларга эга бўлган, ҳавза даражасида тегишли бошқарув органи керак. Айнан ана шу даражада бошқарув тизимининг иерархик қурилиши (тузилиши)га мувофиқ манфаатлар мувофиқ келиши ва ҳавза сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси субъектлари ҳаракатини мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

Бу ўринда “дарё ҳавзасини интеграллаштирилган бошқарув” ва “сув ресурсларини интеграллаштирилган бошқарув” ягона умумий концепциянинг ҳар хил икки томони эканлигини таъкидлаш жоиз. Сув сектори ва у билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, энергетика ва шунга ўхшаш тармоқларга тегишли

кўплаб сиёсий қарорлар дарё хавзалари даражаларида эмас, балки фақат республика даражасида қабул қилиниши мумкин.

Сув ресурсларини бошқариш французча тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: а) сув ресурсларини бошқариш дарё хавзалари (ер ости сувларни ҳам қўшган ҳолда) кўламида амалга оширилади; б) сув сиёсати (режалаштириш ва тўловлар ставкалари) бўйича ҳавзавий кўмита жавоб беради; в) Сув агентлиги ижроия органи ҳисобланади; г) “Ифлослантирувчи тўлайди” ва “Фойдаланувчи тўлайди” тамойиллари, шунингдек молиявий рағбатлантириш дастаклари (“Сув сув учун тўлайди”); д) Бош режани ишлаб чиқиш (SDAGE); е) маҳаллий бошқарув органлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг Ҳавзавий кўмита ва Агентликлари маъмурий кенгашида иштирок этиши.

Францияда Ҳавзавий кўмита ва Сув агентлиги мустақил ташкилотлар бўлиб, улар Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Молия вазирликларининг маъмурий назорати остидадир. Сув ресурсларини бошқаришга жалб қилинган бошқа вазирликлар Ҳавзавий кўмитада ўз вакилларига эга. Сув соҳасида ҳуқуқнинг қўлланилиши (назорат, лицензиялаштириш, меъёрлар, жарималар) давлат ва унинг минтақавий ёки маҳаллий бошқарув органлари ваколати (компетенцияси)га киради.

Француз модели асосида сув ресурсларини комплекс бошқариш тажрибасидан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш керак бўлса, у ҳолда, фикримизча:

а) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси таркибий тузилмасидаги сув ресурслари билан шуғулланувчи турли бўлимлар Республика сув хизмати (департаменти)га бирлаштирилиши ва у кўмита раисининг тегишли ўринбосарига бевосита бўйсунishi керак;

б) сув ресурсларини ҳудудий бошқариш асосида дарё хавзасининг гидрографик чегараси тамойили ётиши лозим. Энг йирик дарё хавзалари маълум бир ҳудудларнинг демографик ва иқтисодий хусусиятларини ҳамда дарёнинг юқори ва қуйи оқимлари сув ресурсларини бошқариш масалаларини ҳисобга олган ҳолда бир неча кичик хавзаларга бўлиниши ҳам мумкин. Барча дарё хавзасини умумий мувофиқлаштириш эса махсус орган, масалан, Дарё комиссияси, томонидан амалга оширилиши лозим;



в) сув ресурсларини бошқариш вакиллик органини (масалан, Ҳавзавий кенгаш) тузиш зарур. Бу орган ҳавза сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг Бош чизмаси учун жавоб берадики, у шу органнинг маълум бир ижроия тузилмаси томонидан ишлаб чиқилиши мумкин. Ҳавзавий кенгаш таркибига давлат органларининг вакиллари, республика субъектлари ҳокимият органлари вакиллари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари вакиллари ҳамда сувдан фойдаланувчилар вакиллари кириши мақсадга мувофиқ;


г) дарё ҳавзасининг уни амалда бошқаришни амалга оширувчи ижроия органини яратиш мақсадга мувофиқ. Бу функцияларни, тегишли ўзгаришлар киритилганидан сўнг, мавжуд бўлган Ҳавзавий сув бошқармалари бажариши мумкин;

д) бошқарув функцияларидан (улар Ҳавзавий кенгашларга ва Ҳавзавий сув бошқармаларига тегишли) алоҳида техникавий фаолият (масалан, синашларни танлаш, таҳлилларни ўтказиш ва тадқиқ этиш) мавжуд республика давлат сув ташкилотлари томонидан Ҳавзавий сув бошқармалари назорати остида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

е) ҳозирги пайтда турли республика тузилмалари таркибида ёки маъмурий бошқарувнинг турли даражаларида (масалан, республика субъектлари ва маҳаллий бошқарув органлари) бўлган сув ресурсларини бошқариш амалдаги органлари ўртасидаги ваколатлар аниқ бўлинишига эришиш зарур. Бунда функцияларнинг тақдорланишига (режалаштириш, лицензиялаштириш, мониторинг, назорат, меъёрларни ўрнатиш, маълумотларни бошқариш ва х.к.) йўл қўймаслик лозим;


ё) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда сув ресурсларини бошқаришнинг тўлиқ молиявий-иктисодий чизмасини ишлаб чиқиш зарур. Сув учун тўловларни ундиришдан тушувчи молиявий маблағлар оқимини аниқлаш керак. Бу маблағларнинг катта қисми турли ҳавзавий дастурларни амалга оширишга мўлжалланган бўлиши лозим. Бунда сув ресурсларидан фойдаланишни максимал оқилоналаштириш учун иктисодий рағбатлантириш дастакларидан фойдаланиш зарур;

ж) сув ресурсларини бошқаришнинг муҳим дастаклари бўлган маълумотларни бошқариш ва ахборот оқимини, мониторинггни тўғри аниқлаш ва ташкил қилиш лозим



2.6-расм. Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини комплекс бошқариш<sup>64</sup>

<sup>64</sup> Муаллиф ишланмаси



2.7-расм. Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги мажмуининг институционал таркибий тузилмаси<sup>65</sup>

Жамоатчилик иштироки, яъни иштирок этиш, тамойили сифатида, инсоний ўзаро алоқаларнинг энг муҳим элементи ёки инсоният мавжудлигининг базавий тамойилидир. “Жамоатчилик иштироки” қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳам ташкилий манфаатдор томонлар (стейкхолдерлар) ва ҳам ноташкилий гуруҳларнинг (жамоатчилик кенг катламларининг) тўғридан-тўғри иштироки орқали аниқланади.

Жамоатчилик иштироки тамойили Рио Декларацияси (10-тамойили, 1992 йил) ва Орхусск конвенцияси (6-8-моддалар, 1998

<sup>65</sup> Муаллиф ишланмаси

йил) каби халқаро экологик ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган. Европада сув менежментининг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган ЕИ Сув директиваси ҳам дарё хавзаларини бошқариш жараёнида жамоатчилик иштирокини (14-модда) талаб қилади.

Жамоатчилик иштироки тамойили қуйидагилардан иборат: а) жамоат-чилик иштироки шундай жараёнки, у мослашувчан ва стратегик бўлиши даркор; б) муваффақиятли бўлиши учун жамоатчилик иштироки иложи борица бошланғич босқичларда бошланиши керак; в) жамоатчилик иштирокининг аниқ кўриниши муаммолар хили ва тегишли вазифаларга боғлиқ; г) жамоатчилик иштирокининг институционал имкониятлари ва тартибларини яратиш марказий масала ҳисобланади ва у узлуксиз жараён сифатида қаралиши керак; д) жамоатчилик иштироки очиқ ва тушунарли бўлмоғи даркор; е) жамоатчилик таклифларини ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши керак.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштироки муҳим бўлиб, у қуйидаги афзалликларни беради: қарорлар қабул қилишнинг нисбатан юқорирок даражада ахборот ва ижодий жараён бўлиши; ижтимоий маъқуллаш даражасининг ўсиши, суд жараёнларининг камлиги, ҳаражатларнинг озлиги ва қарорларнинг янада юқорирок самарали бажарилиши; янада очикрок ва комплексли бошқарув ва режалаштириш жараёнининг янада юқорирок шаффофлиги; барча манфаатдор томонлар билим ва тажрибаларидан фойдаланилганлиги учун билимлар базасининг янада кенглиги; барча манфаатдор томонларни – жамоатчилик, ҳукумат ва экспертларни жалб қилиш асосида тузилишига оид сўзлашув (конструктив диалог) йўли билан ижтимоий ўрганишга таъсир қилиш.

Жамоатчилик иштироки тамойилини амалга оширишда маълум қийинчиликлар ҳам мавжуд. Уларнинг айримлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) турли қарашларни ҳисобга олиш зарурли туфайли ҳамма вақт ҳам консенсусга эришиб бўлмайди, кўпчилик ҳолларда қарорлар камроқ даражада аниқрок бўлади; б) ҳокимият таркибий тузилмалари баъзан жамоатчилик иштирокининг кадрига етмаслиги унга сурбетларча (цинистик) мунасабатда бўлиши мумкин (жамоатчилик ташаббусини қабул қилмаслик); в) одатда, инсонлар нофаол ҳисобланади, улар фақат

нимадир хавф туғдиргандагина фаол жамоатчилик ўрнини эгаллашлари мумкин; г) кўпчилик ҳолларда жамоатчилик қарорлар қабул қилишда ўзининг иштирокидан кўп нарсани кутади ва фикри тўлиқ инобатга олинмаганда, афсусланади (ҳолбуки, кўп нарсани кутиш мақсадга мувофиқ эмас); д) жамоатчилик иштироки қарорлар қабул қилиш жараёнини секинлаштиради ва одатда, йўқ бўлган маблағларни талаб қилади; е) жавобгарлик аралашиб кетиши содир бўлади: қарорлар қабул қилиш жараёнида кўп кишилар жалб қилинганда қабул қилинган қарорлар учун ҳеч ким жавобгарликни ўзига олмайди; ё) жамоатчилик вакиллари эксперт ҳисобланмайди, ҳолбуки, экологик экспертизани сифатли ўтказиш учун етарли даражада ахбортга эга бўлиши керак.

Сув ресурсларини бошқаришга масъул бўлган давлат органлари сув объектлари, ер усти ва ер ости сувларининг ҳолати тўғрисида маълумотларни эълон қилишлари, сув ресурсларини бошқаришдаги ютуқлар ва камчиликларни маълум қилишлари шарт. Жамоатчилик ва сувдан фойдаланувчилар билан биргаликда барча манфаатдор томонлар экологик маълумотларга эга бўлиши таъминланиши зарур.

Давлат вакиллари сув ресурслари соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда барча манфаатдор томонларнинг фаол иштирокини таъминлашлари лозим. Бу дарё ҳавзаларини бошқариш режаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва қайта кўриб чиқишда жамоатчиликни жалб қилишга ҳам тегишлидир. Сув хўжаликлари ишлари ва дарё ҳавзаларини бошқариш натижалари, бу борадаги режалар билан жамоатчилик таништирилиши учун улар қуйидаги муддатларларда тақдим этилиши керак: а) режа жадвали ва уни ишлаб чиқиш ишчи дастури сув хўжаликлари ишлари режалари амал қилиши бошланишидан 3 йил олдин; б) дарё ҳавзаларини бошқаришда мавжуд бўлган муҳим муаммоларнинг кўздан кечирилиши сув хўжаликлари ишлар режалари амал қилиши бошланишидан 2 йил олдин; в) дарё ҳавзаларини бошқариш режаси лойиҳасининг нусхаси сув хўжаликлари ишлари режалари амал қилиши бошланишидан 1 йил олдин.

Барча ҳолатларда ҳокимият тузилмаларига олинган ҳужжатларга ёзма изох бериш учун жамоатчиликка 6 ой муддат берилади.

Шунингдек, жамоатчилик билан экологик сифат стандартлари ҳам муҳокама қилиниши даркор. Бунинг учун жамоатчилик вакиллари ишлаб чиқилган экологик сифат стандартларини олишлари ва тегишли органларга Ёзма изоҳларини тақдим этишлари мумкин.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштирокининг 5 босқичи ва тегишли усуллари қуйидагилардан иборат<sup>66</sup>: 1) хабар (маълум) қилиш (масалан, нашр қилиш, жўнатиш, пресс-конференциялар, тақдиротлар, ахборот марказлари, интернет ва бошқа ахборот-коммуникацион технологиялари орқали); 2) консултациялар (масалан, тадқиқотлар, мурожаатлар, ҳужжатларга изоҳ бериш, суҳбат (интервью), жамоатчилик эшитиши, жамоатчилик фикри сўровлари, жамоатчилик кенгашлари); 3) муҳокама қилиш (масалан, давра суҳбатлари, конференциялар, электрон муҳокама қилишлар); 4) қарорларни ҳамкорликда қабул қилиш (масалан, музокаралар, давлат ва давлатлараро комиссия ва кўмиталарда жамоатчилик вакилларининг иштирок этиши, референдумлар); 5) қарорларни мустақил қабул қилиш (масалан, жамоатчилик вазифа (функция)ларини бажарувчи сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа Нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларининг фаолияти, жамоатчилик ташаббуслари).

Сувдан фойдаланиш жараёнида бошқаришда жамоатчилик иштироки механизмини амалга оширишнинг кучсиз томонлари ҳам мавжуд. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Сув ресурсларини бошқариш масалаларида, асосан, жамоатчилик иштироки амалда мавжуд эмас. Етарли даражада хабардор бўлмаслик ва жалб қилиш усуллари сифати қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчилик иштирокининг энг кучсиз жиҳатларидир;

2. Лойиҳаларнинг бажарилиши янада шаффофрок бўлиши керак. Сув менежменти бўйича лойиҳалар (масалан, янги сув инфратузилмасини яратиш), шунингдек, чучук сув ресурсларини бошқариш масалалари бўйича қонунчилик, стратегиялар ва

---

<sup>66</sup> Бу босқич ва усуллар 2003 йилдаги “Европа сув директиваси ва жамоатчилик иштироки” асосида ишлаб чиқилган. Уларнинг охириги учтаси қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол жалб қилинишига мувофиқ келади.

дастурлар тўғрисида хабардор бўлиш даражаси пастлигича қолмоқда;

3. Жамоатчилик консултациялари: давлат тузилмалари томонидан жамоатчилик изоҳларидан деярли фойдаланилмайди. Жамоатчилик изоҳларига жавоблар ёки консултациялар натижалари қонунчилик, стратегия ёки лойиҳаларда ўзгаришлар қабул қилинганга қадар фақат айрим ҳолларда нашр этилади ёки умуман нашр этилмаслиги мумкин. Бу, қарорлар қабул қилишда иштирок этишнинг самарадорлигига нисбатан жамоатчиликнинг ишончини пасайтиради. Фақат Эстония, Франция, Ирландия, Швеция, Швейцария ва Буюк Британия каби мамлакатларда жамоатчилик консултацияларининг натижалари эълон (нашр) қилинмоқда, ҳолос;

4. Жамоатчилик иштироки ҳамиша ҳам ўз вақтида бўлавермайди. Жуда кўп ҳолларда жамоатчилик билан консултациялар учун ҳужжатлар қарорлар қабул қилиш жараёнининг ниҳоясида келиб тушади. Шунинг учун жамоатчиликнинг ҳақиқатдан ҳам қарорларни қабул қилишда иштироки ва унга таъсир кўрсатиши жуда мураккаб;

5. Экологик ННТларининг тегишли маълумотларга эгаллик қилиш имконияти чекланган. Иқтисодий (саноат, сув таъминоти, кишлоқ хўжалиги ва б.) сектор вакилларининг ҳам, экологик ННТлар ва илмий доираларнинг ҳам тегишли маълумотларга эга бўлиши етарли даражада эмас;

6. Қарорлар қабул қилишда иштирок этиш учун жамоатчилик етарли даражада имкониятларга эга эмас. ННТда сув ресурсларини бошқариш масалаларига нисбатан қарорлар қабул қилиш жараёниларида ҳақиқатдан ҳам иштирок этиш учун махсус билим ёки кишилар йўқ. Шунингдек, бу борада ҳеч қандай молниявий қўллаб-қувватлашнинг йўқлигини ҳам эътироф этиш керак.

Жамоатчиликнинг энг фаол ва ташкилотчи вакиллари нодавлат ташкилотлари (НДТ) ҳисобланади. Экологик НДТ, кўпчилик ҳолларда, дарё ҳавзаларининг экологик муаммоларини ечиш учун жамоатчиликни жалб қилишда катта тажрибага эгадир. Бу, кўп жиҳатдан, шу билан боғланганки, экологик НДТ кадр-қиммати табиатни ўрганиш ва муҳофаза қилиш, яшашнинг соғлом муҳити, бой биохилма-хиллик ва эстетик жозибadorлик, табиат

билан ҳамнафасликда яшовчи демократик жамият куришга ёрдам кўрсатиш, зиддиятли вазиятларни куч ишлатмасдан бартараф этиш ва ҳамкорликка интилиш кабилар билан белгиланади. Инсонларни жамоатчилик ташкилотларига бирлаштиришнинг ихтиёрийлиги ва ўз фаолиятининг устувор томонларини танлашда мустақиллик натижасида экологик НДТ табиатни муҳофаза қилувчи давлат тузилмаларидан фаркли ўларок, кўпроқ даражада мустақилликка, мослашувчанликка ва фаолиятнинг турли-туман шакллариغا эга. Экологик НДТ ўзига хос хусусияти шундаки, вужудга келадиган экологик муаммоларда тез таъсир (реакция) кила олиш ва уларни хал қилишга янги ёндашувларни енгил қабул қилишидадир.

Кўплаб НДТ ўзларининг бош стратегик вазифалари сифатида давлат-нинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти ва барча фуқаролар олдида ўз конституцион мажбуриятларига риоя этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни эътироф этадилар.

Экологик муаммоларни счишда жамоатчилик иштироки самарали механизмларини жорий этишга таъсир кўрсатиш, ҳаракатларни мувофиқлаштиришни кучайтириш, табиатни муҳофаза қилиш акция ва компанияларини ўтказиш, экологик жихатдан хавфли бўлган лойиҳаларга фаол қарши туриш экологик НДТнинг муҳим тактик вазифаларидир.

Экологик НДТ ўзининг ҳаракатлари билан барча даражаларда барқарор экосистемани шакллантиришга, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг халқаро, миллий ва минтакавий режаларини, шу жумладан, ҳаракатнинг маҳаллий экологик режаларини, яратиш ва амалга оширишга, аҳолида экологик онгни шакллантиришга, жамоатчилик фаоллигини кучайтиришга, барқарор ривожланиш ғоясини кенг ташвиқ қилишга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга таъсир ўтказиши. Кўпгина экологик НДТлар бир томондан, ўз ҳаёт даражаларига бевосита таъсир кўрсатадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг кенг қатламларини жалб қилиш ва иккинчи томондан, қарорлар қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг самарали иштироки учун шароитлар яратишга хизмат қилмоқдалар.



## Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Ўзбекистонда сув ресурслари учун улардан фойдаланишнинг нисбатан паст самарадорлиги ва экстенсив фойдаланишнинг интенсив фойдаланишдан устунлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари ўта эскирганлиги, стратегик ёндашув талаб даражасида эмаслиги, замонавий менежмент усулларидан етарли даражада фойдаланмаслик ва ҳ.к.лар хос;

2. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган иқтисодий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, қонунчилик асослари ва бошқарувнинг таркибий тузилмаси такомиллаштирилишини тақозо этади;

3. Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш амалдаги тизимини такомиллаштиришнинг кўплаб йўллари бор. Улар орасида энг истиқболлиси сув ресурсларини интеграллаштирилган бошқариш (СРИБ) дир. Бироқ, бунда илғор хорижий амалиёт ва услубиятни кўр-кўрона қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мослаштириш зарур;

4. Ўзаро манфаатли савдога асосланган кўп томонлама битимларга эришишга интилиш асосида умумий таркибий тузилманинг аҳамияти кам бўлмаган жиҳати трансчегаравий сув объектларини бошқариш ҳисобланади. Амалиёт кўрсатишича, мувофиқлаштирилган ҳаракат натижасида ўзаро алоқа (таъсир)да бўлган томонлар ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий, экологик ва сиёсий жиҳатдан ютадилар;

5. Халқаро сув савдоси нуқтаи назаридан, бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўрта ёки Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам жаҳонда сув танқислиги ошиб бораётган бир пайтда, ҳатто узок истиқболда ҳам сув сиғимли маҳсулотлар бозорида етакчи ўринлардан бирини эгаллаш муаммоси ўта ўткирлигича қолаверади;

6. Сув ресурсларини бошқариш Ўзбекистон моделини такомиллаш-тириш нисбатан узок давом этувчи жараён бўлиб, у айрим ҳолларда, сезиларли ўзгаришларни, қайта қуришларни ва катта молиявий маблағларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам оддий тарзда қайд этиш ва назарий ҳисоб-китоблардан реал ҳаракатларга ўтиш керак. Бу Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларидан комплекс ва самарали фойдаланиш ҳамда уни барқарор ривожлантириш йўлига ўтишига имкон беради.

### **Ш БОБ. СУВ РЕНТАСИ, БАҲО, ТЎЛОВЛАР ВА СУВ СОЛИҚЛАРИ – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ СИФАТИДА**

#### **3.1- §. Сув рентаси, уни ҳисоблаш муаммолари, сув рентаси ва солиқ тизими**

Монографиямизнинг ушбу боби доирасида мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмининг муҳим элементлари сифатида етарли даражада эътибор берилмаётган сув рентаси, баҳо, тўловлар ва сув солиқлари билан боғлиқ бўлган масалаларга эътибор қаратамиз.

Таъкидлаш лозимки, табиий рентаининг иктисодий мазмун-моҳияти ҳақида гап кетганда, энг аввало, унга ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурс фойдаланиши натижасида олинган фойданинг бир қисми сифатида қаралади. Бизнингча, табиий рентага берилган бундай таърифда вужудга келган фойданинг табиатига нисбатан ҳеч қандай изоҳ берилмаган. Агар бу ўринда фойда дейилганда ресурсдан фойдаланувчи томонидан олинган реал фойда назарда тутилаётган бўлса, у ҳолда рента “ресурс-фойдаланувчи” тизимининг тавсифига айланади. Бундай тушунишда самарали ресурсдан фойдаланиш жараёнида қандайдир сабабларга (масалан, ноқулай технология, етарли даражада саводли бўлмаган ходим ва б.) кўра, табиатдан фойдаланувчи фойда олмаслиги ва бундай вазиятда рента умуман ногна тенг бўлиши мумкин. Ресурсдан фойдаланилмаётганда эса ундан фойдаланишда вужудга келиши мумкин бўлган рента тўғрисида мулоҳаза юритишга ҳожат қолмайди.

Бундай вазиятдан чиқиб кетишда иктисодий назарияга кўра, икки ёндашув бор. Биринчи (классик) йўлга мувофиқ фойда дейилганда, мазкур иктисодиётда у ёки бу кўринишдаги ресурслардан фойдаланишда олинган ўртача фойдани тушуниш керак. Иккинчи (маржиналистик) ёндашувга кўра бундай ресурсдан фойдаланишнинг мумкин бўлган энг яхши шароитларидан (энг яхши технология, энг яхши меҳнат ресурслари, энг яхши менежмент ва б.) келиб чиқиш керак ва ҳисоб-китобга бундай

шароитларда олинishi мумкин бўлган энг юқори чегарадаги фойдани қабул қилиш лозим.

Мулк таркибий тузилмаси ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бошқа тавсифлари ишлаб чиқариш самарадорлиги, унинг фойдани яратиш борасидаги қобилияти учун муҳим бўлишига қарамадан ҳар қандай вариантларда ҳам рента назарияси, тегишли шароитларда табиий ресурсни рента манбаи сифатида қараб, бу жиҳатлардан четга чиқишга ҳаракат қилади.

Рентани фойдадан ажратиш зарурлиги муаммоси шу билан белгила-надик, ўз-ўзидан табиий ресурс маҳсулот яратмайди. Бунинг учун яна капитал ва меҳнат керак. Бунинг натижасида ўзаро таъсир қилувчи омиллар тизими орқали вужудга келтирилган самарани улар ўртасида тақсимлаш зарурати келиб чиқади.

Бундай вазифани ечиш учун амалиётда икки концептуаль ёндашув мавжуд. Биринчиси: шу омилдан бошқа омиллар билан биргаликда фой-даланилиши натижасида олинган умумий якуний натижага тизим бир элементи ёки омилининг ҳиссасини баҳолаш. Бунда натижа ягона қийматий баҳога эга бўлса, харажат омилларининг ҳар бири эса ўз-ўзича ўлчанади. Иккинчиси: таркибига тизимли тартибда бошқа элементлар қирадиган якуний натижа элементларидан бирини аниқлаган умумий харажатларнинг бир қисмини баҳолаш. Комплексли ишлаб чиқаришда харажатлар ягона ялпи қийматий баҳога, натижани таркиб топтирувчиларнинг ҳар бири эса ўз-ўзича ўлчанади. Комплексли табиий фойдаланиш вазиятида бошқаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўлчалган ҳар бир фойдаланувчининг натижасига фойдаланилган табиий объект ҳиссасини баҳолаш керак. Бу, энг аввало, сув ресурсларига тегишли. Чунки улар бир вақтнинг ўзида гидро-энергетика, дарё транспорти, балиқчилик хўжалиги ва х.к.лар томонидан ишлатилади ва саноат, қишлоқ ва коммунал хўжаликка ҳам тегишли ҳисобланади.

Бундай вазиятда сув рентасини қандай баҳолаш керак? Сув ресурс-ларининг ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда сув объектларининг ишончли статистик тўпламини тузиш имкониятига шубҳаланиш осон. Ўлчамлари уларнинг хилма-хиллиги билан тавсифланадиган турли-туманлиги объектлар ўзларининг миқдори билан таққослашда ҳаддан зиёд каттадир. Шу муносабат билан бир-биридан бор-йўғи унинг узунлигидан 5%ли қисми билан

Ўлчанадиган (айрим ҳолларда бундан ҳам кам бўлиши мумкин) узокликда жойлашган бир дарёнинг ер майдонлари рентани шакллантириш нуктаи назаридан (аспектида) сув фондининг хар хил элементлари сифатида қаралиши кераклигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи етарли. Фойдаланиш жараёнида фойда олиш учун сув объектининг барча хоссаларини акс эттирадиган ўлчамлар тўпламини шакллантиришга уринишнинг ўзидаёқ сезиларли мураккабликлар пайдо бўлади. Шунингдек, сув объектлари билан фаол фаолият кўрсатаётган экологик тизимлар ҳам боғлиқ. Бу ҳолат иктисодий ҳисобга олиш учун ниҳоятда мураккаб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у сув ресурсларидан фойдаланиш учун рента муаммоси амалда деярли тадқиқ этилмаганлигининг асосий сабабларидан биридир. Сув объектларига салбий таъсирларни аниқлаш ва баҳолаш муаммоси шу қадар мураккабки, таъсирларнинг барча кўринишларидан таҳлил учун уларнинг энг оддий танланган, холос: ифлосланган оқим сувларининг ташланиши. Бу билан бундай кўринишдаги қолган таъсирларни тартибга солиш муаммоси, қисман бўлса-да, рента тавсифидаги тўловлар тизимига (агар улар кўзда тутилган бўлса) юклатилмоқда.

Маълумки, монографиянинг 1-бобида таъкидланганидек, сув ресурслари бозорда сотилмайди. Айрим ҳолларда улар олди-сотди объектига (масалан, аукционларда) айланган пайтида ҳам бу ҳолатни оммавий деб эътироф этиш мумкин эмас. Ҳолбуки, назарий қоидаларга мувофиқ баҳо фақат ва фақат оммавий битимлардагина ўз хоссаларига эга бўлади. Ягона характерга эга бўлган битимларда баҳо тасодифларнинг кучли ва амалда аниқланиши мумкин бўлган, шу жумладан, ўзига хос воқеликлар ва ҳолатлар, таъсирига эга. Бундай ҳолатларда у зарур бўлган ўрталилик, барқарорлик ва демак, репрезентативлиликка эга бўлмайди. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда бозор механизми рентани аниқлашда керакли ёрдамни кўрсата олмайди.

Шу муносабат билан сув рентасини баҳолашдаги энг катта қийинчи-ликлар мумкин бўлган маълумотлар ҳажми ва уларга эҳтиёж ўртасидаги номувофиқлик билан боғлиқ эканлигини қайд этишдан ўзга чорамиз йўқ. У натижаларнинг статистик содир бўлиш талаблари томонидан вужудга келади. Шундай қилиб, бизни қизиқтираётган табиий омилнинг амалда фойдали бўлиши мумкин бўлган баҳосини олиш учун статистик усуллардан умид қилишга

хожат қолмайди. Рентани ҳисоблашга уриниш учун маржинал типдаги назарий қурилмалар қолади, холос. Бу борада икки ёндошувнинг борлиги маълум: биринчиси, оптимизацион моделларидан фойдаланишга, иккинчиси эса, охириги харажатларга асосланган.

Биринчи усул “оптимизацион моделлаштириш” номи остида бирлаш-тирилган математик моделларни ўрганишга асосланган. Оптимизацион моделлар ўзгарувчиларни нафақат тўғри, балки тескари йўналишда ҳисоблашга ҳам имкон беради. Тўғри масала, одатда, ишлаб чиқариш йўналишига эга. Унинг ўзгарувчилари хўжалик фаолиятининг кўрсаткичлари бўлиб, кўплаб чекланишлар эса ресурслар мавжудлиги ва истеъмоли балансини ақс эттиради. Ўз навбатида, мақсадли функциялар эса натижани, масалан, максималлаштирилиши лозим бўлган фойдани ифодалайди. Тескари йўналишдаги масалаларнинг ўзгарувчилари, одатда, макбул баҳолар деб номланадиганлар, тўғри масаланинг чекланмаларига мос келади. Агар ишлаб чиқариш омиллари орасида табиий ресурслар ҳисобга олинадиган бўлса, табиийки, унинг ечилиши мумкин бўлганда, иккиёкламали масаладан келиб чиқувчи, у ҳолда унга макбул баҳолар мувофиқ келади. Бироқ, хохиш-истак қанча катта бўлишига қарамасдан, табиий ресурсларнинг макбул баҳолари табиий рентанинг аҳамияти (даражаси)га тўғри келади ёки уларга мутаносибдир, деб ҳисоблаш, назаримизда ноқониз. Чунки табиатдан фойдаланиш (хусусан, сувдан фойдаланиш)нинг реал вазиятида бундай тасдиқ ҳақиқатдан анча йироқ.

Оптимал баҳолар моделнинг ўзи томонидан топшириладиган рамақалар доирасида чекланган ресурсларнинг “ички” даражасини ақс эттиради. Улар модель чегараларидан четга чиқадиган вазиятларда экстраполяция қилиниши мумкин эмас. Бу баҳолардан деярли тенг бўлган бир неча муқобиллар ёки етарли даражада самарали бўлмаган ресурслардан “озод қилинган” да қарор қабул қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун макбул (“ички”) баҳоларни ташқи, яъни бу ресурслар бозорда сотиб олинниши ёки сотилиши мумкин бўлган баҳолар билан таққослаш керак. Агар у томонидан баҳоланаётган ресурсларнинг мақсадли функцияга айланишида қўшимча бирлик ҳиссасини ақс эттирувчи “ички” баҳо унинг бозор баҳосидан юқори бўлса, унда қўшимча миқдорни сотиб олиш керак. Ақс ҳолда эса, ақсинча, ишлаб чиқа-

ришда ундан фойдаланиш ўрнига бундай ресурснинг маълум бир қисмини сотиш мақсадга мувофик.

Ташқи бозор баҳолари билан бунга ўхшаш тарзда такқослаш, савдо қилинмайдиган ресурслар билан бўлган вазиятда, бозор баҳоларининг ўхшаши сифатида мақбул баҳоларни қўллашга ундайди. Бундай тахмин бир неча шартлар бажарилгандагина ўринли бўлиши мумкин.

Биринчидан, яхлит ҳолда иқтисодиётнинг мақсадли функциясига ҳар бир табиий ресурс ҳиссасини аниқлаш учун модель табиий ресурсдан фойдаланишнинг барча йўналишлари ва натижаларини акс эттириши керак. Албатта, бунинг учун олинган табиий ресурслар модель ёрдамида баҳолаши зарур. Бундан ташқари, табиий рента тўғрисидаги масалаларда алоҳида ресурслар ва объектлар бўйича бўлинган номенклатураларда айнан рентавий баҳолашнинг олиниши муҳим.

Иккинчидан, барча назарий мулоҳазалар чекланмалар, мақсадли функция таркибига кирувчи ўзгарувчилар ва боғлиқликларнинг узлуксизлигини кўзда тутувчи кескин сабабоқибатларга таянади. Моделда йирик ёки кам учрайдиган дискрет объектлар (жумладан, сув объектлари) кўриб чиқиладиганда бундай узлуксизлик ўз ўрнига эга бўлмайди. Ундан ташқари, рентавий баҳолашни аниқлаш масаласида ҳатто йирик бўлмаган объектларни ҳам мустақил кўриб чиқиш керак. Бу эса, ўз навбатида, моделлаштириш шарт-шароитларини бажаришга бўлган ҳар қандай ишончни йўққа чиқаради.

Учинчидан, натижанинг ахборот билан тўлиқлигига бўлган талабни пасайтириб ва айнан, моделга табиий объектлар ёзилмаларини киритишдан воз кечиб, масалани содаллаштиришга уриниб кўриш мумкин. Бироқ, бу ҳолда ҳам, хусусан, бизни қизиқтираётган сувдан фойдаланишнинг чизмага жойлашмайдиган табиатдан фойдаланиш турларини моделдан четда қолдиришга тўғри келади.

Бундай вазиятда кўриладиган муаммога нисбатан оптимизацион моделларни ҳар қандай мослаштиришга уриниш шунга олиб келадик, ё моделдан иқтисодий маъно йўқлигини, ёки уни қуриб ва у асосда ҳисоб-китобларни амалга ошириб бўлмаслигини қайд этишга тўғри келади.

Иккинчи усул сўнги харажатлар усулини қўллашга асосланган. Шу муносабат билан, кўплаб корхоналар ёки хўжалик субъектлари томонидан турли харажатлар билан фойдаланилаётган сув ресурсларини кўриб чиқайлик. Максимум даражада юқори бўлган харажатлар бу охирги харажатлардир. Охирги харажатлар даражасида, маржиналистик концепцияга мувофиқ, ишлаб чиқариш тадбиркор учун фойдали бўлади. Ундан ўтган (ошган)дан сўнг эса, уларнинг қопланиш таъминланмайди.

Кейинги мантиқ куйидагича: охирги харажатлар ва айрим аниқ корхо-налардаги харажатлар ўртасидаги фарқ бу корхоналарда таркиб топган (маҳ-сулот бирлигига тўғри келувчи) табиий рентани характерлайди. Охирги корхоналарда, яъни индивидуал харажатлар охирги харажатларга тенг бўлган корхоналарда фарқ нолга тенг. Бу ҳолатни юқори маржинал даражадан паст даражада корхонада фойданинг бўлмаслиги, табиий рента харажатлар таркибига киритилган, капитал эса қабул қилиниши мумкин бўлган минимал даражада кайтим бераётганлиги (масалан, банк фоизи билан тенг келадиган даражада) тарзида талкин қилиш мумкин. Бошқача ёндошув бунинг табиий рентанинг умуман йўқлиги (табиий ресурс фойданинг ахамиятга эга бўлган қисмини шакллантиришга имкон бермайди) сифатида талкин қилиши мумкин.

Ҳақиқатда ёки амалда эса охирги харажатларни қўллаш учун зарур бўлган шартлар бажарилмайди. Бу ерда ажабланарлиси гўё охирги харажатларнинг йўқлигида. Рентани амалий жиҳатдан аниқлаш учун бу тушунчанинг фойдали бўлиши мумкинлиги хақида шубҳа оддий манзарани вужудга келтиришда яққол намоён бўлади. Бунинг учун координата тизимининг “ОХ” абцисса ўқида охирги харажатлар мумкин бўлган даражаларининг барча соҳаларини акс эттириш учун бир қисмини танлаб, уни тенг интервалларга бўламыз. Ҳар бир интервалда баландлиги маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмига тенг бўлган устунларни ясаймыз. Назарий мулоҳазаларга кўра, олинган гистограмма, дастлаб монотон тарзда ўсиб бориши, сўнг худди шу тарзда пасайиб бориши ва охирги харажатларга мувофиқ келган нуктада у узилиши керак. Аслида, гистограмма бир неча марта тузилади ва сўнг янгиланади, унда тешиқлар мавжуд бўлади, охирги харажатларни кўрсатувчи аниқ ва ишончли чегаралар ўрнига қандайдир ноаниқликлар зонаси вужудга келади ва бу зонадан қандайдир бир

нуктани танлаш фойдасига ҳеч қандай аргументлар мавжуд бўлмади. Зонанинг ўзи эса сира ҳам кичик эмас ва у бўйича ихтиёрий юриш табиий рентани баҳолашда шундай тебранишларга олиб келадики, уларни қабул қилиш мумкин деб ҳисоблашнинг сира иложи йўқ.

Сув рентасини ҳисоблашда охириги харажатлардан фойдаланишнинг тўғрилиги учун, ҳеч бўлмаганда, оммавийлик эмас, ҳар ҳолда якуний маҳсулотнинг аниқ турини ишлаб чиқариш учун сув ресурсларидан фойдаланувчи корхоналарнинг кўплиги керак. Бир ёки кўп бўлмаган корхоналарда рентани аниқлаш бўйича масалани ечиш учун охириги харажатлар қўлланилиши, шубҳасиз, иктисодий маъносини юкотади.

Шундай қилиб, табиий рентани баҳолашни ҳисоблашда кўриб чиқилган ёндашувларнинг барчаси амалиётда сув ресурсларига нисбатан қўлашда фойдасиз бўлиб қолаётганлигини таъкидлашимиз керак. Ундан ташқари, юқорида қайд этилган мулоҳазалар асосида табиий рентани фақат бозорда оммавий тарзда савдо қилинадиган табиий ресурслар учун бозор баҳолари ёрдамида етказиб бериладиган маълумотлар асосида баҳолаш мумкин ва ана шу жиҳатдан ҳеч қандай ҳисоб-китоблар ва моделлар билан бозорни алмашти-ришнинг ҳеч иложи йўқ, деган хулоса келиб чиқади. Бунда бозор, ҳеч бўлмаганда асосан такомиллашган рақобатнинг шубҳасизлигини кониктириши керак. Унинг бузилган вариантлари (монополистик бозор, катта хуфёна ҳиссали бозор ва б.) керакли микдорий рақамларнинг манбаи бўлиб хизмат қилмаслиги мумкин. Бирок, табиий ресурсларнинг хусусияти шундаки, табиий рента тўғрисида амалда маълумотларга эҳтиёж бўлган ҳолларда табиий ресурслар бозорининг шаклланишига таянишга, принцип жиҳатдан, ҳожат қолмайди.

Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатишича, табиий (сув) рента(си)ни ҳисоблаш имкониятлари тўғрисидаги хулосалар унчалик хурсанд бўладиган даражада эмаслигига қарамасдан кўплаб иктисодчи ва сиёсатчилар бу борада ягона интеграль кўрсаткични қўлга киритиш ниятидан ҳали тўлиқ воз кечганлари йўқ. Уларнинг бу йўналишдаги эътирозлари етарли даражада асосланган ва улар асосан, ҳозирги вақтда табиий рентани тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг кониқарсиз даражада эканлиги билан изоҳланади. Шу муносабат билан бу ўринда ушбу масала



юзасидан таркиб топган вазиятни кўриб чикиб, уни тахлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, амалдаги қонунчиликка кўра давлат табиий ресурсларнинг эгаси ҳисобланади. Шунинг учун у табиий рентанинг унча катта бўлмаган бир қисмини олади. Унинг қолган қисми эса бу табиий ресурслар фойдаланишга берилган хўжалик субъектлари ихтиёрига қолади. Бунинг устига, қайд этилган ҳолатнинг, яъни бундай қолдиришнинг қонунийлиги кўпчиликда шубҳа туғдиради ва табиийки, табиий рента тақсимлаш масаласини фақат ўткирлаштиради, ҳолос. Афсуски, табиий ресурсларни хўжалик субъектлари ихтиёрига фойдаланишга бериш ушбу ресурсларга ишлов беришга мўлжалланган асосий фондларнинг хусусийлаштирилишидан деярли фарқ қилмайди. Умумий нуктаи назардан бир-бирдан фарқ қилувчи бу масалаларнинг аралаштирилиб юборилиши шундай ҳам ўз-ўзидан мураккаб бўлиб турган табиий ресурслар рента масаласини ечишга ёрдам бермайди. Бундан уни қайта тақсимлаш тўғрисида талаблар келиб чиқадики, уларни энг умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин: табиий рента давлат даромадларининг таркибига бориб тушиши керак. У қазиб олувчи (фойдаланувчи) тармоқларга одатдаги тадбиркорлик фойдасини қолдирса бўлди. Ана шундай тартибнинг амал қилиши адолатли ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Бирок тадбиркорликнинг маъно-мазмуни, унинг мақсади ноодатдаги фойдани олиш, ишлаб чиқаришнинг энг яхши ва энг самарали шароитларини қидириб топишга бориб тақалади. Айнан шунинг учун тадбиркорлар иқтисодиёт учун зарур. Давлат ўзига тегишли бўлган табиий ресурсларни тадбиркорларга фойдаланишга бериб, улар билан шундай ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни ўрнатиши керакки, бу унга, давлатга мулкдорнинг қонуний улушини кафолатлаши керак. Юқоридагидан фарқли ўларок, бу бутунлай бошқа нарсасидир. Афсуски, бу нарсага, фикримизча, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида старли даражада эътибор берилмади. Шунинг учун ҳам буни табиий рента бюджет доирасида мувофиқлаштириш билан тенглаштириш мақсадга мувофиқ эмас.

Бу ерда муаммо табиий рента ўлчамини қандайдир қўлланилиши мумкин бўлган аниқ даражада ҳисоблаш иложи

йўқлигидадир. Бирок, аслида бу талаб ҳам қилинмайди. Чунки хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи-лардан у (табiiй рента) тўлиқ олинадиган бўлса, бу хом ашё тармоқларининг етарли даражада ривожланмаслигига (ҳеч бўлмаганда уларнинг иктисодий ахволи ёмонлашувига) олиб келади. Агар табiiй рентани бюджет доирасида мувофиқлаштириш айнан шу усулда амалга ошириладиган бўлса, табiiй ресурслар учун тўлов миқдорини ошириш ёки аксинча, камайтириш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш кийин эмас.

Бу ерда муаммо табiiй ресурслардан фойдаланувчи субъектлардан табiiй рентани тўлиқ олишда эмас, балки уни таксимлаш ва қайта таксимлаш жараёнларини, зарурият туғилган пайтларда тегишли ўзгартиришларни амалга ошириб, назорат қилишдадир. Бу жараён яхлит тарзда молиявий механизм ва унинг муҳим қисми ҳисобланган солиқ механизми орқали амалга оширилади<sup>67</sup>. Бу тизим ва бу механизмнинг қўллаб элементлари у ёки бу даражада табiiй рентанинг қайта таксимлаш функцияси билан боғланган. Масалан, агар табiiй рента олдиндан (амалиётда бу шартни ҳар доим бажариш мумкин) тўлиқ олинмаган бўлса, у ҳолда у фойда таркибига киради ва у қисман хўжалик субъектидан фойда солиғи орқали ундирилиши мумкин. Худди шунга ўхшаш ҳулоса қўшилган киймат солиғи (ККС)га нисбатан ҳам ўринли. Ижтимоий солиқ тўғрисида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин. Табiiй ресурслардан фойдаланувчи корхоналарнинг ишчи хизматчилари тўлайдиган даромад солиғи ҳам, таркиб топтирувчи элементлар сифатида, маълум даражада табiiй рентага алоқадор ҳисобланади (табiiй рентанинг маълум бир қисми кўпроқ даражада бу корхоналар ихтиёрига қолдириладиган бўлса, шунга мос равишда уларнинг иш ҳақлари ҳам мамлакатдаги ўртача иш ҳақининг даражасидан шунча юқори бўлади). Улардан ҳар бирининг солиқ базаси табiiй рентанинг маълум бир қисмини ўзида мужассам этади.

---

<sup>67</sup> Бу ўринда солиқ механизми дейиляётганда, тор маънода фақат солиқларни ўзида мужассам этувчи солиқ механизми эмас, балки ўз ичига солиқлардан ташқари яна бюджетга кагъий тўловларни ҳам ўз ичига олувчи солиқ механизми назарда тутилмоқда.

Фаолиятлари давомида вужудга келаётган табиий рента корхоналар ўртасида нотекис тақсимланади. У бу корхоналарнинг айримларида кўп, бошқаларида эса оз (фақат мутлок эмас, балки нисбий кўрсаткичларда ҳам) бўлиши мумкин. Бошқа шароитлар тенг бўлганда, бироқ, биринчисида фойда ҳам иккинчисига нисбатан кўпроқ (ҳеч бўлмаса, салмоқ жиҳатидан) бўлади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, фойдадан олинadиган ўсувчан солиқ, унинг ўлчамлари тўғри ташкил этилганда, бу ҳолатни яхши ҳисобга олиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳулоса юқорида қайд этилган молия механизми ва солиқ тизимининг қайд этилган бошқа элементлари учун ҳам ўринли.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, шак-шубҳасиз табиий рентани қайта тақсимлаш амалдаги солиқ тизими доирасида, олиб қараганда, бунга мўлжалланмаган, аниқроғи, унинг нафақат шунга мўлжалланган элементлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Шундай, табиий рентани бюджет доирасида мувофиқлаштириш тарафдорлари томонидан қандай муқобил вариант (усул) сифатида рента тўловлари таклиф қилинмоқда. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, аввало, тўловлар рента тўловлари деб аталишининг ўзи, фикримизча, унчалик тўғри эмас. Бунинг, ҳеч бўлмаганда, икки сабаби бор: биринчиси – қабул қилиниши мумкин бўлган аниқликда табиий рентани ҳисоблаш иложи йўқлиги; иккинчиси – уни қайта тақсимлашда бошқа воситалар таъсирининг муқаррарлиги. Солиқ тизимига рента тўловларини жорий этишнинг ҳар қандай вариантыда ҳам унинг бошқа элементлари табиий рентага нисбатан қайта тақсимлаш функциясини бажаришни давом эттираверади. Бу рента тўловларини ҳисоблашдаги ноаниқликлар мавжудлиги, бунинг натижасида улар олинганидан сўнг табиий рентанинг бир қисми, барибир, айрим корхоналар ихтиёрида, албатта, қолавериши билан изоҳланади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ҳам табиий рентанинг қайта тақсимланишига хизмат қилади, албатта. Бироқ, бундан ташқари, улар бу функцияни тўлиқ ҳажмда бажариш имкониятидан анча йироқда. Бу улар учун ягона ва асосий ҳисобланмайди. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг асосий функцияси улардан самарали фойдаланишни, ресурсларни тежаб-тергашни рағбатлантиришдир. Табиий ресурслар бузилишининг олдини олиш, улардан комплекс

фойдаланишни рағбатлантириш, баркарор фойдаланишга таъсир кўрсатиш, қайта ишлаб чиқариладиган ресурслар қайта ишлаб чиқарилишини таъмин-лаш, қайта ишлаб чиқарилмайдиганлари учун эса кидирилган захираларни тўлдиришда улар энг яхши восита ҳисобланади.

Молиявий механизм ва солиқ тизимининг ўлчамлари (бизнинг ҳолда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг ставкаларига тегишли бўлган ўлчамлар) узок муддатга амал қиладиган меъёрлар сифатида қаралмоғи керак. Албатта, улар ўзгариши мумкин. Лекин бундай ўзгаришлар, иложи борича, камрок бўлиши ва унчалик кескин даражада бўлмаслиги, ҳар йили тасодий импульслар таъсири остида гоҳ юқорилаб ва гоҳ пастлаб кетишига йўл қўймаслик зарур. Бу борадаги меъёрлар баркарорлиги, бу меъёрларни ҳисоблаш тартиблари шаффофлиги, уларнинг ўзгариш имкониятлари чегараларини (масалан, йилда 10%дан ортик ошиши) қонуний тартибда белгилаш, ўзгариши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида сувдан фойдаланувчиларни олдиндан (камида бир йил олдинроқ, айрим ҳолларда эса, конъюнктуранинг ўзгаришидан келиб чиқиб 2-3 йил олдин) огоҳлантириш мамлакатда соғлом инвестиция муҳити шаклланишини таъминлаши мумкин. Бунда фақат барча тармоқлардаги бизнес манфаатларига мувофиқ келгандагина (масалан, солиқлар соф камайтирилишида) молиявий механизм ва солиқ тизими ўлчамлари нисбатан тезроқ ўзгартирилишига йўл қўйилиши мумкин.

На табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ставкалари, хусусан, табиий-ресурс рентанинг қайта тақсимлаш функциясини бажарадиган ставкалар, на хилма-хил солиқлар ставкалари мутлоқ аниқликда ҳисобланмайди. Уларнинг ўлчамлари ва аҳамияти қандайдир иқтисодий математик моделлар ёки бошқа усуллар ёрдамида амалга оширилган ҳисоб-китоблар билан тўлиқ асосланиши мумкин эмас. Иқтисодий механизмнинг барча ўлчамлари сингари улар эмпирик тарзда, шубҳасиз ҳатолар ва албатта, мониторинг натижалари бўйича ўзгартириш киритиш зарурлиги билан аниқланади. Бу ўринда худди шуларга ўхшаш ёки шунга яқин тарзда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ставкалари ва солиқ тизимининг бошқа ўлчамларини аниқлашда ноаниқликларга йўл қўйилар экан, унда балки рента

тўловларини жорий этиш ёки белгилаш мақсадга мувофиқдир, деган фикр кун тартибига қўйилиши, табиий. Фикримизча, бундай қарорга келиш куйидаги сабабларга кўра тўғри эмас:

биринчидан, табиий рента тўғрисидаги мулоҳазаларда, одатда, уни табиатдан фойдаланувчидан тўлиқ олиниши кераклиги ҳақида гап кетади. Юқорида қайд этганимиздек, бундай мақсаднинг қўйилиши нотўғри. Бозор иқтисодиётида солиқ тизимининг бошқа элементларига нисбатан ҳам бундай мақсад қўйилмайди. Ана шу тўлиқ олиниш сари юз тутилмаса, амалдаги солиқ тизими нафақат табиий рентани қайта тақсимлаш функциясини бажаради, балки бу функцияни кескин кучайтиришга имкон ҳам беради;

иккинчидан, рента тўловлари ставкасини белгилаш бўйича мавжуд бўлган таклифлар, охир-оқибатда, табиий ресурслар сифатини ҳисобга олиш имконини берувчи амалда коэффициентлар тизимини жорий этишга олиб келади ва рентанинг ўлчами энг аввало ана шу сифатга боғлиқ бўлган ҳолда талкин қилади. У ҳолда, бу тизимнинг одатдаги солиқлардан фарқи қолмайди. Унинг ўлчамларини аниқлашнинг аниқлиги даражаси амалдаги солиқ тизими-даги аниқлик даражасидан юқори эмас. Лекин уларнинг сони кескин ортади. Бунинг натижасида якуний хато зарурлиги жиҳатидан янада юқори бўлади;

учинчидан, бунда алоҳида ноқулай шароитларга тушиб қолган қор-хоналар учун рента тўловлари ставкаларини аниқлашдаги хатоликлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади. Албатта, одатдаги солиқ тизими ўлчамларидаги хатоларнинг оқибатлари ҳам шунга ўхшаш бўлиши мумкин. Бирок, бундай хатолар анча каттарок ва кенгрок соҳаларга ўз таъсирини кўрсатади ва шунинг учун ҳам уларни кузатиш анча осонрок. У ўзини тузатиши учун аниқ қорхоналардаги вазият алоҳида таҳлил қилинишини талаб этмайди;

тўртинчидан, рента тўловлари ставкаларини белгилашда фойдаланилиши лозим бўлган ўлчамлар кўп сонли эканлиги бундай ёндашув қиммат эканлигидан дарак беради. Кўшимча (ҳар қандай анъанавий солиқлар билан таққосланганда) харажатлар нафақат ставкаларни калькуляция қилишни, балки мониторинг, давлат ва тўловчилар ўртасидаги маълум бир тортишувларнинг (бунда, вазиятга қараб, давлат ҳам, тўловчилар ҳам, бир вақтнинг ўзида ҳам даввогар ва ҳам жавобгар бўлиши мумкин) бўлишини ҳам тақозо

этади. Мониторинг объектлари ва субъектлари ўртасидаги тортишувларнинг микдори фақат тўловчилар сонига эмас, балки ҳар бир тўловчи учун рента тўловлари ставкаларини аниқлашда фойдаланилиши мумкин бўлган ўлчамлар сонига ҳам боғлиқ бўлади.

Натижада табиий рентани тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган вазиятни ойдинлаштириш ўрнига рента тўловларини тўғридан-тўғри жорий қилишга уриниш ишни янада чигаллаштиради ва оз бўлмаган, лекин фойдасиз бўлган харажатлар қилинишини талаб этади.

Бюджетга катъий тўлов (табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов айнан шу тоифага киради) ва солиқ ўртасидаги фарқ уларнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигидан келиб чиқади. Фойдаланилган ва ўз ихтиёрига олинган ресурслар ҳажми жорий фаолият натижаларига боғлиқ бўлмаганлиги учун давлат ва табиатдан фойдаланувчи ўртасидаги муносабатлар бу жиҳатдан айнан катъий тўлов тарзида расмийлаштирилиши керак.

Солиқ фаолиятнинг иқтисодий натижаларини ўзида акс эттиради, бозор томонидан аникланадиган иқтисодий кўрсаткичларга асосланади, сув ресурсларига тегишли бўлган тўловлар учун эса ставкаларни турли хилдаги сув объектлари бўйича белгилаш зарур. Айнан шунинг учун ҳам, яъни бундай масала жуда кўпол равишда ечилиши мумкин бўлганлиги учун ҳам табиий ресурслардан фойдаланишга тегишли бўлган рентани қутилган қайта тақсимлашни фақат тўловларнинг ўзини жорий этиш билан амалга ошириш иложи йўқ. Табиий рентани қайта тақсимлаш учун хўжалик фаолиятининг натижаларига солиқлар ҳам керак. Улар молиявий кўрсаткичларни белгилашда албатта содир бўлиши мумкин бўлган хатоларни, биров бўлса-да, камайтиради.

Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов турли тарзда ўрнатилиши, хилма-хил усуллар бир-бири билан қўшилиб кетиши ва бир-бирини тўлдириши мумкин. Одатда, тўлов фойдали олинган табиат буюми (сув) учун (нетто) ҳисобланади. Айрим бошқа ҳолларда эса шу нарса тўлиқ олинган массага (брутто) нисбатан қўлланилиши мумкин. Баъзи мамлакатларда (масалан, Австралияда) тўловлар фойдаланилаётган ресурслардангина эмас, балки ихтиёрида бўлган, лекин фойдаланилмаётган ресурсларга

нисбатан ҳам қўлланилади. Табиий рентани тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизимининг бошқача ўзгарган деталлари, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов механизми турли вариантларда учраб туради. Айрим мамлакатларда табиий ресурслардан фойдаланувчи корхоналардан тегишли сумма давлат томонидан тўловларга нисбатан кўпроқ солиқлар тарзида, бошқаларида эса, аксинча тарзда олинади. Бунда куйидаги қонуниятнинг мавжудлигини ҳам кўриш мумкин: каерда бюджет-молия тизими яхши йўлган кўйилган, ресурслардан фойдаланишнинг тўловлилиги борасида етарли даражада бой тажриба тўпланган ва энг мухими, хар бир ресурсдан фойдаланиш шарт-шароитлари нисбатан бир хил (хусусан, сув хавзаларининг камроқ хилма-хиллиги ва шунга мувофик равишда тўлов ставкаларининг ҳам камроқ ўзгарувчанлиги) бўлса, тўловларда кўпроқ фойдаланиб келинмоқда. Афсуски, бу тавсифларнинг бирортаси ҳам Ўзбекистонга тўғри келмайди.

### **3.2- §. Сув хўжалигида баҳоларни шакллантириш**

Сув хўжалигида баҳоларни шакллантириш сув ресурслари (сув объектлари)ни баҳолашга асосланган. Маълум бир усулни танлашга боғлиқ ҳолда биз аниқ сув объектининг у ёки бу қийматий эквивалентига эга бўламиз. Биринчи қарашда, бу масала ҳеч қандай мураккабликларни вужудга келтириши мумкин бўлмагандек туюлади. Ҳақиқатда эса, унинг аниқ қийматини аниқлашга уринганимизда эса бир-бирига зид келувчи ва ўта мураккаб ҳолатларга дуч келаемиз. Натижада сув ресурсларининг дастлабки баҳоланишини ва жуда кўп ҳолларда эса сув каби табиий неъмат етарли даражада баҳоланмаслигини кўраемизки, у, ўз навбатида, тадқиқ этилаётган сув тизимининг ҳаддан зиёд мураккаблигига бориб тақалади.

Табиий ресурслар, шу жумладан, сувнинг иқтисодий баҳоланишига дахлдор бўлган мавжуд усуллар орасида уларнинг бир нечасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Асосланишига қараб, улар орасида энг муҳим ёндашувлар куйидагилардан иборат: а) бозорий баҳолаш; б) рента; в) харажатлар ёндашуви; г) муқобил қиймат; д) умумий иқтисодий қиймат. Қайд этилган шу ёндашув

(методика)ларнинг тавсифий белгилари устида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилайлик.

**1. Сув ҳўжалигида баҳоларни шакллантиришнинг бозор механизми.** У учун, энг аввало, сув ресурсларининг бозорда товар сифатида тавсифланиши хос. У сув ресурсларининг бозор қонунлари асосида муомалада бўлишини талаб қилади. Уларнинг тақчиллигини кўрсатувчи турли маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, хилма-хил ресурслардан энг яхши фойдаланишни таъминлаш имконияти бозорнинг муҳим сифати ҳисобланади. Бирок, яхлит ҳолда атроф-муҳит, хусусан, сув объект (ресурс)лари камайиб бораётганлиги, уларнинг ҳаддан зиёд ифлосланаётганлиги бозор меха-низмида узилишлар мавжудлигидан дарак бермоқда. “Сув бозорлари”да таркиб топаётган баҳолар сув неъматларининг ҳақиқий қиймати (баҳоси) тўғрисида бузиб кўрсатилган манзарани намоён этмоқда. Улар ижтимоий ҳаражатлар ва экологик омиллардан фойдаланиш нафлилигини акс эттирмаяпти. Бунинг натижасида сув ресурслари тақчиллиги, талаб ва таклиф ўлчамлари номувофик баҳоланмоқда. Буларнинг барчаси сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ва уларни муҳофаза қилишда камайтирилган рағбатларни вужудга келтирмоқда.

Ҳозирги вақтда сув ресурсларига нисбатан бозор муносабатларини амалга ошириш учун икки ёндашув мавжуд. Биринчи ёндашув сув ресурсларининг давлат мулки эканлигидан келиб чиқади. Уларга давлат вакили ҳисобланган сув ҳўжалиги тизими (СХТ) монопол эгалик қилади. Давлат тенг ҳуқуқли бозор муносабатларининг ўрнатилишидан манфаатдор бўлганлиги учун тартибга солувчи органни яратиш керак. Бу орган алмаштириб бўлмай-диган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун баҳоларни ошириш йўли билан устама фойдани олишда тизимнинг интилишини чеклаб туриши лозим. Натижада бозорда баҳони тартибга солувчи орган ўрнатади. Давлат вакили монополияга қарши тариф сиёсатини амалга оширади ҳамда қийматий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби моделлари билан қуролланиб, СХТ ва сувдан фойдаланувчилар манфаатларини мувофиқлаштиради. Бирок бундай ёндашувда тегишли жараёнларнинг ҳаддан ташқари тартибга солиб юборилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Оқилона ечимнинг ноаниқлиги, ҳисоб-китобларда қўлланилган маълумот (рақам)ларнинг ҳақиқатдаги даражадан,



шак-шубхасиз, фаркланиши, сувдан фойдаланувчилар (улар мустақил иктисодий агентлар ҳисобланади ва уларни ишга алоқаси бўлган технологик ва бошқа маълумотларни марказга албатта маълум қилишга мажбурлаш мумкин эмас. Улар амалдаги тартибга кўра, жумладан, солиқ назоратини амалга оширишга имкон берувчи рақамларни тақдим қилишлари мумкин) тўғрисида тартибга солувчи органда ишончли маълумотларнинг йўқлиги, турли моделлар ёрдамида ҳисоб-китоб қилинган баҳолар давлат мақсадларига мувофиқ келишига ишончни камайтиради. Баҳога таъсир кўрсатмайдиган СХТ қуйидаги оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган соф бюрократик ташкилотга айланади: харажатлилик тенденциясига эга бўлиш; ўз иши самарадорлигини оширишга (бу вазифа тартибга солувчи органга берилган деб ҳисобланади) бефарқлик; сувдан фойдаланувчилар эҳтиёжлари ва манфаатларини суистеъмол қилиш ва б.

Бундай ёндашувга муқобил бўлган вариант баҳоларни шакллантириш жараёнига давлатнинг аралашмаслиги ҳисобланади. Бу ҳолда СХТ сув бозори ва сув хўжалиги хизматларида монополист хўжалик ташкилоти сифатида майдонга чиқади ва бу маҳсулотларга баҳолар СХТ ҳамда сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги шартнома предметиға айланади. Бирок бозор сотувчининг монополизми туфайли такомиллашган рақобатга эга бўлган эркин бозор классик модели шарт-шароитларига мос келмайди, шартнома баҳоси эркин бозорда оммавий савдо қилинадиган маҳсулотлар баҳолари учун характерли бўлган доимий хусусиятларни ўзида мужассам этмайди.

Шунинг учун бу ерда сувдан фойдаланувчилар ва табиий ресурслар эгаси ўртасидаги ўзаро алоқалар жараёнларига хизмат қиладиган, тўлиқ ва ҳар томонлама таъминлайдиган бозор тизимининг қобилияти тўғрисида савол қўйилиши, мутлақо, ўринлидир. Бунда энг эҳтимолли ва қабул қилиниши мумкин бўлган вазият, фикримизча, адолатли ўзаро муносабатларни таъминлашда бозорнинг имконияти бўлмаган жойларда давлат томонидан қисман тартибга солишнинг қўлланилишидир.

**2. Сув хўжалигида баҳоларни шакллантиришнинг харажатли ёндашуви.** Бундай ёндашув маълум бир сув объектини тайёрлаш ва фойдаланиш харажатларини жамлашни тақозо этади. У сув ресурсини дастлабки баҳолашга имкон беради. Унинг ўлчами

эса бахони аниқлашда бошланғич нукта сифатида эътироф этилиши мумкин. Бундай ёндашувдан сув ньёмати йўқотилганда ёки бошқа ҳолат содир бўлганда уни қайта яратиш қийматини баҳолаш учун кенг фойдаланилади. Бу ҳолда йўқотилган ёки зарар келтирилган ресурсни унга айнан тенг бўлган шу ва бошқа муқобил жойда алмаштириш учун зарур қопловчи харажатлар ҳисоб-китоб қилинади. Харажатли ёндашув ўзида принципиал қарама-қаршилиқни муҳассам этади: сув объекти сифат бўйича қанчалик яхши бўлса, ундан шунчалик енгил фойдаланиш мумкин, уни ўзлаштириш учун шунчалик кам харажатлар зарур ва демак, у харажатиё концепцияга мувофиқ шунча кам баҳога эга бўлади.

**3. Сув хўжалигида баҳоларни шакллантиришнинг муқобил қиймат (қўлдан чиқарилган наф, фойда, афзаллик) концепцияси.** Бу концепция пасайтирилган бозорий баҳога ёки унга умуман эга бўлмаганда сув ресурслари ва объектларини баҳолашни ўз ичига олиб, у бундай баҳолашни қўлдан чиқарилган наф, фойда ёки афзалликнинг ҳамда уни ушбу объект, ресурслардан бошқа мақсадларга фойдаланилганда олинishi мумкин бўлган наф, фойда ёки афзаллик орқали аниқлаш имконини беради.

Муқобил қиймат концепцияси маълум даражада харажатлар концепцияси билан боғланган. Сувнинг муқобил қиймати қанчалик кам бўлса, бу ньёматни сақлашдан иқтисодий йўқотмаларни қайта қоплаш учун шунча кам харажатлар керак бўлади. Амалиётда бу ёндашувдан сақланиш қийматини ўлчаш учун фойдаланилади.

**4. Сув хўжалигида баҳоларни шакллантиришнинг умумий иқтисодий қиймати концепцияси (TOTAL ECONOMIC VALUE).** Бу концепция сув ресурсларини баҳолашда комплекс ёндашувни ва сув хизматларини ҳисобга олишга уринишни ҳам ўзида акс эттиради.

Умумий иқтисодий қийматнинг ўлчами куйидаги кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат:

$$УИК_{ср} = ФК_{ср1} + ФК_{ср0} \quad (3.1)$$

бу ерда  $УИК_{ср}$  – сув ресурсларининг умумий иқтисодий қиймати;  
 $ФК_{ср1}$  – сув ресурсларининг фойдаланиш (лган) қиймати;

ФК<sub>ср0</sub> – сув ресурсларининг фойдаланилмаган киймати;

$$\text{ФК}_{\text{ср1}} = \text{T(Б)К}_{\text{ср}} + \text{Э(Б)К}_{\text{ср}} + \text{КМК}_{\text{ср}} \quad (3.2)$$

бу ерда  $\text{T(Б)К}_{\text{ср}}$  – сув ресурсларининг тўғри (бевосита) фойдаланиш

киймати;

$\text{Э(Б)К}_{\text{ср}}$  – сув ресурсларининг эгри (билвосита) фойдаланиш

киймати;

$\text{КМК}_{\text{ср}}$  – сув ресурсларининг кечиктирилган мукобил киймати.

$$\text{НФК}_{\text{ср}} = \text{МБК}_{\text{ср}} \quad (3.3)$$

бу ерда  $\text{НФК}_{\text{ср}}$  – сув ресурсларининг фойдаланилмаган киймати;

$\text{МБК}_{\text{ср}}$  – сув ресурсларининг мавжуд бўлиш киймати.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, тегишли математик операцияларни амалга оширсак, у ҳолда қуйидаги якуний формулага эга бўламиз:

$$\text{УИК}_{\text{ср}} = \text{T(Б)К}_{\text{ср}} + \text{Э(Б)К}_{\text{ср}} + \text{КМК}_{\text{ср}} + \text{МБК}_{\text{ср}} \quad (3.4)$$

Энди уларнинг ҳар бири хусусида тўхталиб ўтайлик.

Фойдаланиш киймати ёки истеъмол киймати (USE VALUE) бу шу ресурсдан олинган ҳақиқатдаги фойдадан келиб чиқадиган кийматдир. У тўғридан-тўғри (бевосита) фойдаланиш киймати, эгри (билвосита) фойдаланиш киймати ва кечиктирилган мукобил кийматлар йиғиндисидан иборат.

Тўғридан-тўғри (бевосита) фойдаланиш киймати (DIRECT USE VALUE) объект ёки ресурсни тўғридан-тўғри (бевосита) фойдаланишдан олинган экологик киймат ёки тўғридан-тўғри (бевосита) истеъмол кийматидан иборат.

Фойдаланишнинг эгри (билвосита) киймати (INDIRECT VALUE) глобал ёки етарли даражада кенг бўлган минтақавий аспектда қўлланилади ва иложи борица каттарок бўлган ҳудуд учун

наф (фойда)лиликни илғашга ҳаракат қилади. Бу глобал ва маҳаллий наф (фойда)лиликнинг ўзаро мос келмаслик эҳтимоли билан изоҳланади. Алоҳида олинган айрим минтақа ёки мамлакат учун наф (фойда)сиз бўлган нарса бошқа мамлакатлар ва бутун сайёрамиз учун ҳаётий зарур бўлиши мумкин. Бу ўз ичига иқлимни тартибга солиш, сув йиғилувчи хавзаларни муҳофаза қилиш, санитария функцияларини бажаришни олади.

Кечиктирилган (ортга сурилган, орқага ташланган, бўлиши мумкин бўлган) муқобилликнинг қиймати (OPTION VALUE) экологик объектни сақлаш ёки маълум вақт ўтгандан сўнг флора, фауна ва уларнинг истиқомат қилиш жойларидан фойдаланиш мақсадида келажакда муқобил фойдаланиш эҳтимолини олиш учун ҳозирги вақтнинг ўзида тўлашга индивидуаль тайёр бўлишни англатади. Яъни биз келажакда ундан фойдаланиш мақсадида ҳозир ресурсларнинг консервация қилиниши тўғрисида фикр юритамиз. Бу ҳолда бўлиши мумкин бўлган қиймат даражаси фойдаланишнинг тўғри (бево-сита) ва эгри (билвосита) қийматлари суммасидан иборат бўлади. Қийматнинг бундай кўриниши нимаси биландир суғурта қийматига ўхшайди.

Фойдаланилмаган қиймати (NON-USE VALUE OR "PASSIVE USE" VALUE) нозик этикавий ва эстетик жиҳатларни, яъни ўз-ўзидан табиатнинг қиймати, инсон учун эстетик табиат, келгуси авлод олдида табиатни сақлаш бўйича бурч, маданий қиймат ва х.к.ларни иқтисодий баҳолашга уринишнинг мавжуд бўлиш қийматига асосланади. Бундай қийматнинг ўлчамини баҳолашда субъектив баҳолашга, "тўлашга тайёрлик" назариясига ва х.к.лар-га асосланган соддалаштирилган иқтисодий ёндашувлардан фойдаланилади.

Мавжуд бўлиш қиймати (EXISTENCE VALUE) ноистеъмол қиймат бўлиб, у ресурсларнинг мавжудлигини тасдиқлайди, жорий ёки кечиктирилган фойдаланишнинг қиймати билан боғлиқ бўлмайди ва у ҳар қандай экологик ресурсларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Мавжуд бўлиш қийматига мисол тариқасида, ҳатто улар уни бир марта ҳам кўрмасалар-да, инсонларнинг кўк китни сақлашга бўлган муносабатини кўрсатиш мумкин. Шунинг учун ҳам мавжуд бўлиш қиймати бу ресурслардан ҳеч қачон фойдаланмаса-да, индивиднинг флора, фауна ва улар яшаш жойини сақлаш учун тўлашга тайёр-гарлиги орқали ифодаланади. Айрим ҳолларда бу қиймат

меросий қийматни ҳам ўзида мужассам этиши мумкин. Мавжуд бўлиш қийматининг асосий манбаи авлодлар, дўстлар, кариндошлар, инсоният ёки табиатнинг ўзига нисбатан бўлган муносабатидир. Кечиктирилган фойдаланиш ва мавжуд бўлган қийматни миқдорий баҳолаш учун субъектив пулли баҳолаш усул энг самаралиларидан бири ҳисобланади. Масалан, нам тропик ўрмонларни ҳимоя қилиш мавжудлигининг қийматини аниқлашда уй хўжаликлари бозорий ва нобозорий товарлар қўшилишини танлаш йўли билан улар даромадлари чекланган шароитда фойдалиликни максималлаштирадilar. Агар нобозорий товарлардан бири “нам тропик ўрмонни ҳимоя қилиш” номи остидаги ижтимоий товар бўлса, у ҳолда бу “товар” учун тўлашга тайёрлик ўрмон ҳимояси баҳоси, бошқа товарлар баҳоси, даромадлар ва уй хўжаликлари аъзолари хошиш-истаклари баҳосининг функциясига айланади. Уй хўжалиқларининг бу борадаги диди оила аъзолари сони, ёши, маълумоти, у ёки бу партияга мансублиги ва атроф муҳитга муносабати каби қатор ижтимоий-иктисодий омиллар ёрдамида шаклланади.

### **3.3- §. Сувдан фойдаланиш бўйича қатъий тўловлар ва сув солиқлари**

Маълумки, бозор усуллари иктисодиётнинг юкори самарадорлигини таъминлайди. Лекин бу фақат тор доирадаги иктисодий кўрсаткичлар ва қисқа ҳамда ўрта муддатли истикболдагина содир бўлиши мумкин. Фақат бозор усулларига таяниб иш қўриш салбий ташки самаралар вужудга келишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида атроф-муҳитга зарар етказилиши, табиий ресурслардан ҳаддан зиёд кўп фойдаланилиши, тараккиётнинг қатор ижтимоий жихатлари ва узок муддатли истикболлари рад этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам иктисодиётнинг яхлит ва алоҳида олинган тизимлари (тармок, худудий, функционал ва б.) давлат бошқарувида бозор механизмларинидан уларни маъмурий дастаклар билан оқилона қўшиб фойдаланиш масаласига жиддий эътибор бермок лозим. Бу ўринда маъмурий дас-такларнинг роли қуйидаги функцияларни бажариш оркали намоён бўлади: а) бозорнинг ҳаракат қилиш чегараларини белгилайди (бунда мсёрлаштириш ва стандартлаштириш

дастаклари муҳим роль ўйнайди), жорий этилган чекланмаларга риоя этилишини назорат қилади; б) таъқиқлар ва кенгай-тиришлар тизимлари (монополияга қарши сиёсат, лицензиялаштириш, сертификатлаштириш, аккредитациялаш ва ҳ.к.) орқали бозорга киришни тартибга солади, киритилган меъёрларнинг бажарилишини назорат қилади; в) бозор агентларининг мўлжалий майдони учун муҳим аҳамиятга эга бўлган айрим иқтисодий ўлчамларни топширади (киритилаётган солиқлар ва бюджетга қатъий тўловларнинг турлари ва ставкалари, солиқ имтиёзлари тақдим этиш ва улардан озод қилиш, ишлаб чиқарувчилар амортизация сиёсатини “тузатиш” ва б.); г) бозорнинг иқтисодий агенти сифатида давлатнинг хатти-харакатини аниқлайди (иқтисодий мақсадлар учун бюджет маблағларини сарфлаш, инвестиция сиёсати ва б.).

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаш-тиришда, энг аввало, унинг мақсадини аниқлаб олиш керак. Вазифалари ва уларни бажариш бўйича усулларнинг бири-бири билан ўзаро боғлиқ бўлишига қарамасдан, бизнингча, сув хўжалиги тармоғида, маълум бир шартлилик билан, уни сув ресурсларини бошқариш (СРБ) ва сув хўжаликлари тизимини бошқариш (СХТБ)га бўлиб олиш мақсадга мувофиқ.

СРБнинг стратегик мақсади сув объектларида сувнинг шундай сифати ва режимига эришиш керакки, у барқарор ривожланиш шарт-шароитларига мос келсин. Унинг тактик мақсади сув объектларига антропоген юкломани шундай даражада сақлаб туриш керакки, у сув экотизимлари деградация-ланиш жараёнлари қайтарилмаслигини кафолатлаши ва ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги босқичида амалга оширилиши мумкин бўлсин.

Ўз навбатида, СХТБнинг стратегик мақсади сув ресурсларидан фойда-ланишнинг экологик ва гидрологик йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳажм-ларига мувофиқ барча фойдаланувчилар учун сувдан фойдаланиш бар-қарорлигини таъминлашдан иборат. Унинг тактик мақсади эса сувдан фойдаланувчилар ўртасида мумкин бўлган сув ресурсларини (экологик ва гид-рологик чекланмаларга риоя этган ҳолда) максимал самарали тақсимлашни ўз ичига олади.

Бу ўринда асосий эътиборимизни бозор агентларининг мўлжалий майдонларига таъсир этадиган иқтисодий ўлчамларни

аниклашга қаратамиз. Шу муносабат билан қайд этиш керакки, сув объектларининг ифлослантирилганлиги учун (у тўлик ҳолда “сув объектларига салбий таъсир кўрсатилганлиги учун” деб ифодаланиши керак) тўловлар ва сувдан фой-даланишнинг экологик меъёрларини бузганлик учун жарималар сувни муҳо-фаза қилиш иктисодий механизмининг энг асосий элементларидан биридир.

Атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш дейилганда, маҳаллий, минта-қавий ва глобал кўламда экологик мувозанатни қайта тиклаш учун биосфера ёки унинг алоҳида тизимлари реакциясини такозо этувчи ҳар қандай таъсир тушунилади. Атроф-муҳитга антропоген таъсир тақчил ресурс харажат-ларининг ўхшаши ҳисобланади. Иктисодий назария тавсияларига мувофик ҳозирги шароитда атроф-муҳитга ҳар қандай салбий таъсир қайта тикла-нувчан бўлмоғи лозим.

Бундай тўловлар ва жарималар миқдорини аниклашда бир неча ёнда-шувлар таклиф қилиниши мумкин. Улар орасида яхши маълум бўлганлари қу-йидагилар: а) етказилган зарарнинг баҳосига мувофик; б) тоифалаштирилган таъсирларнинг ўрталаштирилган (моҳиятан макроиктисодий) баҳоси асосида.

Биринчи ёндашувга кўра, ифлослантирилгани учун тўлов, худди меъёрни бузганлик учун жарима сингари, сув объектлари экотизимлари ва инсон соғлиғига етказилган зарарга мос келиши керак. Бу иктисодиётнинг шундай ривожланиши учун жамият тегишли маблағларга эга бўлганда мумкин. Унда фойдаланилаётган сув ресурсларининг тақрор ишлаб чиқарилиши тўлик таъминланади, яъни табиий сувлар сифатини қайта тиклаш ва кўллаб-қувватлаш ҳамда ушлаб туриш учун маблағлар етарли бўлади. Бироқ, бундай маблағлар етарли бўлмаганда ёки умуман бўлмаганда, иктисодиётнинг ривожланиши амалда ёки ҳақиқатда келгуси авлоддан экологик қарз олиш ҳисобига молиялаштирилади. Муаммони ҳал этишга бундай ёндашув жид-дий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айнан шундай вазият ҳозирги пайтда, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам хос.

Зарарни баҳолашга асосланган ёндашувнинг амалга оширилувчан-лигини таъминлаш учун уни маълум даражада ўзгартириш такозо этилади. Бунинг учун зарарнинг умумий баҳосини мамлакат ёки унинг тегишли мин-тақаси сувни ҳимоялаш

тадбирларини, қайта тиклаш ишлари ва бларни амалга ошириш учун ажратишга тайёр бўлган маблағлар ҳажми билан таққослаш зарур. Бу ўлчамлар нисбатидан барча хусусий ҳисоб-китобларда меъёрлаштирилган коэффициент сифатида фойдаланиш мумкин. Бунда сувни ҳимоялаш харажатларининг қабул қилиниши мумкин бўлган ҳажми бундай харажатлар динамикасини умумиктисодий ўсиш кўрсаткичлари билан таққослаш таҳлили асосида экспертли аниқланадиган ўлчам сифатида майдонга чиқади. Бироқ бу ерда ушбу ёндашувнинг амалда қўлланилишини мураккаблаштирувчи бошқа бир муаммо сақланиб қолади. Гап бу ўринда етказилган зарарнинг аниқ баҳосини олишдаги мураккаблик тўғрисида кетмоқда. Ҳозирги пайтда бундай ҳисоб-китобларни ахборот билан таъминлашнинг қатор элементлари мавжуд эмас, бошқалари учун эса паст даражадаги аниқлик хос.

Ушбу муаммони ҳал қилишдаги бошқа ёндашув таянч нуктаси сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган сувни муҳофаза қилиш харажатларидан иборат бўлган ўша кўрсаткични олади. Бироқ бунда тўловчилар ўртасида тегишли суммар ўлчамни тақсимлаш учун оддийроқ усул қўлланилади. Хавфлилик даражаси бўйича ифлосланган нарсаларни аниқлаш асосида булар шартли умумий ўлчовга келтирилади ва ундан фойдаланган ҳолда ҳамда ифлосланиш ҳажмини характерловчи маълумотлар асосида ифлослантирган-лик учун ҳақ (тўлов)нинг асосий ставкаси аниқланади.

Бу тизимни амалга оширишнинг бир неча вариантлари мавжуд. Биринчи вариантда тўловларни ҳисоблаш учун зинали функция қўлланилади ва унга мувофиқ ташловнинг ҳажми учун 3 интервал қайд этилади. Биринчиси – меъёрий. Бунда ташлов ҳажми, ҳар бир ифлослантирувчи учун аниқлана-диган, йўл қўйилиши мумкин бўлган ташловнинг (ЙҚМБТ) ҳажмидан ортмайди. Меъёрий ташлов учун ҳақ (тўлов) базавий ставка бўйича ҳисобланади. Иккинчи интервал қуйидан ЙҚМБТ, юқоридан эса – ушбу ифлослантирилган нарса ҳар бир корхонага унинг ихтиёрида бор бўлган дастгоҳ ёки асбоб-ускуналарга боғлиқ равишда вақтинча мувофиқлаштирилган ташлов лимити (ВМТЛ) чекланган. Ҳажми бу интервалга тегишли бўлган ташлов учун тўлов (ҳақ) базавий ставкага нисбатан 5 баробар юқори бўлган ставка асосида аниқланади. Меъёрдан ортиқча ташлов – маънавий эскирган



дастгоҳлардан фойдаланиш натижасидир. Ва, ниҳоят, ҳажми ВМТЛдан ошган ташлов базавий ставкага нисбатан 25 марта юқори бўлган даражада тўланиши зарур. Лимитдан ортикча ташлов мавжуд асбоб-ускуналардан нотўғри фойдаланиш, авариялар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижаси бўлиши мумкин.

Бундай тизимда аниқ ифлосланган нарсани ташлаганлиги учун корхо-нанинг реал тўлови қатъийлаштирилган куйидаги уч ўлчамларга боғлиқ бўлади: а) бу нарса учун базавий ставка; б) у учун ЙҚМБТ; в) шу ифлосланган нарса бўйича ВМТЛ. Бу ўринда принцип жиҳатидан тўртинчи ўлчов (ЙҚМБТ аниқлашда ҳам минтакавий хусусиятлар ҳисобга олинishi мумкин) ҳам пайдо бўлиши мумкин. Холислик ва шунга мос равишда унинг ўлчамларини аниқлашда аниқлик даражаси қанча юқори бўлса, ҳар қандай тизим энг яхши ишлаши мумкин. Агар ноаниқ аниқланган ўлчамлар индивидуаллаштирилган бўлса, бу ҳолда, энг аввало, у ВМТЛга тегишли, бу амалдорлар ўзбошимча-лиги ва коррупция учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Иккинчи вариант энг яхши технология (ЭЯТ)нинг қўлланилишига асосланган. Бу вариантда ташловлар учун тўловни ҳисоблашда ташлов ҳажми учун критик нукта сифатида ЭЯТга мувофиқ келадиган даража майдонга чиқади: бу даражадан пастдаги ташловларда базавий ставка қўлланилади. У ошганда тўловнинг ҳажмга оширилган ставка бўйича боғлиқлигини ифода-лашда чизикли боғлиқликдан фойдаланилади. Бу вариант тор номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларда истиқболга эга. Хилма-хил технологиялар ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан фарқ қилувчи кўп маҳсулотли ишлаб чиқаришларда аниқ корхона учун ЭЯТнинг нима эканлиги ва унга ташловнинг қандай даражаси мос келишини аниқлаш осон эмас. Шунинг учун ҳам у ерда, трансформациялашган бўлишига қарамадан, бюро-кратик суниестемолликлар сақланиб қолади.

Директив ва иктисодий усулларнинг қўшилиши директив бошқарувнинг стандарт (андаза)лари, иктисодий механизмлар қўлланивчанлигининг чегаравий кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сув объектларига салбий таъсир учун тўловлар тизимида бундай чегаравий кўрсаткичлар ролини, юқорида таъкидлаб ўтилган критик даражалар – метёрий ва вақтинча мувофиқлаштирилган даражалар ўйнайди. Уларга риоя этилмаганда

қўшимча иктисодий санкциялар ишга тушадики, улар тўловлар ёки жарима санкциялари оширилган ставкалар бўйича ундирилишини такозо этади. Ундан ташқари, иктисодий усуллар турли имтиёзларнинг қўлланилишига, жумладан, сувни тежовчи технологияларни жорий этувчи ва сувни тозалашнинг илғор усулларида фойдаланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Сув объектларига салбий таъсир кўрсатганлик учун ундирилган тўловлардан ташкил топган маблағлардан фойдаланиш муаммоси, монографиямизнинг олдинги қисмларида таъкидланганидек, сув хўжаликлари соҳасидан четга чиқади. Уни ҳал қилишнинг имкониятлари, дастлаб давлат бюджет-молия тизимининг қандай тамойилларга таянишига боғлиқ. Ундан сўнг, бу муаммони ҳал қилишни яхлит тарзда олинган атроф-муҳитни зарарлантир-ганлиги учун тўловларга нисбатан мувофиқлаштириш зарур. Бунда энг муҳим ҳолатлардан бири сув объектларига салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловларни, ҳар ҳолда, қисман бўлса-да, ўзида мужассам этувчи мақсадли бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг мавжудлиги ҳисобланиши мумкин.

Бу борада ягона фондни ҳам ташкил этса бўлади. Бу фонд маблағларни дарёлар хавзаси, маъмурий-худудий бирликларга кўра тақсимлаши мумкин. Шу ўринда икки даражали (республика ва дарё хавзалари бўйича) фондларни ҳам тузиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ. Бу билан янада самаралироқ тизимга асос солиш мумкин, бизнингча. Ана шу даражаларда ташкил этилган фонднинг маблағлари республика даражасида 25-30%, дарё хавзалари даражасида 70-75% нисбатида тақсимланиши мумкин.

Фонд типига боғлиқ равишда унинг ихтиёрига келиб тушган маблағлар у камраб олиши мумкин бўлган эҳтиёжларни қондиришга сарфланмоғи лозим. Сув объектларига салбий таъсир даражасини минималлаштириш деградациялашган сув объектларини қайта тиклаш, тизимни юқори функционал ҳолатда қўллаб-қувватлаш ва бошқалар ана шундай эҳтиёжлар қаторига кириши мумкин.

Мақсадли бюджет фондлари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳам мав-жуд бўлмаганда сув объектларига салбий таъсир учун тўловлар тизими ва сувни муҳофаза қилиш ҳамда унга дахлдор

тадбирларни молиялаштириш ўртасида узилиш пайдо бўлади. Тўловларни ундиришни амалга оширувчи ташкилий тузилма сувдан фойдаланиш ва сув ресурсларини муҳофаза қилишни бошқарувчи тузилмадан ажралган ҳолда бўлади. Республика ва дарё хавзалари ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳам ёмонлашади. Бу борада бюджет-молия тизимининг махсус фондсиз амал қилиши солиқлар ва юқоридаги тўловларни ягона бюджетга тўплашдан иборат бўладики, улар амалиётда аралашиб кетади ва шунинг учун ҳам бюджет маблағларини тақсимлаш сифати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги яхши эмаслигича қолаверади.

Сувдан фойдаланганлик учун тўловлар тизимининг жорий этилиши: а) тўлов ундириладиган сувдан фойдаланишнинг турлари; тўлов ундириладиган хавзалар; б) тўловлар миқдорини белгилаш тартиблари (сувдан фойдаланиш-нинг турлари, фаолият ҳажми, географик туманлар ва хавзалар бўйича таба-калаштиришни ҳисобга олган ҳолда); в) сувдан фойдаланганлик учун тўлов-ларни ундиришни таъминловчи ихтисослаштирилган молиявий ва бошқарув органларининг таркиби ва таркибий тузилмаси, уларнинг ўзаро муносабат-лари, вакиллик ва ижроия ҳокимият органларига бўйсунувчанлиги, молиявий оқимлар шаффофлигини таъминлаш; г) тўловларни тўлаш (ўтказиш)га маж-бур қилувчи усуллар, уларнинг жамғарилиши ва сарф қилиниши устидан назорат воситаларини ҳам қамраб олувчи тўловларни ундириш механизмлари; д) сувдан фойдаланувчиларни содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғри-сида олдиндан хабардор қилган ҳолда меъёрларни қаттиқлаштириш, ҳисобга олинадиган ифлослантирувчи нарсалар рўйхатини кенгайтириш ва тариф ставкаларини ошириш; е) сувни истеъмол қилиш ва сув ажратишни назорат қилишнинг асосий воситаси сифатида сув объектлари мониторингини ривож-лантириш, сувдан тўлов (ҳақ)ли фойдаланиш ўз тизими мониторинги; ё) ифлосланиш манбаларининг тўпланишидан зарарларни кискартиришга йўналтирилган иқтисодий чораларни кўзда тутати.

Мамлакатимиз амалиётида юқорида келтириб ўтилган вазифаларнинг қўплари қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлашнинг расмийлаштирилган методлари билан старли даражада таъминланмаган. Бундай шароитда сувдан фойдаланиш тўлов (ҳақ)ли тизимини мониторинг қилишнинг ахамияти янада

ортади. У сув хўжалигидаги жараёнлар ва воқелиklar – сув истеъмоли, сувларни ажратиш, сувдан фойдаланиш тўғрисида маълумотлар олишни таъминлайди. Гидросферада содир бўлаётган воқелик ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда улар қабул қилинадиган қарор-ларнинг хўжалик юритувчи субъектлар реакцияси ва ресурс-экология соҳа-сидаги оқибатларнинг ҳисобга олинишига ҳам имкон беради. Шунингдек, бундай маълумотлар сувдан тўлов (ҳақ)ли фойдаланиш тизими ўлчамлари-даги ноаниқликларни аниқлаш ва бу ўлчамларни ўзгартириш оқибатларини башоратлашга ҳам имкон яратади.

Тўловга нисбатан техник, ташкилий ва бошқа имкониятлар бўлган сувдан фойдаланишнинг барча турлари тўловга тортилиши мақсадга муво-фик. Бунда тўловларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси давлат учун улар киритилишининг иқтисодий оқланганлигини таъминлайди. Агар сувдан фойдаланиш ҳолатининг кайд этилиши бу фаолият ҳажмини аниқлаш, тўловларни жорий этиш ва уларни ундириш тартибини амалга ошириш ижтимоий қабул қилиниши мумкин бўлган даражадан ошиб кетувчи харажатларни талаб қилса, унда шубҳасизки, бундай тўловларни жорий этиш мақсадга мувофик эмас.

Сувдан тўлов (ҳақ)ли фойдаланиш тизимининг базавий ставкалари ва бошқа ўлчамларини белгилашда қуйидаги хилма-хил омилларни ҳисобга олмоқ зарур: а) сув ресурсларининг манбаи ва хўжалик фойдаланишнинг объекти сифатида сув объектини иқтисодий баҳолаш; б) сувдан фойдаланиш тури (характери); в) сув объектининг ҳақиқий ҳолати ва сув режимининг бузилганлик даражаси; г) сув объектини барқарор ҳолатда сақлаб тури-лишини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган харажатлар ҳажми; д) сувдан фойдаланишнинг ҳар бир аниқ тури кесимида сув ресурсларининг тақчиллиги; е) турли тармоқлар сувдан фойдаланувчилари – корхоналарнинг иқтисодий аҳволи, уларнинг тўловга қодирлиги; ё) сувни муҳофаза қилишни амалга ошириш ва бошқа керакли тадбирлар учун республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағларини жалб қилиш имконияти.

Аниқ сув хўжалиги вазиятини (сув ресурсларининг тақчиллик дара-жаси, сув объектларининг ҳолати ва бошқалар) ҳисобга олиш учун тўлов-ларни ҳавзалар бўйича табақалаштириш керак. Бир сув объекти бир неча ҳавзаларга тегишли бўлган ҳолда

сув ресурслари барча бошкармаларининг манфаатларини ҳисобга олиш керак ва мувофиқлаштирилган ҳамда асосланган иктисодий рағбатлаштириш тизимини қўллаш лозим.

Сувдан фойдаланганлик учун тўлов (ҳақ)ни ундиришни амалга оширувчи маъмурий тузилманинг фаолияти қонуний база билан аниқ тартибга солиниши керак. Хусусан, тўловларни ундиришнинг қонуний тартибини бузганлик учун бу органлар ва бу таркибий тузилма ходимларининг жавобгарлигини аниқлаш лозим. Сувдан фойдаланганлик учун тўлов (ҳақ) шаклида келиб тушадиган маблағларнинг жамғарилиши ва уларнинг сарфланиши устидан назорат очиқ ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик иштирокида амалга оширилиши зарур.

Сувдан фойдаланганлик учун тўлов (ҳақ)нинг ўлчамларини аниқлаш жамият учун қабул қилиниши мумкин бўлган ташланмалар ўлчамига асосланиши лозим. Ундан фойдаланганлик учун олинган маблағларнинг фойдаланиш тартиби ҳам сув объектларига салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловлардаги ҳолатдагидек бўлиши керак. Сув фондларининг икки даражали (республика ва хавзалар даражасида) тизими фойдасига хизмат килувчи асослар старли даражадалиги шубҳасиздир. Тўловлар тизимининг асосий ўлчамларини (сувдан фойдаланиш турлари бўйича тўловларнинг базавий ставкалари, имтиёзлар тақдим этиш имкониятларини аниқловчи шароитлар типи ва б.) ягона ҳисобкитоб тартиби сифатида республика даражасида қолдириш оқилонадир. Сув объектларига салбий таъсир кўрсатганлик учун тўловлардагидек, хавзалар ва уларнинг қисмлари бўйича маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш учун зарур бўлган сувдан фойдаланганлик учун тўловларнинг табақалаштирилишини хавза сув бошкармалари даражаларида республика томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга ошириш лозим.

### **Учинчи боб бўйича хулосалар**

1. Табиий рента ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслардан фойдаланилиши натижасида олинган фойданинг бир қисми ҳисобланади. Сув ресурслари бозорда сотилмаганлиги боис ҳозирги пайтда бозор механизми рентани аниқлашда керакли бўлган ёрдамни кўрсата олмайди;

2. Муаммо табиий ресурслардан, шу жумладан, сув ресурсларидан фойдаланувчи субъектлардан табиий рентани тўлиқ олишда эмас, балки уни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини, зарурият туғилган пайтларда тегишли ўзгартиришларни амалга ошириб, назорат қилишдадир. Бу жараён яхлит тарзда молиявий механизм ва унинг муҳим қисми ҳисобланган солиқ механизми орқали амалга оширилади;

3. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда молия-вий механизм ва солиқ тизимининг ўлчамлари узок муддатга амал қиладиган меъёрлар сифатида қаралмоғи керак. Албатта, улар ўзгариши мумкин. Лекин бундай ўзгаришлар, иложи борича, камрок бўлмоғи ва унчалик кескин даражада бўлмаслиги лозим. Уларнинг ҳар йилда тасодифий омиллар таъсири остида гоҳ юқорилашишига ва гоҳ пасийшига йўл қўймаслик зарур;

4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар турли тарзда ўрнатилиши, унинг хилма-хил усуллари бир-бири билан қўшилиб кетиши ва бир-бирини тўлдириши мумкин. Табиий ресурсларнинг, шу жумладан, сув-нинг иқтисодий баҳоланишига дахлдор бўлган мавжуд усуллар орасида улар-нинг бир нечасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Асосланишига қараб, улар орасида энг муҳим ёндашувлар қуйдагилар: а) бозорий баҳолаш; б) рента; в) харажатлар ёндашуви; г) муқобил қиймат; д) умумий иқтисодий қиймат;

5. Қасрда бюджет-молия тизими яхши йўлган қўйилган, ресурслардан фойдаланишнинг тўловлилиги борасида бой тажриба тўпланган ва энг муҳими, ҳар бир ресурсдан фойдаланишнинг шарт-шароитлари нисбатан бир хил бўлса, ўша ерда тўловлардан кўпроқ фойдаланиш лозим;

6. Ҳозирги шароитда агроф-муҳитга ҳар қандай салбий таъсир қайта тикланувчан бўлмоғи лозим. Бунда тўловлар ва жарималар миқдорини аниқ-лашда бир неча ёндашувлар таклиф қилиниши мумкин. Улар орасида яхши маълум бўлганлари қуйидагилар: а) етказилган зарарнинг баҳосига мувофиқ; б) тоифалаштирилган таъсирларнинг ўрталаштирилган баҳоси;

7. Сув ресурс (объект)ларига салбий таъсир кўрсатганлик учун унди-рилган тўловлардан ташкил топган маблағлардан фойдаланиш муаммоси сув хўжаликлари соҳасидан четга чиқади. Уни ҳал қилишнинг имкониятлари, дастлаб, давлат бюджет-молия

тизимининг қандай тамойилларга таянишига боғлиқ. Ундан сўнг, бу муаммони ҳал қилишни яхлит тарзда олинган атроф-мухитни зарарлантирганлигини учун олинадиган тўловларга нисбатан мувофиқлаштириш зарур.

#### IV БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ – СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИ-ЛИГИНИ ОШИРИШ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ

##### 4.1- §. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг роли

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролини кўрсатиш учун, фикримизча, олдин бир неча масалаларга эътибор бериш ва уларга аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ. Гап бу ерда, биринчи навбатда, монографиямизнинг 1-бобида таъкидланганидек, сув ёки сув ресурсларининг табиат инъоми эканлиги хусусида кетаяпти. Аммо бу сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланиш мумкинлигига асос бўлолмайди. Чунки эътибор берилган бўлса, табиат инъоми бўлган бошқа ресурслар, жумладан, ер ва ер ости бойликларидан амалиётда текинга фойдаланилмайди<sup>68</sup>. Бу ҳолат барча табиий ресурсларга, шу жумладан, сув ресурсларига ҳам тегишли. Бунинг устига, табиат ва жамият таракқиётининг маълум бир босқичларида улардан текинга фойдаланилганлиги ҳам ҳозирги шароитда худди шундай ёндашувнинг бўлиши мумкинлигини тақозо этолмайди.

Бу ўринда<sup>69</sup> яна бир ҳолатни кайд этиш лозим: айрим манбаларда “Сув – бу худонинг инояти, у Аллоҳ томонидан яратилган, ундан инсонлар ўз хоҳишларига кўра фойдаланишлари мумкин”, деб эътироф этилганлиги ҳам бу неъмат (ресурс)га нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ва, айниқса, уни увол қилиш мумкинлигини билдирмайди<sup>70</sup>. Шунингдек, ўтмишда ҳеч кимнинг сувни сотиб олмаганлиги ва бу гуноҳ ҳисобланганлиги

<sup>68</sup> Бу ўринда таъкидлаш жоизки “ер ва ер ости бойликлари” ҳамда “сув ресурслари” бошқа-бошқа нарса. уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди, ёки улар ўртасида баробарлик белгисини қўйиш мумкин эмас. деган фикрлар, бизнингча, асоссиздир.

<sup>69</sup> Бу ўринда қайси вариант тўғри эканлигини аниқлашнинг уддасидан чиқолмадик.

<sup>70</sup> Бу тўғрида батафсил фикр Ў.П.Умурзоқов, И.Л.Абдурахимовларнинг “Сув хўжалиги менежменти” номли қўлланмасида – Т.: Иқтисод-молия, 2008. –Б.35-38.



хам, фикримизча, бугунги кунда масалани бошқача хал қилишга тўсиқ бўлолмайди.

Шу ўринда амалиётда сувдан фойдаланишнинг куйидаги икки йўна-лишга эга эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак: а) сувдан фойдаланиш; б) сувни истеъмол қилиш. Сувдан фойдаланиш сув ресурсларини дарёдан ажратмасдан фойдаланишни мўлжаллайди (гидроэнергетика, балиқчилик, кемачилик ва бошқ.). Сув истеъмоли эса, аксинча, мелиорация ва ерларнинг муайян хосилдорлигини яратиш, саноат маҳсулотларини чиқаришда, ниҳоят коммунал-маиший эҳтиёж ва бошқалар учун сувни танлаб олиш мақсадига эгадир. Сувни истеъмол қилиш муқаррар равишда қайтариладиган сувларни шакллантириш билан боғлиқ. Ўзбекистонда сув истеъмолининг роли жуда ошган ва сув ресурсларини ривожлантириш ва уларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари шу билан белгиланади<sup>71</sup>.

Монографиямизнинг олдинги қисмларида қайд этиб ўтганимиз-дек, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни 3-моддасига мувофиқ сув давлат мулки, Ўзбекистоннинг умуммиллий бойлиги ҳисобланади ва ундан оқилона фойдаланиш керак. Ушбу қонуннинг бу моддасида акс этган ҳолатни (талабларни) амалга оширишни сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланган ҳолда уддалашнинг иложи йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, хусусан, республикамизда суғориш манбаларидан фойдаланиш, сув ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб туриш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Айрим иктисодчи-олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, “Истеъмолчилар томонидан ишлатилган 1 м<sup>3</sup> сувнинг таннархи 32,2 сўм бўлишига қарамасдан, маҳсулотлар таннархига киритилмаслиги ёки истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан текинга фойдаланиши аксарият ҳолларда турли даражадаги исрофгарчиликларга сабаб бўлмоқда”<sup>72</sup>. Сув ресурслари

---

<sup>71</sup> Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. – Т.: Иктисод-молия, 2008. –Б.236.

<sup>72</sup> Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида).

танкислиги шароитида бундай вазиятнинг вужудга келишига йўл қўйилаётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, масаланинг долзарблиги янада яққол намоён бўлади.

Ундан ташқари масаланинг юқоридаги мазмунда кун тартибига қўйи-лиши, бир томондан, сув ресурсларидан истеъмолчиларнинг пуллиқ фойда-ланишини тақозо этса, иккинчи томондан, сув ресурслари янги талаблар шароитида ўзига хос тарзда баҳоланишини ҳам талаб қилади. Бу икки масала бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар автоматик равишда бир-бирини тақозо қилади. Бундай шароитда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда уларидан фойдаланганлик учун солиқнинг родини кўрсатиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон шароитида сув ресурсларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, сув ресурсларини баҳолаш масалаларида иктисодий механизмни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, сувдан фойдаланганлик учун мажбурий тўлов воситасида тижорий ҳисоб тизимини кучайтириш борасида иктисодчи олимлар, жумладан, аграр-икти-содчи олимлар ҳам яқдил фикрни билдирмоқдалар. Шунга кўра, иктисод илмида сўнгги йилларда сув ресурслари ва улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш муаммоси юзасидан тадқиқотлар анча жонланиб қолди. Хусусан, Э.Трушин ва С.Жалоловларнинг илмий ишлари шулар жумласидандир. Бунда Э.Трушин сув ресурсларининг иктисодий жиҳатдан асослаб берилган миқдорларини аниқлаш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ўзаро тўловлар тартибини жорий этиш, сувдан хўжаликда фойдаланиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш (сувдан фойдаланишга йиллик лицензия олиш, сув хўжалигига хизмат кўрсатилиши учун ҳақ, берилаётган сув сифати учун ҳақ тўлаш) билан боғлиқ масалаларни кун тартибига қўймоқда<sup>73</sup>.

Шунингдек, С.Жалолов эса ўз илмий изланишларида сув билан таъ-минланганликдаги ҳудудий фарқларни ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини иктисодий баҳолаш концепциясини илгари

---

И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган ..... автореферати. – Т.: БМА, 2010. –Б.9.

<sup>73</sup> Трушин Э. Экономические меры общего назначения // Экономика и статистика, 1993. №4. – С. 41-44.

суради. Унинг концепциясига мувофиқ кишлок хўжалигида сув узатилиши баҳосини белгилаш, сув ресурслари бирлигида ҳосил бўлган миллий даромадни аниқлаш, кишлок хў-жалигида яратилган миллий даромад ва сув узатиш баҳоларининг суммаси сифатида сув ресурсларини иқтисодий жиҳатдан тўлов баҳолашни белгилаш керак<sup>74</sup>.

Фикримизча, ҳозирги шароитда ва яқин келажақда Ўзбекистон учун сув ресурсларини баҳолаш мезонлари сифатида қуйидагиларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Сув истёъмолчиларининг барчаси учун сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда, энг аввало, маҳаллий ҳудудий шароитлар ва сув истёъмолчиларининг жойлашган ўрни ҳисобга олинishi керак. Шунга мувофиқ равишда маҳаллий ҳудудий шароитлар ва сув истёъмолчиларининг жойлаш-ган ўрни турлича бўлганлиги учун, мос равишда, сув ресурсларининг баҳоси ҳам турлича бўлмоғи лозим;

2. Ҳозирги шароитда сув ресурсларининг тақчиллиги ва бу тақчиллик кучайиб бораётганлиги сабабли сув ресурсларидан энг юқори самарали даражада фойдаланишга интилиш, барча жабҳаларда кам сув сарфлаб, кўпроқ эҳтиёжларни қондиришга эришиш, кишлок хўжалиги экинларини суғориш учун эса зовур сувларидан ва субирригация усулларидан кенг (максимал) фойдаланиш зарур;

3. Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳамда олдиндан катъий белгиланган лимитларга таяниш, шулар асосида сув ресурсларининг ягона нархларини белгилаш керак. Катъий белгиланган лимитлар сувдан фойдаланувчилар ва уни истёъмол қилувчиларнинг барчасига дахлдор бўлиши шарт. Улар шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари ва туманлари доирасида экиладиган кишлок хўжалиги экинлари турларини ҳам камраб олиши лозим;

4. Сувдан фойдаланувчилар ва истёъмол қилувчилар томонидан белги-ланган лимитдан ортикча сув ишлатилган ёки истёъмол қилинганда лимит доирасида ва лимитдан ортик

---

<sup>74</sup> Джалалов С. Орошаемое земледелие в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: ЭНК, 2000. – 142 с.

ишлатилган сувнинг ҳар бир м<sup>3</sup> учун табақа-лаштирилган тўловларни жорий қилиб, уларни маълум бир юқори даражада (масалан, 1,2 дан 1,5 гача) амалга оширилишини таъминлаш. Аксинча бўлган тақдирда эса, яъни сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиб, бу-нинг натижасида кўзланган мақсадларга эришилса ва бир вақтнинг ўзида сув ресурсларининг тежаб-тергаб ва иқтисод режимиغا риоя қилиб фойдала-нилиши таъминланса, фойдаланилган (истеъмол қилинган) сув ресурсларига тўланиши лозим бўлган суммаларни уларнинг оқилона ва самарали фойдаланишига мутаносиб равишда, масалан, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни характерлайдиган кўрсаткичлардан бири саналган сув ресурслари тежаб-тергаб сарфланганлигини кўрсатувчи кўрсаткич даражасига караб камайтириш мақсадга мувофиқ;

5. Сув ресурсларидан(ни) фойдаланиш (истеъмол қилиш)нинг оқилона, тежамкор ва самарали замонавий техника ва технологияларини қўллаш, сувдан фойдаланиш (истеъмол қилиш) самарадорлигини оширувчи тажрибаларни қўллаб-қувватлаш, фойдаланувчи (истеъмолчи)лар фаолиятининг жадаллаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда сув ресурслари учун тўловларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш зарур;

6. Сув истеъмолчиларининг барчаси учун сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда мавжуд сув ресурсларининг ер ости ва ер усти сув ресурсларига бўлиниши эътиборга олинмоғи лозим. Шунга мувофиқ равишда фойдаланувчи (истеъмолчи)лар учун ер ости сувларининг баҳоси ер усти сувларининг баҳосига нисбатан юқорирок бўлиши керак;

7. Ва ниҳоят, сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда фойдала-нувчилар (истеъмолчилар)нинг сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси<sup>75</sup> ҳам ҳисобга олинмоғи даркор. Унга кўра, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси меъёрдаги даражадан юқори бўлган ҳолда сув ресурсларининг баҳоси шунга мувофиқ равишда юқорирок ва аксинча бўлганда эса, пастроқ бўлиши лозим.

---

<sup>75</sup> Бу ўринда сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси деганда биз ҳақиқатда сарфланган сув ресурслари миқдорини меъёр асосида берилиши (фойдаланилини) керак бўлган сув миқдорига нисбатини назарда тутаёلمиз.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишнинг асосий йўли замонавий бозор иктисодиёти талаб (принцип) ларини инobatга олишдир. Ана шундан келиб чиқилadиган бўлса, энг аввало, қанақа шаклда бўлишидан қатъи назар сув ресурсларидан фойдаланиш, албатта, текинга амалга оширилмаслиги керак.

Бозор иктисодиёти шарoитида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг замонавий йўли улардан фойдаланишни тўлов асосида йўлга қўйиш экан, бу ерда бу тўловнинг қандай характерга эга эканлиги ва у кимнинг ихтиёрига бoриб тушиши муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таъкидлаш лoзимки, ҳар бир мамлакат микёсида сув ресурсларининг давлатга тегишлилиги ёки унинг эгаси давлат эканлиги инoбатга олинадиган бўлса, сув ресурслари учун тўловнинг давлат бoдже-тига (бундан у бoджет тизимининг қайси бўғинига бoриб тушиши алоҳида аҳамиятга эга эмас) бoриб тушиши кераклиги маълум бўлади. Бунинг устига, сув ресурслари учун тўлов давлат бoджетига бoриб тушишининг бошқа бир сабаби ҳам бор. Бу сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловнинг мажбурий характерга эга эканлигидир. Ўз навбатида, мажбурий характерга эга бўлган ҳар қандай тўлов солиқ бўлиб, солиқ эса, oдатда, давлат бoджетига тўланиши керак.

Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида фойдаланувчи (истеъмoлчи)лардан ундириладиган тўловнинг солиқ характерига эга бўлиши ва у бoджетга ундирилиши лoзимлигининг тўғрилигини яна бошқа далил ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, сув ва сув ресурслари сингари табиат инъoми ҳисoбланган ер қарри бойликларидан фойдаланилганда улар фойдаланганлардан ўзига ҳoс ҳақ ундирилади, бу ҳақ ёки тўлов солиқ характерига эга ва у ер қарридан фойдаланганлик учун солиқ кўринишида бoджетга ундирилади. Фикримизча, бу ерда ҳар иккаласи (бири) ҳам ўзига ҳoс тарздаги табиат инъoми ҳисoбланган ва давлат мулки саналган ер қарри бойликлари ва сув ресурсларидан фойдаланишга нисбатан ёндашув бир хил бўлмоғи ва улардан фойдаланганлик учун ҳақ (тўлов) солиқ характерига эга бўлмоғи лoзим. Шу жиҳат ҳисoбга олинса сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни

таъминлашда бу ресурслардан фойдаланганлик учун солиқнинг роли тўлиқ намоён бўлади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловларнинг солиқ характериغا эга бўлиши ва уларнинг бюджетга ундирилишини хал қилишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатувчи яна бир омил бор. Юқорида қайд этилганидек, бу омил шундан иборатки, мамлакатимизда сув ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш, суғориш манбаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар, асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (хузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш) Фондлари даромадлари ҳам бир томондан, (2019 йилгача ягона ер солиғи) солиқлари тушилмалари ёрдамида шаклланаётган бўлса, иккинчи томондан, бу фонд даромадларини шакллантиришда мақсадли бюджет ассигнованиялари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, 2018 йилда юқорида қайд этилган фонд даромадлари республикамизда 543,3 млрд. сўмни ташкил этиш режалаштирилган. Унинг 227,5,8 млрд. сўми ягона ер солиғидан тушилмалар ва 300,8 млрд. сўми эса мақсадли бюджет ассигнованиялари ҳисобидан ташкил топиши мўлжалланган<sup>76</sup> ва 2019-2020 йилларда тўлиқ бюджет даромадларидан ажратилиши белгиланган. Ҳолатнинг бундайлиги сув ресурсларидан фойдаланилганда тўловни кимнинг фойдасига хал қилиш масаласига ўзи таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси сув ресурслари-дан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ хал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини кўрсатапти.

Фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўзига хос мақсадли солиқ бўлиб, у ҳам барча солиқлар сингари икки мақсадга хизмат қилади. Унинг биринчиси Давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш бўлса, иккинчиси сув ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлан-тирувчи таъсир кўрсатишидир.

---


<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 декабрдаги “2018 йилги Давлат бюджетининг параметрлари ва асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози тўғрисида”ги ПП-3454-сонли қарори.

Назаримизда, бу солиқнинг асосий мақсади Давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эмас, балки сув ресурс-ларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш хисобланади. Шу маънода, бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг иштироки иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бирок, қандай аҳамият касб этишидан қатъи назар, назаримизда, ушбу солиқ ҳозирги пайтда ўз олдига қўйилган ҳар икки вазифани муваффақиятли даражада бажараяпти, деб бўлмайди. Бу солиққа унинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ёки сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш-даги таъсири жиҳатидан қаралганда ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, ушбу солиқнинг таъсирчан-лигини кучайтириш масаласини кун тартибига қўяди. Унинг таъсирчанлигини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш учун эса ушбу солиқнинг амал қилиш қилиш механизмини чуқур таҳлил қилиб чиқиш керак.

#### **4.2- §. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг амалдаги механизми таҳлили.**

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммони бу солиқнинг амал қилиш механизми таҳлил қилмасдан ва таҳлиллар асосида тегишли хулосаларни шакллантирмасдан удралаб бўлмайди. Шу сабабли монографиямизнинг 1-, 2- ва 3-боблари доирасида чиқарилган назарий хулосаларга таянган ҳолда унинг 4-бобида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг амалдаги механизмини таҳлил қилиб чиқишга ва унга тегишли баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Фикримизча, бу вазифани қуйидаги икки йўналишда: а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси, уни аниқлаш тартиби, имтиёзлар, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби; б) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсири йўналишларида бажариш мақсадга мувофиқдир.

Назаримизда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъ-сирчанлигини ошириш захираларини айнан ана шу йўналишларда<sup>77</sup> тахлил ишларини амалга ошириш натижасида аниқлаш мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда қайд этиш лозимки, бозор иктисодиёти шароитида сув ресурс-ларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи дастаклардан бири сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ экан, бу солиқнинг ўз олдига қўйилган вазифани қандай бажариши мумкинлиги, аввало, унинг амал қилиш механизми орқали намоён бўлади. Шу сабабли, юқорида таъкидланганидек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳаракатланишининг амалдаги механизми тахлилин амалга ошириш зарур. Бунинг учун, дастлаб, бу солиқни тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси, уни аниқлаш тартиби, имтиёзлар, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аввало, шуни қайд этиш жоизки, бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси янги тахрирдаги XVII бўлим, 441-448-моддалари ёрдамида тартибга солинади<sup>78</sup>. Ушбу солиқни тўловчиларни, бизнингча, қуйидагича акс эттириш мумкин (4.1-расм).



4.1-расм. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар<sup>79</sup>

<sup>77</sup> Шу йўналишларнинг ҳар иккиси тадқиқот ишимизнинг ушбу параграфи доирасида батафсил кўриб чиқилади.

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси янги тахрири. – Тошкент: Адолат, 2019. 445-449-бетлар.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси янги тахрирдаги Солиқ кодекси 441-моддасига асосан муаллиф ишланмаси.



4.1-расмда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг тўловчилари тўрт гуруҳга бўлиб, кўрсатилган бўлса-да, улар тўғрисида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун, фикримизча, кўшимча равишда яна қуйидагиларни, албатта, ҳисобга олмақ лозим: 1) аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар ҳисобланади; 2) ноижорат ташкилотлари<sup>80</sup> ва айланмадан солиқ тўлаш тартиби назарда тутилган юридик шахслар<sup>81</sup> ушбу солиқни тўловчилар бўлмайди.

Бирок, юқоридаги ҳолатларнинг қайд этилиши ҳам, назаримизда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш нуқтаи назаридан солиқни тўловчилар масаласида мавжуд бўлган бир неча муаммолар ёки ноаниқликларнинг олдини ололмайди. Хусусан, конунчилигимизда ушбу солиқни тўловчилар 1-гуруҳининг “Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари” деб умумий тарзда номланганлиги ҳам бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бу хусусда биз монографиямизнинг навбатдаги қисмида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш масаласини солиқ солиш объектидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бу солиқнинг солиқ со-лиш объекти ер усти ва ер ости манбалари<sup>82</sup>дан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари ҳисобланади. Унинг ер усти манбалари қуйидагилардан иборат: а) дарёлар; б) кўллар; в) сув омборлари; г) турли хил каналлар ва ховузлар; д) ер устидаги бошқа сув хавзалари ва сув манбалари. Ўз навбатида, сув ресурсларининг ер ости манбаларига қуйидагилар ёрдамида чиқазиб олина-диган сувлар қиради: а) артезан қудуклари


---

<sup>80</sup> Ноижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширсалар, улар “Солиқ кодекси”нинг X бўлимида кўзда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув хажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар бўлади.

<sup>81</sup> Агар “Солиқ кодекси”нинг XVII бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) 442-моддаси

ва скважиналар; б) вертикал ва горизонтал дренаж тармоклари; в) бошка иншоотлар. Буларни 4.2-расмдагидек ифодалаш мумкин.



4.2-расм. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти<sup>83</sup>

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солинадиган базаси сифатида фойдаланилган сув ҳажми хизмат қилади. Уни белгилаш чоғида қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим:

биринчидан, сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бирламчи бухгалтерия ҳисобга олиш ҳужжатларида аке этирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланиши керак. Сув ресурсларидан ўлчагич асбобларисиз фойдаланилган тақдирда унинг ҳажми а) сувдан фойдаланиш лимитларидан; б) сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан; в) экинлар ва дов-дарактларни суғориш мсбёрларидан ва г) маълумотларнинг

<sup>83</sup> “Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 2<sup>1</sup>-моддасига асосан муаллиф ишланмаси.

тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур.

Бизнингча, қайд этилган ана шу ҳолатда ҳам сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқ таъсирчанлигини кучайтиришнинг маълум бир заҳира-лари мавжудлигини кўрсатади. Бу масалага ҳам тадқиқот ишимизнинг кейинги ўринларида эътибор беришга ҳаракат қиламиз;

иккинчидан, солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари керак. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоқларидаги сувдан фойдаланилган ҳолларда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланмоғи лозим. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этишлари шарт. Давлат солиқ хизмати органлари эса, уз навбатида, бу маълумотларни солиқ тўловчиларга камида 3 кун ичида етказишлари керак;

учинчидан, солиқ тўловчи иссиқ сув ва буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқламоғи лозим. Биноларнинг бир қисми, алоҳида олинган жойлар ижарага топширилганда эса солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланиши керак. Биноларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлашлари зарур;

тўртинчидан, юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқни тўлайдилар.

Курилиш ишлари янги курилиш майдо-нида бажарилса, бу жойда фойдаланган сув хажми учун курилиш ташки-лоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўлаши лозим (янги тахрирдаги Солик кодексининг 444-моддасида инобатга олинган).

Фикримизча, бу таъкидланган ҳолатда ҳам сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун соликнинг таъсирчанлигини ошириш йўналишида баъзи бир захиралар борлигини аниқлашимиз мумкин<sup>84</sup>,

бешинчидан, кишлок хўжалиги маҳсулотларини стиштирувчи кишлок хўжалиги корхоналари солик солинадиган базани солик даврида бир гектар суғориладиган ерни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача хажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлаши керак (янги тахрирдаги Солик кодексининг 444-моддасида инобатга олинган);

ва ниҳоят, олтинчидан, деҳқон хўжаликлари учун солик солинадиган база юқоридаги тўртинчи бандда келтирилган тартибга мувофиқ равишда давлат солик хизмати органдари томонидан аниқланиши шарт.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг таъсирчанлигини ошириш масаласини унинг ставкаларидан айро ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Чунки, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бу соликнинг таъсир-чанлигини унинг ставкалари белгилаб беради. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, ушбу солик ставкаларининг даражасига, асосан, қуйидаги икки омил ўз таъсирини кўрсатади: а) сув ресурслари манбаларининг ер усти ёки ер остидалиги; б) ушбу соликни тўловчиларнинг тоифалари.

Юқоридаги омиллар таъсири остида, аввало, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг ставкалари табақаланган тарзда белгиланади. Бир вақтнинг ўзида, ставкаларнинг даражалари ушбу соликни тўловчиларнинг тоифаларига қараб янада табақалаштирилган тарзда ўрнатилади. Ушбу ҳо-латни характерлайдиган ва 2009-2020 йилларга тегишли бўлган маълумотлар 4.1-жадвалда келтирилмоқда.

4.1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида, фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун

---

<sup>84</sup> Бу хусусда тадқиқот ишнимизнинг кейинги ўринларида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

солиқнинг табақалаш-тирилган ставкалари шу тарзда ўрнатилар экан, бу ерда ҳам ушбу солиқнинг таъсирчанлигини ошириш нуқтаи назаридан бир қанча захиралар борлигини аниқлашимиз мумкин. Гап бу ўринда, аввало, ушбу солиқни тўловчиларнинг алоҳида олинган тоифаларига нисбатан белгиланган ставкалар ва уларнинг тахлил ишлари амалга оширилаётган давр мобайнида ҳар йили, албатта, муттасил равишда ўзгариши, ўзгариш суръатлари ҳамда уларнинг турли суръатда эканлиги, шунингдек, сув ресурслари ер усти ва ер ости манбаларига нисбатан солиқ тўловчилар тоифаларига мувофиқ равишда ўрнатилган ставкаларнинг энг юқори ва энг паст даражалари ўзаро нисбати ва бу нисбатнинг тегишли давр мобайнида ўзгариши хусусида кетаяпти. Булар тўғрисида ҳам монографиямизнинг кейинги ўринларида батафсил тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, уларни бир йўла солиқ солиш объекти сифатида қаралмаслиги белгиланган.

Ҳусана, нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари<sup>85</sup>, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари<sup>86</sup>, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, шахтадан сувларни қочириб учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш пайтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари<sup>87</sup>, гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари<sup>88</sup>, иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари, кишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурсларига нисбатан қўлланилади.

---

<sup>85</sup> Тижорат фаолияти амалга оширилса, мазкур норма қўлланилмайди.

<sup>86</sup> Савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув хажмларига қўлланилмайди.

<sup>87</sup> Ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув хажмларига қўлланилмайди.

<sup>88</sup> Гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарини совутишда фойдаланиладиган сув ресурсларига қўлланилмайди.



Назаримизда, ушбу енгилликлар замирида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўналишида баъзи бир захиралар мавжуд. Бу ерда тақдим этилган солиқ имтиёзларининг 2- ва 3-тоифаларига нисбатан уларнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилинишларига эътирозимиз йўқ ва уларни тўғри деб ҳисоблаймиз. Бироқ, юқорида келтирилган имтиёзлар 1-гуруҳининг 2- ва 4- тоифаларига нисбатан, фикримизча, бундай муносабатни билдириб бўлмайди. Чунки “сув учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар” ва “бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари”га нисбатан “тўлик озод қилиш” шаклида имтиёз берилганлиги, бизнингча, мунозарали.

Шунинг учун, аслида сирдан қаралганда, ҳақиқатдан ҳам “сув учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар” ва “бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари”га нисбатан солиқ имтиёзлари тақдим этилишига шубҳа йўқдек туюлади. Бироқ бу ерда, фикримизча, масаланинг бошқа бир жиҳати мавжуд. Чунки, бир томондан, “сув учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар”га ва иккинчи томондан, “бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари”га имтиёзларнинг айнан шу шаклда берилиши сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг олдига қўйилган вазифалар ижобий ҳал этилишига самарали таъсирини тўлик кўрсатолмайди. Буни ушбу масала “сув учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар” ва “бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари” сув ресурсларидан самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишидан манфаатдорми? деган саволга жавоб изланганганда, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, унинг шундай эмаслиги аниқланганидан сўнг маълум бўлади. Шунинг учун, бизнингча, бу масалани атрофлича пухта ўйлаб кўрмоқ ва у ёки бу субъектга нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловидан озод этишда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Бу масалада бизнинг нуқтаи назаримизда қуйидагича: сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳар бир босқичида иштирок этувчилар ундан

самарали ва тежаб-тергаб фойдаланишда масъулдирлар ва бу солиқ бўйича имтиёз бериш ёки бермаслик масаласи ҳал қилинаётган пайтда, албатта, ҳисобга олинмоғи лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ даври календарь йил ҳисобланади. Бу солиқ бўйича ҳисобот даври эса куйидаги-лардан иборат: а) солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар<sup>90</sup> учун – бир ой; б) солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан камроқни ташкил этадиган айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар учун – йил чораги.


Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисобот даврига тегишли бўлган бу ҳолатни, фикримизча, чизмали кўринишда 4.3-расмдагидек акс эттирса бўлади).

Тўловчиларнинг солиқ ҳисоботини тақдим қилиши ва солиқни тўлаши ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобот даврига тегишли бўлиши.

Айланмадан олинadиган солиқни тўловчиларнинг солиқ ҳисоботини тақдим қилиши ва солиқни тўлаши ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобот даврига тегишли бўлиши.

<sup>90</sup> Айланмадан олинadиган солиқни тўловчилар мустасно.





4.3-расм. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бўнак тўловларини тўлаш даври<sup>91</sup>

Монографиямиз ушбу боби 2-параграфининг ниҳоясида сув ресурс-ларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва уни тўлаш тартиби хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз. Қайд этиш лозимки, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Дехқон хўжаликлари учун эса ушбу солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базани ва белгиланган ставкани ҳисобга олиб белгиланади.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси янги таҳрири 448-моддаси маълумотлари асосида муаллиф илланмаси.

Куйида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг ҳисоб-китобига доир маълумотларни ва тегишли тартибни “Карбонам” МЧЖ мисолида келтирамыз (4.2-жадвал).

4.2-жадвал

**2019 йилда “DUBAI CAR WASH” МЧЖда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг ҳисоб-китоби<sup>92</sup>**

Кўрсаткичлар	Коди	Ҳамма си	Манбалар	
			ер усти	ер ости
Солиқ солинадиган база (жами фойдаланилган сувнинг умумий ҳажми), куб.метр	010	12 706	12 706	-
Солиқ базасини камайтириш - ҳисоб-китобга 3-илованинг 010-сатри	020	-	-	-
Солиқ базаси (010-сатр – 020-сатр)	030	12 706	12 706	-
1 куб. м учун белгиланган солиқ ставкаси (сўм)	040	-	1200	-
Белгиланган лимитлардан ортиқча олинishi ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилган сув ресурслари жами ҳажми, метр куб	050	-	-	-
1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкасининг беш баравари	060	-	-	-
Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (030-сатр x 040-сатр) + (050-сатр x 060-сатр)	070	15 247 400	15 247 400	-
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган жорий тўловлар суммаси	080	10 000 000	10 000 000	-
Қўшимча тўлашга	090	5 247 400	5 247 400	-
Камайтиришга	100	-	-	-

<sup>92</sup> “DUBAI CAR WASH” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

4.2-жадвалда келтирилган маълумотлар ер усти сувларидан фойдаланган солиқ тўловчига тегишли бўлса, худди шундай маълумотларни ер усти ва ости манбалари бўйича “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УК бўйича келтириш мумкин, (4.3-жадвал).

4.3-жадвал

**2019 йилда “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг ҳисоб-китоби<sup>93</sup>**

Кўрсаткичлар	Ко-ди	Ҳаммаси	Манбалар	
			ер усти	ер ости
Солиқ солинадиган база (жами фойдаланилган сувнинг умумий ҳажми), куб.метр	010	509 450	103 879	405 571
Солиқ базасини камайтириш - ҳисоб-китобга 3-илованинг 010-сатри	020	-	-	-
Солиқ базаси (010-сатр – 020-сатр)	030	509 450	103 879	405 571
1 куб. м учун белгиланган солиқ ставкаси (сўм)	040	-	360	430
Белгиланган лимитлардан ортикча олинини ҳамда рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилган сув ресурслари жами ҳажми, метр куб	050	-	-	-
1 метр куб учун белгиланган солиқ ставкасининг беш баравари	060	-	-	-
Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси (030-сатр х 040-сатр) + (050-сатр х 060-сатр)	070	211 791 970	37 396 440	174 395 530
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган жорий тўловлар	080	189 954 770	33 540 611	156 414 158

<sup>93</sup> “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.


Кўрсаткичлар	Коди	Ҳаммаси	Манбалар	
			ер усти	ер ости
суммаси				
Қўшимча тўлашга	090	21 837 200	3 855 829	17 981 372
Камайтиришга	100	-	-	-

Солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилинадиган солиқ ҳисоботларини топшириш муддатларини, юқорида баён қилинганлар асосида қуйидаги чизмани ишлаб чиқишимизга асос бўлади (4.5-расм):

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартибига мувофиқ равишда уни тўловчилар сувдан фойдаланиш жойида ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширмақлари лозим<sup>94</sup>. Дехқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралигача амалга оширилиши керак. Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 20 январигача, янги ташкил этилганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.<sup>95</sup>

<sup>94</sup> Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари бундан мустасно.

<sup>95</sup> Кишлоқ хўжалиги қорхоналари бундан мустасно.



4.5-расм. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобининг тақдим этилиш муддатлари<sup>96</sup>

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисобот даврига тегишли бўлган 4.4-расмда ва ушбу солиқ учун ҳисоб-китобини тақдим этилиш муддатларини кўрсатувчи 4.5-расмда келтирилган ҳолатларни умум-лаштириб, энг умумий тарзда, ўринли деб ҳисобласак-да, келажакда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида бу йўналишда ҳам баъзи бир ўзгартиришларни амалга оширишни зарур, деб ҳисоблаймиз. Гап бу ўринда солиқни тўлаш даври турли объектив сабабларга кўра айта ёки чоракда тўлаш эмас, балки яна бошқа объектив сабабларни, жумладан, инфляция суръатларининг нисбатан юқорилиги шароитида бундай муддатларнинг амал қилиши, ҳеч бўлмаганда, ҳамма вақт ҳам бюджет манфаатларига мос келавермаслиги, белгиланган муддатда бир марта катта сумманинг тўлаш лозимлиги, айрим ҳолларда, солиқ тўлов-чиларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкинлиги, солиқ тўловчилар учун кичик суммаларда ва тез-тез солиқ суммалари тўлаб турилиши маълум афза-лликларга эгаллиги, бунинг бюджет манфаатлари учун ҳам қулайлиги ва х.к.ларни ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда қисқартирилиши ёки аванс тўловлари тез-тез амалга оширилиши лозимлиги хусусида кетаяпти. Хусусан, бу ўринда бир ойлик муддат ичида, ҳеч бўлмаганда, декадалик тўловларни, ҳар чораклик муддатда – ойлик тўловларни ва ҳар

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳрири 448-моддаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

йиллик муддатлар доирасида эса чораклик тўловларни амалга ошириш назарда тутилаяпти. Гарчи бу таклифимизни ҳозирги шароитда жорий этиш анча мураккаб бўлса-да, кслажакда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, жумладан, ана шу йўналишларга ҳам қаратилиши лозим. Бу таклифнинг инobatга олиниши, бизнингча, шу жойда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Монографиямизнинг 4-боби 2-параграфида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси, уни аниқлаш тартиби, имтиёзлар, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида фикр юритилди. Энди эса олдимизда турган вазифа сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига таъсирини таҳлил қилиб чиқишдан иборат. Уни ушбу параграфнинг навбатдаги қисмлари доирасида бажаришга ҳаракат қиламиз.

Бу ўринларда биз, дастлаб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ролини бир неча йўналишларда кўриб чиқамиз. Энг аввало, бу солиқ умумдавлат солиғи бўлган-лиги учун унинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ролини аниқлашимиз керак. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиғи бўлишига қарамасдан, ҳар йили Давлат бюджети параметрлари қабул қилинаётган пайтда маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдирилаётганлиги учун бу солиқнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ролига баҳо бериш талаб қилинади. Шунинг учун бу масалани вилоятлар кесимида ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳисобланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси билан унинг ҳақиқатда бюджетга келиб тушган суммаси, баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, ҳамма вақт ҳам бир-бирига тўғри келавермайди. Шунинг учун бюджет даромадларини шакллантиришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролига баҳо берилаётган пайтда муаммонинг бу жиҳати ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Бир вақтнинг ўзида ушбу солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ролига баҳо берилётган пайтда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича боқимандалар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ ва ҳ.к.

Юқоридаги ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, дастлаб, ҳар йили мам-лакатимиз бюджети даромадлари шакллантирилаётган пайтда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа қандай ўрин ажратилаётганлигини аниқлайлик. Бунга хизмат қилувчи маълумотлар 4.4-жадвалда келтирилган.

4.4-жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакат-тимизнинг Давлат бюджети даромадлари шакллантирилаётган пайтда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа ҳам маълум ўрин берилаяпти. Унга кўра, кейинги 2008-2019 йиллар давомида ушбу солиқ ҳисобидан бюджет даромадларининг 0,26 фоиздан (2019 йил) 0,49 фоизгачасини (2008 йил) шакллантириш мўлжалланган. Бу рақамлар мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг унча катта таъсирга эга эмаслиги мўлжалланаётган-лигини кўрсатапти. Бунинг устига, унинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи 2008-2019 йиллар оралиғида пасайиб бориш (0,49 фоиз – 2008 йил, 0,42 фоиз – 2009 йил, 0,39 фоиз – 2010 йил, 0,38 фоиз – 2011 йил, 0,35 фоиз – 2012 йил, 0,39 фоиз – 2013 йил, 0,42 фоиз – 2014 йил, 0,44 фоиз – 2015 йил, 0,45 фоиз – 2016 йил, 0,47 фоиз – 2017 йил, 0,13 фоиз – 2018 йил ва 0,26 фоиз – 2019 йил) тенденциясига эга бўлиши кўзда тутилган. Фақат кейинги йилларда, яъни 2012-2017 йиллар оралиғида ушбу кўрсаткичнинг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиши режалаштирилган. Шунга мувофиқ равишда, унинг даражаси 2012 йилда – 0,35 фоиз, 2013 йилда – 0,39 фоиз, 2014 йилда – 0,42 фоиз, 2015 йилда – 0,44 фоиз, 2016 йилда 0,45 фоиз ва 2017 йилда 0,47 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилдан солиқ сиёсатининг ўзгариши натижасида мазкур кўрсаткич 0,13 фоизни ва 2019 йилда 0,26 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткични 0,27 фоиз даражасига стқазииш мўлжалланган.





Гарчи режа кўрсаткичларининг олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш суръатлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликка ҳам тегишли бўлса-да (2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан 124,6 фоиз, 2010 йилда 2009 йилдагига нисбатан 117,7 фоиз, 2011 йилда 2010 йилдагига нисбатан 120,7 фоиз, 2012 йилда 2011 йилдагига нисбатан 118,3 фоиз, 2013 йилда 2012 йилдагига нисбатан 133,6 фоиз, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 128,4 фоиз, 2015 йилдагига 2014 йилга нисбатан 126,3 фоиз, 2016 йилда 2015 йилдагига нисбатан 116,4 фоиз, 2017 йилда 2016 йилдагига нисбатан 114,9 фоиз, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 59,5 фоизга кам ва 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 126,7 фоизга ўсган), уларнинг даражалари, 2008-2019 йиллар оралиғида, Давлат бюджетининг жами даромадлари ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг<sup>98</sup> ўсиш суръатларидан анча паст эканлиги (2008 ва 2011 йиллардаги даражалар бундан мустасно) кўриниб турибди.

Шуниси характерлики, режалаштириш жараёнида тахлил қилинаётган йиллар давомида Давлат бюджети даромадлари ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғининг ўсиш суръатлари йилдан-йилга юқорирок суръатларда ўсиб бориши режалаштирилган бир пайтда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг ўсиш суръатлари, аксинча, йилдан-йилга пасайиб бораётган суръатларда (айрим истиснолар билан биргаликда бўлсада) режалаштирилган. Албатта, бунинг ўзиға хос объектив сабаблари мавжуд. Хусусан, бундай манзаранинг вужудга келганлиги, жумладан, кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар ягона солик тўловига ўтганлиги билан ҳам белгиланади.

Бирок, 4.4-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2013 йилдан бошлаб кейинги йилларнинг барчасида, бу борадаги вазият тубдан ўзгармоқда. Бу даврда олдинги йиллардагига нисбатан тескари ҳолат вужудга келмоқда. Энди сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликка тегишли бўлган режалаштирилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари Давлат бюджети даромадлари ҳамда ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғига тегишли бўлган худди шундай кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларидан юқорирок даража бўлиши режалаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ушбу

---

<sup>98</sup> Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик солиқларнинг шу гуруҳига тааллуқли бўлганлиги учун уларга нисбатан такқосланаяпти.

солиқ тақдирига нисбатан қараш ёки ёндашувлар ўзгараётганлигидан дарак беради.

Энди худди шу масалани ҳар йили мамлакатимиз бюджетининг даро-мадлари ҳақиқатда (ижро бўйича) шакллантирилаётган пайтда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа қандай ўрин ажратилаётганлиги мисолида кўриб чиқайлик. Ана шу мақсадларга хизмат қилувчи маълумотлар 4.5-жадвалда келтирилган.

4.5-жадвалдаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлака-тимизнинг Давлат бюджети даромадлари ҳақиқатда шакллантирилаётган пайтда ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ маълум бир ўринга эга бўлаяпти. Унга кўра, кейинги 2008-2019 йиллар давомида ушбу солиқ ҳисобидан бюджет даромадларининг атиги 0,30 фоиздан (2019 йил) 0,40 фоизгачаси (2008 йил) ҳақиқатда шакллантирилган. Бу рақамлар мамлакатимиз Давлат бюджети даромадларини амалда (ҳақиқатда, ижро бўйича) шакллантиришда ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ катта таъсирга эга эмаслигини кўрсатапти. Бунинг устига, унинг бюджет даромадларини ҳақиқатда таркиб топтиришдаги салмоғига нисбатан 2008-2019 йиллар давомида, орадаги баъзи бир йиллар маълумотларини ҳисобга олмаганда, асосан, пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Унинг даражаси 2008 йилдаги 0,40 фонздан 2019 йилда 0,30 фоизгача пасайиб борган. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига, хатто айрим йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тегишли бўлган ҳақиқатдаги кўрсаткичларнинг, бошқа кўрсаткичларга караганда, олдиндагига йилларга нисбатан анча юкори ўсиш суръатларига эга бўлганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсата олмаган. Умуман олганда, таҳлил қилинаётган давр оралиғида бу борадаги умумий манзара қуйидагича: Давлат бюджети жами даромадлари ижро кўрсаткичларининг олдинги йилдагига нисбатан ўсиш суръатлари билан таққослаганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари 1 ҳолда юкори, 8 ҳолда паст ва 2 та ҳолда тенг даражада; б) ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи ижро кўрсаткичларининг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари билан таққослаганда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаларининг ўсиш суръатлари 6 ҳолда юкори ва 5 ҳолда паст даражада бўлган.

**Ижро бўйича (ҳақиқат) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг Ўзбекистон Республикаси  
Давлат бюджетининг 2008-2019 йиллардаги даромадларини шакллантиришга роли**

Кўрсаткичлар	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил						
	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.	млрд. сум	% дав.					
Давлат бюджетининг жами даромадлари, миллиард сум	8790,7	100	10840,2	100	11596,7	100	17061,3	100	21398,7	100	26223,2	100	31729,6	100	40300,7	100	49681	100	79099,1	100	122165,4	100							
- шу ҳиссада, ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	1323,9	15,1	1761,6	16,3	3095,5	26,7	2362,2	13,8	3712,5	17,3	3888,2	14,8	4111,6	13,6	4817,1	11,2	5306,2	12,9	5867,4	11,8	12663,4	16,0	19680,8	17,5					
- яъни, сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	35,2	0,40	42,6	0,39	55,3	0,41	62,4	0,37	73,9	0,35	102,4	0,39	114,7	0,36	158,4	0,4	162,5	0,4	171,8	0,3	128,4	0,2	314,3	0,3					
Сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқнинг ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	x	2,65	x	2,42	x	2,64	x	2,38	x	2,23	x	2,63	x	2,66	x	3,3	x	3,1	x	2,5	x	1	x	x	1,6				
<b>Ижро кўрсаткичларининг ўзгариши ва янги амалга оширилган ўзгаришлари</b>																													
- давлат бюджетининг жами даромадлари	x	142,6	x	123,7	x	125,4	x	124,8	x	123,1	x	121,0	x	115	x	112,4	x	121,1	x	159,2	x	141,8							
- сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	x	131,5	x	119,9	x	125,3	x	128,1	x	117,4	x	110,9	x	110,7	x	110,2	x	129,4	x	184,4	x	155,4							
- сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	x	130,3	x	121,0	x	112,8	x	118,4	x	136,6	x	113,9	x	138,1	x	101,6	x	105,7	x	74,7	x	364,9							

99 - Жадвалда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг [www.mfi.uz](http://www.mfi.uz) сайты маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Вазиятнинг бундай хилма-хил ва тескари йўналишларга эга эканлиги, ўз навбатида, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ролига таъсири нуктаи назаридан айрим хулосалар таркиб топишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг бюджет даромад-ларини шакллантиришдаги роли фақат уни режалаштириш ва ҳақиқатда ундирилиш жараёнларидаги суммаси ва салмоғига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки шу солиқ бўйича қарздорликлар суммаларига ҳам бевосита боғлиқ. Шунинг учун энди муҳокама этилаётган муаммони ана шу кесимда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Таҳлил учун керак бўлувчи маълумотлар 11-иловада ўз ифодасини топган. Ундаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида куйидагиларни қайд этиб ўтишимиз мумкин:

- 2009-2019 йиллар давомида мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қарздорлик абсолют суммалари ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, унинг 2009 йилдаги 0,3 млрд. сўмлик дара-жаси 2019 йилда 2 млрд. сўмга тенг бўлган;

- шу йиллар давомида унинг жами солиқ қарздорлиги суммаларига нисбатан салмоғи 0,11 фоиздан (2009 йил) 0,13 фоизгача (2017 йил) тебранган бўлиб, бу кўрсаткичнинг даражаси 2011-2017 йиллар оралиғида бир мувозанатда бўлишига қарамадан, кейинги 2018-2019 йилларда эса бир хил даражада (0,08 фоиз) бўлиб келмоқда;

- таҳлил қилинаётган даврда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ қарздорлигининг ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ қарздорлигидаги салмоғи, асосан, 0,42-0,44 фоизга тенг бўлган ва кескин ўзгариш характерига эга бўлмаган;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ қарз-дорлиги кўрсаткичларининг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари баъзи йилларда қарама-қарши йўналиш ва характерга эга бўлсада, унинг айрим ҳолларда 1,1 баравардан 1,7 бараваргача юқори бўлаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Бу иловадаги маълумотлардан шундай хулоса чиқадики, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қарздорлик суммалари ортган

сари, улар ушбу солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ролига салбий таъсир кўрсатади ва аксинча. Шунинг учун вазифа бюджет даромадларини шакллантиришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролини ошириш лозимлиги тарзида қўйилган пайтда, ушбу солиқ бўйича қарздорлик суммалари, албатта, ҳам мутлоқ суммаларда ҳам нисбий суммаларда, катъий равишда, йилдан-йилга пасайиб бориш тенденциясига эга бўлмоғи лозим.

Тадқиқотимизнинг ушбу параграфи доирасида амалга ошириладиган илмий-тадқиқотларимизнинг навбатдаги қисми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари натижа ларига таъсири масаласини кўриб чиқишга қаратилган. Энди ана шу вазифани бажаришга диққат-этиборимизни қаратамиз. Бунинг учун, аввало, алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқлар тизимида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўрнини аниқлаб олмоқ зарур. Бу вазифани бажаришга хизмат қилиши мумкин бўлган маълумотлар 4.6-жадвалда келтирилмоқда.

4.6-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тадқиқотимиз объекти сифатида кўриб чиқилаётган “Тўрткўл оқ-олтини” АЖ томонидан тўланилиши лозим бўлган солиқлар тизимида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг энг юқори даражадаги ўрни таҳлил қилинаётган 2009-2019 йиллар давомида, бор-йўғи ўртача 0,15 фоизга (2009-2019 йил) тенг бўлгани билан характерланади ва шу йилда энг кўп миқдорда – 6,8 млн. сўмлик солиқ ҳисобланиши ва тўланиши кўзда тутилган. Қолган йилларнинг барчасида ушбу солиқнинг ҳисобланиши лозим бўлган суммаси 0,5-3,3 млн. сўм оралиғида бўлиши белгиланган. Бу рақамларни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, ҳисобланган солиқлар тизимида “Тўрткўл оқ-олтини” АЖда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ этиборга олинishi керак бўлган даражада ўринга эга эмас.

4-б-жардаат  
 Сув ресурстарыдан фойдаланылгандик учун соликтын "Турккул ок-оллиниг" А.Ж. голонидан хисобланган соликлар титимдэти урни

№	Күрсөткөчлөр	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да	млн сумма	% да
1.	Сув ресурстардан фойдаланыш фойдала солиги	133.7	6.03	179.3	6.26	126.0	5.30	5.41	1.67	63.0	1.96	99.0	3.50	126.9	3.98	146.8	3.80	156.1	3.98	146.8	3.80	177.4	3.90
2.	Курш ва каффет солиги	110.3	77.10	169.8	74.38	130.2	72.84	134.3	38.27	1146.3	36.29	1324.1	34.80	1752.7	55.86	4197.6	52.95	2190.8	55.86	4197.6	52.95	1809.9	39.75
3.	Сув ресурстардан фойдаланыш учун солик	0.5	0.02	0.6	0.03	0.7	0.03	3.3	0.10	1.0	0.03	1.3	0.05	1.5	0.05	1.9	0.05	1.9	0.05	1.3	0.03	6.8	0.15
4.	Курш ва каффет солигининг мол-мулкка солиданий солик	13.9	0.63	14.6	0.66	13.3	0.65	109.1	3.27	148.0	4.59	64.7	2.33	74.4	2.57	91.0	2.17	631.4	7.96	631.4	7.96	44.8	1.07
5.	Курш ва каффет солигининг мол-мулкка солиданий солик	71.6	3.23	75.8	3.41	87.5	3.68	86.0	3.80	291.0	9.01	303.4	11.19	6.92	221.4	1.06	276.7	7.06	512.3	6.46	603.5	13.25	
6.	Обьектларга иш жүргүзүү ишмердүүлүшү ривожланыш солиги	7.8	0.35	8.7	0.39	11.5	0.49	37.5	1.16	42.0	1.29	21.8	0.85	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
7.	Билдик соликлар	280.7	12.68	326.9	14.69	404.0	17.01	381.4	10.86	501.3	14.82.6	45.65	1.46	962.6	30.58	2184.2	10.76	1201.3	30.68	2184.2	10.76	1906.9	41.88
	Бюджетте жаны тургумалар	2318.8	100.0	2226.7	100.0	2375.2	100.0	3240.5	100.0	3247.6	100.0	2981.4	100.0	3197.8	100.0	3921.8	100.0	3921.8	100.0	7927.6	100.0	4553.3	100.0

Маълумки, амалиётда ҳисобланган солиқлар суммаси билан ҳақиқатда тўланган солиқлар суммаси ҳамма вақт ҳам бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Айрим ҳолларда улар бир-бирларидан сезиларли даражада фарк қилиши ҳам мумкин. Бу фикрлар барча солиқ турларига, жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа ҳам тўлиқ тегишлидир. Ана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда энди 2009-2019 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг “Тўрткўл оқ-олтини” АЖ томонидан ҳақиқатда тўланган солиқлар тизимидаги ўрнини аниқлайлик. Унга дахлдор бўлган маълумотлар 4.7-жадвалда келтирилаган.

4.7-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2009-2019 йилларда “Тўрткўл оқ-олтини” АЖ томонидан бюджетга ҳақиқатда тўланган солиқ суммалари таркибида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг салмоғи, бор - йўғи, 0,1-0,2 фоиз атрофида бўлган. Шундай қилиб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг фақат ҳисобланган суммалари эмас, балки ҳақиқатда тўланган суммалари ҳисобга олинганда ҳам хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган солиқлар тизимида бу солиқ сезиларли ўринга эга эмаслиги маълум бўлаяпти. Фикримизча, юқорида чиқарилган ҳар иккала (сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган ва ҳақиқатда тўланган солиқлар бўйича) хулоса ҳам муҳим (принципиал) аҳамиятга эга бўлиб, улар бу солиқнинг истиқболини башоратлашга нисбатан алоҳида ёндашувни бўлишини тақозо этади.

Алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқлар тизимида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўрнини аниқлаб олганимиздан сўнг, унинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларига бевосита таъсирини аниқлашга киришсак бўлади. Уни аниқлаш мақсадида ҳам биз таҳлил жараёнига “Тўрткўл оқ-олтини” АЖнинг 2009-2019 йилларга тегишли бўлган маълумотларидан фойдаланамиз (4.8-жадвал).

Сўз ресурсларидаги фойдаланганлик учун солиқнинг "Турқул ок-олтини" АЖ томонидан ҳақиқатда тўланган солиқлар тизимидаги ўрни

№	Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%
1.	Кўрсаткичлардан солиқнинг фойдаланиш бўлиб солиғи	30,0	3,8	32,1	3,6	37,7	2,9	60,5	6,6	54,1	2,0	63,6	2,5	31,5	2,9	61,6	2,1	146,8	1,9	123,4	1,2	672,5	3,8
2.	Кўрсаткичлардан солиғи	448,8	55,7	439,4	52,0	477,8	49,5	485,0	49,2	944,9	35,1	299,7	30,6	827,2	46,1	1489,0	50,0	4197,6	53,0	5999,4	55,3	11860,4	64,5
3.	Сўз ресурсларидаги фойдаланишга учун солиқ	0,7	0,1	0,7	0,1	0,9	0,1	1,0	0,1	1,8	0,1	3,4	0,1	1,8	0,1	1,9	0,1	1,3	0,0	2,0	0,0	7,4	0,0
4.	Кўрсаткичлардан солиқнинг фойдаланиш бўлиб солиғи	13,1	1,9	20,3	2,3	22,1	2,3	24,0	2,6	23,0	0,9	-	-	26,0	1,4	49,5	1,7	631,4	8,0	1106,2	10,9	713,8	4,0
5.	Кўрсаткичлардан солиқнинг фойдаланиш бўлиб солиғи	83,3	10,4	90,6	10,1	105,8	11,0	97,9	10,6	30,0	0,7	24,7	1,0	104,6	5,8	118,3	6,3	512,3	6,5	346,0	3,4	836,6	4,7
6.	Объектларнинг да мўлжалли инфографикали рақамли тарғиб солиғи	11,9	1,5	40,8	4,6	29,8	3,1	31,3	3,6	96,0	3,6	0,9	0,0	43,8	2,5	-	-	-	-	-	-	-	-
7.	Бўлиб солиқлар	141,3	17,6	164,8	18,7	208,3	21,7	196,6	21,4	1548,0	57,6	1175,8	43,8	605,9	36,4	1173,3	19,5	2472,5	30,7	2912,2	29,1	4126,7	21,0
8.	Бўлиб солиқларнинг мўлжаллидаги учун мўлжалли жазо	8,7	1,1	11,7	1,3	16,1	1,7	9,4	1,0	-	-	-	-	12,0	0,7	12,1	0,4	-	-	-	-	-	-
	Бўлиб солиқлар	100,5	92,0	882,8	91,9	965,9	92,1	919,4	95,1	2469,2	100,0	3568,1	100,0	1796,2	95,9	2971,7	100,0	7926,9	100,0	10138,8	100,0	17924,4	100,0



**Сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг "Турқул оқ-олиқни" АЖнинг фойдалиги  
нагжашларига таъсири**

(МЛН. СЎМДА)

№	Қўрсаткичлар	Йиллар											
		2008 Йил	2009 Йил	2010 Йил	2011 Йил	2012 Йил	2013 Йил	2014 Йил	2015 Йил	2016 Йил	2017 Йил	2018 Йил	2019 Йил
1	Маъсулот (товар, иш ва хизмат) ларга сотилган соф қўшим	10028,7	10721,8	10567,0	10727,9	22077,2	23018,6	23405,4	19014,7	22358,4	44047,8	40873,1	96616,5
2	Солиқни маъсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таъсири	912,4	917,0	9672,8	9794,1	21265,8	21765,7	21240,1	18516,4	20894,3	19331,2	34760,4	89159,9
3	Маъсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг янги фойдалан	906,3	874,8	894,6	913,8	1241,4	1252,7	1265,3	1398,3	1332,0	4716,7	5111,1	7276,5
4	Алоқий фойдаланишнинг фойдалан	561,9	321,5	348,0	394,0	904,0	999,1	1195,6	873,3	1101,0	614,2	1721,9	3720,4
5	Умуумқўшмак фойдаланишнинг фойдалан	207,6	119,3	160,5	171,0	531,9	322,7	988,4	458,5	605,7	1221,8	885,5	1033,1
6	Фойдалан бошқа солиқлар ва бошқа маъбуллар туғлула	207,6	143,3	160,5	171,0	531,9	322,7	988,4	458,5	605,7	1221,8	885,5	1033,1
7	Даромад (фойдал) солиғи	215,5	10,0	32,1	27,7	60,5	54,1	63,6	51,5	61,6	251,3	146,8	177,4
8	Фойдалан бошқа солиқлар ва бошқа маъбуллар туғлула	14,7	8,3	9,5	10,9	39,3	37,5	42,0	32,4	47,9	77,6	-	-
9	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотни сотишдан соф тушумидagi салмоғи, %	1,9	0,7	0,7	0,9	1,0	1,8	3,4	1,8	1,9	1,3	2,0	7,4
10	Хизмат ларнинг соф фойдалан	169,4	109,8	119,2	130,6	432,1	431,2	482,8	374,7	513,4	892,0	738,7	863,7
11	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотни сотишдан соф тушумидagi салмоғи, %	0,019	0,007	0,007	0,008	0,004	0,008	0,013	0,009	0,009	0,007	0,005	0,008
12	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотни сотишдан соф тушумидagi салмоғи, %	0,021	0,007	0,007	0,009	0,005	0,008	0,016	0,010	0,009	0,003	0,006	0,008
13	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотларни сотишнинг янги фойдаланишнинг салмоғи, %	0,210	0,079	0,080	0,091	0,082	0,147	0,158	0,129	0,124	0,038	0,033	0,101
14	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотларни сотишнинг янги фойдаланишнинг салмоғи, %	0,338	0,215	0,206	0,216	0,112	0,189	0,206	0,206	0,173	0,212	0,116	0,198
15	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотларни сотишнинг янги фойдаланишнинг салмоғи, %	0,915	0,482	0,448	0,498	0,183	0,353	0,582	0,192	0,314	0,107	0,226	0,714
16	Сўв ресурсларидан фойдаланишнинг учун солиқнинг маъсулотларни сотишнинг янги фойдаланишнинг салмоғи, %	0,915	0,482	0,448	0,498	0,183	0,353	0,582	0,192	0,314	0,107	0,226	0,714

105 Жадвал "Турқул оқ-олиқни" АЖнинг 2008-2019 йиллардаги ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

4.8-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятлари натижаларига таъсирини аниқлаш мақсадида амалдаги ҳисобот маълумотларидан, шунингдек, тадқиқотимиз объект “Тўрткўл оқ-олтини” АЖнинг 2009-2019 йилларга тегишли маълумотларидан, масалага аниқлик киритиш учун бу ҳолатни характерлашга хизмат қилувчи бир неча кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Уларнинг энг муҳимлари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: маҳсулотни сотиш-дан соф тушум; сотилган товарларнинг таннархи; маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси; асосий фаолиятнинг фойдаси; умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси; даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда; даромад (фойда) солиғи; фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар; сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқ.

Фикримизча, бу кўрсаткичларни характерлайдиган суммаларни билмасдан туриб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг “Тўрткўл оқ-олтини” АЖ фаолияти натижаларига таъсирини аниқлаш иложи йўқ. Шу сабабли юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда энди сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг: маҳсулотни сотишдан соф тушумдаги салмоғини; сотилган товарлар таннархидаги салмоғини; маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдасидаги салмоғини; асосий фаолият фойдасидаги салмоғини; умумхўжалик фаолияти фойдасидаги салмоғини; даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойдадаги салмоғини аниқлашга ҳаракат қиламиз

Назаримизда, юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг даражаси ва уларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги ўзгаришлари инобатга олинадиган бўлса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларига таъсирини ҳар тамонлама баҳолаш мумкин. 4.8-жадвалда келтирилган маълумотлар уларнинг ҳар бири бўйича 2008-2019 йиллар орасида қуйидаги манзара мавжудлигини кўрсатапти:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг маҳсулотни сотишдан соф тушумдаги салмоғи таҳлил қилинаётган даврда 0,019 фоиздан (2008 йилда) 0,015 фоизгачани (2014 йилда) ташкил этган, бу салмоқ 2008 йилдан бошлаб (фақат 2008 йил

бундан мустасно) ортиб бориш тенденциясига эга. Шу даврда (2008-2015 йилларда) унинг ортиш суръати 4,5 мартага тенг бўлган;

2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сотилган товарлар таннархидаги салмоғи 2008 йилда 0,021 фоизни, 2014 йилда эса 0,016 фоизни ташкил этган. Юқоридаги биринчи кўрсаткичдагидек, бу кўрсаткичнинг даражасига ҳам тахлил қилинаётган даврда ўсиб бориш тенденцияси хос. Бироқ, унинг ўсиши биринчи кўрсаткичга нисбатан юқорирок суръатларга эга эканлиги билан характерланади;

3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг маҳсулотларни сотишнинг ялли фойдасидаги салмоғи, юқоридаги хар иккала кўрсаткичдан фарқли ўларок, бу солиқнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари натижаларига бевосита таъсирини ифодалайди. Бу кўрсаткичнинг даражаси 2008 йилда 0,210 фоизга тенг бўлган бўлса, 2014 йилдаги даражаси 0,158 фоизни ташкил этган. Бу маҳсулот таннархи ва унинг фойдасини ифодалайдиган кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади;

4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг асосий фаолият фойдасидаги салмоғи 2008 йилда 0,338 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилдаги даражаси 0,286 фоизга тенг бўлган. Демак (2014 йилдаги) даража 2008 йилдаги даражадан 0,8 мартага камайган. Келтирилган рақамлар ушбу кўрсаткич ҳам тахлил қилинаётган йиллар давомида камайиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатиб, унинг камайиш суръатлари, олдинги кўрсаткичларга нисбатан янада пастроқ суръатлар билан характерланаётганлигидан дарак беради;

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг умумхўжалик фаолияти фойдасидаги салмоғини характерловчи кўрсаткичлар унинг 2008 йилда 0,915 фоизга ва 2014 йилда эса 0,582 фоизга тенг бўлганлигини кўрсатапти. Улардан бу кўрсаткич камийиш тенденциясига эга эканлиги, бундай тенденциянинг камайиш суръатлари юқоридаги бошқа кўрсаткичларга нисбатан, камроқ бўлганлиги хусусида хулосалар чиқариш мумкин;

6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг фойда солиғини тўлагунга қадар фойдадаги салмоғига тегишли маълумотлар 5-банддаги ҳолатни яна бир марта тўлиқ

характерлаганлиги учун уларни такрорлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари натижаларига таъсирини “Тўртқўл ок-олтини” АЖ мисолида кўриб чиқар эканмиз, юқоридаги 1-6- бандларда келтирилган ҳулосалар асосида куйидаги умумий тўхтамга келиш учун асослар етарли, деб ўйлаймиз: а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятлари натижаларига таъсири сезиларли эмас; б) бу солиқнинг ундирилиши ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига кескин салбий таъсир кўрсатаётганлиги сезилмайди; в) унинг ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижа-ларига таъсири, таҳлил қилинган йиллар давомида, уни характерловчи барча кўрсаткичлар бўйича, пасайиб бориш тенденциясига эга; г) бундай тенденциянинг юқори суръатларда давом этаётганлиги, айниқса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг асосий фаолият ва умумҳўжалик фаолияти фойдасидаги салмоғига нисбатан ҳосдир; д) юқоридаги бандлар билан характерланувчи амалдаги ҳақиқий вазият сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш, ҳисоблаш, бюджетга ундириш ва унинг таъсирчанлигини кучайтириш масалаларида талайгина муаммолар мавжудлигидан дарак беради ва бу жараёнларни такомиллаштириш заруратини кучайтиради.

#### **4.3- §. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш йўналишлари ва уни математик моделлаштириш**

Монографиямизнинг олдинги қисмларида амалга оширилган таҳлил натижаларига таянган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ-нинг таъсирчанлигини, фикримизча, асосий йўналишлари деб а) бюджет даромадларини шакллантириш ва б) ҳўжалик юритувчи субъектлар (ушбу солиқни тўловчилар)нинг молиявий натижаларига таъсири нуқтаи назаридан кучайтириш, деб эътироф этиш мумкин. Бу ҳар иккала йўналиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун, уларни умумий тарзда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг таъсирчанлигини юқоридаги ҳар иккала йўналиш нуқтаи назаридан кучайтириш кўзда тутилганда, фикримизча, қуйидаги масалалар таркибига жиддий эътибор бермоқ лозим:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўловчиларнинг таркибини кенгайтириш. Ушбу соликнинг таъсирчанлигини юқоридаги икки йўналишда кучайтириш масаласини солик тўловчилар таркиби ҳисобидан ечиш кўзда тутилганда, бизнингча, қуйидаги саволнинг аниқ жавобига эга бўлмоқ лозим: сувдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси бу соликни тўловчилар бўлиши керакми ёки уларнинг бир қисми шу соликни тўловчилар ҳисобланиши лозимми? сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг таъсирчанлик даражаси шу савол жавобига мос равишда бўлади.

Маълумки, монографиямиз 4-бобининг 1-параграфи доирасида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик тўловчилар таркиби масаласига тўхталиб “Бироқ, юқоридаги ҳолатларнинг қайд этилиши ҳам, назаримизда, бу ерда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг таъсирчанлигини кучайтириш нуқтаи назаридан соликни тўловчилар масаласига нисбатан бир неча муаммолар ёки ноаникликлар борлигининг олдини ололмайди”,- деган фикрни билдирган эдик. Шу муносабат билан, дастлаб шуни қайд этиш лозимки, 4.1-расмда келтирилган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни тўловчилар таркиби бундай тартибда аниқланиши ушбу соликнинг номланишига ва олдига қуйилган мақсадга, шунингдек, унинг таъсирчанлигини ошириш мақсадига, фикримизча, етарли даражада тўлиқ жавоб беролмайди.

Бизнингча, бу ерда, аввало, “сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик” деган иборанинг негизида қандай маъно ётганлигига эътибор бермоқ лозим. Соликнинг номи шундай аталадиган ва шундан келиб чиқиладиган бўлса ҳамда мантикий жиҳатдан олиб каралса, у ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганларнинг барчаси солик тўловчилар ҳисобланиши лозим. Фикримизча, бу муҳим аҳамиятга эга масала бўлиб, у сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш салоҳиятини кучайтиришга,

унинг кўзланган мақсадларга эришишда таъсирчанлигини оширишга сезиларли таъсир кўрсатишни таъминлаши мумкин.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар доира-сининг бундай тарзда кенгайтирилиши, фикримизча, унинг кандай номланганлигига, шундан келиб чиқиб, моҳиятига ва нима мақсадларга эришишга мўлжалланганлигига янада тўлиқроқ мос тушган бўлур эди.

Бу муаммо биз томонимиздан бекорга кўтарилаётгани йўқ. Чунки у ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Бу ўринда дастлаб шуни қайд этиш лозимки, бошқа мамлакатлардагидан фарқли равишда Ўзбекистонда бу солиқнинг номи “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” деб номлангани бежиз эмас. Бизнингча, бунинг замирида жуда катта иктисодий маъно-мазмун ётибди. Уни шундай номлаш билан аввало, сув ресурсларидан фойдаланувчиларнинг барчаси (шу жумладан, жисмоний шахслар ёки аҳоли ҳам) ундан самарали фойдаланишга ундаланаяпти.

Россия Федерациясида шунга ўхшаган солиқнинг номи “Плата за воду, забираемую промышленными предприятиями из водохозяйственных систем”, яъни “Сув хўжаликлари тизимларидан саноат корхоналари томонидан олинadиган сув учун тўлов” деб номланади. Бизда ҳам уни шундай номлаш лозимми? Йўқ!. Чунки сув ресурсларидан фойдаланишга муносабат ҳар иккала мамлакатда бир хил эмас. Бу масала Россия Федерациясида биздагидек даражада долзарблик касб ҳам этмайди.

Шундай фикрни Ўзбекистонни сув ресурслари билан яхши таъминланган ҳамда табиий-иклим шароити яхши бўлган Европа мамлакатлари, АҚШ, Жанубий Америка қитъаси мамлакатлари, Япония ва бошқа мамлакатлар билан такқосланганда ҳам билдириш мумкин. Бундай шароитда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган иктисодий дастакни сунъий равишда мантиқан тор маъноли ном билан (аташ) унинг олдига қуйилган вазифалар тўлиқ ундаланишига ёрдам бермайди. Шу боис Ўзбекистонда бу солиқ “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” деб номланишини тўғри деб эътироф этамиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Бу ўринда ушбу солиқнинг бундай номланиши табиий равишда ва маъно жихатидан солиқ тўловчилар доирасини чеклашни эмас, балки, аксинча, том маънода кенгайтиришни тақозо этишини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак.

Аслида солиқнинг “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” деб номланишидан келиб чиқиладиган бўлса, қай тарзда бўлмасин, сув ресурсларидан фойдаланганларнинг ҳаммаси, жумладан, жисмоний шахслар ёки хонадонлар ҳам, солиқ тўловчи ҳисобланиши керак. Лекин масаланинг айнан шу тартибда қўйилиши, фикримизча, бизнинг шароитимизда солиқ тўловчи масаласига нисбатан бошқа муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, республикамиздаги сув ресурсларининг асосий қисмидан фойда-ланаётган кишлққ хўжалиги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилари бу солиқни тўловчилар ҳисобланиши керакми ёки йўқми? Агар улар ҳам бу солиқни тўловчилар сафига киритиладиган бўлса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин? Ёки аҳоли ва хонадонлар ҳам сув ресурсларидан фойдаланади. Бунинг учун улар тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширган ҳолда ҳар ойда сувдан фойдаланганликлари учун тегишли ҳақни тўлайдилар. Уларни солиқ тўловчилар деб ҳисоблайдиган бўлсак, у ҳолда улардан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ олиниши керакми ёки йўқми? Олинадиган бўлса, унинг механизми қандай бўлиши керак?

Чуқурроқ мушоҳадага ундовчи юқорида қайд этилган масалалар, фикримизча, “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” тўловчилар доирасини аниқлашга дахлдор. Албатта, уларнинг айримлари мунозарали бўлиши мумкин. Лекин сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар таркибини аниқлаш масаласига шу тарзда ёндашиладиган ва келажакда шу йўналишга қараб ҳаракат қилинадиган бўлса, бизнингча, буни ушбу солиқнинг таъсирчанлигини ошириш борасида ташланиши лозим бўлган далил қадамлардан бири сифатида эътироф этса бўлади. Бу Ўзбекистон шароитида ўта долзарб аҳамият касб этиши ва амалда, ҳақиқатда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ҳар бир босқичида энг самарали ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, агар амалдаги тартибдагидек, сув ресурсларидан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси эмас, балки бир қисми ёки алоҳида олинган бир гуруҳи шу солиқни тўловчилар деб эътироф этилса, шубҳасизки, иккинчи вариантга нисбатан унинг таъсирчанлиги, бироз бўлса-да, пастайиши, табиий. Шунинг учун, фикримизча, ушбу солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун

уни тўловчилар таркибини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда, назаримизда, яна бир ҳолатни, албатта, ҳисобга олиш керак. Тахминий ҳисоб-китобларимизга кўра, ҳозирги пайтда мамлакатимизда умумий фойдаланилган сув ресурсларининг фақат 1/10 қисмигина сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортилаяпти, қолган қисми эса бу жараёндан четда қолаяпти. Бундай шароитда бу солиқ ўз олдига қўйилган вазифани, яъни сув ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш вазифасини уддалаётганлиги тўғрисида гапириш, бизнингча, етарли асосга эмас эмас.

Юқоридаги мулохазаларимиздан келиб чиқиладиган бўлса, сув ресурс-лари тақчиллиги ва бу масала сиёсий тус олаётган ҳозирги шароитда кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, кичик корхона ва микрофирмалар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ушбу солиқни тўловчилар қаторига киритиш бўйича қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси таксинга лойиқ, бизнингча. Бу масаланинг ижобий ҳал этилиши, фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар таркиби кенгайишига ва, шунга мос равишда, унинг таъсирчанлиги кучайишига олиб келди. Ҳолбуки, ҳозирги пайтда, юқорида таъкидланганидек, сув ресурслари асосий истеъмолчиларидан бир гуруҳига нисбатан ихчамлаштирилган (содалаштирилган) солиққа тортиш тартиблари жорий этилганлиги сабабли уларга бу солиқнинг умуман таъсири бўлмаётганди. Бу мамлакатимиз солиқ амалиётидаги ихчамлаштирилган (содалаштирилган) солиққа тортиш тартиблари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг иктисодий табиатига зидлигини кўрсатади. Бу эса тегишли гуруҳ томонидан сув ресурслари самарасиз ишлатилишига сабаб бўлганди.

Фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар доирасини кенгайтиришда мамлакатимиз иктисодиётида реал имконият мавжуд. Гап бу ўринда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида унинг ставкаларини такомиллаштириш зарурлиги, хусусан автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ солиш тизимидан катъий назар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун



солиқни жорий этиш тўғрисида кетмоқда. Бизнингча, аслида бу масала кенг муҳокамага муҳтож ҳам бўлмаслиги керак. Чунки бу ердаги реал вазиятнинг ўзи шуни тақозо этади. Шу боис, бу ўринда қисқача қуйидагиларни қайд этиш билан чекланамиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги”ги ПҚ-2270-сонли Қарорнинг 14-иловасига мувофиқ 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб алкоғолсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга (Мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тизимидан (солиқ солишнинг умумбелгиланган ёки соддалаштирилган тартиби) қатъи назар тўлайдилар) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий қилиниб, 2016-2019 йилларда ушбу солиқ ставкаси ўртача 1,2 бараварга оширилган. Бунинг натижасида мамлакатдаги алкоғолсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилган, шунингдек, 2016-2019 йиллар давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар томонидан бюджетга 35,1 млрд.сўм миқдорда кўпроқ тушум жалб қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3823-сонли Қарорининг иловасига мувофиқ 2018 йил 1 октябрдан бошлаб автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналарга (Мазкур корхоналар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни солиқ солиш тизимидан (солиқ солишнинг умумбелгиланган ёки соддалаштирилган тартиби) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўлайдилар) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий қилинди. Бунинг натижасида автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар томонидан 2018 йилнинг 4-чораги ва 2019 йилда фойдаланилган сув хажми миқдори кескин камайган, сувдан фойдаланиш самарадорлиги икки баробарга ошишига эришилган, бюджетга жами 2,3 млрд.сўм тушум туширилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” ПҚ-4086-сон қарорининг 8-бандига асосан, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 млрд. сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлаш белгиланган.

Шу муносабат билан, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, умумбелгиланган солиқларни ҳисоблаш ва тўлашда юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун бир хил тартиб жорий этилиб, йиллик ялпи тушум 1 млрд.сўмдан ошган тақдирда барча хўжалик субъектлари умумбелгиланган солиқларни, шу жумладан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари ҳисобланилади. Бунинг натижасида мамлакатимиз sanoat корхоналари томонидан ишлаб чиқариш жараёнида истеймол қилинадиган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланган ва бюджетга қўшимча 188,7 млрд.сўм ундирилган.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги № УРҚ-589-сонли Қонунининг 11-иловасига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотлар ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий қилиниб, 2020 йилнинг якуни билан бюджетга қўшимча 10 млрд.сўм жалб қилиниши режалаштирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 январдаги 2, 2019-05-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 21 январда 3126-сон билан рўйхатга олинган) қарорнинг 6-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботи” шакллари ишлаб чиқилиб, мазкур солиқ ҳисоботларга мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг солиқ солиш тизимидан қатъи назар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгиланган тартибда

хисоблаб чиқиши ва тўлашининг ҳуқуқий асослари (солиқ солиш объекти, солиқни ҳисоблаш ва солиқ солинадиган базани камайтириш тартиби) белгиланди. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлари аниқлаштирилишида иштирок этдики, буларнинг бари, бизнингча, илмий тадқиқотимизнинг амалий аҳамиятини кўрсатиб ҳам беради.

Бу ўринда масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Гап бу ерда, аввало, республикамиздаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг негизи (асоси)ни суғорма деҳқончилик ташкил этиши ва шу муносабат билан мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти кундан-кунга янада ошиб бораётганлиги хусусида кетаяпти. Айрим тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар натижалари кўрсатишича, кейинги пайтларда республикамиз бўйича экин майдонларининг 98%ини суғориладиган ерлар ташкил қилгани ҳолда, мамлакатимизда сарфланадиган сувнинг 85%и қишлоқ хўжалигида истеъмол қилинмоқда<sup>103</sup>. Бундай шароитда сув ресурсларидан самарали ва иқтисод режимида риоя этган ҳолда фойдаланиш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиши, табиий.

Бунинг устига, Орол денгизи ҳавзасида шаклландиган жами сув ресурсларининг бор-йўғи 10%га яқини Ўзбекистон ҳудудига тўғри келиши, Ўзбекистон ҳудудида Амударё ҳавзаси бўйича сув ресурсларининг 6,6% ва Сирдарё ҳавзаси бўйича эса 17,7% шаклланиши<sup>104</sup> эътиборга олинадиган бўлса, мамлакатимиздаги мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати қанчалик долзарб эканлиги намоён бўлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирги пайтда мамлакатимизда умумий фойдаланилган сув ресурсларининг 90% идан ортиқроқ қисмидан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилаяпти, умумий фойдаланилган сув ресурсларининг солиққа тортилган қисми 10% га ҳам етмаяпти. Бунинг асосий

---

<sup>103</sup> Сангилова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н. ... дис. автореферати. – Т.: БМА, 2012. – Б.8.

<sup>104</sup> Сангилова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н. ... дис. автореферати. – Т.: БМА, 2012. – Б.8.

сабаби эса кишлок хўжалиги корхоналари томонидан солиқ солиш базасини аниқлашда асос бўладиган сув хажмларининг аниқ ҳисоб китобларини йўқлигидир.

Фикримизча, юқорида таъкидланганидек, кишлок хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш тартиби қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу субъектларга нисбатан мақкур солиқ тўлаш тартибини улар мамлакатимизда истеъмол қилинаётган сув ресурсларининг асосий истеъмолчилари эканлигини, даромад олиши мавсумийлигини эътиборда тутган ҳолда жорий этмок лозим. Бизнингча, кишлок хўжалиги корхоналарининг сув ресурсларидан фойдаланиш даражасига қараб солиққа тортиш тизими яратилмас экан, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга қаратилган солиқ механизми самарадорлигини тўлиқ таъминлашга эришиб бўлмайди.

2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларнинг таркиби ва солиққа тортиш базасига аниқлик киритиш. Маълумки, илмий ишимизнинг олдинги қисмларида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиққа тортиш базаси ва уни тўловчилар хусусида фикр билдира туриб, амалдаги тартибга биноан “юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув хажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, уша юридик шахслар солиқ тўлайди”<sup>105</sup>, - деб таъкидлаган ва ушбу солиқнинг таъсирчанлигини ошириш йўналишида маълум бир захиралар бор, деб эътироф этган эдик.

Ҳақиқатдан ҳам эътибор бериладиган бўлса, юқорида тартибда сув ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланган субъект бу солиқни тўловчи ҳисоб-ланмасдан тегишли иш қайси юридик шахс учун бажарилган ва бу жараёнда сув ресурсларидан фойдаланилган бўлса, уша юридик шахс солиқ тўловчи ҳисобланапти. Бизнингча, бундай тартибнинг амал қилиши бошқа бир юридик шахс учун ишни бажараётган ва бу жараёнда сувдан фойдаланаётган юридик

---

<sup>105</sup> \* Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳрири. 444-модда.

шахс учун сув ресурсларидан самарали фойдаланишга мойилликни сусайтиради. Тегишли ишни бажараётган пайтда сув ресурсларидан самарали фойдаланишдан бу ишни бажараётган субъект манфаатдор бўлмаса, у бу ресурсни самарали ёки самарасиз сарфланишига бефарқ қараши мумкинлиги, табиий, албатта. Бозор муносабатлари ўз кучини тўлик намоён қилмаётган биздаги ҳозирги шароитда бу ўзининг кучини кўрсатиши ва сув ресурсларидан асоссиз равишда нооқилона фойдаланилишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, ҳақиқий бозор муносабатлари шароитида ресурсларнинг<sup>106</sup> самарали ишлатилиши масаласига бу ресурсдан бошқа учун фойдаланаётган томон ҳам, фойдаланаётган томон ўзининг ҳам бефарқ қараш ҳуқуқига эга эмас. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, бу ерда “юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўламайди” деган тартибни юз фоиз қўллаб-қувватлашнинг иложи йўқ. Бундай тартибнинг ўрнатилиши бозор иқтисодиёти тамойилларига маълум маънода зиддир. Шунинг учун ҳам “Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайди” деган тартиб ҳам юқорида қайд этилган тартиб каби, фикримизча, такомиллаштиришга муҳтож.

Шу муносабат билан, бу ўринда муаммони ҳал этишга сув ресурс-ларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш нуктаи назаридан қараладиган бўлса, у ҳолда тегишли иш бажарилишига масъул бўлган ҳар иккала томон ҳам бу солиқни тўловчи сифатида майдонга чиқмоғи лозим. Буни таъминлаш учун эса “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳрири” 444-моддасининг 8-банди “Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар ушбу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша

<sup>106</sup> Бу ерда, жумладан, сув ресурслари ҳам назарда тутилаяпти.

юримдик шахслар солик тўлайди” тахририда эмас, балки куйидаги тахрирда бўлмоғи лозим: “Юримдик шахсларнинг худудида таъмирлаш-курилиш ва бошка ишларни бажарувчи солик тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни тўловчи хисобланади. Таъмирлаш-курилиш ва бошка ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юримдик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юримдик шахслар ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни тўловчи хисобланиши керак. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик-нинг хисобланган суммаси тегишли жараёнда иштирок этувчилар ўртасида келишилган тартибга мувофиқ тузилган шартномага асосан тақсимланиши ва тўланиши лозим”. Фикримизча, бундай тартибнинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради.

Бирок, юкорида биз томонимиздан тақлиф қилинаётган вариантнинг қабул қилиниши ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг хисобланган суммаси тегишли жараёнда иштирок этувчилар ўртасида келишилган тартибга мувофиқ тузилган шартномага асосан тақсимланса ва тўланадиган бўлса, бошка бир муаммо келиб чиқади. Гап бу ўринда шу солик суммаси тақсимланишининг тегишли жараёнда иштирок этувчилар ўртасида шартномада қандай нисбатда акс этиши устида кетаяпти.

Бизнингча, бунинг бир неча вариантлари бўлиши мумкин. Ана шундай вариантларидан бири сув ресурсларидан фойдаланганлик учун хисобланган солик суммасининг шу жараён иштирокчилари ўртасида тенг нисбатларда, яъни 50:50 нисбатда тақсимланишидир. Тегишли шартномада бундай тартиб қўзда тутиладиган бўлса, у ҳолда, ҳеч бўлмаганда, унинг иштирокчилари ўртасида сув ресурсларидан самарали фойдаланишда бир хил даражада масъул бўлиш таъминланади. Бу, албатта, яхши. Лекин юкоридаги ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликни тўловчилар масаласи биз тақлиф этган вариантда аниқланадиган бўлса, бу солик суммаси унинг тўловчилари ўртасида тенг тақсимланиши, фикримизча, солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилига тўлиқ мос келмайди. Чунки тегишли таъмирлаш-курилиш ва бошка ишлар бу ишни бажараётган юримдик шахс учун

эмас, балки буюртмачи юридик шахс учун бажарилаяпти. Шунга кўра, тегишли ишлар бажарилганидан сўнг унинг натижаси буюртмачи юридик шахс тасарруфида бўлади. Бизнингча, бу ҳолат сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммасини унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш ва уни тегишли шартномада акс эттиришда ҳисобга олиниши керак. Бунда юқорида қайд этилган ва бўлиши мумкин ҳисобланган 50:50 нисбатни буюртмачи юридик шахс эмас, балки ишни бажарувчи юридик шахс фойдасига ҳал қилиб, 40:60 ва 30:70 ёки қурилиш нормативларидан келиб чиқиб, қурилишга сарфланган сув ҳажмидандан келиб чиқиш ва ҳ.к. вариантлардан фойдаланиш турли хил мунозараларга олиб келиши ва муаммо ўз ечимини топмаслик эҳтимоли мавжуд. Чунки бу ҳолда шартнома иштирокчилари ўз манфаатларидан келиб чиқиб, муаммони ўз фойдаларига ҳал этишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Шунинг учун, фикримизча, бунинг энг оқилона вариантини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ: агар тегишли ишларни бажаришда ишни бажарувчи томон сув ресурсларидан ўрнатилган меъёрлар доирасида фойдаланса, у ҳолда сув ресурсларидан фойдаланилгани учун солиқнинг ҳисобланган суммасини тўловчи иш ким учун бажарилган бўлса, ўша бўлиши керак. Таъкидланган тартибдан фаркли ўлароқ, тегишли ишни бажаришда ишни бажарувчи томон сув ресурсларидан меъёрдан ортиқча фойдаланганда, у меъёрдан ортиқча фойдаланилган сув учун бу солиқни тўловчи сифатида майдонга чиқмоғи лозим.

3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солина-диган базаси. Маълумки, Монографиямиз 4-бобининг 1-параграфида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг солиқ солинадиган базаси сифатида фойдаланилган сув ҳажми хизмат қилади, деб таъкидлаб, уни белгилаш чоғида, жумладан, қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим: “сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бирламчи бухгалтерия ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбоблари кўрсаткичлари асосида аниқланиши керак. Сув ресурсларидан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда унинг ҳажми а) сувдан фойдаланиш лимитларидан; б) сув истеъмолининг технологик ва санитария меъёрларидан; в) экинлар ва дов-дарахтларни суғориш

меъёрларидан ва г) маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошка усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур”лигини кайд этиб, “ана шу кайд этилган ҳолатда ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ таъсирчанлигини кучайтиришнинг маълум бир захиралари мавжуд”, деган фикрни билдирган эдик.

Таъкидлаш жоизки, ҳақиқатдан ҳам юқоридаги ҳолатларга жиддий ва синчковлик билан эътибор бериладиган бўлса, кайд этилган ҳолатда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш борасида бир неча захиралар борлигини аниқлашимиз мумин. Бу ўринда аввало, гап “сувдан фойдаланишнинг бирламчи бухгалтерия ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланиши” хусусида кетаяпти. Бундай шароитда “сув ўлчагич асбоблари кўрсаткичлари” даражасига солиқ тўловчиларнинг шундай ўлчагич асбоблари билан тўлик таъминланганлиги, бу ўлчагичларнинг техник аҳволи, хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш даражасининг ҳаққоний аниқланишини таъминлаш масалаларини тўғри ҳал этмасдан туриб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш хусусида гапириш ҳамма вақт ҳам ўз маъносига эга бўлавермайди.

Бу ўринда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтиришнинг маълум бир захиралари, назаримизда, “Сув ресурсларидан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган такдирда унинг ҳажми а) сувдан фойдаланиш лимитларидан; б) сув истеъмолининг технологик ва санитария меъёрларидан; в) экинлар ва дов-дарахтларни суғориш меъёрларидан ва г) маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошка усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши зарур”лигида ҳам мужассам. Чунки солиқка тортилиши лозим бўлган сув ресурсларининг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланиш лимитларига боғлиқ экан, бундай шароитда бу лимитнинг ҳаққоний даражасини ўрнатиш<sup>107</sup> осон эмас ва у алоҳида аҳамият касб этиши,

---

<sup>107</sup> Сувдан фойдаланиш лимитларининг ҳаққоний даражасини ўрнатиш жуда мураккаб масала бўлиб, уни ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган жиҳатлари илмий тадқиқотларимиз чегарасидан четга чиқади ва шу боис бу хусусда батафсил тўхталиб ўтирмаймиз.



табий. Бу лимитнинг сохта ёки асосиз ўрнатилиши, бир томондан, сув ресурсларидан нооқилона фойдаланишга ва иккинчи томондан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ таъсирчанлик даражасининг пасайишига ҳам олиб келади.

Ушбу муаммонинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Гап шундаки, сув ресурсларидан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитлари асосида аниқланадиган бўлса, у ҳолда сув ресурсларидан лимитдан ортиқча фойдаланилганда уни солиққа тортиш масаласи қандай ҳал этилиши керак, деган муаммо пайдо бўлади. Шу муно-сабат билан, бизнингча, агар шундай ҳолат вужудга келадиган бўлса, у ҳолда сув ресурсларидан белгиланган лимитдан ортиқча фойдаланилганда унинг лимитдан ортиқча қисмига нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкаси юқорирок тарзда ўрнатилмоғи лозим. Худди шундай ёндашув а) сув истеъмоли технологик ва санитария меъёрларидан ва б) экинлар ва дов-дарахтларни суғориш меъёрларидан ошганда ҳам бўлиши керак. Фикримизча, муаммони ҳал этишга бундай ёндашув сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлик даражасини кучайтиришга хизмат қилган бўлур эди.

4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкалари. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини бюджет даромадларини шакллантириш ва хўжалик юритувчи субъектлар (ушбу солиқни тўловчилар)нинг молиявий натижаларига таъсири нуктаи назаридан кучайтириш масаласини бу солиқнинг ставкаларисиз ҳал этиб бўлмайди. Албатта, барча солиқларда бўлгани сингари, бу солиқда ҳам унинг таъсир-чанлик даражаси, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, шу солиқ ставка-сининг даражасига тўғри мутаносиб. Солиқ ставкасининг юқори даражада-лиги унинг таъсирчанлик даражаси ҳам юқорилигидан дарак беради. Лекин бундан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида унинг ставкасини кескин ошириш керак, деган хулосага келиш мақсадга мувофиқ эмас.

Таъкидлаш керакки, тадқиқот ишимизнинг 4.1-параграфида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг амал қилиш механизмини таҳлил қила туриб ва эътиборни, жумладан, ушбу солиқ ставкаларига қаратиб, уларнинг табақалаштирилган тарзда

Ўрнатилаётганлиги ва бу жараёнда сув ресурслари қандай манбалардан (ер ости ёки ер усти) олинаётганлиги ҳамда ушбу солиқни тўловчилар тоифалари эътиборда тутилаётганлиги, бу солиқнинг таъсирчанлигини ошириш нуқтаи назаридан бир қанча захиралар борлигини қайд этган эдик. Энди эътиборимизни ана шу масалани батафсирироқ кўриб чиқишга қаратиб дастлаб монографиямиз 4-бобидаги 4.1-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида 4.9-жадвални туздик.

4.9-жадвалда келтирилган ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставка-лари ҳамда уларнинг ўзгаришини характерловчи маълумотларни таҳлил қилиш натижасида ушбу солиқнинг таъсирчанлигини кучайтиришга бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкаларига таҳлил қилинаётган давр мобайнида солиқ тўловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан деярли бир хил суръатларда ўзгариш хос. Масалан, бу ставкаларнинг ўзгариши 2009 йилда 2008 йилдагигага нисбатан 1,25 баравар, 2010 йилда 2009 йилдагигага нисбатан 1,15 баравар, 2011-2017 йилларда эса, уларнинг ҳар бирининг олдинги йилга нисбатан 1,3 баравар ортганлиги билан ажралиб туради. Бирок, бу хулосани 2008-2019 йиллар оралиғидаги ҳар бир йил учун солиқ тўловчиларнинг барча тоифаларига нисбатан, қатъий тарзда, бир хилда деб бўлмайди. Бу ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставканинг 2009-2012 ва 2015 йиллардаги даражасига эътибор бериладиган бўлса, яққол кўринади;



- таҳлил ишлари амалга оширилаётган давр (2008-2019 йиллар)нинг 2009 йилида 2008 йилдагига нисбатан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкалари юқори даражада, яъни олдинги йилдагига нисбатан 2,3 барабар юқори қилиб ўрнатилган бўлса-да, кейинги йилларда (2014 йилгача) унинг ўзгариш суръатлари жадал ўсган ва ўртача 4 барабар оралиғида бўлган. Бу, фикримизча, унга нисбатан олдиндан эҳтимолини аниқлаш имкони бўлган сиёсатнинг етарли даражада юритилмаётганлигидан далолатдир. Бу 2014 йилга тегишли маълумотларни олдинги - 2008 йил ва кейинги - 2020 йил рақамлари билан таққослаш натижасида ҳам аниқлаш мумкин. Худди шундай фикрни ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлок хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставканинг 2015 йилги маълумотига нисбатан ҳам билдириш мумкин;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкалари ушбу солиқни тўловчилар тоифаларига нисбатан турлича. Унинг даражаси 2008 йилда 0,9 сўмдан (ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлок хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставка) 17,3 сўмгача (иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари (4.9-жадвалнинг 2-4-бандларида кўрсатилганлардан ташқари) учун ўрнатилган ставка) тебранган бўлса (ўзгариш диапазони – 16,5 сўм, фарқи – 20,3 марта), унинг 2019 йилги даражаси, мос равишда 410 сўм ва 21 900 сўмга (ўзгариш диапазони – 21 490 сўм, фарқи – 53,4 марта) тенг бўлган. Бу, ўз навбатида, солиқнинг ушбу ставкасини ана шу тартибда ўрнатиш орқали сув ресурсларининг ер усти манбаларидан фойдаланишга нисбатан бу солиқнинг тўловчиларига турлича сиёсат юритилаётганлигига, ниҳоят, барҳам берилганлигидан далолат беради;

- таҳлил даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкаларининг ўзгариш суръатлари ушбу солиқни

тўловчиларнинг дастлабки уч тоифаларига (4.9-жадвалнинг 1-устунидаги 1-3-лар) нисбатан йилма-йил ва 2008 йилга нисбатан таккосланганда ҳам деярли бир хил бўлган. Бирок бундай фикрни солиқ тўловчиларнинг 4-тоифасига нисбатан (ягона ер солигини тўлашга ўтмаган кишлок хўжалиги корхоналари, деҳкон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставка) билдириб бўлмайди. Чунки бу тоифа солиқ тўловчилари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкаларига ўзгарувчанлик хос. Уларнинг 2009-2020 йиллардаги ўсиш суръатлари дастлабки уч тоифага кирувчи солиқ тўловчиларга тегишли бўлган ставкалар даражасининг ўсиш суръатларидан бирмунча (3-25 ф.п.га) юқорилиги билан ажралиб туради. Шундай фикрни 2009-2020 йиллар маълумотларини 2008 йилга тегишли, маълумотлар билан таккослаб туриб ҳам айтиш мумкин. Чунки шу йилларда дастлабки уч тоифа солиқ тўловчилари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурсларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкалари 2008 йилдагига нисбатан деярли бир хил (мос равишда, 225,0 фоиз ва 260,0 фоиз) суръатларда ўсган бўлса, унинг тўртинчи тоифа солиқ тўловчилари учун бу ставкаларнинг ўсиш суръатлари юқорирок, чунончи, 2009 йилда 234,0 фоизга (фарқи - 9,0 ф.п.га) ва 2010 йилда эса 277,0 фоизга (фарқи - 17,0 ф.п.га) тенг бўлган. Шунингдек, 2011-2012 ва 2015 йилларга тегишли бўлган рақамлар ҳам бу йўналишда сезиларли фарқлар борлигидан далолат бермоқда. Бу, албатта, ўзига хос сабаблари бор. Улар ўзига хос тарзда ушбу масалага нисбатан юргизилаётган солиқ сиёсатини ўзида мужассам этади.

Шуниси характерлики, 4.9-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида юқорида келтирилган хулосалар фақат сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурслари ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкаларигагина эмас, балки ер ости манбалари учун ўрнатилган ставкалари учун ҳам хосдир. Буни 4.10-жадвал келтирилган маълумотларини тадқиқ этиш асосида аниқлаш мумкин. Қисқаси, юқорида қайд этилган хулосалар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурслари ер усти ва ер ости манбалари учун ўрнатилган ставкаларга ҳам

тегишли бўлиши мумкин. Уларга асосланган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ таъсирчанлигини оширишнинг маълум захиралари ушбу солиққа нисбатан ставкаларнинг белгиланиш тартиби, бу жараёнда солиқ тўловчиларнинг алоҳида олинган тоифаларига нисбатан ставкалар турлича нисбатда ўрнатилаётганлиги, муайян даврда ўзгариши турлича суръатдалиги билан белгиланади. Шунинг учун ҳам сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини оширишда қайд этилган жихатларга эътибор бериш фикримизча, қўзланган мақсадга эришиш имкониятлари кенгайтиради.

Таҳлил натижаларидан кўриндики, бу солиқ ҳозирги пайтда бюджет даромадларини шакллантиришга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига сезиларли таъсир этмаяпти. Бундай шароитда у таъсирчанлиги мамлакат миқёсида қабул қилинадиган иктисодий (солиқ) сиёсатда бу масалага қандай ўрин берилганлигига ва уни бу борада қандай қарор қабул қилинганлигига боғлиқ. Агар бу сиёсатда республикамиз учун сув ресурслари такчиллиги, унинг даражаси кейинги йилларда янада ошиб бориши мумкинлигига, бу ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш масалаларига устуворлик бериладиган бўлса, у ҳола бу борадаги муаммоларни ҳал этишда давлатнинг қўлидаги энг муҳим дастаклардан бири сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўлиб қолади. Аммо бу солиқнинг ҳозирги даражаси, таъсирчанлиги фикримизча, қўйилган мақсадга эришиш учун етарли эмас.

Ўзбекистонда суғур ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг суғур ресурсларининг ер ости манбалари учун ўрнатилган ставкалари ва уларнинг 2008-2020 йилларга ўзгариши (1 метр куб учун ставка (сўмда))

Тур	Солиқ бўлиқлари	Йиллар										2017 йил	2018 йил	2020 йил	
		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил				
1.	Иттифоқчи борага тармақларида қорғоқлар, Су-4 болларга қўрилган қилардан ташқари) учун ўрнатилган ставка	22,0	21,5	11,6	37,9	45,5	54,6	66,5	78,6	90,1	108,5	134,8	115,02	120,19	170,0
2.	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	x	125,00	114,91	119,94	120,05	120,06	119,96	120,06	115,01	120,02	115,02	120,19	113,31	
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %да	x	125,00	141,64	172,27	106,82	107,27	107,73	107,27	107,73	107,27	107,73	107,27	107,73	107,27
3.	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	7,4	9,1	10,7	12,8	15,4	18,5	22,3	26,6	30,6	36,7	42,2	50,1	60,0	60,0
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	125,68	115,05	119,63	120,11	120,11	120,00	119,82	115,04	119,93	119,49	119,48	120,00	
3.	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	125,68	144,59	172,97	108,11	109,06	109,06	109,46	115,01	119,85	120,27	119,48	120,00	
	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	0,2	15,4	17,7	21,2	25,4	30,5	36,6	43,9	50,9	60,6	69,7	80,0	90,0	
3.	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	129,20	114,94	119,77	119,81	120,08	120,00	119,95	115,95	119,06	118,42	114,78	112,90	
	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	x	129,20	147,00	172,36	106,50	247,97	297,56	356,91	413,82	492,68	586,67	650,41	731,71	
4.	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	1,1	1,3	1,5	1,8	2,2	2,6	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	3,1	
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	123,81	115,38	120,00	127,22	118,18	119,21	119,21	115,01	120,02	118,40	119,44	115,00	
5.	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	x	123,81	102,86	171,43	210,53	247,62	290,34	348,57	413,82	492,68	586,67	650,41	731,71	
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	123,81	102,86	171,43	210,53	247,62	290,34	348,57	413,82	492,68	586,67	650,41	731,71	
6.	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	
6.1	– унинг оқлини йил ва июндаги ўзгариши, %дан	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	
	– унинг 2008 йилда индексига ўзгариши, %дан	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	x	

\* Мақрури қорғоқлардан фойдаланганлик учун солиқнинг суғур ресурсларининг ер ости манбалари учун ўрнатилган ставкалари ва уларнинг 2008-2020 йилларга ўзгариши

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини, юкорида таклиф этганимиздек, солиққа тортиш базасини, солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш ва янада аниқ (конкрет)лаштириш орқали ошириш мумкин. Унинг солиққа тортиш базасини кенгайтириш амалдаги тартибга мувофик такдим этилаётган тегишли имтиёзларга ҳам бориб такалади. Бунда асосий эътибор берилиши кўзда тутилган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш ва уларнинг сони ва турларини камайтиришга қаратилган бўлиши керак. Бу таклифимизнинг амалиётга жорий этилиши фақат бюджет даромадларини шакллантириш нуктаи назаридан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириши мумкин, шу солиқни олдиндан тўлаб келаётганларнинг фаолиятларига эса деярли таъсир кўрсатмайди. Бундай шароитда уларга нисбатан ушбу солиқ таъсирчанлигини ошириш учун иккинчи вариант таянган, яъни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини оширишга маъқул. Фикримизча, куйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин: сув ресурслари такчиллиги ва унинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги; сув ресурсларидан фойдаланиш масаласи, кейинги йилларда, сиёсий тус олаётганлиги; амалиётда сув ресурсларидан ҳамон оқилона, тежаб-тергаб ва самарали фойдаланилмаётганлиги; сув ресурсларининг белгиланган меъёрлардан ортикча сарфланишига йўл қўйилаётганлиги; бу ресурслардан фойдаланганлик учун олинадиган солиқнинг уни тўловчилар фаолиятлари молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмаётганлиги; сувдан фойдаланишда сарфланган сув хажмларини ўлчаш асбобларидан фойдаланмаслик; у ўз вазифаларини старли даражада муваффақиятли бажаролмаётганлиги ва бошқалар.

Назаримизда, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини ошириш жараёни тадқиқотимизнинг ана шу параграфи доирасида баён қилинган йўналишларда такомиллаштирилиши унинг олдига қўйилган вазифалар муваффақиятли бажарилишига муносиб хиссаси қўшилган бўлур эди.

Юкорида қайд этилган айрим ҳолатларни эконометрик нуктаи назардан математик моделлаштиришга уриниб кўрайлик.



Маълумки, ҳозирги пайтда давлат бюджетини режалаштириш жараёнида солиқ тўловчилар сони, солиқ ставкалари, тегишли солиқларнинг олдинги йиллардаги режалаштирилган суммалари ва ҳ.к.лар ҳисобга олинади. Шу муносабат билан улар ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлашда математик усуллардан фойдаланган ҳолда истикбол даврга мўлжалланган илмий прогнозлар ишлаб чиқиш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирини ўрганиш учун монографиямизнинг ушбу қисмида эконометрик моделлардан фойдаланилди. Таҳлил учун Республикамиз ҳудудларининг 2006-2019 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланилди<sup>110</sup>.

1-жадвал

### Тасвирий статистика.

Ўзгарувчилар	Кузатув	Ўртача	Стд. Чет.	Мин	Макс
$rgdp_{it}$	196	9.30	0.82	7.29	11.22
$ragnar_{it}$	182	8.67	0.93	6.53	10.29
$rssoliq_{it}$	196	1.34	1.55	-1.98	4.90
$stavka_{it}$	196	-16.85	2.77	-20.07	-12.71
$suvmiqdori_{it}$	196	17.10	2.35	12.39	20.97

Юқорида ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси келтирилган бўлиб, барча кўрсаткичлар реал ҳолатга келтирилган ҳолда натурал логарифм олинган. Бунда,  $rgdp_{it}$  –  $i$  ҳудуднинг  $t$  даврдаги реал ЯИМ,  $ragnar_{it}$  –  $i$  ҳудуднинг  $t$  даврдаги реал кишлоқ хўжалик маҳсулоти,  $rssoliq_{it}$  –  $i$  ҳудуднинг  $t$  даврдаги сув бўйича реал солиқ тушумлари,  $stavka_{it}$  – реал солиқ ставкаси,  $suvmiqdori_{it}$  –  $i$  ҳудуднинг  $t$  даврдаги фойдаланилган сув миқдори.

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика ва Солиқ Қўмитасидан олинган статистик маълумотлардан фойдаланилди.

## Корреляция матричаси

	$rgdp_{it}$	$ragrar_{it}$	$rssoliq_{it}$	$stavka_{it}$	$suvmiqdori_{it}$
$rgdp_{it}$	1.00				
$ragrar_{it}$	0.93	1.00			
$rssoliq_{it}$	0.37	0.18	1.00		
$stavka_{it}$	0.73	0.76	0.28	1.00	
$suvmiqdori_{it}$	-0.41	-0.56	0.41	-0.76	1.00

Юкоридаги корреляция матричасидан кўриш мумкинки, фойдаланилган сув миқдори реал ЯИМ, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва сув бўйича солиқ ставкалари билан тескари боғлиқликка эга. Сув бўйича солиқ ставка ошиши сув истеъмолини камайтиради, аммо шу билан бирга сув бўйича солиқ тушумларини оширади.

Худудларнинг реал ЯИМга сув бўйича солиқ ставка таъсири ўрганиш ҳамда сувдан самарали фойдаланишга сув бўйича солиқ ставка таъсири ўрганиш учун қуйидаги икки эконометрик моделдан фойдаланилди.

$$\Delta rgdp_{it} = \alpha + \beta_1 rgdp_{it-1} + \beta_2 \Delta rssoliq_{it} + \beta_3 \Delta ragrar_{it} + \varepsilon \quad (1)$$

$$\Delta ragrar_{it} = \alpha + \beta_1 ragrar_{it-1} + \beta_2 \Delta stavka_{it} + \beta_3 \Delta rssoliq_{it} + \beta_4 suvmiqdori_{it} + \beta_5 \Delta rgdp_{it} + \varepsilon \quad (2)$$

$$suvmiqdori_{it-1} = \alpha + \beta_1 suvmiqdori_{it-1} + \beta_2 stavka_{it} + \beta_3 \Delta ragnar_{it} + \beta_4 \Delta rgdp_{it} + \varepsilon \quad (3)$$

Юқоридаги моделларнинг регрессия натижалари куйидаги жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Модел (1) регрессия натижалари

$\Delta rgdp_{it}$	ФЭ [1]	ТЭ [2]	ФЭ [3]	ТЭ [4]
$rgdp_{it-1}$	-0.027** -0.01	-0.027** -0.01	-0.059*** -0.008	-0.059*** -0.008
$\Delta rssoliq_{it}$	0.003 -0.007	0.003 -0.007	0.004 -0.007	0.004 -0.007
$\Delta ragnar_{it}$	0.332*** -0.068	0.332*** -0.068		
$\alpha$	0.351*** -0.099	0.351*** -0.099	0.703*** -0.076	0.703*** -0.076
Кузатувлар	169	169	182	182
$R^2$	0.549	0.549	0.177	0.177

Юқоридаги регрессия натижаларидан кўриш мумкинки, сув бўйича солиқ тўловлари ҳудудлар ЯИМида катта улушга эга бўлмаганлиги учун сув бўйича солиқ тўловлари ўсишининг ҳудудлар реал ЯИМ ўсишига таъсири ижобий бўлсада, улар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг реал ўсиши ҳудудларнинг реал ЯИМ ўсишига таъсири ижобий ҳамда статистик жиҳатдан юқори аҳамиятга эга. Натижаларга кўра, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари реал қиймати ўсишининг бир бирликка ортиши ҳудудлар реал ЯИМини ўртача 0,33 бирликка оширади.

Модел (2) регрессия натижалари

$\Delta r_{agr_{it}}$	ФЭ [1]	ТЭ [2]	ФЭ [3]	ТЭ [4]
$r_{agr_{it-1}}$	-0.062*** -0.011	-0.053*** -0.008	-0.063*** -0.011	-0.053*** -0.008
$\Delta stavka_{it}$	-0.002 -0.004	-0.005 -0.004	-0.003 -0.004	-0.005 -0.004
$\Delta r_{ssoliq_{it}}$	-0.009 -0.013	0.005 -0.011		
$suvmiqdori_{it}$	0.010* -0.005	0.007** -0.003	0.009* -0.005	0.007** -0.003
$\Delta r_{gdp_{it}}$	-0.484*** -0.103	-0.490*** -0.104	-0.484*** -0.103	-0.491*** -0.103
$\alpha$	0.612*** -0.18	0.588*** -0.109	0.640*** -0.17	0.582*** -0.104
Кўзатувлар	169	169	169	169
$R^2$	0.409	0.404	0.408	0.405

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув ресурсларининг роли юқори. Юқоридаги жаdвалда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ўсишининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиймати ўсишига таъсири эмпирик баҳоланган. Натижаларга кўра, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг ўсиши ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг ўсиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари реал қиймати ўсишига салбий таъсири мавжуд бўлсада, қиймат ҳам иқтисодий ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас. Яъни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг ўсиши қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмаган.

## Модел (3) регрессия натижалари

$sumiqdori_{it}$	M5	M6	M7	M8
$\Delta stavka_{it}$	-0.97*** -0.03	-0.96*** -0.03	-0.98*** -0.03	-0.98*** -0.03
$sumiqdori_{it-1}$	-0.01 -0.03	-0.03** -0.01		
$\Delta rgdp_{it}$	0.16 -0.23	0.15 -0.21	0.14 -0.2	0.09 -0.19
$\Delta ragrar_{it}$	0.1 -0.11	0.16 -0.14	0.05 -0.16	0.04 -0.16
$\alpha$	0.43 -0.44	0.70*** -0.26	0.25*** -0.04	0.26*** -0.05
Кузатувлар	169	169	169	169
$R^2$	0.83	0.83	0.83	0.83

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг ўсиши сув истеъмоллини сезиларли даражада камайтирган. Натижа, статистика жиҳатдан юқори даражада аҳамиятли. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкасининг ошиши сув ресурсларидан самарали фойдаланишга олиб келган бўлиб, солиқ ставкаси ошиши билан сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси камайган бўлсада, реал ЯИМ ва реал кишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати камаймаган. Сув ресурсларига солиқ ставкасининг 1% га ошиши сув ресурсларидан фойдаланишни ўртача олганда 0,38 млн кубга камайтирган.

## Тўртинчи боб бўйича хулосалар

1. Бозор иктисодиёти шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбат (стимул)лаштирувчи дастаклардан бири сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўлиб, ўз

олдига қўйилган вазифани қандай бажариши мумкинлиги, аввало, унинг амал қилиш механизми орқали намоён бўлади;

2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлиги ва уни кучайтириш: а) бу солиқни тўловчилар, солиққа тортиш объекти ва базаси, уни аниқлаш тартиби, имтиёзлар, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби; б) унинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларига қараб белгиланади;

3. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш макс-дида бу солиқнинг таъсирчанлигини ошириш масаласини унинг солиқ солиш объекти, табақалаштирилган ставкаларини ўрнатишнинг амалдаги тартиби, у бўйича берилган имтиёзлар гуруҳлари, турлари, кўринишлари, тақдим этилиш муддатлари ва таркиби, солиқ даври, уни тўлаш тартиби ва муддатидан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шуларда унинг таъсирчан-лигини кучайтиришнинг муҳим захиралари мавжуд;

4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг бюджет даро-мадларини шакллантиришдаги роли (таъсири) шу солиқ бўйича солиқ қарздорликлари суммаларига ҳам бевосита боғлиқ. Вазифа бюджет даромад-ларини шакллантиришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг родини ошириш лозимлиги тарзида қўйилган пайтда ушбу солиқ бўйича қарздорлик суммалари, албатта, ҳам мутлоқ (абсолют) суммаларда ҳам нисбий суммаларда, қатъий равишда йилдан-йилга пасайиб бориш тенденциясига эга бўлмоғи лозим;

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳўжалик юри-тувчи субъектлар фаолиятлари натижаларига таъсири қуйидагилар билан характерланади: а) ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларининг натижаларига таъсири сезиларли эмас; б) уларнинг молиявий натижаларига кескин салбий таъсир кўрсатаётганлиги сезилмайди; в) таъсири, таҳлил қилинган йиллар давомида, уни характерловчи барча кўрсаткичлар бўйича пасайиб бориш тенденциясига эга;

6. Амалиётда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ таъсирчан-лигини кучайтиришнинг икки йўналиши мавжуд. Уларнинг биринчиси ушбу солиқни тўловчилар фаолиятлари натижаларини яхшилаш ва иккинчиси эса, бюджет даромадларини

шакллантириш билан боғлиқ. Ҳар икки йўналишда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучай-тириш унинг амалдаги (амал қилиш) механизмига ўзгартиришлар киритишни тақозо этади;

7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг сув ресурс-ларининг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкалари ушбу солиқни тўловчиларнинг тоифаларига нисбатан турличадир. Бу, ўз навбатида, солиқнинг ушбу ставкасини ана шу тартибда ўрнатиш орқали сув ресурсларининг ер усти манбаларидан фойдаланишга нисбатан унинг тўловчиларига турлича сиёсат юритилаётганлигидан далолат беради. Бу хулосалар фақат сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ер усти манбалари учун ўрнатилган ставкалари учунгина эмас, балки ер ости манбалари учун ўрнатилган ставкалари учун ҳам ҳосдир;

8. Мамлакатимиз сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳозирги шароитда ва яқин келажакда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини кучайтиришнинг қуйидаги йўллари бўлиши мумкин: а) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар сафини кенгайтириш; б) солиқ имтиёзлари таркибини аниқлаштириш ва уларни камайтириш йўналишида қайта кўриб чиқиш; в) солиққа тортиш объектини кенгайтириш; д) солиқни тўлаш муддатларини ўзгартириш ва б.

## ХУЛОСАЛАР

1. Сув ресурсларининг факат кичик қисмигина фойдаланиш учун иктисодий нуқтаи-назардан ярқли. Уларнинг истеъмоли узлуксиз равишда ўсиб бормоқда. Сув ресурслари эса камаймоқда. Улар иктисодий ўсишни асосий чекловчилардан бирига айланмоқда;

2. Жаҳон бозори сув дефицити муаммосини сувни тежовчи ва сувни муҳофаза қилувчи технологияларни ривожлантириш ёрдамида ҳал қилмоқда. Ўз ички эҳтиёжларидан ошувчи сув ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қулай иктисодий вазиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон, афсуски, бундай мамлакатлар қаторига кирмайди;

3. Иктисодиёт реал сектори таркибий тузилмасини қайта қуришда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим роль ўйнайди. Бу сувдан фойдаланишнинг иктисодий, шу жумладан, молиявий механизмини ҳам такомиллаштиришни талаб қилади;

4. Маълум мақсад асосида фаолият кўрсатадиган, молиявий ресурс-ларни шакллантириш ва тақсимлаш усуллари ва дастакларидан фойдаланадиган молиявий муносабатлар тизимидан иборат бўлган хўжалик механизмининг бир қисмига молиявий механизм дейилади. Макро- ва микро-даражадаги молиявий механизмга тегишли бўлган барча муҳим (принципиал) масалалар сув хўжаликларининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмида ҳам ўз аксини топиши керак;

5. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида муаммолар кўп бўлишига қарамасдан бу ерда сув ресурс-ларини бошқариш амалдаги тизимини ўзгартиришнинг кўплаб йўллари бор. Халқаро тажрибага кўра, уларнинг орасида энг истиқболлиси, СРИБдир. Бирок, бунда илғор хорижий амалиёт ва услубиётни кўр-кўрона қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Уларни Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган хусуси-ятларидан келиб чиқиб, мослаштириш зарур;

6. Сув ресурсларини бошқариш молиявий механизмининг асоси сифатида сув рентаси ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун қатъий тўлов-ларнинг асосий вазифаси сувдан фойдаланишни



оқилонлаштириш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бирок, бозор куч-лари экологик ва иктисодий агентлар ўртасида адолатли муносабатларни давлатнинг кескин қўллаб-қувватлашисиз таъминлашга қодир эмас;

7. Мамлакатимиз иктисодий салоҳиятини белгилашда аграр соҳанинг муҳим ўрин тутиши, Орол денгизи билан боғлиқ бўлган муаммолар, Марка-зий Осиё мамлакатлари ўртасида сув ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги муаммоларнинг кейинги йилларда янада ўткир-лашуви ва ҳ.к.лар Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш самара-дорлигини оширишга нисбатан алоҳида муносабатнинг шаклланишини тақозо этади;

8. Давлат бюджетидаги юкломани енгиллаштириш учун сув ҳўжалиги инфратузилмасини хусусий сектор (фермерлар)га ўтказиш ва уни бошқариш тизимини сувдан фойдаланувчиларнинг ўзларига бериш бизнинг шароити-мизда давлатнинг кучли ёрдамисиз ўзини унчалик оқламайди. Бундан таш-қари сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал этишга нисбатан тегишли қарорлар қабул қилинаётган пайтда асосий кишлок ҳўжалиги экинлари бўлган пахта ва ғалланинг давлат буюртмаси асосида етиштирила-ётганлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак;

9. Сув ресурсларининг тақчиллиги шароитида улардан самарали фой-даланиш масаласини муваффақиятли ҳал этиш учун давлатнинг ихтиёрида бир неча дастаклар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида сув ресурсларидан фой-даланганлик учун солиқ энг маданийлашгани ва бозор иктисодиётининг за-монавий талабларига жавоб берадигани ҳисобланади.

Тадқиқот ишида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш учун дастлаб уни бошқариш-нинг умумий тизимида маълум бир ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгаришлар фойдаланиладиган сув учун тўловлар тизими, уни баҳолаш, ҳисоблаш ва ундириш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлик

коплаш, сувдан тўловли фойдаланиш тизимининг ҳисоб-китоб тартиблари бўйича масалаларга аниқлик киритиш, тўловлар сифатида ундирилган маблағларнинг тақсимланиши каби масалаларни камраб олиши керак;

2. Сув ресурсларидан фойдаланишни интенсивлаштириш, экстенсив сув истеъмолини давом эттиришдан воз кечиш ёки уни минималлаштириш; ишончли, хавфсиз ва барқарор сув таъминотини таъминлаш; сув объектларида сув сифатини қайта тиклашга йўналтирилган чоралар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; сувни тайёрлаш мажмуалари, ташлаб юбориладиган сувларнинг меъёрий сифат даражасини кафолатлаш учун саноат ва коммунал хўжалигида сувни тозалаш, қишлоқ хўжалигидаги суғориш тизимларининг техник даражасини кескин ошириш; эколого-иқтисодий ва иқтисодий-математик моделлардан фойдаланувчи ахборот-ҳисоблаш мажмуалари асосида сув ресурслари ва сув хўжалиklarини бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; сувдан фойдаланишнинг барча турларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган гидробашо-ратлар сифатини оширишни ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомил-лаштириш зарур;

3. Амалиётда қўлланилиши нихоятда мураккаб бўлишига қарамасдан сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришда сув рентасига алоҳида ўрин ажрати-лиши мақсадга мувофиқ. Сув рентаси табиий рентанинг бир кўриниши сифатида давлат даромадларининг таркибига бориб тушиши керак. У фойдаланувчи тармоқларга одатдаги тадбиркорлик фойдасини қолдирса бўлди. Ана шундай тартибнинг амал қилиши адолатли ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади;

4. Сув истеъмолчиларининг барчаси учун сув ресурсларига нисбатан баҳони белгилашда маҳаллий ҳудудий шароитлар ва сув истеъмолчиларининг жойлашган ўрни, сув ресурсларининг тақчиллиги ва унинг кучайиб бораётганлиги, олдиндан қатъий белгиланган лимитларга таяниш, лимит доирасида ва лимитдан ортиқ ишлатилган сув ресурсларига нисбатан баҳоларни табақалаштириш, мавжуд сув ресурсларининг ер ости ва ер усти сув ресурсларига бўлиниши, фойдаланувчи (истеъмолчи)ларнинг сув

ресурслари билан таъминланганлик даражаси ва ҳ.к.лар ҳисобга олиниши керак;

5. Сув объектларининг ифлослантирилганлиги учун тўловлар ва сувдан фойдаланишнинг экологик меъёрларини бузганлик учун жарималар сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизм-ларининг энг асосий элсментларидан бирига айланмоғи лозим. Бундай тўловлар ва жарималар миқдорини аниқлаш етказилган зарарнинг баҳосига мувофиқ ва тоифалаштирилган таъсирларнинг ўрталаштирилган баҳоси (ёки сувни муҳофаза қилиш харажатлари) асосида амалга оширилиши керак;

6. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш молиявий механизмнинг энг таъсирчан элементларидан бири сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчиларнинг таркиби ва доираси ушбу ресурслардан фойдаланганларнинг барчасини босқичма-босқич жалб қилиш йўналишида кенгайтирилиши, дахлдор барча омилларни инобатга олган ҳолда ушбу солиқ бўйича имтиёзлар тизими қайта кўриб чиқилиши, уларни амал қилиш доираси ўзгартирилиши, унинг ставкалари такомиллаштирилиши ва уни тўлаш муддатлари солиқнинг суммалари миқдорига мутаносиб равишда ўрнатилмоғи лозим.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Норматив-хукукий хужжатлар ва методологик аҳамиятга эга бўлган нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғриси-да”ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-қисм. –Т.: Шарқ, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. Янги таҳрири –Т.: “Адолат”, 2019. -692 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун ўзбекистон республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-589-сон Қонуни, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғри-сида”ги Қонуни, 1992.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, 1998.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар дав-рида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли Қарори, 2013 йил 19 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида лимитланган сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги 385-сонли Қарори, 1993 йил 3 август.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида сув омборлари ва бошқа сув хавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар,

шунингдек, ичимлик ва майший сув билан таъмин-лаш, даволаш ва маданий-соғломлаштириш вазифасидаги сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 174-сонли Қарори, 1992 йил 7 апрель.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув хўжа-лигини бошқариш ташкилотларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сонли Қарори, 2003 йил, 21 июль.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январда 6, 2002-10-сон билан тасдиқланган “Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1098 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-4-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январда 2020-03-сон билан тасдиқланган “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221).

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

15. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидги нутқ. - Тошкент: “Ўзбекистон” 2016. – 56 б.

16. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилад ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлар ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон” 2017. – 104 б.

17. Мирзиёев Ш.М. Ният улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент: Ўзбекистон, 2019.

18. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қара-масдан, олиб бораётган ислохотларни,

иктисодиётимизда таркибий ўзгариш-ларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир: 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. 2016 йил 16 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 64 б.

19. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўли-да хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

23. Каримов И.А. Каримов Т.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқи-рози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 56 б.

24. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

26. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох қилиш. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

27. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т., Ўзбекистон, 2000. 8 том. – 528 б.

28. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. -Т., Ўзбекистон, 1999. 7 том. – 410 б.

29. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Т., Ўзбекистон, 1998. 6 том.

30. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. - Т., Ўзбекистон, 1997. 5 том.

31. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. - Т., Ўзбекистон, 1996. 4 том. - 349 б.
32. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. - Т., Ўзбекистон, 1996. 3 том.
33. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. - Т., Ўзбекистон, 1996. 2 том. - 380 б.
34. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т., Ўзбекистон, 1996. 1 том. - 364 б.
35. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
36. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., Ўзбекистон, 1997. - 315 б.
37. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаш-тириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 296 б.
38. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард максадидир. - Т.: Ўзбекистон, 2007. - 200 б.
39. Абдуғаниев А. Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг айрим масалалари. - Т.: ТИҚХММИ, 2001.
40. Абдуллаханов Р.А. Ўзбекистонда сув хўжалиги комплекси ва унинг муаммолари. - Т.: 2002. - 144 б.
41. Гирусова Э.В. Экология и экономика природопользования - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 607с.
42. Григорьев Е.Г. Водные ресурсы России: проблемы и методы государственного регулирования. - М.: Научный мир, 2007 - 110 с.
43. Данилов-Данильян В.И. Обоснование стратегий управления вод-ными ресурсами. - М.: Научный мир, 2006 - 336 с.
44. Доклад ООН о развитии человека 2006. «Что кроется за нехваткой воды: власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов». - М.: Весь Мир, 2006. - 440 с.
45. Джалалов С.Ч. Орошаемое земледелие в условиях дефицита вод-ных ресурсов. - Ташкент, «EhinaENK», 2000. - 236 с.
46. Джалалов А.А. Управление водными ресурсами в Узбекистане - юридические основы и направления

совершенствования. Региональный консультативный семинар. Алматы, 2002.

47. Зиганшина Д. Закон о реках Японии № 164, 1965 года, в редакции 1997 года. – Т.: Научно-информационный центр МКВК, 2005 - 79 с.

48. Закон Бразилии «О национальной водной политике» 1997 года. - [http://www.cawater-info.net/library/rus/water/water\\_brazil.pdf](http://www.cawater-info.net/library/rus/water/water_brazil.pdf) (28 января 2011).

49. Интегрированное управление водными ресурсами (ИУВР) и планы эффективного водопользования (Цели 2005 в Плане Действий WSSD). - <http://www.berg.bendery.md/vp/mened/Water.pdf> (дата обращения 16.04.2011)

50. Карсв В.Б. и др. Экономика использования водных ресурсов в орошаемом земледелии. – М.: Колос, 1997. – С. 111-113.

51. Ковалевский В.С. Комбинированное использование ресурсов поверхностных и подземных вод. - М.: Научный мир, 2001. 331 с.

52. Макар С.В. Основы экономики природопользования. – М.: Институт международного права и экономики им. А.С.Грибоедова, 1998.

53. Марушевский Г.Б. Международный опыт сохранения рек: участие общественности. -К:Wetlands International Black Sea Programme, 2004. – 80 с.

54. Неверов А.В. Экономика природопользования. – Мн.: Выш. школа, 1990. -216 с.

55. Павлов П.Н. Государственное управление и регулирование в области природопользования, окружающей среды и сельского хозяйства в Финляндской Республике // Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование. 2007. № 1-2. С. 30-31.

56. Принципы интегрированного управления водными ресурсами. [http://www.water.kg/gazeta/news\\_36.htm](http://www.water.kg/gazeta/news_36.htm).

57. Султонов А.С. Сув ҳўжалиги иктисодиёти. Маърузалар матни. – Т.: ТИМИ, 2005.

58. Торкил Джонч-Клаусен. ИУВР и планы повышения эффективности водопользования. –М.: GWP TEC. 2004. – 24 с.

59. Тарлок Э.Д. Интегрированное управление водными ресурсами: теория и практика. – Б:НАТО, 2004. - 23 с.



60. Усманов Е. Водные ресурсы: рациональное использование. – М.: Экономика, 1987. – 252 с.
61. Ушаков Е.П. Рентные отношения водопользования в России. М.: Наука, 2008 – 303 с.
62. Юсупов Н.С. Аграрные реформы в Китае: достижения и проблемы. – Т.: Фан, 2005.
63. Абдуганиев А.А., Абдуганисв А.А. Қишлоқ хўжалиги иктисодиёти. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2004.
64. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. – М.: ТЕИС, 1997.
65. Ванн Б., П.Лаукс. Планирование и управление водохозяйственными системами. Введение в методы, модели и приложения. – М: Юстицинформ, 2009. – 658 с.
66. Данилов-Данильян В.И. Хранович И.Л. Управление водными ресурсами. Согласованиестратегий водопользования. - М.: Научный мир, 2010. – 232 с.
67. Данилов-Данильян В.И. Пряжинская В.Г. Водные ресурсы и качество вод: состояние и проблемы управления. - М.:РАСХН, 2010 – 415 с.
68. Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Потребление воды: эколого-гический, экономический, социальный и политический аспекты. М.: Наука, 2006. 221 с.
69. Данилов-Данильян В.И., Лосев К.С. Экологический вызов и устойчивое развитие. -М.: Прогресс-Традиция, 2000. 416 с.
70. Каюмов Ф.К., Ким В.Ч. Экономический механизм улучшения использования земельно-водных ресурсов. – Т.: Мехнат, 1989.
71. Федцов В.Г., Дрягилов Л.А. Экология и экономика природо-пользования / под ред. П.В.Забелина. – М.: изд-во РДЛ, 2002. – 232 с.
72. Хамраев Н.Р., Джамалов С.Ч., Экономика водосберегающих технологий орошений в Узбекистане.- Т.: Госкомводстрой РУз., 1990.- С. 78-82.
73. Абдурахимов И.Л. и др. Менеджмент в водном хозяйстве. – Т.: Шарк, 2003.
74. Абдурахимов И., Тошматов Х., Даулетов Е. Менежмент в водном хозяйстве. –Т.: Шарк, 2003.-25-36 б.

75. Ахунди М., Рахимов Э., Трушин Э. Эффективное использование воды и устойчивое развитие экономики. –Т.: САНИИРИ, 1998. – 74-77 б.

76. Агасандян Г.А., Гасанов И.И., Ерешко Ф.И. Новые подходы в проблеме комплексного управления водными ресурсами. М.: ВЦ РАН, 2003. 54 с.

77. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотлар ва фермерлик ҳаракати. –Т., ГДИУ, 2006.

78. Куатбаева Г.К. Чакликова Д.С. Ибраимханов Е.К. Хафизов Е.Б. Опыт Германии в управлении водными ресурсами [под ред. Папенова К. В.] — М.: Макс Пресс, 2000 - 89 с.

79. Конвенция ЕЭК ООН по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер (Хельсинки, 1992 г.). - <http://cawater-info.net/library/rus/lakes.pdf> (дата обращения 20.03.2011)

80. Конвенция ООН о праве несудоходных видов использования международных водотоков (Нью-Йорк, 1997 г.). - <http://cawater-info.net/library/rus/newyork.pdf> (муружаат куни 20.03.2011)

81. Протокол по проблемам воды и здоровья к конвенции по охране и использованию трансграничных водотоков и международных озер. (Лондон, 17 июня 1992 г.). -<http://cawater-info.net/library/rus/lakes2.pdf> (муружаат куни 20.03.2011)

82. Рафиков А.А., Абиркулов К.Н., Хожиматов А.Н. Табиатдан фойдаланиш иктисодиёти. – Т.: ГДИУ, 2004. -23 б.

83. Султонов А.С., Худойберганов З.Я., Кучкорова С.А. Сув хўжалиги иктисодиёти. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.

84. Структура управления водными ресурсами РФ. – Б.: ВСЕОМ/VER-Seau/OIEau Consortium, 2001. – 78 с.

85. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни. - Т.: Талкин, 2006. – 198 Б.

86. Системный подход к управлению водными ресурсами / Под ред. Бисваса А. Перевод на русский язык под ред. Н.Н. Моисеева. М.: Наука, 1985. 392 с.

87. Муминов Ш.Х. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини

такомиллаштириш. И.ф.д (DSc).. дис... автореферати. – Т.: 2020. 38 б.

88.Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. -27 б.

89.Исраилов Ш.Д. Социально-экономическая эффективность меро-приятий по охране водных ресурсов (на примере Ташкентской области). Дис...канд.экон.наук.-Т.: ТИНХ, 1987. – С. 115-120.

90.Маткаримов М. Сув тежовчи ва муҳофаза килувчи технология-ларни қўллаш жараёнларини бошқариш. И.ф.н... дис... автореферати. – Самарканд: 2006. -22 б.

91.Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтакавий хусуси-ятлари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2006. - 24 б.

92.Сангирова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжа-ликлари ўртасидаги иктисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2012. - 24 б.

93.Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаш-тириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий меха-низми. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. -30 б.

94.Вахобов А. ва бошқ. Бюджет-солик снѐсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2005. – 480 б.

95.Бурхонов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Маънавият, 2019. – Б 224.

96.Ходжалепесов П.З. Эффективность использования земельно-водных ресурсов и перспективы развития сельскохозяйственного производ-водства в Республике Каракалпакстан. Автореф.дис... к.э.н. – Н.: 2004. – 24 с.

97.Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойда-ланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2010. -24 б.

98.Алтисв А. Табиий ресурсларга солинадиган солиқлар тизимини шакллантириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2002. - №11. – Б.31.

99. Алтыев Т.А. Организационная структура управления водными ресурсами Аральского моря // Мелиорация и водного хозяйства, 2002. №1. –С.6-7.

100. Аганиёзов Б., Рахимов З. Сув ресурсларидан оқилона фойда-ланиш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2001. – №12. – Б.38-39.

101. Абдуллаханов Р.А. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2000. №10-11. –Б. 2-5.

102. Абдуллаханов Р.А. Ҳам сувдек сероб, ҳам сувдек кадрли бўлсин, халким // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2002. №4. –Б.52-55.

103. Абдуллаханов Р.А. Инсон ва сув сарфи // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2002. №3. –Б. 46-47.

104. Абдуллаханов Р.А. Ферганская долина – водные проблемы // Аграрная наука. – Москва, 2003. №12. –С.11-12.

105. Акназаров А. Управление водными ресурсами Узбекистана // Аграрная наука. – Москва, 2001. № 8. –С. 10-11.

106. Буздалов И. Природная рента как категория рыночной экономики. // Вопросы экономики. – Москва, 2002. - №3. –С.24-35.

107. Богачева Н.Ю., Хранович И.Л., Чэнь Ци. Обоснование стратегий рационального использования водных ресурсов в условиях риска // Инженер-ная экология, №6.2000. С.2-21.

108. Гадов Э., Аношкина В., Рудакова В. и др. Налогообложение ресурсов и имущества: реальность и противоречия // Экономическое обозрение. –Ташкент, 2002. -№3. – С.3-9.

109. Давлатов Р. Сув тақчиллиги ва аграр секторда ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш зарурияти. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2002. - №9. –Б.26-27.

110. Джалалов С. Дефицит водных ресурсов: проблемы и решения // Экология ахборотномаси. –Тошкент, 2001. №2. –С.12.

111. Духовный В.А., Соколов В.И. Водохозяйственные проблемы стран бассейна Аральского моря: десять лет сотрудничества и перспективы // Мелиорация и водного хозяйства. 2002. №1. –С. 28-31.

112. Духовный В.А. Водосбережение – главный фактор стабилизации развития региона бассейна Аральского моря // Ж. Мелиорация и водное хозяйство. 1999. №4. – С. 32-33

113. Духовный В.А. Новые тенденции в водной и экологической инженерии //Ж. Сельское хозяйство Узбекистана. - 1999. - №6. – С. 7-9.

114. Данилов-Данильян В.И. Вода – стратегический фактор развития экономики России // Вестник РАН. Т. 77. № 2. 2007. С. 108-114.

115. Данилов-Данильян В.И. Водные ресурсы – стратегический фактор долгосрочного развития экономики России (С кафедры Президиума РАН) // Вестник РАН.Т. 79, № 9. 2009. С.789-796.

116. Данилов-Данильян В.И. Дефицит пресной воды и мировой рынок // Водные ресурсы. Т. 32. № 5. 2005. С. 625-633.

117. Думное А.Д., Борисов С. С. Учет использования воды: основные этапы становления проблемы современного анализа // Бюллетень Использование и охрана природных ресурсов в России. № 9-10. 2003. С.37-64.

118. Жўраев А. Яқин шарқ ва Араб давлатларида сув танқислиги. // Жамият ва бошқарув 2010. 4-сон 130-131-бет.

119. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент: “Академия”, 2002. – 202 б.

120. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ., Молия: умумдавлат молияси. – Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. – 523 б.

121. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Тошкент: “Академнашр”, 2011. – 472 б.

122. Зайцева И.С. Некоторые региональные особенности использования водных ресурсов в современной России // Изв. РАН. Сер. геогр. № 5. 2001. С.17-27.

123. Зайцева И.С. Сравнительный анализ антропогенного воздействия на водные ресурсы России и США // Изв. РАН. Сер. геогр. № 4. 2003. С.77-85.

124. Камбаров Б., Молотков В. Проблемы водосбережения // Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент, 2001. №7-8. –С. 26-27.

125. Клюквин А.Н., Кумсиашвили Г.П., Семёнова-Ерофеева С.М. Регулирование поверхностных и подземных вод при

- их хозяйственном использовании (на примере бассейна Терека) // Водные ресурсы. № 1. 1981. С.56-63.
126. Ковалевский В.С. Принципы обоснования надёжности функционирования систем комбинированного использования ресурсов поверхностных и подземных вод // Водные ресурсы. Т. 30. № 6. 2003. С.758-764.
127. Кречетов Л.И. Системы экономического стимулирования водо-охраной деятельности предприятий. I. Платежи // Водные ресурсы. № 4. 1991а. С. 164—172.
128. Кречетов Л.И. Системы экономического стимулирования водо-охраной деятельности предприятий. II. Рыночные системы // Водные ресурсы. №5. 1996. -С. 174-184.
129. Латипов А. Ер, сув ва ер ости бойликларига гамхурлик. // Солиқлар ва боғхона хабарлари. – Тошкент, 2002. - №20.
130. Латипов А. Ер, сув ва ер остига доимий эътибор. // Солиқлар ва боғхона хабарлари. – Тошкент, 2003. -№12-14-15.
131. Латипов А. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ солишдаги янгиликлар. // Солиқлар ва боғхона хабарлари. – Тошкент, 2005. -№10-11.
132. Мирзасв Н.Н., Хорст М.Г. Водосбережение в орошении – стратегия рационального водопользования в Центрально-Азиатском регионе // Мелиорация и водное хозяйство, 2002. №1. –С. 71-73.
133. Махмудов Э.Ж., Сапарова М.К., Каримов С.И. Водные ресурсы Узбекистана: проблемы и пути их решения // Аграрная наука. – Москва, 2001. №6. –С.37-47.
134. Маткаримов М.М. Сув ресурсларини бошқаришнинг иктисодий усуллари // Ж. Илм сарчашмалари. -2003. №1. 47-48 б.
135. Нигмаджанов У.Х. Принципы формирования ассоциаций водо-пользователей в сельском хозяйстве // Аграрная наука, 2001. №1. –С.5-6.
136. Нигмаджанов У. Переход к водосберегающим технологиям – актуальная задача // Сельское хозяйства Узбекистана, 2001. №3. –С. 38-39.
137. Нуров И. Сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш. //Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2001. -№6. – Б.2-3.

138. Нигмаджанов У. Нужен ли Узбекистану Водный кодекс? // эконо-мическое обозрение. – Тошкент, 2001. -№6. –С.14-17.

139. Олимжонов О.О. СФУ – уларнинг ташкилий ва молиявий фао-лиятини такомиллаштириш // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. -Тошкент, 2003.-№3.– Б.4-5.

140. Олимжонов О.О. Оптимизация государственных расходов на финансирование экономики Республики Узбекистан (на примере водного хозяйства) // Доклад. Центр экономических исследований. – Ташкент, 2002/06. -С. 150.

141. Сафаров Ф. Налоговое регулирование использования природных ресурсов: зарубежный опыт и уроки для Республики Узбекистан // Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2004. -№2, -С.125-127.

142. Сафаров Ф. Табиий ресурслардан фойдаланиш учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. - Тошкент, 2005. -№6. – Б.11.

143. Сафаров И. Сув захираларидан оқилона фойдаланиш – замон талаби // Экология ахборотномаси, 2001. № 2. – Б.14-15.

144. Сангирова У.Р. Использование водных ресурсов на основе Ассо-циации водопользователей // Экономика и финансы. – М.: 2008. -№6. – С.36.

145. Сангирова У.Р. Сувдан фойдаланиш тажрибалари ва СФУ фао-лияти // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Т.: 2009. - №1. – Б.28.

146. Сангирова У.Р. Сувдан самарали фойдаланиш йўллари // Ўзбе-кистон кишлок хўжалиги. – Т.: 2009. - №9. – Б.25.

147. Сангирова У.Р., Усмонов Х.У. Сув хўжалигини ривожлантиришда инвестицион фаоллик // Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Т.: 2011. - №11. – Б.38.

148. Солиев Э.А. Шимолий Фарғона дарёлари сув ресурсларини баҳолаш // Нам.ДУ илмий ахбороти. – Наманган, 2005. - № 2. – Б.34-37.

149. Солиев Э.А., Умаров Х. Наманган вилояти сув ресурсларини баҳолаш //Ўзбекистон география жамияти ахборотномаси. – Тошкент, 2006. -№ 27.- Б. 46-47.

150. Тимирова М. Водосбережение – путь к рациональному использованию и предотвращению загрязнения воды // *Аграрная наука*. – Москва, 2001. №1. – С.17-18.
151. Умрзоков У.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 2 жилдлик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2008. – 608 ва 468 б.
152. Умурзоков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: “Фан”, 2005. – 224 с.
153. Умрзоков У.П. Сувни баҳолаш // *Ўзбекистон кишлок хўжалиги*. – Тошкент, 2005. – №10. – Б.25-26.
154. Умбетаев М. Плата за воду для орошения по доходам. // *Ж. Сельское хозяйство Узбекистана*. – 2000. -№ 4. С. 41-42.
155. Умурзоков У. П. Предпринимательская способность и рыночное экономическое мышления в процесс расширенного воспроизводства аграрного ресурсного потенциала // *Ж. Вестник аграрной науки Узбекистана*. 2002.№ 1(7).
156. Чертовичкий А.С., Базаров А.К. Вопросы платного водопользования // *Аграрная наука*. – Ташкент, 2005. - №11. – С.18-21.
157. Шохужаева З.С., Хужакулова Н.Р. Эффективность использования земельно-водных ресурсов // *Экономика и финансы*. – Москва, 2009. - №3. – С.91-93.
158. Шохўжаева З.С. Суғориладиган ерларни сув билан таъминлашда сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг роли // *Биржа эксперт*. – Тошкент, 2010. -№3. – Б. 28-30.
159. Шохўжаева З.С. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари // *Биржа эксперт*. – Тошкент, 2009. -№11. – Б. 18-21.
160. Шохўжаева З.С., Хамраева С.Н. Сув исроф бўлмасин // *Ўзбекистон кишлок хўжалиги*. – Тошкент, 2006. - №2. – Б.35.
161. Чертовичкий А., Таджибаев Б. Актуальные вопросы эффективного использования орошаемых земель // *Аграрная наука*. – Москва, 2002. №3. –С.47-49.
162. Эшонов Х.Э. Худудий принципдан ҳавза принципига // *Ўзбекистон кишлок хўжалиги*. –Тошкент, 2004.-№3.



163. Ярославский В., Дубина С. Проблема платного водопользования в орошаемом земледелии // АПК: Экономика и управление. – Москва, 2001. №10. –С.53-56.

164. Абдуразакова Н.М., Сангирова У.Р. Рыночные принципы водо-пользования в сельском хозяйстве Республики Узбекистан // Материалы юбилейной международной конференции. – Москва, 2007. – С.84.

165. Баратов А. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлигини ошириш масалалари. // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики. Сборник научных трудов. –М.: МГЭИ., 2008. С. 136-137.

166. Духовный В.А., Соколов В.И. Стратегия управления водными ресурсами Средней Азии // Науч. конф. Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда: Тез. докл. –Т., 2000. С. 122-124.

167. Данилов-Данильян В.И., Болгов М.В. О водной стратегии Российской Федерации на период до 2020 года // Водные проблемы крупных речных бассейнов и пути их решения. Сборник научных трудов. Барнаул: ООО «Агентство рекламных технологий», 2009. С.59-81.

168. Данилов-Данильян В.И., Георгиевский В.Ю., Асарин А.Е., Иванов АЛ. Водные, водохозяйственные и гидроэнергетические проблемы России. В кн.: VI Всероссийский гидрологический съезд. Тезисы докладов (пленарное заседание). М.: Росгидромет, 2004.

169. Маткаримов М.М. Проблемы и анализ эффективного использования орошаемых земель и водных ресурсов // Барқарор иқтисодий ривож-ланиш ва минтақавий ресурсларни бошқариш мавзусидаги халқаро анжуман тўплами: Тез. докл. - Ташкент – Ноттингем: 2001. –С.160-165.

170. Маткаримов М.М. Японияда сув хўжалигини бошқариш тизими //Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатни ислоҳ қилишнинг айрим муаммолари: Тез. докл. халқаро илмий амалий анжуман. 30-31 март 2004. – Урганч, 2004. 56-59 б.

171. Мусаева Н. Экономическая оценка водных ресурсов. // Социально-экономические проблемы развития интеграционных

процессов в условиях либерализации национальной экономики. Сборник научных трудов. – М.: МГЭИ., 2008. С. С. 252-253.

172. Материалы регионального консультативного семинара «Сотрудничество в области совместного использования водных ресурсов в Центральной Азии: опыт прошлого и проблемы будущего». Алматы, 2002.

173. БМТ Европа иқтисодий комиссияси Атроф-муҳит сиёсати кўмитаси Атроф-муҳит ҳолати шарҳининг 29-серияси. Ўзбекистон Иқкинчи шарҳ. 6-боб. Сув ресурсларини барқарор бошқариш ва муҳофаза қилиш. БМТ. Нью-Йорк ва Женева, 2010.

174. Пути рационального использования водных ресурсов Средней Азии и их охрана: Сб. науч. тр. САНИИРИ. – Ташкент, 1991. - № 165. – С. 65-67.

175. Сув Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс. БМТ Тараққиёт Дастури. – Т.: 2007.

176. Сангирова У.Р. Ўзбекистонда сув ресурслари ва ундан самарали фойдаланишнинг айрим жиҳатлари // Бозор муносабатларини ривожлан-тириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлан-тиришнинг устувор йўналишлари. Республика илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. – Тошкент, 2007. – Б.215.

177. Сангирова У.Р. Ресурс тежамкорлиги – давр талаби // Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. Республика илмий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б.113.

178. Сангирова У.Р., Далиева Ш.Д. Совершенствование системы платного водопользования в условиях мирового финансово-экономического кризиса // Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. – Москва, МГУЭ. – 2010. – С. 118.

179. Сафаров Ф. Налогообложение природных ресурсов в Узбекистане // Шестнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. 26 апреля 2003. – М.: изд-во РЭА, 2003. – с. 364-365.

180. Сафаров Ф. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов-ларнинг моҳияти // Глобаллашув шароитида миллий иқтисодиёт ривожла-ниши муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2003 йил 15-16 май. – Термиз: Термиз ДУ, 2003. 63-64-б.

181. Сафаров Ғ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларнинг назарий муаммолари // Ўзбекистон банк-молия тизимини ислох қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2003 йил 3 июнь. –Т.: БМА, 2003. 333-335 б.

182. Сафаров Ғ. Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишнинг иқтисодий механизми // Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2003 йил 10-12 ноябрь. – Т.: Солиқ академияси, 2003. 377-378 б.

183. Сафаров Ғ. Табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тор-тишнинг аҳамияти // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 204 йил 11-12 февраль. – Т.: ТМИ, 2004. 94-97 б.

184. Сафаров Ғ. Табиий ресурс солиқларининг вазибалари ва уларни ресурслардан фойдаланишга таъсирини кучайтириш // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш – принципаал муҳим устувор вазиба. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2005 йил 27-28 май. – Т.: Солиқ академияси, 2005. 162-165 б.

185. Чориев Қ.А. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муно-сабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТИМИ, 2007. – Б. 26-28.

186. Шохўжаева З.С. Орошение и использование водных ресурсов в южных регионах Узбекистана. Восемнадцатые международные плехановские чтения – Москва, 2005. – С.322-323.

187. Шохўжаева З.С. Сув танқислиги бугунги куннинг муаммосидир // Тармоқларда ҳисоб тизимларини такомиллаштириш ва халқаро андозаларга мослаштириш муаммолари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2007. – Б.166-168.

188. Brown L, Ayres E. (Edit.) The World Watch Reader on Global Environmental Issues. N.Y. - London: W.W. Norton Co., 1998. 358 p.

189. World Bank. Draft water sector policy. -Washington DC. - 2000. -С. 12-13.

190. Всемирная Метеорологическая Организация. Погода, климат и вода – движущая сила нашего будущего. 2012. ВМО. № 1084. – С. 14.

191. Barlow M. Blue Covenant: The Global Water Crisis and the Coming Battle for the Right to Water. New York: New Press, The, 2008. 196 pp. ISBN 978-1-59558-186-0.

192. Briscoe J. Article: Managing water as an economic good: Rules for reformers. October 2011. Water Supply 15(4) [www.researchgate.net/publication](http://www.researchgate.net/publication).

193. Burek P., Satoh Y., Fischer G., Kahil Mt., Scherzer A., Tramberend S., Nava Lf., Wada Y., Et all. 2016. Water Futures and Solution – Fast Track Initiative (Final Report). IIASA Working Paper. IIASA, Laxenburg, Austria: WP-16-006. P.88.

194. R. C. De Loe & H. Bjornlund. Sustainable Irrigation Management, Technologies and Policies II 35. Irrigation and water security: the role of economic instruments and governance. WIT Transactions on Ecology and the Environment, Vol 112, © 2008 WIT Press. [www.witpress.com](http://www.witpress.com), ISSN 1743-3541 (on-line). doi:10.2495/SI080041.

195. Grimble R. J. Economic instruments for improving water use efficiency: Theory and practice. Agricultural Water Management Volume 40, Issue 1, 1 March 1999, Pages 77-82. Natural Resources Institute, Social Sciences Department, University of Greenwich, Chatham Maritime, Chatham Kent ME4 4TBUK. [www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378-3774\(98\)00107-3](http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378-3774(98)00107-3).

196. D'Esopo D.I. A convex programming procedure // Naval Res. Logistics Quart. V. 6. №4. 1959. P.33^2.

197. D.McNeill Water as an economic good. October 2009. Natural Resources Forum 22(4):253 – 261. DOI: 10.1111/j.1477-8947.1998.tb 00735.x also “Water as an Economic Good” in Natural Resources Forum: A United Nations Journal, vol, 22 no. 4, November 1998.

198. Dowd R.M. EPA's air quality bubble revisteaV/Environ Sci and Technol. V. 18. № 8.1984. P.249A.
199. GleickP.H. Global freshwater resources: soft-path solutions for the 21-th century // Science. 302. № 5650. 2003. P. 1524-1527.
200. Global Environment Outlook 2000. London: Earthscan. Publ. Ltd., 1999. 398 p.
201. Hantusch M.S. Pompage d'essai dans un puits a proximite d'une riviere colmate // Bull.BRGM. Sect. III. № 3/4. 1976. P. 139-149.
202. Hazen A. The storage to be provided in impounding reservoirs for municipal water supply//Trans. ASCE. V. 77. 1914. P. 1539-1659.
203. Helmer R. Water Demand and Supply // Nucl. Desalinat. Sea Water: Proc. Int. Symp.,Taejon, 26-30 may, 1997. Vienna: 1997. P. 15-24.
204. Holling C.S. Resiliense and stability of ecological systems. Wien: Res. rep.IIASA:1973. 23 p. R-R-73-3.229
205. Liebscher H.-L. Conflict over water - can hydrology contribute anything toward theirsolution? IASH Publ. № 286. 2004. P.238-245.
206. Moulders E.A., Jenkins C.T. Analog-digital models of stream-aquifer systems // Groundwater. V. 7. № 5. 1969. P. 19-24.
207. O'Neil W., David M., Moore C, Joeres E. Transferable discharge permis and economic efficiency the Fox River // J.Emiron. Econ. Manag. V. 10. № 4. 1983. P.346-355.
208. Postel S. Hydro Dynamics // Natural History. V. 112. № 4. 2003. P.60-63, 66-67.
209. Rodda G. On the problems of assessing the World water resources. In: Geosci. and water resource environment data model. Berlin - Heidelberg. 1997. P. 14—32.
210. Falkenmark M., Widsrand C. Population and water resources: A delicate balance. Population Bulletin. 1992. 47(3). November. P. 36.
211. Shiklomanov L.A., Balonishnikova J.A. World water use and water availability: trends,scenarios, consequences // W r ater Resources Systems - Hydrological Risk, Management and Development. IAHS Publ., № 281. 2003. P.358-364.

212. Streeter H. W., Phelps E.B. A study of the pollution and natural purification of the Ohio river // Public Health Service. Washington: D.C., V. 146. 1925. P. 1-75.

213. Taylor O.J., Luckey R.R. Water management studies of a stream-aquifersystem, Arkansas river valley, Colorado // Ground water. V. 12. № 1. 1974. P.22-38.

214. The World Environment, 1972-1992. London: Chapman and Hall. 1992. 884 p.

215. Xia Jun, Yongqin David Chen. Water Problems and Opportunities in the Hydrological Sciences in China // Hydrological Sciences J. 46. № 6. 2001. P.907-921.

216. Young R.A., Brodehoeft J.D. Digital computer simulation for solving management problems of conjunctive use of grounds ater and surface water // Water resources research. V. 8. № 3. 1972. P.553-556

217. Ward. F. Financing Water Management and Infrastructure related to Agriculture across OECD Countries. www.cawater-info.net.

### III. Бошка адабиётлар

218. Материалы поездки сотрудников всемирного Банка по изучению управления водными ресурсами. – Т.: Узбектан, 1998. – С. 36-38.

219. Рациональное использование водных и земельных ресурсов. - Ташкент: Госкомприрода, - 1999. – С. 34-44.

220. Ўзбекистон Республикаси Статистик маълумотномаси. 2006-2020 йиллар учун.

221. Экономика Узбекистана: информационно-аналитический бюллетень. За 2006-2020 гг.

222. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2006-2020 йиллардаги маълумотлари.

223. “Тўртқул оқ-олтини” АЖнинг 2006-2020 йиллардаги маълумот-лари.

### IV. Интернет саҳифаларига ҳаволалар

224. [http:// www.cer.uz/reports](http://www.cer.uz/reports) - “Национальный консенсус в целях развития”нинг расмий сайти.

225. <http://www.uzreport.com> - Б.Т. Гайдаров асослари илмий расмий сайты

226. <http://www.uzreport.com> - Ахборот расмий сайты

227. <http://www.finance.uz> - Молия расмий сайты

228. <http://www.mf.uz> - Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг расмий сайты

229. <http://www.dod.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат сонди қўрағасининг расмий сайты

230. <http://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўрағасининг расмий сайты

231. <http://www.iaa.uz> - Ўзбекистон Республикаси Адлия назарлигининг расмий сайты

232. <http://www.ilsr.org/ecotax/greentax.html> - Institute for Local Self-Reliance расмий сайты

233. <http://www.bath.ac.uk> - Батонг Британия Батонг университетининг расмий сайты

234. [www.libero.it/pbcology/vodnye\\_recurcy\\_planety](http://www.libero.it/pbcology/vodnye_recurcy_planety)

340

Ушбу кўрсаткичларнинг таърифи ва таърифи ҳақида қўшимча маълумотларни кўриш учун 1-қўшимчага қараб келинг.

№	Турмуш	Ўзбекистон Республикаси												Ўзбекистон Республикаси				
		2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018					
1	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
2	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
3	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
4	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
5	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
6	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
7	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
8	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
9	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
10	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

ЎЗБЕКИСТОН

Ушбу кўрсаткичларнинг таърифи ва таърифи ҳақида қўшимча маълумотларни кўриш учун 1-қўшимчага қараб келинг.

Андижон вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>111</sup>

(млн. сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																				
		"Андижоннефть" ХЖ										"Андижон Ёр-мой" ХЖ										
		Йиллар										Йиллар										
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	Солиқ солинадиган база (ажми олдинги сувииниڭ умумий хажми), минг куб. м.	16,2	15,5	17,4	18,0	17,5	18,2	20,1	22,2	25,0	28,1	32,1	372,7	434,9	398,2	434,1	415,6	558,3	558,3	558,3	558,3	558,3
2.	Солиқ солинадиган базаниڭ камай-ти-рилши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Солиқ солинадиган база, минг куб. м.	16,2	15,5	17,4	18,0	17,5	18,2	20,1	22,2	25,0	28,1	32,1	372,7	434,9	398,2	434,1	415,6	558,3	558,3	558,3	558,3	558,3
4.	Бюджетта тўланган сув ресурсларидан фойдалانганлик учун солиқ суммаси	0,41	0,45	0,61	0,82	0,96	1,19	1,58	2,09	2,82	3,79	5,25	9,74	13,01	17,69	18,55	21,48	35,15	42,18	50,62	60,74	72,88
5.	Олдинги хисобот دائري хисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдалانганлик учун хисобланган солиқ суммаси	0,31	0,34	0,42	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	9,09	11,46	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Бюджетта хисобла тўланган солиқ суммаси	0,10	0,50	1,09	0,82	0,96	1,19	1,58	2,09	2,82	3,79	5,25	5,80	12,12	17,89	18,55	21,48	35,15	42,18	50,62	60,74	72,88

<sup>111</sup> Андижон вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бухоро вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сўв ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>112</sup>

(млн. сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																				
		"Иссиқлик имбиан"										"Шоҳруҳ" ХЖ										
		Йиллар										Йиллар										
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	
1.	Солиқ солинадиган база (ажми олдинги сувииниڭ умумий хажми), минг куб. м.	3218,5	3966,3	3067,8	3071,0	3007,8	3164,8	3761,4	3151,3	3245,8	3343,2	3426,8	13,4	19,1	31,5	19,2	27,3	25,7	26,5	27,2	27,8	28,8
2.	Солиқ солинадиган базаниڭ камай-ти-рилши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Солиқ солинадиган база, минг куб. м.	3218,5	3966,3	3067,8	3071,0	3007,8	3164,8	3761,4	3151,3	3245,8	3343,2	3426,8	13,4	19,1	31,5	19,2	27,3	25,7	26,5	27,2	27,8	28,8
4.	Бюджетта тўланган сув ресурсларидан фойдалانганлик учун солиқ суммаси	44,05	62,43	57,82	59,82	54,82	59,89	64,83	128,72	158,18	194,37	238,84	0,32	0,53	1,09	0,77	3,56	1,57	1,93	2,4	2,9	4,2
5.	Олдинги хисобот دائري хисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдалانганлик учун хисобланган солиқ суммаси	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Бюджетта хисобла тўланган солиқ суммаси	44,05	62,43	57,82	59,82	54,82	59,89	64,83	133,43	158,57	204,30	242,79	0,32	0,53	1,09	0,77	3,56	1,57	1,93	2,4	2,9	4,2

<sup>112</sup> Бухоро вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



**Жиззах вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси**<sup>113</sup>

(млн. сўмда)

Г/р	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		"Жиззах электр тармоқлари" ШК										МК-13											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солиналган база (жами олдинги суммага умумий ҳадави), минг куб. м.	1,1	0,7	2,5	2,8	2,1	2,7	3,1	2,8	3,1	3,5	3,9	19,4	15,4	7,5	8,3	13,2	13,2	14,4	15,7	20,3	26,2	33,8
2.	Солиқ солиналган базанинг қамийти-рилиши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Солиқ солиналган база, минг куб. м.	1,1	0,7	2,5	2,8	2,1	2,7	3,1	2,8	3,1	3,5	3,9	19,4	15,4	7,5	8,3	13,2	13,2	14,4	15,7	20,3	26,2	33,8
4.	Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	0,30	0,03	0,09	0,10	0,09	0,10	0,11	0,3	0,5	0,6	0,8	0,41	0,49	0,52	0,59	0,72	0,86	1,13	1,5	2,2	3,4	5,1
5.	Олдинги ҳисобот даври ҳисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган	0,20	0,01	0,04	0,0	0,0	0,0	0,01	0,0	0,0	0,0	0,0	0,30	0,36	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Бюджетга ҳисобда тўланадиган солиқ суммаси	0,41	0,12	0,07	0,08	0,09	0,10	0,12	0,2	0,3	0,6	0,8	0,0	0,0	0,52	0,59	0,72	0,86	1,13	1,5	2,2	3,4	5,1

<sup>113</sup> Жиззах вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

242

**Навоий вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси**<sup>114</sup>

(млн. сўмда)

Г/р	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		"Қизилқумоқ" ШК										Су											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солиналган база, минг куб. м.	3125,3	3438,7	3428,3	3486,3	2833,9	3339,4	3425,0	3512,8	3638,0	3767,6	3901,9	22093,5	23766,8	29145,5	27272,8	22647,9	22172,5	22342,8	22514,4	22912,5	23317,6	23729,9
2.	Солиқ солиналган базанинг қамийти-рилиши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	6846,8	7022,3	7256,6	7023,5	2841,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Солиқ солиналган база, минг куб. м.	3125,3	3438,7	3428,3	3486,3	2834,0	3339,4	3425,0	3512,8	3638,0	3767,6	3901,9	15246,7	16744,5	21888,9	20349,3	9806,2	22172,5	22342,8	22514,4	22912,5	23317,6	23729,9
4.	Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	73,1	87,7	105,2	127,1	123,8	175,0	218,2	272,0	339,0	422,6	526,9	340,0	423,5	526,3	740,2	868,8	1199,8	1469,2	1797,1	2203,1	2697,8	3303,6
5.	Олдинги даврда бўйича ҳисобланган солиқ суммаси	0,0	0,0	102,4	122,4	173,2	156,3	200,0	0,0	0,0	0,0	0,0	35,2	340,0	388,5	326,3	740,2	868,8	1199,8	1657,0	1957,0	2311,4	2729,8
6.	Бюджетга ҳисобда тўланадиган солиқ суммаси	73,1	87,7	2,8	4,7	49,4	18,8	18,2	71,5	345,3	435,3	548,8	340,0	423,5	557,0	740,2	953,0	1199,8	1097,8	1004,4	1089,8	1182,5	1283,1

<sup>114</sup> Навоий вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

243

Наманган вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>115</sup>

(млн. сўмда)

№	Курсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		Наманган вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан										10 ХВҚК МЎЖ											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган бема (замин олинган сувнинг ҳажми), минг куб. м.	331,4	318,8	72,3	326,1	318,2	308,9	258,2	215,8	280,4	350,8	426,0	37,1	37,1	37,1	37,1	37,1	0,0	37,9	38,3	38,7	39,1	
2.	Солиқ солини. база камейди, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	
3.	Солиқ солинадиган база, минг куб. м.	331,4	318,8	72,3	326,1	318,2	308,9	258,2	215,8	280,4	350,8	426,0	37,1	37,1	37,1	37,1	37,1	0,0	37,9	38,3	38,7	39,1	
4.	Бюджетга тўланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	7,29	8,42	2,74	14,84	17,38	24,28	20,30	15,4	23,9	105,2	153,4	0,97	1,08	1,33	1,33	1,53	2,30	0,0	2,7	3,3	11,6	14,1
5.	Оқдиган ҳисобот диври ҳисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	5,33	6,24	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-
6.	Бюджетга қилинган тўланган солиқ суммаси	5,33	6,24	5,80	1,39	20,06	17,70	43,38	15,4	26,0	107,3	158,4	0,97	1,08	1,77	0,81	1,86	2,32	0,53	0,9	3,2	11,7	15,1

<sup>115</sup> Наманган вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

244

Сирдарё вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>116</sup>

(млн. сўмда)

№	Курсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		Сирдарё МЎС ОАЖ										ФАРХОД ГЭС УЎК											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2007	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган бема (замин олинган сувнинг ҳажми), минг куб. м.	1694,2	1907,8	1879,4	1841,3	1931,0	1788,3	1775,3	1788,2	1801,2	1814,3	1827,5	1,8	1,3	1,0	0,0	0,0	433,0	354,0	418,6	495,0	585,3	692,0
2.	Солиқ солини. база камейди, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	-
3.	Солиқ солинадиган база, минг куб. м.	1694,2	1907,8	1879,4	1841,3	1931,0	1788,3	1775,3	1788,2	1801,2	1814,3	1827,5	1,8	1,3	1,0	0,0	0,0	433,0	354,0	418,6	495,0	585,3	692,0
4.	Бюджетга тўланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	10693,6	13759,9	16191,2	18999,7	23985,4	26694,7	31836,0	36837,0	44489,8	51526,1	54824,6	0,017	0,014	0,012	0,012	0,009	8,011	0,008	8622,9	12225,4	16621,4	20761,2
5.	Оқдиган ҳисобот диври бўйича ҳисобланган солиқ суммаси	8424,5	10693,6	13759,9	17253,4	21940,3	23985,4	26694,7	22730,2	20010,2	13621,4	9272,4	0,007	0,017	0,014	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-
6.	Бюджетга қилинган тўланган солиқ суммаси	2269,1	3066,3	2431,4	18236,3	20342,2	27332,5	21088,4	25906,0	39077,9	58947,1	65339,9	0,017	0,0	0,012	0,012	0,009	0,013	8307,7	21005,9	23708,7	26424,1	

<sup>116</sup> Сирдарё вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

245

**Тошкент вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар гомондан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси**<sup>117</sup>

(млн. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		OZBEKGOVIZKA OAJ										BEKABALDIYEMIN OAJ											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган базаси (шахн олмига суғуриш умумий ҳажми), минг куб. м	216	259,4	241,3	218,6	209,3	210,0	250,0	257,6	254,3	255,8	256,1	3466,3	3643,7	3443,1	3485,4	3650,9	3916,5	4035,0	4157,1	4282,9	4412,4	4546,0
2.	Солиқ солинадиган базасининг қиймати-ристави, минг куб. м	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	271,7	700,4	879,0	497,7	477,3	811,2	950,0	1051,9	1157,4	1266,6	1379,5
3.	Солиқ солинадиган базаси, минг куб. м	216	259,4	241,3	218,6	209,3	210,0	250,0	257,6	254,3	255,8	256,1	3194,6	2943,3	2564,1	2987,6	3173,6	3105,3	3085,0	3105,2	3125,5	3145,9	3166,5
4.	Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	5,3	7,4	8,3	9,2	10,6	12,7	16,1	18,2	22,2	25,1	31,0	74,1	78,2	79,7	112,1	143,0	169,5	216,0	275,3	266,9	943,8	1139,9
5.	Одинги ҳисобот даври ҳисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	4,7	6,8	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	69,2	73,4	73,4	103,0	143,0	143,0	169,5	33,0	22,7	-	-
6.	Бюджетга ҳисобда тулган солиқ суммаси	5,3	7,4	8,3	9,0	10,0	13,2	6,3	19,6	24,0	25,6	31,0	4,8	4,8	114,4	109,3	171,0	154,4	158,3	252,6	322,6	947,2	1172,5

<sup>117</sup> Тошкент вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

246

**Тошкент шаҳридаги йирик солиқ тўловчилар гомондан  
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси**<sup>118</sup>

(млн. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		"Утемирбаша" УК										ГОО ТИФМБ											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган базаси (шахн олмига суғуриш умумий ҳажми), минг куб. м	867,2	720,1	696,7	247,2	321,3	679,1	620,4	569,3	522,4	479,4	439,9	11,1	7,4	5,8	6,8	8,3	10	10	10,1	10,2	10,3	10,4
2.	Солиқ солинадиган базасининг қиймати-ристави, минг куб. м	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3.	Солиқ солинадиган базаси, минг куб. м	867,2	720,1	696,7	247,2	321,3	679,1	620,4	569,3	522,4	479,4	439,9	11,1	7,4	5,8	6,8	8,3	10	10	10,0	10,0	10,0	10,0
4.	Бюджетга тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	23,2	22,1	25,8	33,2	46,0	45,6	47,0	49,8	52,0	143,8	158,3	0,2	0,2	0,1	0,2	0,3	0,5	0,6	0,7	0,9	1,0	1,2
5.	Одинги ҳисобот даври ҳисоб-китоби бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	23,2	20,4	23,3	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	0,1	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-
6.	Бюджетга ҳисобда тулган солиқ суммаси	23,2	22,1	25,8	33,3	46,1	40,4	47,0	56,2	56,7	143,3	157,8	0,2	0,2	0,1	0,2	0,3	0,5	0,6	0,8	0,9	1,1	1,3

<sup>118</sup> Тошкент шаҳри ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хоразм вилоятидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>119</sup>

(млн. сўмда)

Т/р	Курсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		Хави тешкоммуналхизматига боғлиқлиги										Экинсуғиш уюшти бошқармаси											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган базис (жами олинган суғнинг умумий хисса), минг куб. м.	1,0	0,3	1,1	0,5	0,55	суғанишнинг фойдаланганлик	суғанишнинг фойдаланганлик	суғанишнинг фойдаланганлик	суғанишнинг фойдаланганлик	суғанишнинг фойдаланганлик	суғанишнинг фойдаланганлик	218,7	223,4	274,8	160,0	154,9	278,1	275,0	278,1	281,2	284,3	287,3
2.	Солиқ солинадиган базиснинг қиймати-ризиши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	
3.	Солиқ солинадиган базис, минг куб. м.	1,0	0,3	1,1	0,5	0,55	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	218,7	223,4	274,8	160,0	154,9	278,1	275,0	278,1	281,2	284,3	287,3	
4.	Бюджетга тўланадиган суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	0,02	0,02	0,03	0,02	0,02	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	4,72	5,54	8,19	5,73	6,66	14,35	17,0	19,8	24,0	27,9	34,5	
5.	Олдинги ва ҳозирги даврда ҳисоб-китоби бўйича суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	0,0	0,0	0,03	0,01	0,02	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	3,33	5,04	6,69	5,14	5,00	17,16	17,2	-	-	-	-	
6.	Бюджетга ҳисобдан тўланган солиқ суммаси	0,02	0,02	0,03	0,02	0,02	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	4,72	5,54	8,19	5,73	6,66	14,35	34,2	19,9	24,0	27,9	34,5	

<sup>119</sup> Хоразм вилояти ДСБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик солиқ тўловчилар томонидан суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш динамикаси<sup>120</sup>

(млн. сўмда)

Т/р	Курсаткичлар	Солиқ тўловчилар																					
		ҲЖ										МШБ											
		Йиллар										Йиллар											
2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019		
1.	Солиқ солинадиган базис (жами олинган суғнинг умумий хисса), минг куб. м.	365,3	438,5	402,2	401,2	428,3	472,1	472,0	471,9	472,1	472,3	472,5	8,9	6,2	3,2	0,9	2,1	2,1	2,1	2,2	2,3	2,5	2,7
2.	Солиқ солинадиган базиснинг қиймати-ризиши, минг куб. м.	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3.	Солиқ солинадиган базис, минг куб. м.	365,3	438,5	402,1	401,2	428,3	472,1	472,0	471,9	472,1	472,3	472,5	8,9	6,2	3,2	0,9	2,1	2,1	2,1	2,2	2,3	2,5	2,7
4.	Бюджетга тўланадиган суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси	23,0	31,6	3786,9	4603,8	5311,5	7034,0	8448,8	9721,1	11660,7	13413,0	14174,5	193,1	153,3	132,8	29,0	93,7	104,9	130,0	155,2	197,0	745,8	964,8
5.	Олдинги ва ҳозирги даврда ҳисоб-китоби бўйича суғ ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳисобланган солиқ суммаси	16,4	2294,6	3786,9	4603,8	5310,4	7034,0	6336,6	5708,4	6283,7	6921,5	7621,6	178,8	139,3	137,1	10,8	93,7	110,0	-	-	-	-	-
6.	Бюджетга ҳисобдан тўланган солиқ суммаси	17,2	33,6	4705,6	3402,1	5382,1	7790,2	6812,6	5957,7	6770,9	7695,0	8745,3	-	61,7	132,8	29,0	93,7	109,9	131,9	158,3	197,9	747,4	964,9

<sup>120</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2009-2019 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ қарздорлигининг  
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадларини шакллантиришга таъсири<sup>121</sup>

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да	млрд. сўмдан	% да
Давлат бюджетининг жами даромадларини шакллантиришдаги солиқ қарздорлигининг, махсус фондларнинг қарздорлигининг	231,6	100	221,1	100	234,3	100	344,7	100	364,7	100	434,9	100	565,9	100	721,4	100	1 123	100	2 771,1	100	2 836,4	100
- шу жумладан, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ қарздорлиги	61,8	26,7	62,7	28,3	69,4	29,6	104,7	30,4	104,9	28,8	127,3	29,3	167,0	29,5	278,5	38,6	407,7	36,3	509,2	18,4	571,9	20,2
- шу жумладан, сув ресурсларидан фойдаланишдаги солиқ қарздорлиги	0,3	0,1	0,3	0,1	0,3	0,1	0,5	0,1	0,5	0,1	0,6	0,1	0,7	0,1	0,9	0,1	1,3	0,1	2,5	0,1	2	0,1
Сув ресурсларидан фойдаланишдаги устуворлик учун солиқ қарздорлигининг ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича солиқ қарздорлигининг иқтисоди	x	0,4	x	0,4	x	0,5	x	0,4	x	0,4	x	0,4	x	0,4	x	0,4	x	0,4	x	0,4	x	0,4
Солиқ қарздорлиги иқтисодларининг олдинги йилга нисбатан ўсish суратлари:																						
- давлат бюджетининг жами даромадлари бўйича	x	134,1	x	95,5	x	106,0	x	147	x	105,8	x	119,2	x	130	x	127,5	x	155,7	x	246,8	x	102,4
+ ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича	x	96,8	x	101,4	x	110,8	x	151	x	100,1	x	121,4	x	131	x	166,7	x	146,4	x	124,9	x	112,3
- сув ресурсларидан фойдаланишдаги устуворлик учун солиқ бўйича	x	86,9	x	102,4	x	117,1	x	148	x	98,7	x	122,3	x	132	x	127,5	x	155,7	x	170,9	x	79,7

<sup>121</sup> Жадвалда фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари ҳисобга олинган.

250


2008-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг  
мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси асосий нарамеллари<sup>122</sup>

№	Кўрсаткичлар	(млрд. сўм)														
		2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил*	2020 йил	Жами	
1	<b>Даромадлар</b>	75,0	130,0	150,0	184,5	210,0	227,5	272,1	308,4	422,0	455,0	553,4			1 619,0	
1.1	доома ер солиғи ва тушма	55,0	66,0	62,3	94,2	123,5	141,7	160,0	180,0	185,0	197,8	227,5			1 493,0	
2	бюджетнинг махсус фондлари	20,0	64,0	87,7	81,2	76,4	74,8	99,6	134,0	218,9	232,5	300,8			1 409,9	
3	"Узелловий ливни" дивизия ливни комплекслари учун қаратилган қарз мобил қарзлар қайтариш	0,0	0,0	0,0	9,1	10,1	11,0	12,5	16,4	18,1	24,7	25,1			127,0	
11	<b>Хариятлар</b>	75,0	130,0	150,0	184,5	210,0	227,5	272,1	308,4	422,0	455,0	553,4	777,2	812,8	4 679,1	
1.1	Мелиорация тизимларини қуриш ва қайта тикмирлади (реабилитация) ишлари учун	75,0	101,4	121,5	163,0	184,6	199,9	235,6	302,4	371,0	412,0	496,4	725,2	819,6	4 207,6	
1.1.1	қуриш ва реконструкция	75,0	55,4	64,5	85,0	91,7	104,9	127,6	146,4	176,0	203,0	241,0	437,3	502,9	2 310,7	
	лиқда: талдикот лойиқаларини тикмирлади хужжаги лари	0,0	2,0	4,5	6,0	6,5	5,5	1,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	29,0	
1.2	Ташкил этиш иқтисоди ва тикмирлади ишлари учун	0,0	46,0	57,0	78,0	92,9	95,0	108,0	156,0	195,0	209,0	255,4	287,9	316,7	1 896,9	
	лиқда: талдикот лойиқаларини тикмирлади хужжаги лари	0,0	2,5	2,7	3,9	4,6	4,3	5,5	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	23,5	
2	Мелиорация техникаси паркин янгилаш	0,0	27,3	27,2	20,0	23,9	26,1	29,0	35,0	35,0	37,0	40,0	52,0	62,4	414,9	
3	Томирлади сирини тизимини жорий этиш	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	5,5	10,0	12,0	2,0	2,5	0,0	0,0	33,0	
4	Ўзбекистон Республикаси Молия ва иқтисоди ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиорация ҳолатини яхшилаш фондини ботқилиқ доирасини қаровали	0,0	1,3	1,3	1,5	1,5	1,5	2,0	3,0	4,0	4,0	4,5	0,0	0,0	24,5	

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроекономиқ кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети нарамеллари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги қарорига асосан 2019 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғатилган.


<sup>122</sup> 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1027-сонли, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли, 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли, 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли, 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли, 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли, 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли, 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли, 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699, 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни такомиллаштиришга доир ўзгаришларни Қонунчиликга киритишнинг блок схемаси<sup>123</sup>



<sup>123</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами асосида муаллиф томонидан тузилган.


Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаш ва тўлаш блок схемаси<sup>124</sup>



<sup>124</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи юридик шахслар соғи ҳудудлар ноҳиясида солиқтўловчи маълумоти

(та барликда)



125 Жадвалда факат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тегишди йиллардаги маълумотлари ҳисобга олинган.

Қўشقандарь вилояти, 1-йил

Қўشقандарь вилояти, 2-йил

Қўشقандарь вилояти, 3-йил

Қўشقандарь вилояти, 4-йил

Қўشقандарь вилояти, 5-йил

Қўشقандарь вилояти, 6-йил

Қўشقандарь вилояти, 7-йил

Курбанов Данияр Розумбасвич

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА  
ВА САМАРАДОРЛИ ФЙДАЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ  
ДАСТАКЛАР АСОСИДА РАЎБАТЛАНТИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Монография

Тошкент – «VNESHINVESTPROM» – 2021

Мухаррир:	<i>С.Т.Хашимов</i>
Мусаххих:	<i>С.Гатурова</i>
Саҳифаловчи:	<i>А.Ҳидоятмов</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 242 04.07.2013 й.  
Теришга берилди 20.03.2021 й. Босишга рухсат этилди 12.05.2021 й.  
Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. "Times" гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоғ 17,5. Адади 100 нуска.

«VNESHINVESTPROM» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Навоий кўч., 30-уй.